

АБДУҒАНИ ХОЛБЕКОВ  
УЛУҒБЕК ИДИРОВ

# СОЦИОЛОГИЯ

(ИЗОҒЛИ ЛУҒАТ — МАЪЛУМОТНОМА)

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ БЕН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЯТИ  
1999

**Тақризчилар:**

География фанлари доктори, профессор Озод Ата — Мирзаев,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент Камолiddин Юнусов

Масъул муҳаррир: социология фанлари доктори  
Мансур Бекмуродов

Сўзбоши муаллифи: ҳуқуқшунослик фанлари доктори,  
профессор Акмал Саидов

ISBN 5—638—01373—3

© А. Ж. Холбеков., У. Ю. Идилов,  
1999.

# СОЦИОЛОГИЯ ОЛАМИГА МАРҲАМАТ

(сўз боши ўрнида)

Адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида фуқароларнинг нафақат иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий муносабатлар соҳасида, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳам фаоллигининг ошиши табиийдир. Бу эса ватандошларимизни ижтимоий соҳа юзасидан билимларининг замон талабларига тўла мос бўлишини талаб этади. Шу боис уларни ижтимоий билимлар ва ахборот билан етарли даражада таъминлаш зарур. Одамлар билан ишлашни такомиллаштириш, демократик ислохотлар даврида ижтимоий ҳаёт муаммоларининг долзарблиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифалари фуқароларнинг ижтимоий руҳшунослик, социология соҳасидаги билимларни оширишни зарурат қилиб қўймоқда. Лекин ҳозирда одамларимизнинг жадал ўзгараётган янги ижтимоий муносабатларга, ижтимоий вазиятга тезда кўникишларига ёрдам бера оловчи махсус услубий ва луғат-маълумотнома тарзидаги адабиётлар гоят тақчил. Ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолар юзасидан ҳам луғатлар ҳали етарли эмас. Айниқса, ҳозирги замон фанида ўзининг ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти, оммавийлиги, қизнқарлилиги ва амалий самараси билан ажралиб турувчи социология фани бизда ҳали ўз ўрнини топган деб бўлмайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар социология бизда расман қўллаб-қувватланмаган эди, ҳатто баъзи даврларда у кибернетика, генетика ва информатика каби фанлар билан бир қаторда «ўғай», «буржуача фан» бўлиб келди. Мустақиллигимизнинг дастлабки даврдан бошлабоқ Президентимиз И. А. Каримов жамоатчилик фикрини жиддий ўрганиш муаммоларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Президентимизнинг фармониغا мувофиқ 1997 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Марказининг ташкил этилиши ва махсус социологик журналнинг чоп этила бошланганли-

ги мамлакатимизда социология фани равнақи учун барча шароитларга йўл очди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тарихан Шарқда жамоатчилик фикри катта рол ўйнаб келган. Инсон ва жамият ривожининг қонуниятлари — анъанавий Шарқ социологиясининг муҳим мавзуйидир.

Ўзбек социология мактаби — борлиқнинг азал-абад муаммолари хусусида ўйламиш ва баҳс юритмиш уламо-лардан шоирларгача, ҳукмдорлардан оддий дарвешларгача бўлган беҳисоб фан ва маданият арбобларининг маънавий изланишлари ҳосиласидир. Жаҳон фани ва маданияти тарихига муборак номлари мангу ёзилган буюк ватандошларимиз VIII асрдан бошлаб бошқа соҳалар каби социологиянинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Имом ал-Бухорийнинг асарларида, айниқса унинг машҳур «Саҳиҳи ал-Бухорий» номли ҳадислар мажмуасида социология масалалари бўйича қизиқарли хулосалар ва қайдларга дуч келиш мумкин. Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг табаррук ҳадисларида мусулмон уммати аъзоларининг оила ва жамиятдаги хулқ-атвори қоидалари мужассамлашгандир.

Шарқ соҳилоглари томонидан мадҳ этилган мукамал жамият «Мадина ал-фузало» — «Фузалолар шаҳри» ғояси Марказий Осиёдаги кўплаб алломаларнинг асарларида акс этди. Адабиётимиз мумтоз вакиллари-нинг меросида жамият равнақининг, давлатни бошқаришнинг, жамиятда шахснинг ўрни ва ролининг у ёки бу масалаларига бағишланган қайдларни, бобларни, ҳатто махсус рисоаларни учратамиз.

Маълумки, жаҳон фани тарихида социологиянинг моҳияти турлича талқин этиб келинган. Дастлаб у жамият ҳақидаги фан (О. Конт, Г. Спенсер) сифатида жуда кенг тушунилар эди.<sup>1</sup> Шу билан бирга унинг аниқ илмий услубларини назарда тутган ҳолда ижтимоий физика (Л. Кетле) деб ҳам изоҳланган.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, дастлаб Европада тараққий этган ва ўзининг илмий мақомига кўра янги фан бўлган социология аввал бошданоқ кенг ижтимоий муаммоларни дадил ва асосли равишда қўя бошлади (М. Вебер, П. Сорокин, Г. Зим-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Конт О. *Дух позитивной философии*. — СПб, 1910; Спенсер Г. *Основания социологии*. — СПб, 1877, т. 2.

<sup>2</sup> Қаранг: Кетле Л. *Социальная физика или Опыт исследования развития человеческих способностей*. — Киев 1911. т. 1.

мел) ва шу маънода у моҳиятан макросоциология эди.<sup>3</sup> Унинг Америкадаги кейинги ривожини эса одатда «кичик» ижтимоий ҳодисаларни ўрганувчи микросоциология тарзида янги қирраларини намоён этди (Ж. Дьюн, Ж. Морено, Ж. Хоманс, Р. Бейлс, К. Левин, Э. Мэйо ва б.).<sup>4</sup> Аммо бу аслида назарий (методологик) ва амалий (тадбиқий) социология ўртасидаги фарқ, академик ва эмпирик кўринишдаги социология эди. Шунинг учун улар айрича мавжуд бўла олмас эдилар. Шу тариқа америкача ва европа фанида макро- ва микро- ёндошувлар ягона социология фанига Т. Парсонс, Р. Мертон, Н. Смелзер томонидан синтез қилинди.<sup>5</sup> Айниқса америкалик социолог Р. Мертоннинг бу соҳадаги уринишлари самарали бўлди. У ўрта даражадаги назариялар тизмини сифатида социология концепциясини асослаб берди.<sup>6</sup> Шу тариқа социологияни уч даражадаги фан деб замонавий тарзда тушуниш шаклланди.

Бизнинг шиддатли давримизга ҳамоҳанг бўлган социологияни тўлиқ ва чуқур ўзлаштиришимиз унинг моҳиятини тўғри англаб олишимизга боғлиқ. Аммо ҳозирда у тобора оммавийлашиб бораётганига рақаммай, уни юзаки талқин этувчилар ҳам топилади. Баъзан социологиянинг амалий томони бўрттириб, у қандайдир социологик сўровлар билангина шуғулланувчи фан деб изоҳланаётган ҳолатлар ҳам учрайди.

Аслида эса социология чуқур назарий фан бўлиб, ҳар тарафлама, вазмин назарий билимлар асосидаги ўзига хос социологик тафаккурсиз бу соҳани эгаллаб бўлмайди. Бунда аввало социология назарияси, яъни унинг асосий тушунчалари, ғоялари, қондалари, методологияси, қонун ва категорияларини билмоқ керак. Бу эса социология классиклари ва бу фаннинг оёққа туришига ҳисса қўшган барча мутафаккирларнинг ижоди билан танишишни талаб этади. Ҳар қандай социолог назарий социологияни четлаб ўта олмайди. Социология назариясини ўзлаштириш эса унинг тарихини ўрганишдан бошланади. Турли социологик назариялар, оқимлар,

---

Вебер М. Избранные произведения. — М., 1990; Зиммел Г. Социальная дифференциация. — М., 1909; Сорokin П. А. Человек, цивилизация, общество. — М., 1992.

<sup>4</sup> Қаранг: Арон Р. Этапы развития социологической мысли. — М., 1993.

<sup>5</sup> Parsons T. The Social System. N. Y., 1951; Parsons T., Smelser N. J. Economy and Society. N. Y.: 1956.

<sup>6</sup> Merton R. Social Theory and Social structure. Glencoe, 1957.

мактаблар вакилларининг ўзига хос, баъзан зиддиятли таълимотларини пухта ўрганиш, уларни таҳлил қила билиш кўникмасини эгаллаш зарур. Биринчи манба, яъни социология классикларининг асарларини бевосита қўлда қалам билан ўрганиш мислсиз фойда беради.

XX асрнинг иккинчи ярмида социология соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Тобора ривожланиб бораётган ахборотлар оқими социология учун қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратмоқда. Ҳозирда социология ривожланган мамлакатлардаги житимой-сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган.

Мустақил Ўзбекистонда социология мактабини яратиш, замонавий социологик билим ва социологик тафаккурни шакллантириш, уни таълим тизимида, бошқарувда ва бошқа соҳаларда назарий, эмпирик ва тадбиқий фан сифатида шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хизмат қилиши табиий. Зеро, шаклланаётган янги жамиятимиз учун замонавий социологик назариялар жуда зарур.

Социология ижтимоий тизимларнинг ривожланиши ва амал қилиши қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида эмпирик услублардан фойдаланиб, турли ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини ва кишилар ижтимоий ҳатти-ҳаракатининг умумий қонуниятларини ўрганади. Социология муайян тадқиқот объекти ва услубларини қисқа вақт ичида танлай билиши ва жамиятнинг ривожланиш моделларини илмий ишлаб чиқа олиши туфайли ҳам у бизга зарур. Социология илмий услублар ёрдамида ҳосил қилинган эмпирик (тажрибага асосланган) маълумотлар асосидагина умумлаштирилган хулосалар чиқара олиши билан ҳам қадрлидир. Чунки социологиянинг жамиятни илмий ўрганишдаги услублари ўрнини бошқа ҳеч бир ижтимоий фан услуби боса олмайди ва бу социология методологиясининг аҳамиятини белгилайди. Шу маънода Ўзбекистонда кенг кўламли назарий-методологик муаммоларни қўйиш, социологияда назарий фикрлашни, ижтимоий дунёга таҳлилий назар солиш кўникмаларини ҳосил қилиш вақти етди. Бу эса социология фани муаммолари бўйича янги мазмундаги, кенг китобхонлар оммаси учун қизиқарли ва фойдали бўлган китоб ва рисолалар, дарсликлар ҳамда қўлланмаларни ҳаётини эҳтиёж қилиб қўймоқда. Шу муносабат билан сўнги йилларда социология бўйича бир қатор диққатга сазовор ўқув қўлланмалари, китоб ва рисола-

лар чоп этилди,<sup>7</sup> илк докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.<sup>8</sup>

Ушбу китоб мамлакатимизнинг бир неча олий ўқув юртларида социология фанини ўқитишнинг бир неча йиллик тажрибаси ва мамлакатимизда фаолият юритаётган «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги Маркази томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш тажрибалари асосида ёзилган. Илмий адабиёт танқислиги, айниқса ўзбек тилида мазкур соҳага тегишли дарслик, рисола ва қўлланмалар ҳозирча ғоят камлиги шароитида ушбу луғат-маълумотнома ўқувчиларга фойдали бўлади деган умиддамиз. У маълум маънода социологик савод чиқаришга қаратилган. Китобда социологиядаги барча оқим, мактаб вакилларига тўхталиб, уларнинг турли қарашлари ҳақида маълумот берилган. Шу пайтгача ўзбек тилидаги илмий адабиётларда учрамайдиган мутафаккирлар ва социологлар, ижтимоий фанларнинг социологиядан бошқа соҳа вакиллари қарашлари ҳам баён қилинган. Бу эса социология фани тўғрисида атрофлича тасаввур беришга имкон берган. Ҳар бир социолог ёки мутафаккир ҳақида сўз кетганда, унинг назарий қарашлари, социология фани ривожига тутган ўрни, у асослаб берган асосий тушунча ва ғоялар ҳақида ҳам умумий тавсиф берилган. Келтирилган атамаларнинг асосий қисми ўзбек тилида биринчи марта истеъмолга киритилмоқда. Лавҳалар ўзбек тилида берилгани ҳолда, кўпгина атамаларнинг эквиваленти (тенг маъноси) жорий бўлган тилда берилган.

Ушбу китоб мустақиллик йилларида биринчи марта чоп этилаётган изоҳли луғат-маълумотнома хусусиятига эга бўлган адабиётлар сирасига киради. Унда социология мустақил илмий ва ўқув фани сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, луғат-маълумотномада бир қатор социологик муаммоларга янгича ёндошув акс этган, унда янги муаммолар, назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари ҳам акс этган. Учинчидан, луғат-маълумотнома яхлитлик ва кенг кўламлилик хусусияти-

---

Қаранг: Бегматов А. Социологияга кириш. — Андижон, 1995; Бекмуродов М. Социология асослари. — Т.: Фан, 1994; Бекмуродов М. Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. — Т.: Фан, 1995; Холбеков А. Ж. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. — Т.: Университет, 1996 ва б.

<sup>8</sup> Қаранг: Бекмуродов М. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора социологических наук. — Ташкент, 1997. ва б.

га эга ва бу социология фанининг мазмун-моҳиятини тушунишни осонлаштиради. Тўртинчидан, луғат-маълумотнома ҳар қандай мафкуравийликдан холи, холисона баён қилинган. Бу маърифий жамиятга, демократияга асосланган инсонпарвар жамият қуриш мақсадларига мосдир. Бешинчидан, луғат-маълумотнома анъанавий қарашлардан йироқлиги билан ажралиб туради.

Албатта, луғат-маълумотнома бу соҳадаги биринчи уриниш бўлганлиги учун айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шу боис талабчан китобхонлар томонидан билдирилган барча танқидий фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

Хуллас, луғат-маълумотнома барча социология фани билан қизиқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, у ўқувчиларга биз яшаётган жамият муаммоларини теранроқ англашларига ёрдам беради деган умиддамиз. Шу тариқа ижтимоий муаммоларнинг ечимига яқинлашиш, шахсий ва ижтимоий ҳаётни уйғунлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш мумкин.

Социология оламига марҳамат, азиз китобхон!

*А. Х. САИДОВ, ҳуқуқшунослик  
фанлари доктори, профессор.*

## ЛУҒАТ-МАЪЛУМОТНОМАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Луғат-маълумотнома охирида барча тушунчалар, аталар, шунингдек исм-шарифларнинг алифбо кўрсаткичи берилган.

Луғат-маълумотномада баъзи қисқартмалар ҳам учрайди:

ва б. —	ва бошқалар
ҳ.к. —	ҳоказо
лот. —	лотинча
фр. —	французча
ингл. —	инглизча
нем. —	немисча
а. —	аср
қ —	қаралсин

Биз луғат-маълумотномада келтирилган араб, форс ва бошқа шарқ тилларидан кириб келган сўзлар аллақачон сўз бойлигимизга айланиб кетганлиги боис, уларнинг луғавий маъносига алоҳида тўхталмадик.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980—1037) — Марказий Осиёнинг бутун оламга машҳур мутафаккири. Ибн Синонинг асосий асари — «Китоб уш-шифо» 18 жилддан иборат бўлиб, уни фалсафий билимлар энциклопедияси деса бўлади. Ибн Синонинг социал-сиёсий қарашлари унинг фалсафий қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Мутафаккир ижтимоий-фалсафий соҳада Форобий ишини давом эттирган. Ибн Синонинг ижодида фаннинг тузилмасини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. У фалсафий билимларни мантиқ, физика, математика, метафизика таркибиде келтирган. Хусусан мантиқ билишнинг услуби, мавжудот ҳамда фикр юритишнинг илмий усули сифатида талқин этилади. Мантиқдан ташқари барча қолган илмларни мутафаккир табиат ва ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги илмлар сифатида ўзининг «Ақсом ул-улум ул-ақлийя» («Ақлий билимлар таснифи») асарида алоҳида-алоҳида санаб ва таъриф бериб ўтади (асарда 29 илм тармоғи тилга олинган). Ибн Сино аввало фалсафий илмларни иккига ажратган: назарий ва амалий илмлар. Назарий илмларни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий илмлар деб таърифлайди. Амалий илмларнинг объекти эса инсон фаолиятидир. Назарий илмлар ҳақиқатни билишга, амалий илмлар эса яхши ишларни бажаришга қаратилган. Фалсафанинг назарий қисми каби (табиатшунослик, математика, метафизика) амалий қисми ҳам учга бўлинади. Булар: а) шахс ҳақидаги илм; б) инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм; в) давлатни, мамлакатни бошқариш илми. Шуниси диққатга сазоворки, Ибн Синонинг бундан 10 аср олдин фалсафанинг амалий қисми тўғрисидаги айтган бу фикрлари ҳозирги замон социология фанининг асосий муаммоларига ҳамоҳангдир. Мутафаккир инсонларнинг кундалик амалий ишларидаги энг зарур муносабатлари билан бир қаторда инсонлараро муносабатлар, жамиятда

турли табақаларнинг муносабатларини ҳам ўз асарларида махсус ёритган. Ибн Сино фикрича, идеал жамоага реал жамиятда ҳам эришиш мумкин. Бунинг учун жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак. Донишманд мутафаккир жамият кишиларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши зарур деган илғор ғояни илгари сурган. Бунда жамиятнинг барча аъзолари бу қонунларга итоат этишлари шарт. Қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши керак. Агарда ҳоким подшонинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши қўзғолони одилон ва жамият томонидан қўллаб-қувватланмоғи керак. Ибн Синонинг ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги, ахлоқ, адолат, идеал жамоа ҳақидаги фикрлари ҳозирги замон жамиятшунослиги учун ҳам аҳамиятлидир.

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ.** Муҳаммад ибн Аҳмад (973—1048) — Марказий Осиёлик буюк қомусий олим, дунё фанининг улуғ сиймоларидан бири. Беруний 150 дан зиёд асар ёзган бўлиб, кўпчилик китоблари ўз замонасида ўзига хос қомус ҳисобланган. Абу Райҳон Беруний ижтимоий назариялар соҳасида ҳам самарали ижод қилган. У социологияда жуғрофий йўналишнинг таъмал тошини қўйган олимлардан бири эди, дейиш мумкин. Маълум маънода жуғрофий мактаб Форобийдан бошланган бўлиб, араб социологи Ибн Холдун ижодида яққол кўзга ташланган эди. Берунийнинг кўпгина асарлари шу замонда яшаб ўтган халқларнинг социал, хўжалик ва сиёсий ҳаёти соҳасида ҳам бутун бир энциклопедия бўлиб хизмат қилади. Социал ходисаларни текширишда у рационалистик хулосаларга асосланган. Мутафаккир бу ҳодисаларни таҳлил қила туриб жуғрофий муҳит омилига катта эътибор берган. Бунда у ўз тадқиқотларига таянган. Масалан, унинг тарихий-этнографик характердаги, исломгача бўлган бутун бир даврни очиб берувчи «Ёдгорликлар» асарида юнонлар, римликлар, эронийлар, сўғдлар, хоразмликлар, насронийлар, яҳудийлар, исломгача бўлган арабларнинг йил ҳисоблари, турли байрам ва машҳур кунлари, умуман маънавий ҳаёти муфассал тасвирлаб берилган. Бунда олим қиёсий таҳлил услубидан кенг фойдаланган. Масалан, у ҳинд фани ва фалсафаси, диний эътиқодлари ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотларни юнон фалсафаси ва мифологияси билан солиштирган.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тушунтиришда

Беруний кишиларнинг эҳтиёжлари омилининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб берган. Хусусан у одамларнинг бир-бирини ҳимоя қилиш эҳтиёжи, муомала эҳтиёжи (ундан тил келиб чиққан), моддий ва маънавий эҳтиёжларни (улардан фанлар келиб чиққан) ажратиб кўрсатган. Мутафаккир шунингдек, жамиятни бошқариш масалалари билан ҳам қизиққан. Унинг фикрича, у ёки бу давлат арбобининг ҳокимиятни бошқаришга яроқлилиги унинг давлатга раҳбарлик қилишдаги қобилиятига боғлиқдир.

Умуман, Берунийнинг мислсиз бой илмий ва хусусан, социологик меросини ўрганиш Ўзбекистонда социология фанининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун буюк мутафаккирнинг барча асарларини чоп этиш замон талабидир.

**АВЛОД** — номинал гуруҳни ифодаловчи ижтимоий-ёш категорияси. Битта авлодга ёши маълум бир оралиққа (15—20 йил) мансуб бўлган одамлар киради.

**АВТОРИТАРИЗМ** (лот. **autoritas** — ҳокимият) — шахсий ҳокимият, бошқарувнинг диктаторлик услублари билан ифодаланувчи давлат тизими.

**АВТОРИТАРЛИҚ** — шахснинг ўзаро муомалада ва муносабатларда бошқа шахсларни ўз таъсирига иложи борича кўпроқ бўйсундиришга уринишини ифодаловчи ижтимоий-руҳий хусусият.

**АВТОРИТЕТ** — ҳокимиятни бирор-бир шахс ёки ташкилотнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ижтимоий таъсирига асосланган ҳолда амалга оширишнинг шакллари билан бири.

**АГЛОМЕРАЦИЯ** (лот. **agglomerare** — қўшиб олиш, тўплаш) — шаҳар ва қишлоқ турар жойларининг яхлит ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаси асосида вужудга келган ва умумий янаш тарзига, ўзига хос сиёсий тузилмага эга бўлган ўзаро боғланиб кетган бирлиги.

**АДАБИЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — адабиётни ижтимоий ўзаро ҳаракатлар наъмуналарини ёзма равишда қайд этиш санъати сифатида ўрганувчи фан тармоғи. Адабиёт ўзига хос ижтимоий институт сифатида жамиятда жорий бўлган меъёрлар ва қадриятларнигина эмас, балки ижтимоий табақалашув, ижтимоий тартиб, турли гуруҳларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги тасаввурларини ҳам қайта шакллантиради.

**АДАПТАЦИЯ** (лот. **adaptatio** — мослаштириш) — инсоннинг янги фаолият шароитларига, маълум бир иж-

тимой гуруҳлардаги муносабатлар тизимига мослашуви.

**АДОРНО** Теодор (1903—1969) — немис файласуфи ва социологи. Адорнонинг Хоркхаймер билан биргаликда ёзган «Маърифат диалектикаси» (1947) асари ғарб номарксистик фалсафасининг дастури баёни ва унинг ўзига хос тарих фалсафаси ҳисобланади. Унда инсониятнинг ривожини «муваффақиятсиз цивилизация» тарихи сифатида намоён бўлади. Жаҳон тарихига ақл ва эркинлик ривожини нуқтаи-назаридан қараган Гегелга қарши ўлароқ, Адорно ғарб тарихини чуқурлашиб бораётган телбаликнинг носоғлом жараёни ва индивидуал эркинликнинг йўқолиши деб изоҳлайди. Адорно ижодидаги махсус муаммо — «авторитар шахс» ғояси бўлиб, Адорно ўз ходимлари билан бирга ушбу ғояни муаян-социологик тадқиқот асосида тасдиқлашга уринган. Бу иш ғарб социологлари орасида машҳур бўлсада, унинг асосига қўйилган дастур ва унда қўлланган услубиёт ва техника салбий баҳоланади. 50-йиллар мобайнида Адорно социологик методологияга эстетик ифодани қарама-қарши қўймоқчи бўлган («Муסיқа социологиясига кириш», 1962), лекин бу уриниш унга обрў келтирмаган.

**АЗАЛИЙ МАҚОМ** — инсон томонидан туғилган даврдан бошлаб мерос қилиб олинган мақом.

**АКАДЕМИК СОЦИОЛОГИЯ** — ҳозирги замон социологиясидаги йўналиш бўлиб, унинг вакиллари ижтимоий билишнинг асосий муаммолари тадқиқига катта эътибор берадилар. Академик социологияга ривожланган физика фанлари андозаларига йўналган неопозитивизм ғоялари сезиларли таъсир кўрсатган. Маълумки, физика фанларида тадбиқий ва фундаментал тадқиқотларга бўлиниш мавжуд. Шу маънода академик социология инсон ва ижтимоий ташкилотнинг ҳатти-ҳаракатининг макон ва замонга бўйсунмаган қонуниятларини кашф этиш ва асослашга уринади. Шунингдек, академик социология вакиллари социологияни кадриятлардан холи фан деб ҳисоблайди.

**АККУЛЬТУРАЦИЯ** (ингл. **acculturation** — ташкил бўлиш, ривожланиш) — турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлик жараёни, шунингдек бирор бир маданиятнинг бошқа маданий ҳодисалар элементларини қабул қилишидан иборат таъсир натижаси.

**АКСЕЛЕРАЦИЯ** (лот. **acceleratio** — жадаллашув) — ўсмирларнинг охириги 100—150 йил давомида кузатила-

ётган жисмоний (соматик) ривожланишининг, физиологик ва ижтимоий етишиши жараёнининг тезлашуви.

**АКСИЛМАДАНИЯТ** — гуруҳ ҳаётида қабул қилинадиган ва ҳукмрон маданият намуналарига мос тушмайдиган маданий намуналар мажмуи.

**АЛИШЕР НАВОИЙ** — (1441—1501) — ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз даҳоларидан бири. Алишер Навоий лириканинг тор доирасидан чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларини шеърларига мавзу қилиб олди, шеърятнинг ғоявий мотивларини фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалар билан байитди. Гарчи жаҳон шеърятининг атоқли намоёндаси бўлсада, у гуманитар ва ижтимоий-сиёсий фанларнинг деярли барчаси билан шуғулланган. А. Навоийнинг сиёсий қарашлари, давлатга ва уни бошқаришга бўлган муносабатлари асосан «Хамса»да баён этилган. Жаҳон адабиётининг бу дурдонаси маърифат, инсоф, адолат каби ғоялари билан йўғрилган. Шу билан бирга «Хамса»да давлат, сиёсий тузум, сиёсий гуруҳлар муаммолари поэтик таҳлил этилган.

Ижтимоий ҳаёт тўғрисида, турли ижтимоий табақаларнинг феодал жамиятда тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида Навоий «Маҳбул-қулуб» насрий асарида ҳам сўз юритган. Навоий фикрича, жамият барқарорлигида ижтимоий табақаларнинг ўз вазифаларини тўғри, ҳалол бажаришлари катта аҳамиятга эгадир. Одил, адолатли подшоҳлар фаолияти фаровон жамиятни, золим ва адолатсиз подшоҳлар ва амалдорлар фаолияти эса ижтимоий тузумнинг жафо ва разилликларини келтириб чиқаради. Шоҳларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий тизимидаги ролига Навоий катта эътибор берган. Шоҳ одил бўлса, мамлакат обод, халқ фаровон бўлади ва аксинча шоҳ золим бўлса, халқ хонавайрон, мамлакат хароб бўлади. Навоий шунингдек, бошқа гуруҳлар, жумладан ҳозирги фан тилида айтганда «элита» (шоҳ атрофидаги мансабдорлар ва эътиборли вазирлар) роли тўғрисида ҳам фикр юритган. У шоҳ атрофини тўғри йўлдан юривчилар эгаллаши керак, деган илғор фикрни илгари сурган. Навоий социологик қарашларида ижтимоий адолат ғояси катта ўрин тутди. Ҳар қандай адолатли сиёсий тузум ва давлат ўз фуқароларига бахт-саодат келтиради, адолатсиз тузум эса бахтсизлик келтиради. Подшоҳ адолатли бўлса, унинг вазирлари, беклари, ҳокимлари адолатли, шоҳ адолатсиз бўлса, унинг атро-

фидаги мулозимлари ҳам адолатсиз бўлади. Ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар Навоийнинг «Вақфия» асарида таҳлил этилган. Унда ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларга (конфликтларга) эътибор берилган. Мутафаккир бунда адолат қондоганини давлат арбоби фаолиятининг ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида асослаган. Хусусан у давлат арбоблари халқ хизматчилари бўлмоқлари керак деб билган, сиёсий институтларда амалпараст, гуруҳбоз, халқ ҳисобига бойлик орттирувчиларнинг ишлашини катта ижтимоий офат деб ҳисоблаган. Навоийнинг социологик қарашлари «Хамса» асарида системалироқ тарзда баён этилган. Хусусан, «Садди Искандарий» достонида ижтимоий адолатли тузум ғояси илгари сурилган. Бунда адолат тўрт жиҳатдан олиб қаралган: адолатли шоҳ — адолатли давлат — адолатли тузум — адолатли тартиб. Адолат жамиятни ташкил этишда, шоҳ ва халқ ўртасидаги муносабатдаги зарур қоида деб қаралган. Шунингдек, турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келиши алоҳида таъкидланган. Алишер Навоий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб фалсафа марказига инсон муаммосини қўйган. Ҳаётнинг мезони — инсоннинг фаолияти, ҳатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган ишга бағишлаши керак.

**АЛОҲИДА ҲАРАКАТ** — ҳаракатнинг энг оддий тизими. Алоҳида ҳаракат ҳар қандай мураккаблик даражасидаги тизимларга қўлласа бўладиган инсон ҳаракатининг таҳлилий назарияси учун бошланғич нуқта ҳисобланади. Инсон ҳаракати иккилама хусусиятга эга бўлиб, унда фаолият юритувчи ва вазият динамик (ўзгарувчан) нисбатда бўлади. Алоҳида ҳаракат вазиятнинг объектив хоссалари ва фаолият юритувчининг субъектив, мақсадли эҳтиёжлари билан белгиланади.

**АНКЕТА** (фр. **enquete**) ўз мазмун ва шаклига кўра тартибланган саволлар ва мулоҳазалар баён қилинган сўров варақаси.

**АНКЕТА САВОЛЛАРИ** — ахборот олишга мўлжалланган иборалар бўлиб, бунда ўрганилаётган ижтимоий ҳодисанинг белгиларини аниқлаб бориш тарзида қайд қилинишига имконият яратилади.

**АНКЕТА СҮРОВИ** — социологик тадқиқотларда қўлланиладиган сўровларнинг асосий хилидан бири. Сўров

жараёнида респондентлар сўров варағи тарзида берилган саволларга ёзма жавоб берадилар. Бу ҳолатда тадқиқотчи ва респондент ўртасида ўзаро мулоқот анкета воситасида, сиртдан амалга оширилади.

**АНКЕТА ЮРИТУВЧИ** — респондентлар орасида анкета сўрови ўтказиш услуги ёрдамида дастлабки социологик ахборот йиғувчи мутахассис — социолог.

**АНОМИЯ** (фр. — **anomie** — қонуннинг, ташкилотнинг йўқлиги) — социологик тушунча бўлиб, у хусусий ва ижтимоий онгнинг маънавий-руҳий ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат жамият инқирози, кўпчилик учун мақсадга эришиш мумкин бўлмай қолишидан келиб чиқувчи қадриятлар тизимининг емирилиши билан ифодаланади. Шунинг учун у инсоннинг жамиятдан бегоналашуви, ҳаётдан кўнгил совуши, жинойтчиликда кўринади. Аномия тушунчаси Э. Дюркгейм томонидан киритилган, аномия назарияси эса Р. К. Мертон томонидан ишлаб чиқилган.

**АНЪАНАВИЙ ҲОҚИМИЯТ** — анъаналар ва урф-одатларга асосланган ҳоқимият.

**АНЪАНАЛАР** — узоқ вақт давомида авлоддан авлодга ўтказиб бериладиган ва маълум жамиятларда, ижтимоий гуруҳларда сақланиб борадиган ижтимоий ва маданий мерос элементлари.

**АРОН Реймон Клод Фердинанд** (1905—1983) — француз файласуфи ва социологи. Ҳозирги замон индустриал жамиятлар ва уларнинг сиёсий тизимларини ўрганган, ҳозирги замонда мафкуранинг роли сусайиб бориши ҳақидаги деидеологизация концепцияси муаллифлардан бири. Арон объектив тарихий қонуниятлар, ижтимоий-иқтисодий формация тушунчасини инкор этган. Ижтимоий тадқиқотлар объектини фақатгина субъектив ҳолатларнинг (тадқиқодчининг нуқтаи-назари) маҳсули сифатидагина олиб қараган. Ўзининг бу ёндошувини Арон янги, «мафкуралаштирилмаган», бор нарсани холис ўрганувчи жамият назарияси деб таклиф этган. Шунингдек Арон яхлит индустриал жамият назариясининг асосчиларидан биридир. Сен-Симон, Контнинг ғояларига таянган ҳолда Арон саноат қурилиши жараёнида жамиятнинг ягона хили шаклланади деган фикрни олға сурган. Технологик детерминизм концепцияси Арон «индустриал жамият» назариясининг асосини ташкил қилади. Арон техника ва жамиятнинг ўзаро таъсири ҳақида фикр юритар экан, техниканинг ўзини инсоннинг оқилона фаолиятининг мужассамлашуви деб баҳолайди. У шунинг-

дек бора-бора ижтимоий тараққиётни инкор этиб, «пессимизм диалектикасини» асослашга уринган. Арон фикрича, XX аср фан ва техникаси бир томондан маълум бир орзу-умидларни туғдиради, иккинчи томондан уларни амалга ошириш имконини йўққа чиқаради, бу эса ижтимоий онгда оммавий тушкунлик туйғуларига олиб келади. Цивилизациянинг фожиаси — яшаш воситалари ва демократик индустриал жамият идеаллари ўртасидаги зиддиятнинг мавжудлигидир. Индустриал жамият қатъий тартибни, ўзаро бўйсуннишни талаб этса, демократик идеаллар шахсни тенгликка, эркинликка, ўз тақдирини ўзи белгилашга йўналтиради. Бу иккала йўналишдаги ноуғунлик ҳозирги замон цивилизациясини беқарор қилиб қўймоқда.

**АСОСИЙ МАҚОМ** — шахснинг ижтимоий ҳолатини белгиловчи мақом.

**АСОЦИАЛ ХУЛҚ** (юнон. **a** — инкор ва **socialis** — ижтимоий) — алоҳида олинган шахс ёки одамларнинг ижтимоий-салбий сабаблар асосида юзага келадиган ижтимоий ҳаёти шакли бўлиб, бундай ҳатти-ҳаракат бошқа шахс, ижтимоий гуруҳ ва ҳатто жамиятга ноқулайликлар ёки зарар етказиши мумкин (масалан, ичкиликбозлик ёки жиноятчилик).

**АССОЦИАЦИЯ** (лот. **associatio** — бирлашма) — ҳозирги замон социологиясида қуйидаги икки хилдаги: а) инсонларнинг турли ҳамжамиятларига айланиб кетувчи шахслараро ҳамкорлик натижалари; б) одамларнинг ўзаро бўлиниб кетиши, яъни диссоциацияга қарама-қарши бўлган ҳамкорликлари жараёнларини ифодаловчи тушунча.

**АСТРОЛОГИЯ** (юнон. **astron** — юлдуз ва **logos** — таълимот) — ер юзидаги ҳаётга, шу жумладан инсон тақдири ва хулқига осмон жисмларининг (сайёралар, кометалар ва ҳ.к.) таъсир кўрсатиши ҳақидаги таълимот.

**АТРИБУЦИЯ** (лот. **attributum** — берилган) — ижтимоий объектларга (инсон, гуруҳ, ижтимоий бирликлар) хос бўлган, лекин кўз илғамайдиган хусусиятлар.

**АУТГУРУҲ** (ингл. **out** — ташқарида ва гуруҳ) — индивид ўзини мансуб деб ҳисобламайдиган одамлар гуруҳи. Бундай гуруҳ аъзоларини индивид «бизники эмас», «бегоналар» тарзида қабул қилади.

**АХБОРОТНИ ҚОДЛАШТИРИШ** — 1) эмпирик маълумотларни зарур талаблар асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилишга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар йи-

гиндиси; 2) социологик маълумотларни қайта ишлаш босқичининг биринчи даври (фазаси).

**АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ МЕЪЁР** — тўғри ёки нотўғри хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракат ҳақидаги ғоялар ва қарашлар тизими бўлиб, у бир хил ҳаракатларни бажаришни талаб этади ва бошқаларини тақиқлайди.

**АХЛОҚ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда эмпирик услублар ёрдамида ахлоқнинг ижтимоий жиҳатларини ўрганувчи соҳа. Мавжуд ахлоқ ва унинг амал қилиши, турли ижтимоий гуруҳларнинг ахлоқ муаммолари бўйича фикр-мулоҳазалари, ахлоқий онгнинг ҳозирги замон жамиятидаги ривожини муаммолари ахлоқ социологиясининг предметини ташкил этади.

**АҲАМИЯТЛИ ҲАРАКАТ** — вазият ёки ҳодисанинг мазмунини англашга асосланган ҳаракат.

**АҲОЛИ БАНДЛИГИ ХИЗМАТИ** — иш жойларини, аҳолининг ижтимоий-касбий бандлигини тартибга солувчи муассасалар тизими.

**АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ** (лот. *migratio* — кўчиш) — одамларнинг мамлакатлар, ҳудудлар, яшаш пунктлари орасида кўчиб юриш жараёнлари.

## Б

**БАНДЛИК** (аҳолининг бандлиги) — аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодаловчи ижтимоий — иқтисодий категория.

**БАШОРАТ** (прогноз) — маълум бир далилларга асосланган ҳолда бирор-бир жараён ривожланиши йўналишларини олдиндан илмий тарзда кўра билиш.

**БЕҒОНАЛАШУВ** — одамлар, ижтимоий гуруҳларнинг бир-бири билан ёнма-ён яшашларига қарамай уларнинг муносабатларидаги азалий бирликнинг бузилиши ва унга олиб келадиган жараён.

**БЕДИЛ МИРЗО Абдулқодир** (1644—1721) — Шарқ халқларининг даҳо шоири, файласуфи, мутафаккири. Бедил 130 минг мисрадан иборат шеърини, 50 босма табоқ насрий асарлар ёзган. Асарларининг асосий қисми «Куллиёт» тўпламига кирган. Бу тўпламнинг 1882 йилда Бомбейда чоп этилган нусхаси 16 китобдан иборат. Бедилнинг «Ирфон» («Билим» 1721) асари катта аҳамиятга эга. 10 минг сатрдан иборат бу қомусий асарда табиат, адабиёт, фалсафа масалалари билан бир қаторда, социология муаммолари тўғрисида ҳам фикр юри-

тилади. «Билим» китобига кирган «Комде ва Мудан» дostonида Бедил ижтимоий ҳаётнинг санъат, шахс эркинлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат ва билим каби масалалари қўйилади. Бедилнинг ижтимоий ҳаётга қараши бойдир. У тиланчи, таъмагир, текинхўрларни жамият танасига ёпишган каналарга ўхшатади, яъни ҳозирги замон фани атамаси билан айтганда ижтимоий боқимандалик ва танбалликни қоралайди. «Комде ва Мудан» дostonида Бедил ёрқин поэтик бўёқларда ҳақсизлик устидан адолат, жаҳолат устидан илм-маърифат, ўлим устидан ҳаётий муҳаббат тантана қилишни тасвирлайди. Бедил «Ирфонда» одамларни илм-маърифатга чорлайди, адолатга ундайди. Бедил байт ва ғазалларида ҳам жиддий ижтимоий масалаларни ёритади, уларни ечишга уринади.

Бедил шоиргина эмас, социолог ҳамдир. Унинг ижтимоий муаммоларга қарашида маърифатпарварлик асосий белгилорчи ўринни эгаллайди. У илмнинг ўсишини, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо муносабатларининг ривожланиши зарур деб билган, ижтимоий фаровонликни орзу қилган. Бедил инсонни улуғлар экан, ижтимоий ҳаётда, инсонларда учрайдиган иллатларни қоралаган. Унинг асарлари хилма-хил фикрларга бой бўлгани учун диёримизда унга «Абдулмаоний» — «Маънолар отаси» деган фахрли лақаб берилган.

БЕККЕР Говард Пол (1899—1960) — америкалик социолог, макросоциологик ижтимоий ҳаракат назариясининг вакили. Беккер фикрича, ижтимоий тузилмаларнинг кундалик амалий тадбиқ этилиши «ижтимоий жараённи» келтириб чиқаради, ана шу жараённи тизимли кузатиш — социологиянинг асосий вазифаси. Шу муносабат билан у «социация» тушунчасини ажратиб кўрсатган. Социация — икки томонлама фаол ижтимоий ўзаро ҳаракат, у уч фаолият тизими — шахс, ижтимоий муносабатлар ва маданиятни бирлаштиради. Ўзаро ҳаракат шакллари — низо, мусобақа, ҳамкорлик ҳисобланади. Беккер ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг рамзий томонига алоҳида эътибор берган. Шунинг учун социологиянинг диққат марказига Беккер ижтимоий ҳаракатнинг кишилик элементи сифатида меъёрий қадриятларни ўрганишни қўйган. Ижтимоий ҳаракат ижтимоий вазиятлар орқали амалга оширилади. Бундай вазиятларни тушуниш учта таҳлилий элементларни ажратишни талаб этади. Булар — ижтимоий объект, ижтимоий услуб ва ижтимоий акс жавобдир. Социологиянинг олий

вазифаси — воқеаларни олдиндан башорат қилиш ва иложи бўлса уларни бошқариш.

**БЕЛГИЛАНГАН МАҚОМ** — жамият ёки гуруҳ томонидан индивидга унинг қобилиятлари ва саъй-ҳаракатларидан қатъий назар белгилаб қўйилган ижтимоий ҳолат.

БЕЛЛ Даниел (1919) — америкалик социолог, ижтимоий фикр, сиёсий оқимлар ва ижтимоий башорат соҳасида мутахассис. 50-йилларнинг охирларидан бошлаб либерал реформизм тарафдори бўлган ҳолда Арон, Шилз, Липсет билан бирга деидеологизация (мафкурадан ҳолилик) концепциясини ҳамма қилган. Беллнинг «Мафкуранинг низоҳиси» асари шунга қаратилган бўлиб, унинг номи ғарб социологиясидаги конформистик йўналишга киноя эди. Лекин у кейинчалик мафкуранинг туғаши тўғрисидаги ўзининг башорати оқланмаганлигини тан олган. Аста-секин Белл постиндустриал жамият концепциясини ишлаб чиқади. Бу концепция Беллнинг ғарбдаги ижтимоий башоратнинг йирик вакилларида бири этиб шуҳрат қозонтирди. «Постиндустриал жамият» концепциясига кўра, фан-техника инқилоби ижтимоий инқилобни ортиқча нарсага айлантириб қўяди. Жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ягона манбага асосланмайди. Жамиятнинг турли жабҳалари, масалан ижтимоий тузилма, технология, сиёсат, маданият ва б. мустақилдир ва ҳар бири бошқаларига боғлиқ бўлмаган ривожланиш мантиқига эгадир. Ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашдаги «ўзак қонда», постиндустриал жамият концепциясини назарий — методологик жиҳатдан асослашга хизмат қилади. Бу қонда биргаликда мавжуд бўлган ёки бир-бирининг ўрнини эгалловчи ижтимоий тизимларнинг идеал хилларини ажратиб олиш (конструкция қилиш) имконини беради. Шу ўринда Бедил ижтимоий ривожланишни таҳлил қилишда мулкдан келиб чиқиб, шу ўзак асосида феодализм, капитализм ва социализмни ажратиб кўрсатувчи марксча таҳлилни қисман тан олган. Лекин унга қарши ўлароқ Белл ўзининг дунё тарихи изоҳини илмий жиҳатидан энг самарали деб ҳисобланган. У бутун олам тарихини изоҳлашда технология ва билимни «ўзак» қилиб олган ва тоиндустриал, индустриал ва постиндустриал жамиятларни ажратиб кўрсатган. Шунини айтиб ўтиш керакки, Беллнинг «постиндустриал жамияти» ҳам эиддиятлардан ҳоли эмас. Бундай жамиятда бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳукмрон бўлиб, уларга ян-

гича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий зиддиятлар ҳам қўшилиб кетади.

**БЕРНАРД** Лютер Ли (1881—1951) — америкалик социолог ва ижтимоий руҳшунос. Америка социологик жамияти раиси (1932). Бернард ўз асарларида эмпирик ва назарий тадқиқотларни мужассамлаштира олган. Унинг «Инстинкт» (1924) асари ғарб социологик ва социопсихологик назарияларида ижтимоий ҳаётни табиийлаштиришдан халос этишда қўл келди. Шунингдек, бу асар биологик, психологик ва ижтимоий омиллар нисбати муаммоларини очишда янги ёндошувларни шакллантиришга ёрдам берди. Бернард бундан ташқари «бирга адаптация бўлиш социологиясини» яратишга уринди. Унда табиий ва маданий омиллар нисбати ҳам қараб чиқилган. Бу эса экология концепцияси муаммоларини ишлаб чиқишга туртки бўлди. Бернард К. Боулдинг билан бирга классик зиддият назарияси вакили сифатида ҳам танилган. Ижтимоий назорат муаммоларини, урушни ижтимоий институт сифатида талқин этишга ҳам уринган.

**БИОГРАФИК УСЛУБ** (юнон. **biographia** — ҳаёт тарихи) — социологияда қўлланиладиган услуб бўлиб, унинг моҳиятини индивиднинг шахсий ҳужжатларидан (ёзишмалар, кундаликлар, таржимаи ҳоллар) фойдаланган ҳолда ўрганиш ташкил этади. Шу тариқа индивиднинг у ёки бу ижтимоий воқеликдаги иштироки ва уларга муносабати ўрганилади. Бундай ҳужжатлар асосида шунингдек турли ижтимоий гуруҳлар таърифланади, улардаги ижтимоий-руҳий жараёнлар таҳлил қилинади.

**БИРЛАМЧИ ГУРУҲ** — асосан индивиднинг бирламчи ижтимоийлашув жараёнини ва унинг бошқа гуруҳларга тортилишини таъминловчи кичик гуруҳнинг (оила, ўсмирлар гуруҳи) кўринишидан бири.

**БИХЕВИОРИЗМ** (ингл. **behavior** — хулқ-атвор) — ҳақидаги фан. Бихевиоризмнинг баъзи ғоялари ва тадқиқот услублари ҳозирги замон социологиясига сезиларли таъсир кўрсатган. Бихевиоризм инсон хулқ-атворини ташқи муҳит таъсирига нисбатан акс таъсир ҳаракатларининг йиғиндиси деб билади. Бихевиоризм XX аср биринчи ярмида Америка психологиясининг асосий йўналиши бўлган.

**БЛАУ** Питер Микаэл (1918) — америкалик социолог, Колумбия университетига социология профессори. Америка социологик ассоциацияси президенти (1973—74). Дастлабки тадқиқотларида М. Вебер ғояларини струк-

турали-функционал ёндошув билан мужассамлаштирган ҳолда ҳозирги капиталистик жамиятда расмий ташкилотларда тизимли ўзгаришлар манбаларини ва бюрократик муассасаларнинг ривожланиши йўналишларини аниқлашга уринган. Блау Хоманс билан бир қаторда ижтимоий айирбошлаш қонцепцияси яратувчиларидан бири ҳисобланади. Маълумки, Хоманс шахслараро муносабатларнинг психологик сабаблари, мотивларини ўрганишга асосий эътиборини қаратган эди. Блау эса айирбошлаш назарияси ғояларига кўпроқ социологик йўналиш бериб, ушбу ғояларни структурали функционализм ва зиддиятлар назарияси категориялари билан боғлаган. У шахслараро муносабатларда иқтисодий жиҳатларнинг (мукофот, фойда, унум) ҳал қилувчи ролини таъкидлайди. Шу асосда ижтимоий айирбошлашнинг энг содда шаклларида ижтимоий тузилманинг қуйидаги «мержент» хоссаларини келтириб чиқарган: рол муносабатлари, ҳокимият ва қонунийлик, жамоа қадриятлари, мураккаб ижтимоий муассасаларнинг ўзаро муносабатлари. Турли социологик ёндошувларни сунъий тарзда (эклeктик) бирлашгани учун Блау қонцепцияси айирбошлаш назариясига хос бўлган бирёқламаликнинг олдин ола билмади. Шунга қарамай Блау АҚШда ижтимоий тузилмани ўрганиш бўйича энг йирик мутахассислардан бири ҳисобланади. 60-йиллар охирида Блау ва О. Данкан раҳбарлиги остида ижтимоий тузилма ўзгарувчанлиги (динамикаси) бўйича АҚШда энг йирик тадқиқот математик услубларни қўллаган ҳолда ўтказилган. 70-йилларда Блау эмпирик тузилмалар қонцепциясини яратишга уринган. Унда ижтимоий тузилманинг асосий кўрсаткичлари эмпирик жиҳатдан кузатиладиган ва амалий тадқиқотда қайт этиладиган белгилардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Бу қонцепция ижтимоий страфикация қонцепциясига қарши қўйилган эди.

БЛУМЕР Герберт (1900) — америкалик социолог ва ижтимоий руҳшунос. Ж. Мид асос солган интеракционизм Чикаго мактабининг вакили. Дьюи, Кули, Томас каби биринчи авлод интеракционистлари ва прагматизм кўрсатмаларидан келиб чиқиб, объектнинг аҳамияти унинг хоссалари билан эмас, ҳатти-ҳаракатдаги тутган ўрни билан белгиланади деб ҳисоблаган. Объект — социал ҳамкорликда бирор аҳамият касб этувчи нарсадир. Ўзаро ҳаракатнинг икки даражаси мавжуд: рамзий (фақат инсонга хос) ва норамиий (бутун тирик марсаларга хос).

Феноменологик социологияга қизиқишнинг ўсиши Блумер асарларига бўлган эътиборни кучайтирди. Чунки, Блумбер ҳаракатни таъсирлар (импульслар) «мулоқоти» деб қараган. Бунда у ўзида тадқиқотнинг илмий ва «гуманистик» усулларини бирлаштирган методологияга таянди. Бундай ёндошув социологга асосан илмилликка йўналтирилган эмпирик социологиянинг бир ёқламалигидан қутилиш имконини берди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, Блумер америка социологиясида биринчилардан бўлиб оммавий жамият муаммосини кўтарди. У омmani ихтиёрсиз вужудга келадиган оддий жамоа гуруҳи деб билган. Бундай фикр оммавий коммуникация тушунчасини асослашда қўл келди. Шунингдек Блумер 60-йиллардаги оммавий шаҳар тартибсизликлари ва «ёшлар инқилобинини» социологик тадқиқ этишга ҳамоҳанг асарлар ёзган.

**БОТТОМОР** Томас (1920) — неомарксистик йўналишдаги инглиз социологи, Британия социологлари ассоциацияси президенти (1969 — 1977), ривожланган ғарб мамлакатлари синфлари назарияси соҳасида мутахассис. Боттомор синфлар назариясини кенгроқ маънода ижтимоий стратификация назарияси деб қарайди. У ғарб социологиясида қабул қилинган ижтимоий тузилмани маълум шаклларга — каста, табақа, ижтимоий синф ва мақомли (статусли) гуруҳларга бўлиш тарафдори. Боттомор фикрича, синф қолган шакллардан фарқли равишда кўпроқ даражада иқтисодий гуруҳ ҳисобланади. Индустрнал жамиятда буржуазия ва ишчилар синфи асосий синф бўлган бўлса, постиндустрнал жамиятда (бу унинг ўзига хос хусусияти) асосий синфлар оралиғидаги ўрта синфлар кўпайиб боради. Янги ўрта синфнинг ва унга мансубликнинг чегараларини аниқлаш қийин, аммо айнан унинг вакилларида замонавий элита шаклланади. Элита сиёсий ҳокимият тизимининг таркибий қисми бўлмаган ҳолда жамоатчилик фикрига ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига таъсир кўрсатиш имониятига эгадир. Боттомор социологиянинг ривожланиши ва унинг жамиятдаги аҳамияти масалаларига ҳам катта эътибор беради. Боттоморнинг фикрича социология мўъжаз, бир чизиқли фандир. Унинг ҳозирги аҳволи рақобатдаги назарий оқимлар сонининг ошиб бориши ва ижтимоий билишнинг методологик муаммоларига қизиқиш кучайганлиги билан ифодаланади ва Боттомор фикрича, «позитивизмга қарши» иккинчи маротаба чиқиш деб ифодаланиши мумкин. Социологиянинг истиқболи янги ту-

шунчалар мосламасини талаб этувчи умум маданий ўзгарилар билан боғлиқ.

**БУДОН** Раймон (1934) — француз социологи, П. Лазерсфельднинг шогирди бўлган. Будон ижтимоий далилларга позитивистик ёндошув вакили. Асосий социологик йўналишларга танқидий қараб, уларнинг умумназарий қисми етарли даражада ишлаб чиқилмаган деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у социологиянинг аниқ ва умумий методологик мосламасини, «тилини» яратишга ундайди. Бу эса социологиянинг ҳеч бир тизимларда «догматик тарзда» ўралашиб қолмаслигига, «ўз-ўзини танқидига» боғлиқ. Будон индустриал мамлакатлардаги ижтимоий жараёнларни, айниқса ижтимоий турмуш тарзининг барқарорлигига хавф солиши мумкин бўлган жараёнларни таҳлил қилади. Хусусан у аҳолининг «элитар» ва «ноэлитар» қатламларида ижтимоий ўсиш учун имкониятларнинг тенгсизлигига эътибор беради. Бу эса, Будон фикрича, таълимга, айниқса олий таълимга нисбатан имкониятларнинг тенгсизлигига боғлиқ. Будоннинг кўп омилликка ва тизимли ёндошувга асосланган «тенгсизлик социологияси» оптимистик хусусиятга эга: кўпгина индустриал жамиятлар аста-секин, аммо оғишмай таълим олиш имкониятлари тенгсизлигини чегаралаб бормоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар оқибатида ижтимоий стратификациянинг, ижтимоий тизимнинг «либераллашуви», «демократиялашуви» юз бермоқда.

**БОШҚАРУВ** — ташкилотнинг махсус органининг функцияси бўлиб, у энг кам воситалар (вақт, куч, захиралар) сарфлаб энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолиятдир.

**БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ** — менежментнинг социологик жиҳатларини ўрганувчи тадбиқий соҳа. Ишбилармонликнинг иқтисодий, техник-ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини ҳам қамраб олгани ҳолда бошқарув социологияси ҳозирда менежмент назарияси ва амалиёти билан узвий ҳолда ривожланмоқда.

**БЮРОКРАТИЯ** — (фр. *bureau* — маҳкама ва лот. *khatios* — ҳокимият) тўрачилик, ўз фаолиятига кўра ролларнинг поғонали тарздаги (юқоридан қўйига) тартибига ва қатъий қоида-маросимларга асосланувчи бошқарувнинг кўриниши. Бюрократия шунингдек бевосита жамият бошқаруви функциясини бажарувчи ижтимоий қатлам ҳисобланади ва у қўйидагилар билан ифодаланади: 1) ҳокимиятни амалга оширувчи хизматчиларнинг

имтиёзли қатламининг мавжудлиги; 2) ижро ҳокимияти-нинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ажралиб қолиши; 3) бошқарувнинг қиёфасиз (масъулиятсиз) тизими; 4) назорат функцияларининг ижро учун масъул шахсларга бериб қўйилиши; 5) хизмат юзасидан тобеълик тизимининг вужудга келиши, фаолият шаклининг фаолият мазмунига нисбатан устувор бўлиб қолиши.

**БҶШ ВАҚТ** — инсон, ижтимоий гуруҳ ва умуман жамиятда зарурий равишда сарфланадиган вақт захира-ларидан ортиб қоладиган, яъни иш вақтидан ташқари-даги вақт қисми.

**БҶШ ВАҚТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда индивидлар ва гуруҳларнинг бўш вақтдаги хулқ-атво-рини, дам олиш, кўнгил очиш, муомала, ўз шахсини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунинг-дек бўш вақт учун хизмат қилувчи ташкилотларнинг фаолиятидаги «бўш вақт индустриясининг» амал қилиш муаммоларини ўрганадиган соҳа.

## В

**ВАЛЕНТЛИК** (лот. *valentia* — куч) — индивид-нинг бирор-бир натижага нисбатан мойиллик кучи. Индивид қараб кўрадиган ҳар бир натижада — 1,0 (мақбул эмас) дан +1,0 (мақбул) гача оралиқдаги маълум бир валентлик (ёки мақбуллик) даражасига эга бўлади.

**ВАЛИДЛИК** — психологик тестнинг сифати меъёр-ларидан бири бўлиб, бунда шахснинг тадқиқотчини қизиқтираётган хусусиятининг ифодаланганлик дара-жаси билан уни ўлчаш услуги ўртасидаги мосликни таъминлаш вазифаси қўйилади.

**ВАН ДЕН БЕРГЕ** Пьер Луи (1933) — америкалик социолог, ижтимоий антрополог, социол-биологизмнинг фаол тарафдори ва тарғиботчиси. Социологияни ижти-моий антропологиянинг таркибий қисми деб қарайди. Шунинг учун социологиянинг табиий фанлардан орт-да қолишини унга биологик фанларнинг маълумотлари ва далилларини киритиш орқали бартараф этиш мум-кин деб ҳисоблайди. Социолог ҳозирги замон ғарб со-циологиясини маданий детерминизм таъсиридадир деб танқид қилади. Шу билан бирга Ван Ден Берге ижти-моий ҳодисаларни тушунтиришда инсон хулқидаги туғ-ма, биологик шарт-шароитларнинг ҳал қилувчи ролин

алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, барча ижтимоий муҳим ҳодисалар (синфий кураш, жиноятчилик, ҳарбий тўқнашувлар, ижтимоий тенгсизлик ва б.) инсон табиатининг биологик хусусиятларидан келиб чиқади. Худди шу тарзда турли ижтимоий институтлар (давлат, сиёсат, оила ва б.) бевосита инсоннинг биологик эволюциясидан келиб чиқади. Бундай эволюция инсон маданиятининг шаклланишининг табиий асоси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий ҳаётнинг асл манбаларини очиб бериш учун, Ван Ден Берге фикрича, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга биологик—эволюцион ёндошиш зарур. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, у табиий омилларнинг аҳамиятини ижтимоий омиллар ҳисобига ошириб юборгани аниқ кўзга ташланади. Бундан ташқари Ван Ден Берге дунёни яхши томонга ўзгартириб бўлмайди, чунки мавжуд ижтимоий тартиб биологик қонуниятлар билан белгилаб қўйилган деб ҳисоблайди. Бу эса ижтимоий фатализмнинг бир кўринишидир.

ВЕБЕР Макс (1864—1920) — немис социологи, файласуфи ва тарихчиси. «Тушунувчан» социология ва ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиси. Иқтисодий тарих соҳасидаги тадқиқотчи сифатида иш бошлаган. Иқтисоднинг сиёсат, ҳуқуқ, дин ва б. билан ўзаро муносабатларини ўргана бориб, социология билан махсус шуғулланиш заруратини англаган. Социологик билиш назариясида Вебер сабаблилик қондаси ва «тушуниш» назарияси бирлигига катта аҳамият берган. Унинг фикрича, социологиянинг вазифаси — индивидуал ҳаракатнинг субъектив сабабларини «тушуниш», уларни изоҳлаб беришдан иборат. Бундай изоҳлаш эмпирик жиҳатдан текширилган бўлиши ва унинг ўзи индивидуал ҳодисани сабабий тушунтиришнинг қисми ҳисобланиши зарур. Вебер индивидуал ижтимоий ҳаракатларни уларни англаш даражасига қараб ҳиллаштирган. Ижтимоий фанлар методологиясида Вебер ижтимоий типлар (ҳиллар) назариясини илгари сурган. У индивидуал тарихий ҳодисаларни тушунтириш ва умумлаштириб ўрганиш воситаси бўлмоғи керак эди. Бир қатор асарларида («Тушунувчан социология категориялари тўғрисида», 1913 ва б.), Вебер ижтимоий типлар тушунчасини социологиядаги энг муҳим тушунча деб қараган. Ўз методологик қоидаларини у «замонавий ғарб капитализми» келиб чиқиши назариясига тадбиқ этган. Турли динлар (протестантизм, конфуцийчилик, буддизм ва б.), «хўжалик этикасини» қиёсий таҳлил қилиш асосида

(«Протестантча этика ва капитализм руҳи», 1905) Вебер капитализм биринчи марта фақат ғарбда вужудга келиши мумкин эди, деган хулосага келган. Чунки бу ерда протестантизм ва айниқса кальвинизм кенг тарқалган бўлиб, унинг «хўжалик этикаси» гўёки «капитализм руҳига» энг мос тушади. Бу ўринда Вебернинг иқтисодий оқилоналик (рационаллик) ва оқилона дин ғоясига капиталистик жамиятдаги оқилона ҳуқуқ ва бошқарув (оқилона бюрократия), оқилона пул муомаласи ва оқилона бюрократия концепциясида янада ривожлантирилган. Бюрократия — капиталистик оқилоналикнинг олий даражада намоён бўлиши деб талқин этилган («Хўжалик ва жамият», 1921). Ривожланиб борувчи рационаллашув, Вебер фикрича, ғарбнинг муқаррар тақдири бўлиб, оқилона бюрократия унинг ижтимоий оқибатидир. Оқилоналик охир-оқибат шундай қонуният бўлиб чиқадики, у ўзига кишиларнинг эрк ва хоҳишларига қарама-қарши тарзда йўл оча бошлайди, уларнинг индивидуал эркинлигига хавф солади. Бундай йўналиш шароитида индивиднинг эркин ижтимоий ҳаракат категорияси борлиқни соф мафкуравий акс эттириш бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолат кейинчалик ғарб социологиясида ижтимоий ҳаракат категориясини ривожлантиришда (масалан, Парсонс, Луман, Хабармас мисолида) ўз аксини топган. Умуман, Вебер социологияси XX аср ғарб социологиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. 70-йиллар ўрталарида унинг ижодига қизиқиш «Вебер ренессансига» олиб келди ва бу ғарб социологиясининг кейинги ривожда чуқур из қолдирди.

**ВЕБЛЕН** Торстейн (1857—1929) — америкалик социолог ва иқтисодчи. Веблен — институционал мактаб вакили. Унинг қарашларининг шаклланишида Самнер, Милль, Конт, Маркс таъсир кўрсатган. Ўз тадқиқотларида у ижтимоий ҳодисаларнинг замонавий ҳолатини уларнинг тадрижий-генетик тарихи билан боғлаб ўрганган. Кўп ҳолларда унинг асарларидаги услуб замонавий тарихий социологияга ўхшаш. Инсоният цивилизацияси тарихини Веблен тарихнинг маълум даврларида устун бўлган турли ижтимоий институтларнинг алмашинуви деб тушунган. Ижтимоий институтларнинг ўзини у умумий қабул қилинган ҳулқ намуналари ва тафаккур қилиш одатлари деб изоҳлаган. Шу асосда у инсоният тарихини даврлаштирган. Биринчи давр — ибтидоий жамиятнинг тарих олди замони; иккинчи давр

— «қароқчи жамиятнинг» тарихий замонлари, у варварлик (бевосита ҳарбий зўрлик) даври ва пул жамияти (товар-пул муносабатлари билан боғлиқ равишда воситаланган зўрлик) даврини ўз ичига олади. Охириги давр ўз навбатида ҳунармандчилик ва машинага асосланган босқичларни ўз ичига олади. Тарих олди даврларида ижтимоий институтлар эндигина вужудга келади ва ижтимоий бошқарув инстинктлар даражасида амалга оширилади. Улар орасидан Веблен оталик инстинкти, оналик ва билиш инстинктларини асосийлари деб ҳисоблаган. Машинага асосланган индустрия «пул рақобати» ва «кўз-кўз этиб истеъмол қилиш» институтлари билан белгиланади. Ижтимоий ривожланиш механизмлари муаммоси масаласида Веблен бир томондан ижтимоий дарвинизмни, иккинчи томондан тезкор техник — иқтисодий ривожланиш ва маданий ортида қолиш концепцияларини ўзига хос боғлаб кўрсатган. Унинг фикрича, жамият ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб иқтисоднинг ривожини ҳисобланади, у ижтимоий институтлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ривожидан олдинда юради ва уларнинг ўзгаришига, охири оқибат эса алмашинувиги олиб келади. XX аср бошларидаги жамият ҳолатининг асосий тавсифи — индустрия ва бизнес манфаатларининг қарама-қаршилигидир. Бу қарама-қаршилиқни ҳал этишда асосий ролни технократия, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг барча мутахассислари ва раҳбарлари ўйнайди. Улар бизнесменларнинг хусусий мулкчилик фан ва техника ривожини, ижтимоий ва шахсий фаровонликнинг ўсиши манфаатларига хизмат қиладилар. Веблен фикрича, технократлар ўз ривожидан ортида қолаётган институционал шаклларни энг янги технологик ўзгаришларга мослаштириш учун етарли билим ва қобилиятга эгадирлар. Вебленнинг технократик назарияси замонавий ғарб социологиясининг ажралмас қисми бўлиб қолди (қаралсин: Гэлбрэйт, Белл, Росток, Тоффлер) Веблен — социологик истеъмол концепцияси муаллифларидан бири ҳамдир. Индивид истеъмол қиладиган нарсани Веблен истеъмолчи мақоми, симболи (рамзи) ёки кўрсаткичи деб ҳисоблайди. Ҳаётний зарур бўлмаган товарларни оммавий ишлаб чиқариш шароитида индивиднинг истеъмоли ҳаётний эҳтиёж билан эмас, унинг доираси одамлари кўзи олдида у тўғрисидаги маълум бир фикрни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Истеъмолни ва унинг ижтимоий институтлар муносабатларидаги аҳамиятини бун-

дай тушуниш истеъмол жамияти концепциясини яратишга ҳисса қўшди. Бундай жамиятнинг чиркинликларларини Веблен унинг амалда шаклланишидан анча олдин фош этган эди.

**ВЕРБАЛЛАШТИРИШ** (лот. *verbalis* — оғзаки) — белгилар билан ифодаланган маълумотлар шаклини, шунингдек бу маълумотларни қўллашни ифодаловчи атама.

**ВЕРБАЛ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ** — ҳужжат манбаларидан ахборот олиш услуги. Бунда икки хил таҳлил тури фарқланади: анъанавий ва миқдорий. Анъанавий услубларга — тарихий, бадий, психологик, социологик, юридик, лингвистик услублар киради. Миқдорий услублар, бу — асосан математик услублардир.

**ВЕРИФИКАЦИЯ** (лот. *verus* ҳаққоний ва *facio* — қилмоқ) — илмий хулосаларнинг ҳаққонийлигини эмпирик текшириш орқали ўрнатиш жараёнини ифодаловчи методологик тушунча. Верификация фаннинг назарий хулосаларини кузатилаётган объект, тадқиқот билан таққослаш орқали текшириб кўриш, тажрибада тасдиқлаш билан ифодаланади.

**ВИЗЕ** Леопольд Фон (1876—1969) — немис социологи. Визе формал социология вакили ва Г Зиммель издошидир. Социологиянинг мақсади — ижтимоий ҳодисаларнинг энг умумий шакллари (формаларини) тадбиқ этиш деб ҳисоблаган. Шу маънода у ижтимоий ҳодисаларнинг муайян — тарихий мазмунидан четлашган. Умуман, Визе назариясининг асосини муносабатлар социологияси ташкил этади. Унинг фикрича, жамият — бу мавҳум ҳодисадир. Аслида фақат «социаллик» ёки «инсонлараро муносабатлар» мавжуд. «Социаллик» — одамлар ўртасидаги муносабатлар тури. Ҳар бир муносабат эса маълум бир ижтимоий жараёнларнинг натижаси ҳисобланади. Визе ижтимоий жараёнлар ва муносабатларни турларга ажратган. Бунда у ижтимоий оралиқ (дистанция) тушунчасидан келиб чиқади; у олий даражадаги ассоциациядан (амальгамациядан) олий даражадаги диссоциациягача (низогача) бўлган ўлчамга эга. Ижтимоий жараёнлар асосда инсонлараро муносабатларнинг умумий сони сифатидаги ижтимоий тузилма вужудга келади. Визе турғунлигига, даврига ва мавҳумлигига қараб инсонлараро муносабатларни гуруҳлаштириган: муайян гуруҳлар (қисқа вақт мавжуд); мавҳум гуруҳлар (узоқ вақт мавжуд) — халқ, миллат; бевосита ўзаро муносабатларга

асосланган гуруҳлар — оила; мавҳум жамоалар — давлат, черков.

Умуман, Визе фаннинг ташкилотчиси ва тизимлаштирувчиси сифатида социология ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг фаолияти ва назарий таълимоти ғарб социологиясининг классик ва ҳозирги давлари ўртасида боғловчи бўлган бўлиб хизмат қилди.

ВИРТ Луис (1897—1952) — америкалик социолог. Чикаго мактаби вакили. Америка социологик ассоциацияси президенти (1947—48), халқаро социологик ассоциациянинг биринчи президенти (1949—1952). Шаҳар социологияси доирасида тадқиқотлар ўтказган, шаҳар турмуш тарзи тушунчасини асослаган. Ўз концепциясида йирик шаҳарнинг маконий ва ижтимоий ташкил бўлиш (аҳолининг кўплиги, юқори даражадаги йиғилганлиги, ижтимоий жиҳатдан турли-туманлиги) ва шахснинг алоҳида шаҳар хили тавсифларини бир бутун қилиб бирлаштирди. Шаҳар турмуш тарзи қишлоқ жамоасининг анъанавий ҳаёти тизимига қарши қўйилган. Шаҳар муомаласи, Вирт фикрича, юзаки, расмий, аноним хусусиятга эга. Шахсий алоқалар (оилавий қўшничилик, дўстона) шаҳар муҳитида узилади, ижтимоий жипслик ва ижтимоий назорат сусаяди ва булар ҳаммаси биргаликда ижтимоий тарқоқликка олиб келади. Вирт социология тарихига шаҳар турмуш тарзини ўрганиш асосчиси сифатида кирди. Баъзи нуқсонларга қарамай, унинг концепцияси ҳозирги кунга қадар ғарб шаҳар социологиясидаги энг обрўли ва таъсирли концепциялардан бири бўлиб қолмоқда.

**ВОЛЮНТАРИЗМ** (лот. *voluntas* — эрк, ирода). Ушбу тушунча 1883 йилда Ф. Теннис томонидан киритилган ва қуйидаги маъноларга эга: 1) эрки борлиқнинг олий қондаси деб ҳисобловчи йўналиш (А. Шопенгауэр); 2) тарихий жараённинг қонуниятлари билан ҳисоблашмайдиган фаолият.

## Г

**ГАЛЬТОН** Фрэнсис. (1822—1911) — инглиз руҳшуноси ва антропологи. Гальтон Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» (1859) асарининг таъсирида психология ва антропологияга насл ғоясини киритиб, унинг ёрдамида кишиларнинг индивидуал фарқларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Умуман, унинг психологик

тадқиқотлари дифференциал психологияга асос бўлди. Унинг томонидан ишлаб чиқилган қобилиятлар диагностикасининг усуллари тест ёрдамида тадқиқ этиш, статистик қайта ишлаш, оммавий анкета олиш каби воситаларга асос солди. Гальтон инсоннинг ақлий ютуқлари олдиндан унинг ирсий (наслий) имкониятлари, заҳиралари ёрдамида белгиланган бўлади деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, у халқ оммаси биологик жиҳатдан тўлақонли эмас деб кўрсатмоқчи бўлган. Бу унинг социологик ва сиёсий зарарли қарашларидир. Гальтон К. Пирсон билан бирга биометрия асосчиси ҳисобланади.

ГАРФИНКЕЛ Герберт (1938) — америкалик социолог, этнометодология асосчиси. Этнометодологиянинг вазифаси деб Гарфинкел Вебер ва Шюц ўртага қўйган ижтимоий ҳаётнинг субстанционал оқилоналиги муаммосини тушунган. Ижтимоий ҳаракат муаммосини ечиш учун социолог бу ҳаракатнинг маъносини аниқлашга уринади. Чунки фаолият юритувчи ижтимоий дунёни билиш ва шу билим асосида қарор қабул қилишга ҳаракат қилади. Бу эса, Гарфинкел фикрича, «оқилоналик» тушунчаси билан боғлиқ. Аммо ижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳар доим ҳам оқилоналик идеалига тўғри келавермайди. Кўпгина социологлар ижтимоий ҳаётни оқилона бўлмаган хатти-ҳаракат майдони деб қараганлар. Гарфинкел бу аҳволни тузатишга уринган. У ўз олдига ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг оқилона хоссаларини аниқлаш вазифасини қўйган. Бунда оқилоналик тушунчаси хатти-ҳаракатга ташқаридан ўрнатилмаслиги, балки оқилона кўринишлари ижтимоий хатти-ҳаракатнинг ўзидан ажратиб кўрсатилиши зарур. Бунда этнометодология ғоясининг Шюц ғоясига ўхшашлиги сезилиб туради. Маълумки, айнан Шюц дунёга азалий хос бўлган табиий оқилоналикни аниқлаш ва уни илмий оқилоналикка қарши қўйишга уринган эди. Оқилоналик тушунчаси ижтимоий дунё тўғрисидаги кундалик тасаввурлар даражасида эмас, балки уни таҳлил қилишнинг назарий даражасида туғилган. Шунинг учун социолог кундалик ҳаёт оламига мурожаат этиши, унинг ўзида оқилоналик кўринишларини очиб бериши ва айнан ана шуларни тадқиқотнинг предмети-га айлантириши зарур. Гарфинкел ҳам этнометодологиянинг асосий муаммосини Шюцнинг фикрларига мувофиқ равишда қўйган. У кундалик ҳаётни ўз тадқиқотининг предмети-га айлантиради. Бу хусусият кундалик

ҳаётнинг ҳоссаларида аниқланади. Кундалик ҳаёт хоссалари социолог учун «таҳлил қилинмайдиган», «табиий» ҳисобланади ва амалий қарорлар ҳамда ҳаракат учун асос бўлиб хизмат қилади. Кундалик фаолиятнинг ушбу томонларини Гарфинкел «тасвирий кутишлар» деб атади. Бу амалий индивиднинг ижтимоий дунё тўғрисидаги шундай тасаввурларики, улар ўзаро ҳаракат жараёнида «қондалар» сифатида амал қиладилар. Тасвирий кутишлар ижтимоий бирхиллаштириш асоси бўлиб, индивидларнинг ижтимоий ҳаракатини ташкил қилади. Гарфинкел фикрича, ижтимоий ўзаро ҳаракат тизилмалари уларни изоҳлаш (интерпретация қилиш) жараёнида вужудга келади ва «рефлексивлик» ҳодисаси деб аталади. Рефлексивлик — ижтимоий жараённинг энг асосий ҳоссаси. Жамият, Гарфинкель фикрича, рефлексив жараёндир. Ижтимоий фаолият тизилмалари изоҳланганликлари, фаол индивидлар томонидан «тушунилганликлари» учунгина мавжуддирлар. Жамият — бу «тушуниш» жараёнидир. Яна шуни айтиш зарурки, жамиятга этнометодологик назар солишнинг асосини интересубъективликнинг феноменологик концепцияси ташкил этади. Гарфинкел, албатта реал ҳодисаларни таҳлил қилган эди. Лекин у эмпирик маълумотларни асослашда ва изоҳлашда бевосита жамиятнинг объектив мавжудлигига таяна олмаган. Бунга унинг бошланғич назарий қарашлари йўл бермади. Умуман, этнометодология учун объектив ҳодиса сифатидаги жамиятнинг ўзи йўқдир. Этнометодолог учун жамият тушунчасининг мазмунини индивиднинг тушунувчи, тушунтирувчи ва изоҳловчи фаолияти ташкил этади. Жамият саробга айланиб қолади. Демак, этнометодологиянинг асосий муаммоси оқилоналикни аниқлаш бўлиб, у илмий оқилоналикка қарши қўйилади. Яна шунинг ҳам айтиш керакки, этнометодология ўз тадқиқот натижаларининг объектив аҳамиятлигига даъво ҳам қилмайди.

ГИДДИНГС Франклин Генри (1855—1931) — америкалик социолог. Америка социологик жамияти президенти (1908); АҚШ да биринчи бўлиб тўлақонли социология профессори лавозимини олган (Колумбия университети, 1894 йил). Уз илмий фаолиятининг дастлабки даврида XIX аср охири — XX аср бошларидаги психологик социологик оқимларидан бири бўлган психологик эволюционизмга эргашган. Бу оқимнинг бошқа намоёндалари каби Гиддингс Спенсер органицизмни

(жамиятни ижтимоий гавда деб тушуниш) жамиятни идеалистик изоҳлаш билан мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган. Жамият, унинг фикрича, табиий-руҳий организм, қисман онгсиз эволюция, қисман онглилик натижаси бўлган алоҳида хилдаги ташкилотдир. Шунинг учун ижтимоий жараёнларнинг социологик таҳлили ўзида объектив табиий ва субъектив-психологик омилларни ўрганишни уйғунлаштирмоғи керак. Ижтимоий ҳаётнинг психологик асосларини изоҳлашда Гиддингча Тард таъсири кўринади. Ижтимоий ҳаётнинг ҳал қилувчи элементи деб у «жамоа онгини», яъни кишиларнинг ўзаро тушунишлари ва алоқасини таъминлаб берувчи жамоавий онгни ҳисоблаган ва бу тушунчани «ижтимоий ақл-идрок» ибораси билан бир қаторда ижтимоий онгни ифодалаш учун ишлатган. Ижтимоий тузилма концепциясида у учта синфни («ҳаётий синфлар», «шахслар синфлари» ва «ижтимоий синфлар») ажратиб кўрсатган. Ўз фаолиятининг 20-йилларда бошланган иккинчи даврида Гиддингс янги позитивизм концепциялари (Э. Мах, К. Пирсон, Б. Рассел) ва тадқиқотнинг статистик услубининг энг фаол тарғиботчиларидан бирига айланди. Бу билан у АҚШ да эмпирик социологиянинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу даврда энди Гиддингс социологиянинг предметини бошқача, яъни «плюралистик хулқни» ўрганш деб қарай бошлади (бихевеиоризм руҳида).

ГОБИНО Жозеф Артюр де (1816—1882) — француз файласуфи, ёзувчиси ва дипломати, ирқий назария ва социологияда ирқий-антропологик мактаб асосчиларидан бири. Биринчилардан бўлиб гарб цивилизациясининг муқаррар ўлими тўғрисида «башорат» қилган. Бу ғоя унинг «Инсон ирқларининг тенгсизлиги тўғрисида» китобининг мазмунини ташкил этади. Гобино тарихий жараёни биологик жиҳатдан тушунтирган. Цивилизациянинг асосий омили — «ирқнинг софлиги», лекин уни ҳеч қачон узоқ вақт сақлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун цивилизациянинг гуллаган даври абадий эмас. «Эмпирик қўшилмалар» ҳаёт тарзининг бирлигини бузади ва «инсоннинг бузилиб, тугашига», шу билан бирга бутун ижтимоий тузилманинг ҳам қўшилишига олиб келади. Гобино «ирқлар поғонасини» (нерархиясини) зўр бериб уқтиради: негрлар бутунлай ҳиссийдирлар ва ақлий (рационал) ўз-ўзини назоратга қодир эмаслар, сариқ ирқ фойда излаш (утилитаризм) билан банд ва шунинг учун қаҳрамонлик ва юксак

ютуқлар унга ёт. Бирдан бир «тарихий ирқ» — оқ ирқ-дир. Дастлаб у гўзаллик, ақл ва куч ҳукмронлигига эга бўлган. Қаерда ва қачон цивилизация вужудга келган бўлса, уларнинг туғилишида «оқ қон» иштирок этган. Аммо оқ ирқнинг ўзи ҳам ичдан бир хил эмас, у учта йўналмадан иборат: «хамитлар», «семитлар», «яфетидлар». Биринчи иккаласи тезда қора ирқ билан аралшиб кетган. Яфетидлардан Гобино «орийлар оиласини» келтириб чиқаради. Улар билан гўёки ер юзидаги барча яхши нарсалар боғлиқ. Бу ҳақиқий «ҳокимлар ирқи», унга беқиёс ғайрат, куч, қўрқмаслик ва яратувчилик доҳийси хосдир. Ўзининг ноёблигини билган ҳолда орийлар, Гобино фикрича, насл софлиги тўғрисида ғам-хўрлик қилган, бунинг натижаси—ижтимоий ҳаётнинг қатъий поғона тизими, яъни нерархиясидир (масалан, қадимги Ҳиндистондаги каста тузуми) Гобино назарияси тарихий ҳақиқатга зид эди. Унинг ирқий концепцияси пайдо бўлиши биланоқ таниқли сиёсий мутафаккир Токвил ва файласуф Э. Ренан томонидан ишонарли тарзда танқид қилинган эди. Гобино кўп жиҳатдан Ницше концепциясининг арафаси эди. XX асрда унинг ғоялари нацизм (миллий-социализм) мафқурасининг шаклланиши ва тарқалишига хизмат кўрсатган. Гобинонинг социологик қарашларида чегараланганлик, ирқчилик ғоялари яққол кўринади. Аммо шунга қарамай, унинг таълимотини четлаб ўтиб бўлмайди. Гап муайян давр руҳига мос келадиган ушбу социологик ғояларни танқидий таҳлил қила билишдадир.

ГОЛДЪМАН Люсьен (1913—1970) — француз социологи, генетик структурализм (ирсий бир бутунлик) асосчиси. Француз олими Ж. Пиажедан генетик эпистемология, яъни инсон психикасида операциялар тузилмаларни ажратиш, шахс тузилмалари шаклланишида ижтимоийлашув жараёнларининг ҳал қилувчи аҳамиятини таъриф олиш ва б. элементларни ўзлаштирди. Ўзининг дастлабки «Инсоний жамоачилик ва Кант бўйича универсум» (1945), «Гуманитар фанлар ва фалсафа» (1952) номли асарларида Гольдман генетик структурализм қондаларини баён этиб берган. Аммо у ижтимоий тузилмалар илдизларини тушунтиришда бирёклама йўл тутган. Мақсадининг самарадорлигига қарамай (у анъанавий француз структурализмининг диалектик-материалистик жиҳатдан «тузатмоқчи» бўлган) Гольдман назарияси зиддиятли ва қовушмаган ҳолича қолган. У сўнгги асарларида одамларда нарсалар олами ва бир-

бирига нисбатан йўқотилган «ҳақиқий» муносабатларни тиклаш заруриятини уқтириш билан жамиятни инсонийлаштиришнинг хаёлий дастурини илгари сурган.

ГОУЛДНЕР Алвин (1920—1980) — америкалик социолог, муқобил социологиянинг энг кўзга кўринган вакили. 50-йилларда социологияда структурали-функционал йўналиш тарафдори бўлган. Бюрократик ташкилотларни тадқиқ этган, бу тадқиқотлар кейинчалик бюрократия назариясини ривожлантиришда сезиларли рол ўйнаган. 60—70-йилларда структурали-функционал йўналишдан четлашади ва бутун ғарб социологияси, айниқса Парсонснинг структурали функционализмни танқид қила бошлайди. 70 йилларларда у «танқидий—рефлексив» социология концепцияси билан чиққан. Унга мувофиқ капиталистик жамият инқироз ҳолатида бўлиб, социологиянинг асосий вазифаси «танқидий рефлексия» ёрдамида бу инқироз сабабларини аниқлаш ва ҳал этиш йўллариини топишдир. Ғарб жамияти инқирозининг энг чуқур сабаблари инсоният ўз шахсини йўқотганлиги, билим ва ҳокимият ўртасидаги зиддиятли муносабатидир. Ижтимоий билиш Гоулднер фикрича, танқидий элементга эга бўлганлиги туфайли ижтимоий берлиқнинг шаклан ўзгаришида асосий омил бўлиши мумкин. Гоулднер билим ва мафкура нисбати муаммосига ҳам катта эътибор берган. У барча мавжуд социологик ёндашувларни, шу жумладан марксизмни ортиқча мафкуравийликда айблаган ва ўзининг «танқидий-рефлексив» социологиясини ундан «холос этишга» уринган. Гоулднер сўл радикал руҳдаги зиёлилар тўғрисидаги концепциясида замонавий ғарб жамиятининг ижтимоий тузилмасидан урта синфни ажратиб кўрсатган: эски буржуазия ёки капиталистларнинг молиявий синфи, пролетариат ва эндигина вужудга келган зиёлиларнинг янги синфи. Янги синфнинг асосий хусусияти унинг маданий капиталга (худди ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик каби) ва танқидий дунёқарашга эгаллигидир. Янги синф иккита ижтимоий гуруҳга — техник зиёлилар ва ақл соҳаси намоёндаларига (гуманитар интеллигенцияга) бўлинади. Гоулднер ғарб жамиятини инқилобий ўзгартира оладиган куч деб янги синфни ҳисоблаган. Шунини таъкидлаш керакки, Гоулднернинг ушбу назарияси ғарб социологиясида ҳозиргача ижтимоий тузилма тўғрисидаги тасаввурларга ўз таъсирини сақлаб келмоқда.

ГРАФИҚ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ —

тасвирий санъат асарлари, кино — ва фотохужжатлар мазмунини, шунингдек бу ҳақдаги респодентлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш орқали ахборот олиш.

ГУМПЛОВИЧ Людвиг (1838—1909) — поляк-австриялик социолог ва ҳуқуқшунос, социал дарвинизм вакили. Гумплович социологияни барча ижтимоий фанларнинг фалсафий асоси деб ҳисоблаган, ижтимоий ҳодисаларни натурализм нуқтаи-назаридан туриб тушунтирган, яъни ижтимоий қонунларни табиат қонунларининг оддий бир тури деб билган. Шундан унинг концепцияларида тақдирга ишониш (фатализм) ва тарихий заруратни муқаррарлаштириш келиб чиқади. Гумпловичга кўра, социологиянинг предмети — ижтимоий гуруҳларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишдир, шу билан у бутун инсониятни ўрганувчи тарих фалсафасидан фарқ қилади. Социологик реализм тарафдори бўлган ҳолда у социал гуруҳни индивиддан юқори турувчи, индивиднинг хатти-ҳаракатини бус-бутун ва тўлиқ белгиловчи мавжудлик деб изоҳлаган. Гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар доимий ва шафқатсиз курашдан иборат бўлиб, у бутунлай ижтимоий ҳаётни белгилайди. Тарихий ривожланишда дастлаб ўрдалар, яъни табиий-антропологик ва этник белгиларга кўра бирлашган гуруҳлар ўртасидаги кураш натижасида давлат вужудга келган. Кейинчалик бу кураш бир томондан давлатлар ўртасидаги, иккинчи томондан — давлатлар ичидаги гуруҳлар, синфлар, қатламлар, сиёсий партиялар ўртасидаги кураш билан алмашинади. Ижтимоий низоларнинг асосий сабаблари деб Гумплович иқтисодий қизиқтирувчи омиллар (мотивлар), иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга уриниш деб билган. «Ирқий кураш» (1883) асарида у «этноцентризм» тушунчасини киритган. Кейинчалик бу тушунча Самнер томонидан асосланган ва социология, ижтимоий психология ва этнографиянинг тушунчалар мосламасига киритилган эди. Булардан ташқари, Гумпловичнинг турли ижтимоий институтларнинг вужудга келиши ва ривожланишида ижтимоий гуруҳлар ва гуруҳлараро низоларнинг ролига эътибор берганлиги ҳам ижобий илмий аҳамиятга эга. Аммо у ижтимоий ривожланишда низолар асосий ва умумий омил деб ноўрин изоҳлаган, шунингдек унинг концепцияларига ўта табиийлик (натурализм) ва содда материализм хос.

Шунинг учун кўпчилик замонавий социологик назарияларда бу жиҳатлар тан олинмайди.

ГУРВИЧ Георгий Давидович (1894—1965) — келиб чиқиши рус бўлган француз социологи ва файласуфи. Гурвичнинг асарлари асосан фалсафа ва социология тарихи муаммоларига бағишланган. Унинг назарий социологик қарашлари фалсафий-социологик фикрнинг турли йўналишларини танқидий таҳлил қилиш ва бирлаштиришга уриниш натижаси ўлароқ шаклланган. Академик социологиянинг формализм ва эмпиризм жиҳатларидаги кескин танқид остига олган, унга релятивизм руҳидаги диалектикага асосланган социологияни қарши қўйган. Социологиянинг метаназарий асоси сифатида у «диалектик гиперэмпиризм», ёхуд «эмпирик-реалистик диалектикани» эълон қилган. Бундай йўналиш методологияда олдиндан қабул қилинган ҳар қандай фалсафий вазиятдан воз кечиш, антропологияда эса инсон тажрибасини чексиз ўзгарувчан ва ўз асосида доимий интиланувчи деб изоҳлашни англатади. Гурвич фикрига кўра социология инсон тўғрисидаги турли фанларнинг бирикишини (интеграциясини) амалга ошироғи керак. Бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, социология «сифатий ва дискрет ҳиллаштириш» услубидан фойдаланади. Социологиянинг предмети — барча даражаларда ва жиҳатларда ўрганиладиган ҳам тузилмали, ҳам тузилмасиз «тўлақонли ижтимоий ҳодисалардир». Гурвич жамиятни ҳаракатсиз тузилмалар ва институтларнинг йиғиндиси деб изоҳлашга қарши чиқиб, ижтимоий борлиқ «вулқонли» унсурга эга, коллектив ижод ва хоҳиш-истаклар асосидаги уринишлар маҳсули деб исботлашга уринган. Ижтимоий борлиқнинг тик (вертикал) бўлинмаси демографик асосларда психик ҳаракатларгача бўлган «чуқур даражаларнинг» ўзгарувчан поғонасидан иборат. Узининг ёнланма (горизонтал) бўлинмасида эса ижтимоий борлиқ учта хиллар гуруҳига бўлинади: а) микросоциал хиллар (уларни микросоциология ўрганади); б) хусусий ижтимоий гуруҳлар хиллари; в) ижтимоий синфлар ва улкан (глобал) жамиятлар хиллари (уларни макросоциология ўрганади). Гурвич шу ўринда улкан жамиятларнинг микросоциал хилларга нисбатан ҳал қилувчи аҳамиятини таъкидлаган, ҳамда у ижтимоий ривожланишда техnobюрократик йўналишлар хавфига эътибор берган. Гурвич капитализм ва техnobюрократиянинг муқобили деб халқнинг ўз-ўзини бошқаришга асосланган «плюралистик жамоат-

чилигини» тушунган. Гурвичнинг назариялари сўл радикал социологиянинг оёққа туришида, Францияда назария социологиянинг ривожда сезиларли таъсир кўрсатган.

**ГУРУҲ** — қ. ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ.

**ГУРУҲ ДИНАМИКАСИ** — гуруҳ ҳаётида бирор-бир вақт бирлигида ва гуруҳнинг босқичдан босқичга ҳаракати давомида юз берадиган ўзгарувчан жараёнлар мажмуаси.

**ГУРУҲИЙ БИРДАМЛИК** — шахслараро алоқаларнинг гуруҳ ҳаётининг фаолиятининг ворисийлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи мустаҳкамлиги.

**ГУРУҲИЙ МУТАНОСИБЛИК** — гуруҳ ҳамжиҳатлигининг ижтимоий-руҳий кўрсаткичи бўлиб, унда гуруҳ аъзоларининг ўзаро низоларсиз муомала қилиши ва мувофиқлик имкониятлари акс этади.

**ГУРУҲИЙ СИЛЖУВЧАНЛИК** — ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий стратификация тизимидаги ҳолатининг ўзгариши.

**ГУРУҲЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР** — одамлар ўртасидаги субъектив кечинмаларга асосланган алоқалар.

**ГУРУҲЛАШТИРИШ** — ўрганилаётган объект бирликларини кўзга кўринарли белгиларига қараб бир хил гуруҳларга бирлаштириш.

**ГУРУҲ МЕЪЁРЛАРИ** — ҳар бир гуруҳ жорий этган амалдаги тартиб-қоида ва талаблар мажмуи бўлиб, у гуруҳ аъзолари хатти-ҳаракатларини ташкил этишда, уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳаракатлари ва муомаласида муҳим аҳамият касб этади.

**ГУРУҲ ТУЗИЛМАСИ** — ўзаро фаолият қатнашчиларининг мустаҳкам равишда қайтадан вужудга келишининг тартибланган тизими.

**ГУССЕРЛ Эдмунд (1859—1938)** — немис файласуфи, феноменология мактабининг асосчиси. Фалсафадаги скептицизм ва релятивизмни кескин танқид қилган. Гуссерл фикрича, билувчининг субъективлигидан мустақил, ҳоли бўлган ҳеч бир ҳақиқат тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Табиат ва тарих тўғрисидаги фанлар асосланишга муҳтож. Бундай асосни онг ҳодисалари (феноменлари) тўғрисидаги фан — феноменология бериши мумкин. Декарт рационалиزمни йўлидан бориб, Гуссерл сўнгги очиқ-равшан мантиқий қоидаларни топишга ва шу тариқа онгни эмпирик мазмундан

«тозалашга уринган». Бу редукция ёрдамида амалга оширилади. Редукция натижасида онгнинг охирги, сўнги бўлинмас бирлиги — интенционаллик қолади. Интенционаллик — предметга йўналганлик, онгнинг индивидуал (психологик, ижтимоий, ирқий ва б.) сифатлардан ҳоли бўлган соф тузилмасидир. Гуссерл интенционаллик тушунчаси ёрдамида субъект ва объект алоқаси тўғрисидаги асосий назарий масалани ечишга уринган. Интенционаллик бунда субъект ва объект ўртасида кўприк ролини ўйнайди — у бир вақтнинг ўзида умуминсоний онгнинг асл дунёси ва борлиқ, предметлик трансцендент (ташқаридаги) дунёсининг вакилидир. Гуссерл фикрича, феноменология интенционал актларни ҳис этиш сифатидаги соф онг тўғрисидаги фандир. Гуссерл бу ҳис этишни «моҳиятни кўра билиш» деб атаган. Аммо Гуссерлнинг «моҳиятлари» Платоннинг «ғояларидан» фарқли ўлароқ мавжудлик соҳасига эга бўлмаган «аҳамиятлилик», холос. Гуссерл аста-секин «ҳаётий дунё» ғоясига мурожаат этган. Ўз давридаги европача маънавий вазиятни файласуф инқирозли деб қараган. Бунинг сабаби рационализмнинг азалий мазмунига соя солувчи сциентизм (техникага ружу қўйиш), «объективизм» ва умуман натуралистик-позитивистик дунёқарашнинг ҳукмронлиги деб билган. Гуссерл экзистенциализмнинг, айниқса феноменологик социологиянинг (Шюц) шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Умуман феноменологик социология Гуссерл ўз ҳаётининг сўнгида яратган фалсафий қарашларига таянади. Фаннинг ҳаётий инсоний мазмундан маҳрум бўлганлигини у ижтимоий фанларда ҳам кўрган. Онгни натураллаштириш ғоялар, мутлақ идеаллар, нормаларни натураллаштиришга, бу эса умуман ижтимоийликни натураллаштиришга олиб келади. Шуниси муҳимки, Гуссерл объектив фанга қарши эмас, балки натуралистик, позитивистик йўналтирилган ижтимоий фанга қарши чиққан. Чунки бундай фан ижтимоий мавжудликни табиат мавжудлигига ўхшатади, табиат ва жамиятни ўрганиш услубларининг мутлақ ва тўла бир хиллигини таъкидлайди. Бундай фан инсонга унинг дунёсидаги ўрнини тушуниб олишга ёрдам бера олмайди. Гуссерл инсоний субъективликни ўз ўрнига қайтариш, фанни ислоҳ қилишда «ҳаётий дунёга» қайтишни таклиф этади. Ҳаётий индивид тушунадиган ва қабул қиладиган бевосита, интуитив ишончлилиги, яъни субъектив аниқлиги; б) ҳаётий дунёнинг субъективлиги; в) ҳаётий дунё аниқ тузилма-

га эга бўлмасада, бутун бор нарсадир. Ҳаётин дунё инсон амалиёти тузилмасига чамбарчас киритилгандир. Аммо ҳозиргача ҳаётин дунё тадқиқот предмети бўлган эмас. Шунинг учун ҳаётин дунёга мурожаат ижтимоий ҳаётнинг теран мавжудлигига мурожаатдир. Уфанга дунёдаги ҳақиқий ўрнини очиб бериши керак. Фанларда субъективлик учун жой қидиран экан, Гуссерл инсоннинг дунё билан алоқасини аниқлашга уринади. Бундай алоқа фаолиятдан, амалиётдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Гуссерл фикрига кўра субъект фақат билувчигина эмас. Инсон унинг барча фаол кўринишларида бир бутун ҳолича олиб қаралиши керак. «Ҳаётин дунё» ҳаққонийликнинг охириги меъёридир. Шунинг учун инсоний субъективлигининг ўз ўрни, қадрини тиклаш зарур. Гуссерлнинг «ҳаётин дунё» концепцияси шундан иборат. Кейинчалик феноменологик социология назарийчилари, хусусан А. Шюц унга қатъий риоя қилишган.

## Д

**ДАВЛАТ** — жамиятнинг ҳоқимият ва кучга, шунингдек ижтимоий заҳиралар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми.

**ДАЛА ТАДҚИҚОТИ** — 1) тор маънода: жойлардаги (уйда, корхоналарда ва ҳ.к.) ўтказиладиган тадқиқот; 2) кенг маънода — тадқиқот объектини табиий «дала» шароитларида, унинг кундалик ҳаётини ижтимоий миқёсда ўрганиш.

**ДАРЕНДОРФ Ральф (1929)** — немис социологи ва сиёсий арбоби. Дарендорф — ижтимоий низо (конфликт) концепцияларининг асосий вакилларида бири. У «бир ёқлама», «утопик» (биринчи навбатда функционал) ижтимоий мувозанат концепцияларини кескин танқид қилган. Назарий социология бўйича асарлар муаллифи бўлсада, Лазарсфельд таъсирида социологияни тажрибавий фан деб ҳисоблаган. Социология одамларнинг жамият ва алоҳида олинган шахсининг кесинган нуқтасидаги хатти-ҳаракатини ўрганади. Бу ўринда Дарендорф жамиятни Зиммел каби энг тор муносабатлардан энг кенг ижтимоий алоқагача бўлган алоқалар тури, шу жумладан референт гуруҳ сифатида тушунган. Ҳар бир гуруҳда, ҳар бир жамиятда кишилар маълум бир вазифанинг, ҳолатнинг эгаси сифати-

да ҳаракат қиладилар. Ҳар бир вазиятга маълум бир ижтимоий рол тўғри келади, бунда атрофдагиларнинг истак ва мулоҳазалари унчалик аҳамиятли эмас. Ижтимоий роллар, Дарендорф фикрича, алоҳида олинган инсонга қўйилган мажбуриятдир. Бу мажбуриятдан тоғиб кетмаслик учун ижтимоий санкциялар (кўрсатмалар, тазйиқлар) тизими амал қилади. Ҳатти-ҳаракатнинг мажбурий равишда меъёрлаб қўйилиши ижтимоий гуруҳларнинг энг муҳим белгиси. Қабул қилинган меъёрларга амал қилиш ижтимоий ўсиш учун энг яхши имкониятларни бериши мумкин, меъерий бўлмаган ҳатти-ҳаракатга санкциялар қўлланилади. Бу — қонун чиқарувчи, юрисдикция ва ижро этувчи ҳокимиятга ўхшайди. Бу ваколатларнинг йиғиндиси ҳукмронлик мавжудлигини билдиради. Маълумки, Дарендорф синфлар ва синфий низо назариясини яратишга ҳаракат қилиб, уни ҳам марксизмга, ҳам синфий уйғунлик назарияларига қарши қўйган эди. Унингча, синфни шакллантирадиган асосий белги — мулк муносабатлари эмас, ҳукмронлик ва бўйсунушдир. Ҳукмронлик ва бўйсундиришнинг мавжудлиги низога олиб келади, уни ижтимоий жипсликни (интеграцияни) келтириб чиқарган тузилмаларнинг ўзи туғдиради. Низо деганда Дарендорф барча нормалар ва ижтимоий кутишлар, институтлар ва гуруҳлар қарама-қаршиликлари тизимли равишда «ишлаб чиқарган» муносабатларини тушунган. Шундан келиб чиқиб у синфларни зиддият, низоли ҳолатдаги ижтимоий гуруҳлар деб билган. Ижтимоий гуруҳлар ҳукмронликда иштирок этиши ёки ундан четлатилиши мумкин. Баъзи концепциялар жамиятни тасвирлашда стратификация, интеграция ва мувозанатни бошқалар эса ҳукмронлик ва зиддиятни кўрсатадилар. Биринчи хил ёндошувни инкор этмаган ҳолда, Дарендорф иккинчи хил ёндошувни умумийроқ ва самаралироқ деб ҳисоблаб, бутун диққатини шунга қаратган. У битта ролга нисбатан турлича кутишлар ўртасидаги, роллар ўртасидаги, ижтимоий гуруҳлар ичидаги, гуруҳлар ўртасидаги, бутун жамият даражасидаги ва мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, низоларни ажратиб кўрсатган. Бундан ташқари Дарендорф низоларни миқёсларга (рангларга), масалан, бутун ва қисм зиддиятга ажратиб, уларнинг 15 турини кўрсатган. Шунингдек, низоларни бошқариш муаммосини батафсил қараб чиқиб, Дарендорф зиддиятлар қанчалик ўткир бўлса, ижтимоий силжиш (мобиллик) шунчалик оғир кечади,

деб уқтирган. Шундан юқори даражада мобиллашган жамият либерал дастури келиб чиқади. Бундай жамиятда зиддиятлар тан олинади ва бошқарилади, ҳамма учун дастлабки имкониятлар тенглиги, индивидуал рақобат ва юқори мобиллик мавжуд бўлади. Лекин тенглик эркинлик шароити бўлиши керак, шунинг учун одамларнинг турли роллардаги зиддияти умумий ижтимоий тенгликдан афзалдир.

**ДЕВИАНТ ҲУЛҚ-АТВОР** (лот. **deviatio** — оғиш) — ижтимоий нормативлар ва меъёрлардан оғиб кетувчи хатти-ҳаракат.

**ДЕВИАЦИЯ** — гуруҳий меъёрлардан оғиб кетувчи деб баҳоланувчи ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракат.

**ДЕЛИНКВЕНТ** (лот. **delinquens** — қонунбузар) — оғма хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келувчи субъект (шахс).

**ДЕМОКРАТИЯ** (лот. **demos** — халқ ва **kratos** — ҳокимият) — халқ бошқаруви, халқ учун бошқарув ва халқ воситасида бошқарув амалга ошириладиган давлат тузилиши шакли.

**ДЕТЕРМИНАЦИЯ** (лот. **determinare** — белгилаш) — ривожланувчи нарсанинг ўзига хос қисмларининг вужудга келиши бўлиб, маълум маънода уларнинг кейинги ривожини белгилаб беради.

**ДИАДА** — икки кишидан иборат гуруҳ.

**ДИАЛЕКТИК СОЦИОЛОГИЯ** — ҳозирги замон ғарб социологиясида позивитизмга зид йўналиш бўлиб, у ижтимоий тузилмаларнинг ўзаро ҳаракатига ва уларнинг ҳосиласи бўлган ижтимоий ўзгаришларга асосий эътиборини қаратади. Диалектик социологиянинг кўри-нишларидан бири — франкфурт мактаби.

**ДИЛЬТЕЙ** Вильгельм (1833—1911) — немис маданият тарихчиси ва файласуфи, «ҳаёт фалсафаси» вакили. У асос солган «тушунувчи психология» кейинчалик «тушунувчан социологиянинг» вужудга келишига туртки бўлган эди. Дильтей таълимотидаги марказий тушунча — ҳаёт тушунчаси бўлиб, бунда ҳаёт биологик эмас, маданий-тарихий жараён деб талқин этилган. Фалсафанинг вазифаси — ҳаётни унинг ўзидап, яъни унинг вақтийлиги ва тарихийлигидан келиб чиқиб тушунишдир. Шунинг учун Дильтей «тушуниш» услубини ишлаб чиққан. Унинг моҳиятини қандайдир маънавий-руҳий яхлитликни (яхлит кечинмаларни) бевосита англаб етиш ташкил этади. Тушуниш, бир «ҳаётнинг» иккинчисига интуитив кириб бориш услубини Дильтей

тушунтириш услубига қарши қўяди. Чунки тушунтириш ташқи тажриба билан иш кўрувчи ва ўз предметини ақл-идрок ёрдамида лойиҳалаштирувчи табиий фанларда қўлланилади. Дильтей олдинги асарларида интроспекция (ўз-ўзини кузатиш) услубига таянган ва ўтмиш маданиятини изоҳлашнинг воситаси бўлган «бирга ҳис қилиш», «ҳаётий кириб бориш», «ҳиссий кириб бориш» назариясини ишлаб чиққан эди. Фаолиятнинг иккинчи даврида у интроспектив услуб психологизмининг олдини олишга уринган. Дильтей ўтмиш маданиятини «қотиб қолган ҳаёт», «объективлаштирилган руҳ» деб қараган. Лекин объективлик муаммосини ҳал этишдаги қийинчиликни у тушуниб етган: «Бошқани англаб етиш имконияти — энг чуқур назарий билиш муаммоларидан бири». Бу муаммони ҳал этиш учун Дильтей герменевтика (тарихий матнларни талқин этиш) услубини асослашга уринган. Бу услубни у ёзма қайд этилган ҳаёт кўринишларини тушуниш санъати деб билган. Дильтей ўз ғоялари билан XX аср ғарб фалсафаси ва социологияси — экзистенциализм, фалсафий герменевтика, тарихий социология ривожига, айниқса Зиммел, М. Веберга катта таъсир кўрсатган.

**ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ** — диний фикриётдаги йўналиш бўлиб, у инсон ва унинг оламдаги ўрни тўғрисидаги диний тасаввурлар асосида жамият назариясини қуриш билан боғлиқ. Дин социологияси шунингдек замонавий социологик таълимотларнинг маълум бир қоидаларини қабул қилган. Э. Дюркгейм ва М. Вебер асос солган бу соҳа кейинчалик Т. Парсонс, Мертон, Бергер, Лукман, Белл қарашларида янги жиҳатлар билан бойиб борди.

**ДИСПОЗИЦИЯ** (лот. **dispositio** — жойлашув) — субъектнинг ҳулқ-атвор актларига, хатти-ҳаракатга, фаолиятга, уларнинг кетма-кетлигига қобилиятлилиги.

**ДИСПРОПОРЦИОНАЛ (ТЕНГ УЛУШЛИ БУЛМАГАН) ТАНЛАШ** — қатламлар бўйича саралаш. Бунда у ёки бу ижтимоий қатламни танлаб олиш (яъни бир қатламга мансуб элементларнинг тапланиш эҳтимоли) қатламнинг энг катта (генерал) сифмидаги ҳажмига пропорционал бўлмайди.

**ДИСФУНКЦИОНАЛЛИК** (лот. **dis...** — бузилишни билдирувчи сифатдош, **functio** — бажариш) — маълум бир ижтимоий муассаса ёки жараённинг бир бутунликка нисбатан (масалан, оиланинг ёки давлатнинг жами-

ятга нисбатан) ўз вазифасини бажаришида бузилишларнинг вужудга келиши.

**ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** (лот. **differentiation** фарқ) — бир бутунликнинг турли қисмлар, шакллар ва даражаларга бўлиниши бўлиб, бирор бир ҳодисанинг ривожигадаги аввалги босқични ифодалайди.

**ДИФФУЗИЯ** (лот. **diffusio** — тарқалиб кетиш) — бирор бир предмет ёки жараённинг тенг куч ва масофа оралиғида ёйилиши.

**ДЮРКГЕЙМ** Эмиль (1858—1917) — француз социологи ва файласуфи, француз социологик мактаби асосчиси, Францияда социологиянинг оёққа туриши Дюркгейм номи билан боғлиқ. У Контнинг позивистик анъаналарини давом эттирган, табиий фанлар намуналаридан фойдаланиб, назарий тузилмаларнинг эмпирик асосланганлиги ва аниқлигига эътибор берган. Социологиянинг мустақил фан бўлишидаги умумий шароитлар деганда Дюркгейм алоҳида предмет ва унга мос услубнинг мавжудлигини тушунган. Бундай предмет алоҳида мавжудлик бўлиб, у билан ҳозиргача мавжуд бўлган бирорта фан шуғулланмаган. Бундай борлиқнинг асосини борлиқнинг иқтисодий, психологик, жисмоний ва б. фактларга боғланмаган ижтимоий фактлар ташкил этади ва улар бир қанча мустақил хусусиятларга эга. Уларнинг энг муҳим белгилари — объектив, яъни индивидга таъсир кўрсата олиш қобилияти, мажбурловчи куч. Индивиднинг жамиятдаги хатти-ҳаракати асосан индивидуал сабаблар ва омиллар билан эмас, балки уни у ёки бу хатти-ҳаракатга йўналтирувчи ижтимоий фактларнинг йиғиндисини билан белгиланади. Ижтимоий фактлар жамиятнинг «моддий субстратини» ташкил этувчи (аҳоли зичлиги, аҳоли жойлашуви характери каби) морфологик фактлар ва маънавий, номоддий фактлар («коллектив тасаввурлар», коллектив ёки умумий онг) га бўлинади. Дюркгейм асосан коллектив онг, унинг турли шакллари (дин, ахлоқ, ҳуқуқ) аҳамиятини ўрганган. Дюркгейм қарашлари тизимининг назарий-методологик асосини социологизм (социологик реализмнинг кўринишларидан бири) ташкил этади. У ижтимоий мавжудликнинг ўзига хослиги ва автономлигини (алоҳидалигини) таъкидлайди. Бу қондага асосланиб Дюркгейм жамиятга индивиддан жисмоний ва ахлоқий устун бўлган хусусиятларни қиёслайди. У барча ижтимоий фанлар учун социологик услубни қўллашни уқтиради. Ижтимоий фактларга «нарсалар» сифатида қа-

раш табиий («позитив») фанлар қондаларига амал қилишни талаб этади. Дюркгейм бутун конценцияси мобайнида ижтимоий бирдамлик ғоясини асослашга уринган. Жамиятдаги механик ва органик бирдамликни у ягона эволюцион занжирнинг ҳалқалари деб изоҳлаган. Механик бирдамлик қадимий жамиятда устун бўлган ва у индивидларнинг ривожланмаганлиги ва уларнинг ижтимоий функцияларининг ўхшашлигига асосланган. Органик бирдамлик эса замонавий жамиятларга хос ва у меҳнат тақсимотига асосланган. Инсон фаолияти маҳсулотларининг айирбошланиши жамият аъзоларининг бир-бирига боғлиқлигини талаб этади. Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида олганда мукаммал бўлмаганлиги учун, меҳнат ижтимоий тақсимотининг вазифаси — индивидларни жипслаштириш, ижтимоий организмнинг бирлигини таъминлашдан иборатдир. Дюркгейм бирдамликни олий умумий қадрият сифатида қараган. Шунинг учун меҳнат тақсимоти ахлоқий асосга эгадир. Меҳнат ва капитал антогонизми, капиталистик жамиятнинг ахлоқий ва иқтисодий инқирозларини Дюркгейм нормадан (зарур меъёрдан) оғиб кетиш, жамият асосий синфлари ўртасидаги муносабатларнинг етарли даражада йўлга солилмаганлиги натижаси деб билган. Меҳнат тақсимоти замонавий жамиятда зарур ижтимоий алоқани, синфлар ўртасидаги бирдамликни ўрнатиш механизми ҳисобланади. Дюркгейм касбий корпорациялар, яъни ижтимоий бирдамлик органларини тузиш ғоясини асослашга уринган. Улар ёрдамида жамиятда зиддиятли муносабатларни юмшатиш, ижтимоий оғишларнинг олдини олиш мумкин. Ижтимоий интеграцияда ҳал қилувчи рол идеаллар ва эътиқодга (коллектив тасаввурларга) боғлиқ. Бунда Дюркгейм дин ва ахлоқнинг асосий кўринишларини назарда тутган. Умуман, Дюркгейм Францияда ижтимоий фанлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳозирги пайтда у ғарб социологиясининг тан олинган мумтоз вакили ҳисобланади. Унинг концепциялари ғарб социологияси, хусусан структурали функционализм назарий пойдеворининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган.

## Е

**ЕТАҚЧИ** (ингл. **leader** — бошловчи, раҳбар) — гуруҳнинг ҳал қилувчи вазиятларда унинг учун масъулиятли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини тан олган

аъзоси; бирор-бир жамоада катта обрў-эътибор ва таъсирга эга бўлган шахс; сиёсий партия, жамоат ташкилотли ва ҳ. к. нинг бошлиғи, раҳбари.

**ЕТАҚЧИЛИК** — индивид хатти-ҳаракатининг гуруҳ етакчиси ролига мос келувчи қобилиятлари, сифатларининг намоён бўлиши. Етакчи хили эса ижтимоий тузум табиати, гуруҳ хусусияти ва муайян—тарихий вазиятга боғлиқ.

## Е

**ЕНЛАМА (ГОРИЗОНТАЛ) ҲАРАКАТЧАНЛИК** — индивид ёки ижтимоий объектнинг бир хил даражада бўлган бир ижтимоий ҳолатдан (позициядан) бошқасига ўтиши.

**ЁШЛАР** — ёш хусусиятларига, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослигига кўра ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ. Ҳозирги пайтда 14—16 ёшдан 25—30 ёшгача бўлганлар ёшларга мансуб деб ҳисобланадилар. Ёшларнинг алоҳида ижтимоий-руҳий қиёфаси жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув қонуниятлари, таълим-тарбия имкониятлари билан белгиланади.

**ЁШ СОЦИОЛОГИЯСИ** — жамиятнинг тузилишини ва ривожланишини ёш нуқтаи назаридан ўрганувчи, шунингдек индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ёш билан ифодаланувчи ижтимоий жиҳатларини тадқиқ этувчи социологик фан.

**ЁШЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда ёшларнинг хулқ-атворини, ижтимоийлашув хусусиятларини, уларнинг ижтимоий ва касбий йўналганлиги, роллари ва мақомининг шаклланиш жараёнини, шунингдек ёшлар маданияти кўринишларини ўрганувчи соҳа.

**ЁШ МАҚОМИ** — индивидга ёш асосида тадбиқ этилувчи ижтимоий ҳолат.

## Ж

**ЖАМИЯТ** — инсонларнинг барча ўзаро ҳаракатлари услублари ва бир-биридан ҳар томонлама боғлиқлиги ифодаланадиган бирлашмаларининг йиғиндиси.

**ЖАМОА** — умумий доимий яшаш жойига эга бўлган, кундалик ҳаётларида бир-бирига боғлиқ бўлган ва умумий иқтисодий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун фаолият кўрсатувчи инсонлар мажмуаси.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ** — ижтимоий онгнинг ўзига хос динамик намоён бўлиши. Жамоатчилик фикрида ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий мавжудликнинг сезиларли қизиқиш уйғотувчи муаммоларига нисбатан фикр-мулоҳазалари вербал ва новербал шаклда, ошкора ва яширин муносабати ифода этади. Жамоатчилик фикри шунингдек аҳолининг кўпчилик қисми риюя этувчи тасаввурлар, фикр-мулоҳазалар ва хулосалар мажмуаси бўлиб, у барча ижтимоий бирликларда — оила ёки маҳаллада, кичик қишлоқда ёки катта шаҳарда ва умуман жамиятда ҳам мавжуддир ҳамда инсонларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатларига, фаолиятига кучли таъсир кўрсатиши билан ифодаланади.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ**, — жамоатчилик фикри ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этувчи соҳа. Жамоатчилик фикрни социологик жиҳатдан кенг ўрганиш 19 а. иккинчи ярмидан бошланган. Бунда Г. Тарднинг «Жамоатчилик фикри ва оломон» асари айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тард фикрича, жамоатчилик фикри «омма» томонидан туғдирилади, бунда асос бўлиб инсонлараро муомала хизмат қилади. Шундан бирмунча вақт сўнг АҚШ да жамоатчилик фикрини ўрганишнинг сиёсий жиҳатига катта эътибор берилди бошланган. Айниқса А. Лоуэллнинг «Жамоатчилик фикри ва халқ ҳукумати» асари жамоатчилик фикри табиати ва уни ўрганиш услублари ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. Америкалик тадқиқотчи В. Липман жамоатчилик фикри элементи бўлган стереотипларнинг ўрнини ва ролини чуқур таҳлил қилган. Жамоатчилик фикрини амалий ўрганиш услубларини асослашда эса П. Лазарсфельд, Мертон каби социологларнинг хизмати катта бўлган. 20 а. 30 йиллари охиридан бошлаб ғарбда Гэллап институти жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Собиқ СССР парчалангандан сўнг бир қанча МДҲ мамлакатларида ҳам жамоатчилик фикрини ўрганувчи илмий марказлар (масалан, Москвада ВЦИОМ) ташкил қилинди. Мамлакатимизда эса жамоатчилик фикрини кенг миқёсда ўрганиш «Жамоатчилик фикри» Марказининг ташкил этилиши билан бошланди.

**ЖИНОЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда жиноятчилик ва унинг сабабларини ўрганувчи соҳа. К. Герман, Э. Дюккетье, А. Герри тадқиқотлари натижасида шакллана бошлаган бу соҳага француз олими Л. Кет-

ленинг (1796—1874) «Ижтимоий физика» китоби кучли таъсир кўрсатган. Бу китобида Кетле статистик таҳлилга асосланиб ҳар қандай ижтимоий тузум ўзининг ташкил бўлишидан келиб чиқувчи маълум миқдор ва тартиб кўринишидаги жиноятларга эга бўлади деган хулосага келган. Жиноят социологияси мактаби вакиллари Конт, Милл, Спенсер каби социологларнинг таълимотига таяниб жиноятчиликнинг назарий-социологик муаммоларини ҳам тадқиқ этдилар. Шу даврнинг ўзида бошқа гуруҳ социологлар — Ф. Лист, Тард ва б. жиноятчиликнинг статистик таҳлилига эътибор қаратдилар. Мумтоз социологиянинг бошқа бир вакили—француз социологи Э. Дюркгейм (1858—1917) ўз вақтида жиноятчиликни ҳар бир ижтимоий тип учун хос бўлган даражадан ошмагунча нормал ҳолат деб ҳисоблаган эди. Шунинг учун уни жиловлаш, назорат остига олиш механизмларини кашф этиш зарур. Бу фикрнинг давоми сифатида у жиноятчиликнинг мавжудлиги — меёрий ҳолат, унинг ўсиши эса жамият учун касаллик деб ҳисоблайди. Шунинг учун жиноятчилик ҳақида биринчи навбатда бутун жамият қайғуриши керак. Бу йўлдаги энг яхши сўёсат—одамларнинг турмуш даражасини ошириш, қашшоқликка қарши курашдир. Жиноят социологиясидаги яна бир нуфузли йўналиш — криминалистик социологиядир. Халқаро криминалистлар уюшмасига асос солган голландиялик тадқиқотчи Г. Ван-Гаммел ва белгиялик олим А. Принс криминалист-социологлар сифатида жиноят социологиясини бир қанча турларга ажратган эдилар: жиноят догматикаси; жиноят этиологияси (криминология); жиноятга қарши сўёсат (жиноятчилик билан кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш); пенология (жазолар ҳақидаги фан). Юқорида келтирилган йўналишлар асосида социологияда жиноят социологияси мактаби шаклланди ва у ҳозирда кўпгина демократик мамлакатларда катта нуфузга эга бўлиб келмоқда. Бу мактаб аввало жиноятчиликнинг ижтимоий жиҳатларига катта эътибор беради. Носоғлом ижтимоий муҳит жиноятчиликнинг манбаи, жиноятчилик эса ана шу муҳитда мавжуд бўлувчи ва ривожланувчи «микробдир». Жиноятчиликнинг мавжудлигининг асосий айбдори — жамиятнинг ўзи бўлиб, жиноят касалликлар ёки ўлим каби абадийдир (Ф. Лист). Шунингдек, жиноятчилик социологияси мактаби жиноятчилик омилларига кенг ёндошади. Бунда қўйидаги омиллар ажратиб кўрсатилади: **индивидуал омил** (жиноятчи-

нинг ижтимоий келиб чиқиши, тарбияси, маълумот даражаси, касби, жинси, ёши, оилавий аҳволи, жисмоний ва руҳий хоссалари); **ижтимоий омил** (умумий ижтимоий аҳвол, ишсизлик, паст ҳаёт даражаси, ёмон турмуш шароитлари, ичкиликвозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, бирор бир ирққа ва диний гуруҳга мансублик, урбанизация даражаси, миграция ва ҳ.к.); **табiiий омил** (йил мавсумлари, иқлим, ҳаво ҳарорати ва ҳ.к.). Бу омиллар ичида ҳам ижтимоий омилга кўпроқ эътибор берилади. Айниқса молиявий, жисмоний ва маънавий қашшоқлик жиноятчиликка таъсир кўрсатмай қолмайди деб эътироф этилади. Ҳатто ижтимоий муаммоларнинг сурункали ҳал этилмаслиги оқибатида жиноятчилик авж олган ҳудудлар вужудга келиши ҳолларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Жиноят социологияси мактаби жиноятчилар типологиясига ҳам эътибор билан қарайди. Бу мактаб вакиллари барча жиноятчиларни икки хилга ажратади: 1) тасодифий, «ўткир» жиноятчилар; бундай жиноятчилар ўз жиноятларини асосан ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида содир қиладилар; 2) одатий, «сурункали» жиноятчилар; бундайлар жиноятни ўзларининг феълидаги алоҳида хусусиятлари, руҳий ва жисмоний жиҳатларига кўра амалга оширадилар. Шунини айтиб ўтиш зарурки, жиноятчилардан ташқари жиноятга мойил шахслар, жиноятчилик «салоҳиятига» эга кимсалар ҳам социологларни ўйлантириб келади. Хусусан, «жиноятчининг хавфли ҳолати» назариясига биноан ўз ҳаёт тарзи ва шахсининг жисмоний-руҳий хусусиятларига кўра жамият учун хавф тугдирувчи одамлар мавжуд. Улар таркибига қуйидагилар киради: дарбадар кимсалар; ароқхўр ва гиёҳвандлар; фоҳишалар; ўткир жиноятчилар (рецидивистлар); қуюшқондан чиққан кимсалар ва ҳ.к. Ҳозирги пайтда жиноят социологияси мактабининг таъсири Ёрбда, айниқса АҚШ да анча сезиларлидир.

### 3

**ЗИММЕЛ** Георг (1858—1913) — немис файласуфи ва социологи, кейинги ҳаёт фалсафасининг асосий вакилларида бири, формал социология асосчиси. Социология классиклари орасида Зиммел энг зиддиятли социологдир. Ҳозирнинг социологик қарашлари жуда кенг бўлишига қарамай, Зиммел социологик фанлар предмети, услу-

би ва вазифалари тўғрисида такрорланмас фикрлар билдирган. Зиммел фикрича, социология бошқа фанлар «эгалламаган» алоҳида предметни танлаш йўли билан эмас, балки услуб (метод) сифатида шаклланмоғи керак. Социология аввало барча фанларда қўлланадиган социологик тадқиқот сифатида ўрин топиши зарур, чунки уларнинг барчасининг предмети ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидир. Лекин бу ижтимоий билишнинг биринчи босқичи, холос. Турли фанларда қўлланиладиган социологик тадқиқотнинг мақсади — уларнинг биргаликдаги предметида социологиянинг хусусий предмети бўлиб қолувчи алоҳида фактлар хилини ажратиб олишдир. Бу — социологиянинг соф шакллари дир. Социологик метод ҳодисалардан социация ҳолатини ажратиб олишга хизмат қилади. Социациянинг соф шаклларини ажратиб олгандан сўнг улар тартибга келтирилади, асосланади ва тасвирланади. Турли ижтимоий фанларда қўлланадиган социологик тадқиқотни Зиммел умумий социология деб, социациянинг соф шаклларини тасвирлаш ва тизимлаштиришни эса — соф ёки формал социология деб атаган. «Соф» социология жамият тўғрисидаги турли фан тадқиқотлари учун ўз предметиға «социологик» ёндошишда йўналишларни танлаб олишға хизмат қилади. Демак, «соф» социология бошқа ижтимоий фанларға нисбатан методологик вазифани бажариши зарур. Социология эса умуман социациянинг «соф» шакллари тўғрисидаги таълимотдир. Шакл тушунчаси ва у билан боғлиқ мазмун тушунчаси — Зиммелнинг «соф» (формал) социологиясининг энг муҳим тушунчаларидир. Шаклни у бажарадиган вазифаларига қараб белгилаш мумкин. Бу вазифалар қуйидагилар: 1) шакл бир неча мазмунни бир-бириға шундай мослайдики, бу мазмунлар бирликни ташкил этади; 2) шаклға эға бўлгандан сўнг бу мазмунлар бошқа мазмунлардан ажралади; 3) шакллар мазмунларни бир-бириға мос ҳолда тузулма ҳолиға келтирадилар. Шакл ва мазмуннинг қарама-қаршилиги, Зиммел фикрича, индивидлар руҳи, мақсадлари, интилишлари, эҳтиёжлари натижалари ва тарихий воқеалар ҳамда ҳодисалар ўзаро ҳаракатининг энг кўп такрорланадиган тузилмалари қарама-қаршилигидир. Бундай тузилмалар нисбатидан кишилик жамияти вужудға келади. Баъзи тадқиқотчилар Зиммел ажратиб кўрсатган социал шакллари қуйидаги хилларға бўладилар: мураккаб вазиятлар (қуллик, айирбошлаш); нормалар (қонун, урф-одат, ахлоқ, виждон); ижтимоий

типлар (бегона, ғариб, ўргатувчи, қорасуяк); гуруҳлар (оила, махфий жамият, сиёсий партия); гуруҳий тузилманинг унсурлари ва хоссалари (иерархия, доимийлик, ўзгарувчанлик, марказлаштириш); ндивидлараро муносабатлар (зиддият, ҳукмронлик, бўйсунувчанлик); йирик жабҳали ижтимоий-тарихий жараёнлар. Зиммел ҳозирги замон социологияси асосчиларидан бири ҳисобланади. У биринчилардан бўлиб социологияда танқидий анъанани, зиддиятлар социологиясини, жамият ҳаётини ўрганишда структурали — функционал ёндошувни қараб чиқишга қўл урган. Шунингдек, у шаҳарни, динни, билишни ва б. социологик таҳлил қилишда кўпгина қимматли ғояларни ўртага ташлаган.

**ЗНАНЕЦКИЙ** Флориан (1882—1958) — поляк социологи ва файласуфи, XX аср социологиясида гуманистик йўналиш вакилларида бири. Ижтимоий борлиқнинг асоси деб қадриятларни ҳисоблаган. Қадриятлар маданий дунёни ташкил қилади ва маданият тўғрисидаги фанлар, шу жумладан социология томонидан ўрганилади. Знанецкий социологик қарашлари антипозитивистик анъана (Дильтей, неокантчилик, М. Вебер), шунингдек америка прагматизми ва эмпиризми таъсирида шаклланди. Знанецкий — ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиларидан бири. Жамият, унинг фикрича маданий тизим бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, технологик ва б. тизимчалардан иборат ва маданий фанлар томонидан ўрганилади. Социологиянинг предмети бўлиб ижтимоий тизимлар ҳисобланади, улардан эса ижтимоий борлиқ ташкил бўлади. Знанецкий ижтимоий тизимларнинг тўртта асосий турини ажратиб кўрсатган: ижтимоий тизимларнинг ҳаракати; ижтимоий муносабатлар; ижтимоий шахслар; ижтимоий гуруҳлар. Знанецкий социолог сифатида инсон коэффициентини доимо ҳисобга олишни талаб қилди. Унинг фикрича ижтимоий тизим табиати индивидлар ижтимоий ҳаракатининг хусусияти билан белгиланади, уларнинг асосида эса қадриятлар, кўрсатмалар ётади. Кенг маънода бу ижтимоий ҳодисаларни одамларнинг онгли фаолияти натижаси деб тушуниш эди. Знанецкий социологияни далилларни йиғиш асосида ривожланувчи фан деб ҳисоблаган. Умумлашмалар учун инсон коэффициентини ҳисобга олиш имконини берувчи эмпирик маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади. Шахсий ҳужжатлар услуби (биографик услуб) шулар жумласидандир. Бу услуб Знанецкий Томас билан биргаликда ёзган ва социологияда мумтоз

асарлардан ҳисобланувчи «Поляк деҳқони Европада ва Америкада» китобида биринчи маротаба қўлланилган. Шахсий ҳужжатлар (хатлар, таржимаи ҳоллар, кундаликлар, хотиралар ва ҳ. к.) Знанецкий фикрича, тадқиқотчи томонидан уларни изоҳлашни таъминлайди. Знанецкийнинг илмий ва педагогик фаолияти XX аср биринчи ярмидаги Европа ва Америка социологияси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг таълимотидаги кўпгина тушунчалар ва қондалар кейинчалик структуравий функционализм ва бошқа америка социологик мактабларида тадбиқ этилган.

**ИБН ХОЛДУН** Абдурахмон Абу Зайд (1332—1406)— араб тарихчиси ва мутафаккири. Баъзи маълумотларга қараганда Ибн Холдун соҳибқирон Амир Темур билан илмий суҳбатлар қурган. Ибн Холдуннинг асосий асари — «Китоб ул-ибар»нинг (1370) Муқаддима қисмида унинг тарихий-социологик назарияси баён этилган. Асарда ахлоқ ва бошқа ижтимоий институтлар кишилар турмуши билан боғлиқлиги таъкидланган. Ибн Холдун мўътадил иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолига қараганда жисмоний ва маънавий устунликка эга бўлган кўчманчилар тарихнинг фаол кучи ҳисобланади, деган назарияни баён қилган. Умуман, Ибн Холдун биринчи бўлиб тарихий-ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритиб социологияни ривожлантирди. Унинг қарашлари Макиавелли, Монтескье каби алломалар ижодига катта таъсир кўрсатган.

**ИЕРАРХИЯ** (юнон. *hieros* — муқаддас ва *arche* — ҳокимият) — маълум бир яхлитлик қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига қараб жойлашиш тартиби. Социологияда бу тушунча жамиятнинг ижтимоий тузулмасини, айниқса бюрократияни белгилашда қўлланилади.

**«ИЖТИМОИЙ»** (атама) — жамият ҳаётининг турли томонларини белгилаш учун хизмат қилувчи тушунча. «Ижтимоий» атамаси кўпинча бир неча маънода ишлатилади: 1) бутун жамиятга нисбатан; 2) жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатлари билан бир қаторда унинг бир жиҳатини ифодалаш маъносида; 3) кишилар ҳаётий фаолиятининг биргаликда ва субъектив моҳиятидан ва уларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқувчи сифат. Биз ушбу атамани айнан шу учинчи маънода қўлладик.

**ИЖТИМОИЙ АГРЕГАЦИЯ** (лот. *aggrego* — қўшиб

оламан) — маълум табиий маконда йиғилган ва онгли равишда ўзаро ҳаракат содир қилмайдиган одамларнинг маълум бир миқдори (сони).

**ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ** — жамиятда инсон қадр-қимматини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорлик, эркинлик ва фуқаролар тенгҳуқуқлилигига эришишнинг механизмини таъминловчи қадриятлар мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ АЖРАЛИБ ҚОЛИШ (ИЗОЛЯЦИЯ)** — бирор индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий алоқалар ва ўзаро ҳаракатларни тўхтатиб қўйиш ёки кескин камайтириш натижасида бошқа индивидлар ёки ижтимоий гуруҳлардан ажралиб қолиши юз берадиган ижтимоий ҳодиса.

**ИЖТИМОИЙ АЛМАШИНИШ** — инсон ҳаракати тизимининг индивид, ижтимоий тизим (жамият) ёки маданият даражасида функционал тизимлар доирасидаги ҳолати. Бундай тизимлар ичидаги заҳиралар доимий равишда алмашинув муносабатлари ҳолатида бўлади. Ҳаракат содир қилиш учун зарур бўлган бундай заҳираларга қадриятлар, меъёрлар, мақсад ва вазифалар мансуб бўлиб, улар ҳаракат содир қилиш пайтида ўзига хос равишда мутаносибликда ва нисбатда бўладилар. Заҳираларнинг бир тизимчадан иккинчисига ўтиши умумий тизимда амал қилувчи рамзий воситачилар орқали тартибга келтирилади ва назорат қилинади.

**ИЖТИМОИЙ АЛОҚА** — индивидлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг бир-бирига нисбатан ҳар қандай социомаданий мажбуриятлари.

**ИЖТИМОИЙ АНТРОПОЛОГИЯ** — социологияда ибтидоий ва анъанавий тизимларни ўзининг тадқиқот объекти деб ҳисобловчи соҳа. Ижтимоий антропология асосан ижтимоий тузилмалар ва жараёнларни уларнинг маданий шароитлари ва алоқаларига нисбатан ўрганади. Шу маънода ижтимоий антропология назарий социология билан қўшилиб, инсон ҳаракатлари тизимлари ҳақидаги ягона фанга айланди.

**ИЖТИМОИЙ АХБОРОТ** — маълум бир тизим доирасида хабарлар белгилари мажмуаси сифатидаги ахборотнинг бир соҳаси. Ижтимоий ахборотнинг ўзига хослиги бир томондан ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий соҳаси билан, иккинчи томондан ижтимоий ҳаёт субъектларининг хусусиятлари билан белгиланади.

**ИЖТИМОИЙ АҲВОЛ** — ижтимоий субъектнинг жамиятда тутган у ёки бу ўрни, у ёки бу ижтимоий ўринда

(жойда) эгаллаган мавқеда қўлга киритган мустақкам алоқаларининг мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ БАШОРАТ** — ижтимоий ривожланиш хусусияти ва йўналишини жамият ижтимоий ривожининг устувор жиҳатлари, ўтмиш тажрибалари, унинг тадрижий ўзгариб бориши асосида олдиндан айтиб бериш.

**ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИҚ** — ижтимоий ҳамжиҳатлик билан ифодаланувчи ижтимоий ҳолат. Меҳнат тақсимотидан келиб чиқувчи ижтимоий бирдамлик ижтимоий интеграциянинг муҳим элементи ҳисобланади.

**ИЖТИМОИЙ БОШҚАРУВ** — жамиятдаги бошқарувнинг асосий турларидан бири. Унинг вазифаси ижтимоий ҳаёт иштирокчиларининг ижтимоий муносабатлар субъектлари сифатидаги ўрнини тартибга солишдан иборат.

**ИЖТИМОИЙ БОҒЛИҚЛИК** — ижтимоий муносабат ҳолати бўлиб, бунда ижтимоий тизим Т 1 (индивид, гуруҳ ёки ижтимоий институт) ўзи учун зарур ижтимоий ҳаракат Х 1 ни амалга ошириши учун бошқа ижтимоий тизим Т 2 ҳаракат Х 2 ни содир қилиши зарур. Бунда Т 2 тизим унга боғлиқ бўлган Т 1 устидан таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади.

**ИЖТИМОИЙ БУЗИЛИШ (ДЕГРАДАЦИЯ)** — ижтимоий ривожланишда бузилиш жараёни, носоғлом ҳолатларнинг кучайиши, шахс, гуруҳ, ижтимоий институт ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг субъектив роли шаклининг ўзгаришининг кучайиб бориши.

**ИЖТИМОИЙ ВАЗИФА (ФУНКЦИЯ)** — 1) у ёки бу ижтимоий субъектнинг (индивид, оила, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий институт) бажарадиган ижтимоий юк-ламалари; 2) жамиятнинг маълум бир ижтимоий ўрин эгаллаган шахсларга нисбатан қўядиган талаблар мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ ВАҚТ** — вақтнинг жамият, ижтимоий бирликлар, индивидлар мавжуд бўлган ва ривожландиган ўзига хос хусусиятлари.

**ИЖТИМОИЙ ГИГИЕНА (САНИТАРИЯ)** — эмпирик социологик тадқиқотлар йўналиши. XIX асрда шаклланган бу йўналиш кейинчалик юқумли касалликларга (тиф, вабо, сил ва ҳ.к.) қарши кураш, айрим ижтимоий муассасаларда (касалхоналар, турмалар ва б.) оддий санитария қоидаларига риоя этиш, шахсий гигиенани тарғиб қилишдан тортиб то ичкиликвозлик, руҳий ва ақлий етишмовчиликларга қарши курашгача

бўлган муаммолар билан шуғулланган. Охирги йилларда ижтимоий саломатликнинг «ижтимоий» мазмунига, жумладан мустаҳкам оила, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига эътибор кучаймоқда.

**ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ** — индивидлар мажмуи. Ижтимоий гуруҳга мансуб индивидлар ушбу гуруҳга мансуб ҳар бир аъзонинг бошқаларига нисбатан мўлжали асосида ўзаро ҳаракат қилади.

**ИЖТИМОИЙ ДАВРА** — ижтимоий муҳитнинг индивид, гуруҳ, ижтимоий институт бевосита ёки билвосита ўзаро алоқага киришадиган субъектив қисми.

**ИЖТИМОИЙ ДАЛИЛ (ФАКТ)** — ижтимоий тизим тадрижий ривож (эволюцияси) ва амал қилиши ҳолати тахлилининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилувчи илмий аниқланган далил, ижтимоий борлиқнинг нақд кўриниши, ижтимоий аҳамиятга молик алоҳида воқеа.

**ИЖТИМОИЙ ДАРВИНИЗМ** — XIX аср охири — XX аср бошларида ижтимоий фанларда мавжуд бўлган оқим бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш қонунларини табиий танланишнинг инглиз олими Дарвин кашф этган биологик қонуниятларига мос равишда тушунтиришга уринган. Ижтимоий дарвинизмнинг асосий ғояси ижтимоий тузилма асосида инсоннинг табиий қобилиятлари ётади деган фикр ташкил этади. Ҳозирда ижтимоий давинизм ғоялари сусайган бўлсада, социобиологияда маълум бир кўринишларга эга.

**ИЖТИМОИЙ ДИНАМИКА** (юнон. dynamikos — кучли) — жамиятнинг муттасил равишда тараққий этиб бориши, ижтимоий ҳаёт жараёнларининг ривожини. О. Конт «ижтимоий динамика» атамасини биринчи бўлиб қўллаган ва уни ижтимоий организмнинг физиологияси деб баҳолаган.

**ИЖТИМОИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** (фр. differentiation — фарқ) — жамиятнинг тадрижий ривожиди вазибаларига кўра махсуслашган институтлар ва меҳнат тақсимогининг вужудга келиш жараёни.

**ИЖТИМОИЙ ДОИРА** — ўз аъзолари орасида ахборот алмашиш мақсадида тузилган ижтимоий бирликлар.

**ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁН** — индивид, ижтимоий институтлар, гуруҳларнинг ижтимоий ҳолати ёки турмуш тарзининг ўзгариши йўналишини ифодаловчи барқарор ҳаракатлар, ўзгаришлар, ҳатти-ҳаракатлари ҳолатларининг мажмуаси.

**ИЖТИМОЙИ ЗАҲИРАЛАР** — ижтимоий ривожланиш самарадорлигини ошириш салоҳиятларининг етарли даражада ишлатилмаётган имкониятлари.

**ИЖТИМОЙИ ИМТИЁЗЛАР** — алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотларнинг кўпчилик одамлар етишолмаган ҳуқуқ ва имтиёзларга эгаллиги. Улар мулкӣ фарқлар, давлат ва бошқа муассасалар тузилмаларидаги ҳолатдан келиб чиқади, баъзан ҳуқуқий кафолатланади, аммо кўпинча аста-секин вужудга келади. Шунингдек у нотекис дастлабки имкониятлар — мулкӣ, маданий, таълим имкониятлари билан ҳам боғлиқ.

**ИЖТИМОЙИ ИНТЕРАКЦИЯ** (лот. *inter* — орасида, *action* — ҳаракат) — инсонлар ўзаро ҳаракатга киришувчи жараён.

**ИЖТИМОЙИ ИНСТИТУТЛАР** (лот. *institutum* — ташкилот) — инсонларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этишнинг мустаҳкам шакли. Ижтимоий институтлар жамиятда ташкилий, тартибловчи, бошқарув ва тарбиявий функцияларни амалга оширади.

**ИЖТИМОЙИ ИНСТИТУТЛАР ДИСФУНКЦИЯСИ** — ижтимоий институтнинг ижтимоий муҳит, жамият билан нормал ўзаро фаолиятининг бузилиши, ўз ролини амалга оширишда юз берувчи мураккабликлар.

**ИЖТИМОЙИ ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* — тикланиш, тўлдириш) — турли хил ўзаро ҳаракатдаги элементларни ижтимоий бир бутунликка, тизимга боғловчи жараёнлар мажмуаси. Ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий муносабатлар мустаҳкамлиги ва мувозанатини қўллаб-қувватлаши ҳам ижтимоий интеграцияни ифодалайди. Ижтимоий тизим ёки унинг қисмларининг ички ва ташқи зиддиятлар, кескинликлар шароитида хавф солувчи омилларга қаршилик кўрсатиш қобилияти ижтимоий интеграция намунаси ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙИ ИНФАНТИЛИЗМ** (лот. *infantilis* — болаликка хос) — ёшларнинг биологик ва ижтимоий улғайиши орасида баъзан вужудга келадиган узилиш бўлиб, у ёш авлоднинг катталар ҳаётига ижтимоийлашув жараёнида кириб бориши механизмининг бузилишини ифодалайди. Баъзи ёшлар ўтиш даврига қадам қўйсаларда, ўз сацномаданий вазифаларини бажаришга нисбатан эътироз билдирадилар, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга қўшилишни, оила қуришни ҳоҳламайдилар. Бу кўпинча ўсмирлик мақомини сақлаб қолишга уринишда, ўзига хос ёшлар маданияти намуналарига риоя қилишда ўз ифодасини топади.

**ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРА** (лот. *infra* — тагида ва *structura* — тузилма) — ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан ижтимоий-маиший соҳада инсон ҳаёти ва фаолиятини оқилона ташкил этишни таъминловчи моддий элементларнинг мустақкам мажмуаси.

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАРИТАЛАР** — турли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тасвирлаш мақсадида тузиладиган хариталар. Аҳоли, иқтисодий-жўғрофий, саноат, сиёсий, сиёсий — маъмурий, тарихий хариталар бундай хариталарнинг асосий турлари ҳисобланади.

**ИЖТИМОИЙ ҚАСАЛЛИКЛАР** — асосан нохуш ва ноқулай ижтимоий-иқтисодий шароитлар натижасида келиб чиқадиган ва тарқаладиган касалликлар (масалан, таносил касалликлари, камқонлик ва ҳ.к.).

**ИЖТИМОИЙ КАТЕГОРИЯ** (юнон. *kategoria* — белги) — бир ёки бир неча ўхшаш хусусиятларга эга бўлган индивидларни бирлаштирувчи ижтимоий бирлик.

**ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР** — кишиларнинг ўз ҳаётини фаолиятларини қўллаб-қувватлашлари юзасидан моддий неъматлар ва хизматларнинг маълум бир тўпламини таъминлаш имконини берувчи чора-тадбирлар, меъёрий шарт-шароитлар тизими.

**ИЖТИМОИЙ КОММУНИКАЦИЯ** (лот. *communicatio* — хабар бермоқ, боғламоқ) — жамиятда мулоқот ва ахборот алмашинув жараёнлари.

**ИЖТИМОИЙ КОНФОРМИЗМ** (лот. *konformis* — ўхшаш, мос) — ҳукмрон фикрларга, оммавий онг кўникама ва қолипларига, анъаналар ва қоидаларга нотанқидий риоя этиш. Ижтимоий конформизм ўзига хос хусусиятларнинг йўқлиги, бир хиллик, эскича фикрлаш каби хусусиятларни ўз ичига олади.

**ИЖТИМОИЙ КўНИҚИШ** — индивиднинг бошқаларга тақлид қилиши ва уларни кузатиши орқали ижтимоий ҳатти-ҳаракатларнинг янги шаклларини эгаллаши.

**ИЖТИМОИЙ КўРСАТКИЧЛАР** — ўрганилаётган ижтимоий объектлар, ҳодисалар, жараёнларнинг тузилмаси ёки ривожланиш динамикасини акс эттирувчи сифатий ва миқдорий хусусиятлари.

**ИЖТИМОИЙ КўЧИШЛАР** — индивид ёки гуруҳнинг ижтимоий тузилмада ўзи эгаллаб турган ҳолат, жойни ўзгартириши. Ижтимоий кўчишлар ижтимоий қайта барпо бўлиш жараёнининг шакли ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙИЛАШУВ** — индивид томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизими ўзлаштириш жараёни. Бу жараён туфайли шахс жамиятга кириб боради, унинг тақрорланмас жиҳатлари намоён бўлади.

**ИЖТИМОЙИЛАШУВ АГЕНТЛАРИ** — шахс ижтимоийлашувини таъминловчи институтлар, одамлар ва ижтимоий гуруҳлар.

**ИЖТИМОЙИ МАКОН** — табиий маконнинг одамлар томонидан яшаш ҳудуди сифатида ижтимоий ўзлаштирилган қисми. Ижтимоий макон шунингдек жамият ҳаёти ва фаолиятининг маконий-ҳудудий жиҳати ҳамдир. «Ижтимоий макон» тушунчаси жамият ижтимоий тузилмасини ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг маконда жойлашуви нуқтаи назаридан ифодалайди.

**ИЖТИМОЙИ МАСОФА** — ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг ўзаро яқинлиги ёки бегоналашганлиги, яъни узоқлашуви. Ижтимоий масофани жўғрофий масофадан фарқлаш керак. Шу билан бирга ижтимоий масофа этник гуруҳлар жойлашуви, тарқалшининг ўзига хос шакллари (масалан, геттолар, лагерлар ва ҳ.к.), элита, яъни оқсуяклар ва киборлар яшайдиган жойлар (бойлар, олий мансабдорлар кварталлари ва ҳ.к.) маъносини ҳам билдиради.

**ИЖТИМОЙИ МАҚОМ (СТАТУС)** (лот. status — ҳолат) — индивиднинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳолати, аҳволи. Ижтимоий мақом — индивид, гуруҳ ва ижтимоий институтнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги маълум меъёрлар мажмуаси билан мустаҳкамланиб қўйилган нисбий ҳолати ҳамдир.

**ИЖТИМОЙИ МЕЪЁР** — 1) мавжуд ижтимоий шариоатлар учун мақбул равишда ривожланиши учун белгиланган меъёрлар гуруҳи кўрсаткичи; 2) ижтимоий ривожланишнинг ижтимоий ҳодиса, жараённинг тадрижий кечиш йўлига мослиги; 3) биргаликдаги зарур хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракатга нисбатан талаблар, шартлар ва истаклар.

**ИЖТИМОЙИ МЕЪЁРЛАР** — ижтимоий гуруҳнинг ўз аъзоларига қўядиган расмий ва норасмий талаблар мажмуи.

**ИЖТИМОЙИ МОСЛАМА (УРНАТМА)** — индивид ёки гуруҳнинг ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятли объектга йўналган мустаҳкам мойиллиги, тайёрлиги. Ижтимоий мослама индивиднинг ижтимоий объект қадрини, аҳамиятини, мазмунини руҳий ҳис этиш, унинг

онгининг ҳолатини ҳам акс эттиради. Умуман шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро ҳаракатлари ижтимоий мосламанинг мазмунини белгилайди.

**ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ (АДАПТАЦИЯ)** — шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабати тури. Ижтимоий мослашув жараёнида унинг иштирокчиларининг талаблари ва мўлжаллари ўзаро мувофиқлаштирилади. Ижтимоий мослашувнинг муҳим таркибий қисми — бу субъектнинг ўз-ўзини баҳолаши ва талабларининг ўз имкониятлари ва ижтимоий муҳит шароитлари билан мувофиқлаштиришидир. Ижтимоий мослашувни икки томонлама жараён ва субъект ҳамда ижтимоий муҳитнинг бир-бирига йўналган фаоллиги натижаси деб тушунмоқ зарур. Ижтимоий мослашув индивид ёки гуруҳнинг ўзи учун янги бўлган ижтимоий муҳитни ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙ МУАММО** — мавжуд бўлган ва зарурий шароитлар ўртасидаги зиддият деб қаралувчи фарқ.

**ИЖТИМОИЙ МУВОЗАНАТ** — яхлит бирлик ҳисобланувчи жамиятда унинг қисмлари ва элементларининг бир-бири билан узвий ҳаракат ҳолати. Ижтимоий ҳаётдаги ўз-ўзини тартибга солувчи механизмлар (тақдирлаш ва таъқиқлар, қонунлар, ахлоқий кўрсатмалар, анъаналар ва ҳ.к.) тизимнинг мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади. Улар туфайли жамият ўзини юқори даражадаги ижтимоий келишувга эга бўлган ва жипелашган тизим сифатида намоён қилади. Т. Парсонс назариясига кўра бу ҳол табиатдаги гомеостазис (мувозанат) ҳолатига мос келади ва социостазис (жамиятдаги мувозанат) ҳолатига эга бўлади.

**ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТ** — ўз маъносига кўра бир-бири билан мутаносибланган ва мос ҳатти-ҳаракатни ифодаловчи анланган ва ҳис қилинадиган такрорланувчан ўзаро ҳаракатлар мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР** — 1) инсонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик; 2) турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва тоифалар ўртасидаги ҳаётий эҳтиёжларини қондириш бўйича ўзаро боғлиқлиги; 3) инсонларнинг ижтимоий-маиший соҳадаги ўзаро боғлиқлиги.

**ИЖТИМОИЙ МУОМАЛА (КОНТАКТ)** — одамларнинг табий ва ижтимоий маконда ўзаро муомала қилишларидан келиб чиқадиган қисқа муддатли, осон узилиб қоладиган ижтимоий муносабатлар хили.

**ИЖТИМОИЙ МУҲАНДИСЛИК** — тадбиқий ижтимоий фанлар, хусусан тадбиқий социологиядаги ёндошувлар мажмуи. Ижтимоий муҳандислик инсон ҳатти-ҳаракатини белгиловчи ва унинг устидан назоратни таъминловчи ташкилий тузилмаларни мақсадли равишда ўзгартиришга имкон беради. Асосан ташкилий тузилмаларни мақсадли ўзгартиришга қаратилган.

**ИЖТИМОИЙ МУҲИТ** — шахс, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий институт фаолияти майдонини (маконини) ташкил этувчи ижтимоий шароитлар ва омиллар мажмуи.

**ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ** — жамиятнинг соғлом ижтимоий тартибни таъминлаш мақсадида индивид ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атворида мақсадли таъсири, индивид ижтимоийлашувининг омили. Ижтимоий назорат шакллари: оддий (мажбурловчи) санкциялар (таъйиқлар); жамоатчилик фикри; ижтимоий институтлар. Ижтимоий назорат механизми: 1) жисмоний таъйиқлар (индивидни гуруҳ меъёрларини бузганлик учун жазолаш); 2) иқтисодий таъйиқлар («қўрқитиш», «жарима»); 3) маъмурий таъйиқлар.

**ИЖТИМОИЙ НИЗО** — рақибни айнан бир хил наф олиш йўлида бўйсундириш, унга ўз иродасини ўтказиш орқали мақсадга эришишга уриниш. Низо рақобатдан қатъий йўналганлиги, ихтилофларнинг мавжудлиги, курашни шафқатсиз олиб бориш билан фарқланади.

**ИЖТИМОИЙ НОСОҒЛОМЛИК** — ижтимоий меъёрдан четлашиш кўриниши. Бунда ижтимоий ривожланишнинг, шахс, гуруҳ, ижтимоий институтнинг индивидуал ёки ижтимоий ҳаётнинг бир ёки бир неча соҳаларидаги ижтимоий меъёрларни ифодаловчи кўрсаткичлардан оғиши кузатилади.

**ИЖТИМОИЙ ОРАЛИҚ** — ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги яқинлик ёки бегоналашувни ифодаловчи катталик.

**ИЖТИМОИЙ ПАРЧАЛАНИШ** — одамларнинг бир-биридан ажралиб кетишининг чуқурлашиб бориш жараёни. Бу кишилар ўртасидаги бевосита — шахсий алоқаларнинг барбод бўлиши ва уларнинг воситаланган, бегоналашган, предмет (чунончи пул, товар ва ҳ.к.) шаклини олган алоқалари асосида вужудга келади. Натижада инсонлараро муносабатлар индивидуал хусусиятларини йўқотиб, уларга зид кўринишга эга бўлади-бегоналашув вужудга келади.

**ИЖТИМОИЙ ПЕРЦЕПЦИЯ** — (лот. perceptio —

тасаввур) — одамларнинг ижтимоий объектларни (бошқа одамларни, ўзини, гуруҳларни, ижтимоий бирликларни ва ҳ.к.) ҳис этиши, тушуниши ва баҳолаши.

**ИЖТИМОЙ РЕЖАЛАШТИРИШ** — ижтимоий жараёнларни мақсадли равишда режалаштириш шакллари-дан бири. Бунда ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг мазмуни ва самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими кўзда тутилади.

**ИЖТИМОЙ РОЛ** — шахс, ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий муносабатлардаги таъсири ва аҳамияти меъёри, иштирок этиш даражаси, ижтимоий мақоми. Ижтимоий рол ушбу мақомга мос келувчи ҳуқуқ ва вазифалар мажмуаси билан чегараланади.

**ИЖТИМОЙ РОЛ НИЗОЛАРИ** — турли ижтимоий ролларнинг меъёрий (норматив) тузилмалари ўртасидаги ёки битта ижтимоий ролнинг алоҳида функциялари, меъёрлари ўртасидаги зиддият, тўқнашув.

**ИЖТИМОЙ РУҲИЙ ДИАГНОСТИКА** (юнон. *diagnostikos* — билиб олиш қобилияти) — одамлар, гуруҳларнинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини аниқлаш назарияси ва амалиёти; психодиагностика бўлими.

**ИЖТИМОЙ РУҲШУНОСЛИК (ПСИХОЛОГИЯ)** — руҳшуносликнинг соҳаси бўлиб, у ижтимоий гуруҳларга кирувчи одамлар хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати ва фаолиятининг қонуниятларини, шунингдек гуруҳларнинг руҳий хусусиятларини урганади.

**ИЖТИМОЙ САНКЦИЯЛАР** (лот. *sanctio* — қатъий қарор) — ижтимоий меъёрларга риоя этишни во-ситаловчи ижтимоий тазйиқлар (жазолар) ва рағбат-лантиришлар. Зарур меъёрларга зид ҳатти-ҳаракатларга тўсиқлик қилувчи тазйиқлар (жазолар) — салбий (негатив) санкциялар, ижтимоий меъёрларга риоя этишга мос рағбатлар эса ижобий (позитив) санкциялар ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙ СИЁСАТ** — давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга, инсон омилини тўла намоён қилишга қаратилганлигида мужассамлашади. Ижтимоий сиёсат ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллатлар, шахс ва жамият, меҳнат ва турмуш шароитлари, соғлиқни сақлаш, бўш вақт, спорт, дам олиш, ҳаёт даражаси ва сифати каби турли муаммоларни ва соҳаларни қамраб олади. Айнан ижтимоий соҳада иқтисодий фаолият натижалари амалга ошади, жамиятнинг асосий

мақсади ва моҳияти намоён бўлади. Шу маънода кучли ижтимоий сиёсат узоқ муддатли, яхлит, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи керак. Мамлакатимизда юритилаётган ислоҳотлар асоси бўлган, Президентимиз И. А. Қаримов асослаб берган беш қонданнинг бири ҳам шу мақсадга қаратилгандир.

**ИЖТИМОИЙ СТАТИКА** (юнон. *statos* — турувчи) — ижтимоий организм (жамият) элементларининг барча тарихий шароитларда сақланиб қолувчи ўзаро муносабатлари. Ижтимоий алоқалар табиати ижтимоий статиканинг асосий масаласи ҳисобланади ва шу ўринда «ижтимоий тизим» тушунчаси унинг моҳиятини ифода қилади.

**ИЖТИМОИЙ СТАТИСТИКА** (лот. *techne* — аҳвол) — ижтимоий ҳаёт, жараёнлар ва ҳодисаларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодаловчи маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва қўллаш.

**ИЖТИМОИЙ СТЕРЕОТИП** (юнон. *stereos* — мустаҳкам ва *typos* — шакл, намуна) — ижтимоий объеклар ёки ҳодисаларнинг сезиларли даражадаги мустаҳкам бўлган, лекин сийқалашган, жўн тимсоли; кенгроқ маънода — фикрлаш, ҳис этиш ва ҳатти-ҳаракатнинг анъанавий, одатга айланган қолипи, шакли.

**ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ** (лот. *stratum* — қатлам ва *facio* — қилмоқ) — жамиятнинг мулк, мақом ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқадиган тизими бўлиб, у ижтимоий роллар ва вазиятларни ўзида акс эттиради. У жамиятдаги меҳнат тақсимоотида турли гуруҳларнинг ижтимоий дифференциациясидан (табақалашувидан), шунингдек у ёки бу фаолиятнинг аҳамиятини ва ижтимоий тенгсизликни қонунийлаштирувчи қадриятлар ва маданий наъмуналар (стандартлар) тизимининг хусусиятидан келиб чиқади. Ижтимоий стратификациянинг асосий вазифаси — турли фаолият хиллари учун рағбатлантирувчи тизим ёрдамида ижтимоий ролларни мос равишда идрок этиш ва бажаришни таъминлашдир.

**ИЖТИМОИЙ СУБЪЕКТ** (лот. *subjectus* — асосда жойлашган) — предметли-амалий ижтимоий фаолият юритувчи, ижтимоий фаоллик манбаи, у ёки бу даражадаги эркинлик эгаси.

**ИЖТИМОИЙ СУБЪЕКТЛИК** — жамият ва инсон ҳаётидаги фаол асосни ифодаловчи ижтимоий сифат. Ижтимоий субъектлик одамлар ҳаётий фаолиятини мувофиқ равишда ташкил этиш ва ҳар бир инсоннинг интросубъектив фаоллиги билан таъминланади.

**ИЖТИМОЙИ СУҒУРТА** — аҳолини қонунда кўзда тутилган тартибда ижтимоий жамғармалар ҳисобидан меҳнат қобилиятини йўқотиш, қарилик ва б. ҳолатларда моддий таъминлаш тизими (масалан, санатория-қурортларда даволаш, турли хил имтиёзли таътиллار ва ҳ.к.).

**ИЖТИМОЙИ ТАВАҚҚАЛЧИЛИК** — ижтимоий ўзгаришлар жараёнида, ижтимоий тизимларнинг амал қилиши ва ривожда, ижтимоий субъектларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш юзасидан фаолиятида юзага келадиган ижтимоий йўқотишлар, зиддиятлар хавфи. Гуруҳлар ва индивидлар даражасида қабул қилинадиган қарорлардаги таваккалчиликнинг мавжудлиги ҳам ижтимоий таваккалчиликка сабаб бўлади.

**ИЖТИМОЙИ ТАРТИБ** — ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, ижтимоий тизим ёки ижтимоий ҳаракатнинг тартиблилиги. Индивид ижтимоий ҳаракатининг тасодифий эмаслиги, одамлар ҳаракатида ўзаро келишувчанлик, бир-бирини тўлдириш мавжудлиги, ижтимоий ҳаёт шаклларининг барқарорлиги ва тарихий давомийлиги ва ҳ.к. ижтимоий тартиб билан боғлиқ. Инсонлар бир-бирининг қандай ҳатти-ҳаракат содир қилишини билган тақдирда ижтимоий ҳаракат қилиши мумкинлиги ҳам ижтимоий тартиб моҳиятидан келиб чиқади.

**ИЖТИМОЙИ ТЕХНОЛОГИЯ** (юнон. *techne* — устакорлик ва *logos* — таълимот) — режалаштириш ва ривожлантириш жараёнида, турли хил ижтимоий муаммоларни (меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарувни такомиллаштириш, оммавий ахборот ва мулоқот воситалари орқали зарур жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ҳ.к.) ҳал этишда зарур мақсадларга эришишда қўлланиладиган услублар ва чора-тадбирлар мажмуи. Социологиянинг назарий хулосаларини амалий мақсадларда фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий технология иқтисодий кризисларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш каби ижтимоий-ислоҳий фаолият учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**ИЖТИМОЙИ ТИЗИМ** — ўзаро боғланган индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва институтларни ўз ичига оловчи, мураккаб ташкил бўлган ва тартибланган ижтимоий яхлитлик. Алоҳида шахс ҳам унинг ташқи дунё билан муносабатларининг серқирралиги ва ўз-ўзини ташкил қилишининг яхлитлиги нуқтаи назаридан ижтимоий тизим ҳисобланиши мумкин.

**ИЖТИМОЙИ ТУЗИЛМА** — жамиятдаги мавжуд меҳнат тақсмоти ва кооперацияси ҳамда ижтимоий ва-

зифалар тизимидан келиб чиқувчи нисбатан мустақил, ўзаро боғланган ижтимоий бирликлар, шунингдек ижтимоий тизим элементларнинг мажмуаси; жамиятнинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ички қурилмаси.

**ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА** — социология, антропология, психология, иқтисод ва бошқа фанлар категориялари ёрдамида жамиятни тадқиқ этувчи фан. Кенг маънода — жамиятнинг ўзига хослигини ўрганувчи фалсафанинг бўлими; тор маънода — назарий социология тушунчалари ёрдамида жамиятни ўрганувчи умумий социология бўлими.

**ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК** — ижтимоий субъектларнинг кишилик оламини ўзгартирувчан фаолиятнинг меъёри. Бундай фаоллик ижтимоий ҳаётда ўзгариш қилиш заруратидан ва одамларнинг ўз эҳтиёжларини тeraanанглашидан келиб чиқади. Ижтимоий фаоллик шунингдек, ижтимоий субъектларнинг ўз ҳаёт фаолиятлари ижтимоий шарт-шароитларини ўзгартириш юзасидан ҳаракати ҳамдир.

**ИЖТИМОИЙ ФАТАЛИЗМ** (лот. *fatum* — тақдир) — ижтимоий тараққиёт азалий тақдир асосида илгарилаб боради деб ҳисобловчи тасаввурлар мажмуи. Бундай ғайриилмий қарашларга ҳозирда омма орасида кўп шовшувларга сабаб бўлаётган француз башоратчиси Нострадамуснинг «башоратлари» мисол бўла олади.

**ИЖТИМОИЙ ФЕЪЛ-АТВОР** — инсон феъл-атворининг социомаданий шарт-шароитлар ва турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ўзига хос хусусиятлари. Бир жамиятда яшайдиган ва бир маданиятга мансуб одамлар бир хил феъл-атвор хусусиятларининг маълум миқдорига эга бўладилар. Бу хусусиятлар афсоналарда, халқ оғзаки ижодида, одоб-ахлоқ қоидаларида, ижтимоий меъёрларда ва ҳ.к. намоён бўлади.

**ИЖТИМОИЙ ФИКР** — жамиятда шаклланган ижтимоий оннинг муайян-тарихий кўриниши. Ижтимоий фикр жамият ҳаётида юз берувчи жараёнлар ва ҳодисаларни динамик тарзда акс эттиради. Шу билан бирга у жамоатчилик фикридан ўзининг барқарорлиги билан фарқ қилади. Умуман, жамоатчилик фикрининг амал қилишида оммавий ахборот воситаларининг роли яққол бўлса, ижтимоий фикрнинг шаклланишига ақлий меҳнат соҳаси кучли таъсир кўрсатади.

**ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ** — корхона, муассаса ва ташкилотнинг хизматчилар ва ишчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали меҳнат жамоасини бошқариш соҳаси.

**ИЖТИМОЙИ ЭКОЛОГИЯ** — (юн. *oikos* — уй, Ватан ва *logos* — таълимот) — жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро ҳаракати қонуниятлари ва шаклларини, ижтимоий ўзгаришлар ва жамият ҳаётий фаолиятини таъминловчи моддий манбалар билан алоқаларининг шаклларини ўрганувчи фан соҳаси.

**ИЖТИМОЙИ УЗАРО ҲАРАКАТ** — даврий боғлиқликка эга бўлган ўзаро воситаланган ижтимоий ҳаракатлар тизими. Бу ҳолатда бир субъектнинг ҳаракати бир вақтнинг ўзида бошқа субъектларнинг жавоб ҳаракатларининг ҳам сабаби, ҳам натижаси ҳисобланади.

**ИЖТИМОЙИ УЗГАРИШ** — ижтимоий тузилмалар ва ижтимоий ўзаро муносабатлар тизимида янги жиҳатлар ва элементларнинг пайдо бўлиши жараёни.

**ИЖТИМОЙИ УРИН** — ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ижтимоий алоқалар тизими. Бу алоқалар субъектлар бажарадиган вазифалар (функциялар) юзасидан ўрнатилгани ва қайта-қайта вужудга келгани ҳолда ўзига хос кесишув нуқталарини вужудга келтиради. Айнан ана шу кесишув нуқталари ижтимоий субъектларнинг ижтимоий ўрни сифатида ифодаланади.

**ИЖТИМОЙИ ҚАДРИЯТЛАР** — мавжуд ижтимоий борлиқ предметлари ва ҳодисаларининг шахс, ижтимоий гуруҳлар ва жамиятнинг эҳтиёжларига мослиги ёки мос эмаслиги нуқтаи назарига кўра аҳамиятлилиги; тор маънода — инсоният маданияти томонидан ишлаб чиқилган ва ижтимоий онг маҳсули бўлган ахлоқий ва эстетик талаблар.

**ИЖТИМОЙИ ҚАЙТА ТИКЛАНИШ** — индивидларнинг ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг субъектлари сифатида қайта тикланиши, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар тизимининг, шунингдек индивидлар ўзаро алоқаларининг тадрижий (эволюцион) ривожланиш жараёни.

**ИЖТИМОЙИ ҚАЙТА ТИКЛАШ** — шахс, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий институтнинг бузилган мақомини, даражасини, жамият ҳаётининг субъектлари сифатидаги асосий функцияларини қайта тиклаш, ўрнини қоплаш жараёни.

**ИЖТИМОЙИ ҚОНУН** — ижтимоий объектлар орасида нисбатан мустаҳкам ва тизимли равишда қайта вужудга келувчи муносабатлар.

**ИЖТИМОЙИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ** — ночор, кам таъминланган ижтимоий гуруҳлар учун муносиб ҳаёт

даражасини таъминлашга қаратилган махсус ижтимоий чора-тадбирлар.

**ИЖТИМОИЙ ҲАМҚОРЛИК** — ижтимоий фаолият юритувчи индивид ёки гуруҳнинг бошқа шу каби индивид ёки гуруҳларнинг жисмоний ёки фикрий ўрамидаги ҳолати ва шу вазиятдаги ҳатти-ҳаракати. Бундай ўзаро ҳаракат шароитида томонлардан ҳар бири ўз ҳаракатлари учун рағбатни оширишга ва зарарни камайтиришга уринади.

**ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТ** — индивидларнинг ўз мақсадлари йўлида мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар асосида ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда воситаларни танлашидан келиб чиқадиган жараён. Ижтимоий ҳаракат — ижтимоий фаолиятнинг энг содда бирлиги бўлиб, у индивиднинг одамлар акс ҳаракатига онгли мўлжалланган ҳаракатини ҳам ифодалайди.

**ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЧАНЛИК (МОБИЛЛИК)** — индивид ёки ижтимоий субъектнинг ўз ижтимоий ҳаёти-ни, жамият ижтимоий тузилмасидаги ҳолатини ўзгартириши кўрсаткичи.

**ИЖТИМОИЙ ҲАТТИ-ҲАРАКАТ** — инсоннинг бошқа одамларнинг ҳатти-ҳаракатларига мос келувчи ёки уларга мўлжалланган ҳаракати.

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ** — фуқаролар учун энг кам миқдордаги турмуш даражаси ва шароитларини таъминловчи чора-тадбирлар тизими.

**ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТ** — индивид ёки гуруҳнинг жамиятдаги муносабатлар тизимидаги бир қатор белгилар бўйича ўрни ва даражаси.

**ИҚҚИЛАМЧИ ГУРУҲ** — аъзолари ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатлар ношахсий хусусиятга эга бўлган гуруҳ. Бундай гуруҳлар одатда умумий мақсадларга эришишга қаратилган бўлади ва умумий мақсадлар бўлмаган тақдирда тарқалиб кетади.

**ИМИЖ** — бирор бир шахснинг ёки фирманинг тимсоли. Унинг ёрдамида шахснинг жамоадаги ёки фирманинг бозордаги ҳолати таъминланади.

**ИНГУРУҲ** (лот. *in* — ичида ва *гuruх*) — индивид ўзининг мансублигини ҳис этувчи гуруҳ. Индивид бундай гуруҳ аъзоларини «биз» сифатида қарайди.

**ИНДЕТЕРМИНИЗМ** (лот. — *in* — инкорни ифодаловчи сифатдош ва *детерминизм*) — табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сабабли алоқадорлигини инкор этувчи фалсафий таълимот.

**ИНДИВИД** (лот. *individuum* — такропланмас) —

одамзоднинг вакили, ўзига хос такрорланмас хусусиятлар эгаси ҳисобланмиш одам.

**ИНДИВИДУАЛЛИК** — бошқа одамлардан ўзининг ижтимоий аҳамиятли белгилари билан фарқланувчи одам, шахснинг такрорланмаслиги.

**ИНДИВИДУАЛ СИЛЖУВЧАНЛИК** — индивиднинг ижтимоий стратификация тизимидаги ҳолатининг ўзгариши.

**ИНДИКАТОР** (лот. *indicator* — кўрсаткич) — ўрганилаётган объектнинг ўрганса ва ўлчаса бўладиган хусусияти. Экспериментал ҳолатда индикатор ўрганилаётган объектнинг одатда кузатиб ва ўлчаб бўлмайдиган хусусиятларининг ўрнини тўлдиради.

**ИННОВАЦИЯ** — ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.

**ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВ** — маълум даражадаги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш томон ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган ижтимоий меъёрлар, қоидалар, мақомлар ва ролларнинг аниқланиши ва мустаҳкамланиши жараёни, уларни бир тизимга келтириш.

**ИНСТИТУЦИОНАЛ СОЦИОЛОГИЯ** — ҳозирги замон ғарб социологиясида ижтимоий ҳаётни ташкил этиш ва тартибга солишнинг мустаҳкам шакллари ўрганувчи йўналиш. Унга мувофиқ одамларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатлари мавжуд ижтимоий институтлар билан мустаҳкам боғлиқликда ўрганилади.

**ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integer* — қайта тиклаш, бутун) — бирор бир тизимнинг алоҳида қисмларининг ва функцияларининг боғланганлик ҳолатини ифодаловчи тушунча, шунингдек ана шундай ҳолатга олиб келувчи жараён.

**ИНТЕНЦИЯ** (лот. *intentio* — интилиш) — инсон онги, продаси ва ҳисларининг бирор-бир нарсага қаратилганлиги.

**ИНТЕРВЬЮ** (ингл. *interview*) — социологик тадқиқотда қўлланиладиган услуб — мақсадли суҳбат. Унинг мақсади — тадқиқот дастурида кўзга тутилган саволларга жавоб олишдан иборат.

**ИНТЕРВЬЮ ОЛУВЧИ** — бирламчи социологик ахборот йиғиш босқичида оғзаки (вербал) муомала услублари ёрдамида эмпирик тадқиқот олиб борувчи мутахассис-социолог.

**ИНТЕРСУБЪЕКТИВЛИК** (лот. *inter* — оралиқ ва

**subjectum** – асосда жойлашган) — ижтимоий субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги.

**ИНФИЛЬТРАЦИЯ** (лот. **in** — ичида ва **filtratio** — сизиб ўтиш) — индивиднинг тик (вертикал) йўналган ижтимоий ҳаракатчанлик жараёнида юқорироқ мақомга эга бўлган ижтимоий қатламга (стратга) кириб бориши.

**ИНҚИЛОБ** — жамиятнинг бутун ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий тузилмасида куч ишлатиш йўли билан юз берадиган кескин ўзгариш.

**ИСЛОҲОТ** — мавжуд жамият доирасида у ёки бу ижтимоий институтлар фаолиятида қилинадиган ўзгартиш. Ислоҳот одатда янги қонунчилик ҳужжатлари актлари ёрдамида амалга оширилади.

**ИҚТИСОДИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — социологияда жамиятнинг иқтисодий соҳаси ва унинг бошқа соҳалар ўртасидаги ўзаро муносабатларини ўрганувчи соҳа. Илдизлари А. Смит, Д. Рикардо, Милл асарларига бориб тақаладиган бу соҳа бевосита социологияда Г Спенсер ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Кейинчалик у социология классиклари асарларида, хусусан Э. Дюркгейм (меҳнат тақсимоти), М. Вебер (ижтимоий ва иқтисодий ташкилотлар назарияси), Т. Веблен (ишбилармонлик назарияси) қарашларида ривожлантирилди. Ҳозирги замон социологиясида кўпроқ жамият ва иқтисоднинг ўзаро муносабатлари (асосан Т. Парсонс ва Селзер ижодида) тадқиқ этилган. Бунда жамият ҳаётининг иқтисодий соҳаси товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ роллар ва мақомлар тизими сифатида қаралган ҳолда сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа институтларнинг иқтисодий соҳага таъсири таҳлил этилади.

## К

**КАТАКЛИЗМЛАР** (юнон. **kataklysmos** – сув босиш) — ижтимоий ҳаётда юз берувчи тўнтаришлар, офатлар (урушлар, ғалаёнлар ва б.).

**КАТТА ГУРУҲ** — катта миқдордаги аъзоларга эга бўлган, турли алоқалар хилларига асосланган ижтимоий гуруҳ.

**КВАЗИГУРУҲ** (лот. **quasi** — гўёки ва гуруҳ) — мақсадсиз равишда вужудга келувчи ижтимоий гуруҳ бўлиб, унда мустақкам мўлжаллар бўлмайди, аъзолари

ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар эса одатда бир томонлама бўлади. Квазигуруҳ бехосдан пайдо бўлиши ва номустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

**КЕТЛЕ** Ламбер Адольф Жак (1796—1874) — белгиялик математик олим, XIX асрнинг энг йирик статистларидан бири, халқаро статистика ассоциациясини тузиш ташаббускори, ижтимоий ахборотни қайта ишлашнинг математик услубларини яратган. Конт билан бир вақтда ўзининг ижтимоий физика — ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фанини яратган. Конт ижтимоий физиканинг услублари бўлиб табиий фанларнинг услублари хизмат қилишлари керак деб ҳисоблаган бўлса, Кетле жамият тўғрисидаги фаннинг статистик услуби концепциясини ишлаб чиққан. У иложи борича катта ҳажмдаги маълумотларни статистик таҳлил қилиш керак деб ҳисоблаган. Ижтимоий эмпирик тадқиқотлар аъналаридан келиб чиққан ҳолда жамият тўғрисидаги янги фанни яратиш керак деган ғояни асослашга уринган. Кетле ижтимоий статистикада биринчи бўлиб маълумотларни йиғиш ва сон жиҳатидан тасвирлаш ўрнига кўрсаткичларнинг доимий корелляцияларини, статистик қонуниятларни аниқлашни амалга оширган. Математик таҳлил орқали ўзи аниқлаган кўрсаткичларнинг доимий мутаносиблигини Кетле объектив ижтимоий қонунлар деб изоҳлаган. Лекин у жамиятни тасвирлашни «ўртача одам» тавсифини келтириб чиқариш билан боғлаган. Бунда инсон муайян шахс сифатида эмас, балки жамият аъзоси, статистик доимийликнинг бўғини сифатида тушунилган. «Ўртача одам» бирлиги маълум бир миллатнинг асосий жисмоний ва ахлоқий сифатларининг ўртача статистик кўрсаткичини билдирар эди.

**ҚИБОРЛАР (ЭЛИТА) МАДАНИЯТИ** — жамиятнинг имтиёзли табақалари учун шакллантириладиган, «санъат санъат учун» қондасига асосланган маданият (масалан, нафис санъат, мумтоз мусиқа, фақат киборларгина мутолаа қиладиган бадиий адабиёт). Одатда киборлар маданияти наъмуналари оддий одамлар учун мураккаб бўлади ва уларни кўпроқ мақомга эга бўлган тонфа вакиллари истеъмол қиладилар.

**КИЧИК ГУРУҲ** — ўзининг аъзолари ўртасида бевосита алоқа ва муносабатларга эга бўлган ижтимоий гуруҳ (масалан, оила).

**КЛАН** (кельтча **clann** — авлод) — хўжалик ва ижти-

мой муносабатлар билан боғланган уруғ-аймоқ, қариндош-уруғлар гуруҳи.

**КЛИКА** (фр. **clique** — тўда) — ҳар қандай йўл билан бўлсада бирор бир ғаразли мақсадларга эришишга уринувчи одамлар гуруҳи.

**КЛУБ** (инг. **club**) — 1) ижтимоий ташкилот, бирлашма; 2) маданий-оқартув муассасаси.

**КОАЛИЦИЯ** (лот. **coalitio** — бирлашган) — 1) умумий мақсадларга эришиш учун кўнгилли иттифоқ; 2) сиёсий партияларнинг сайловларда биргаликда ҳаракат қилиш ва биргаликда ҳукумат тузиш мақсадидаги иттифоқи; 3) давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилиш учун сиёсий ёки ҳарбий иттифоқи.

**КОВАЛЕВСКИЙ** Максим Максимович (1851—1916) — рус тарихчиси, социология ва этнографи. Социологияда ижтимоий ривожланишнинг умумий назарияси устида ишлаб, тарихни социологик жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилган. Эволюция, ижтимоий институтларнинг аста-секин мукамаллашиб бориши ғоясини Ковалевский марксизмга қарши қўйган. Шу билан бирга у социологияда субъектив услубга, ижтимоий фанларни табиий фанларга қарама-қарши қўювчи неокантча ёндошувга эътироз билдирган, асосий социологик қонун деб ижтимоий бирдамликнинг ўсишида ифодаланувчи тараққиёт қонунини тушунган. Синфий кураш—қолоқлик ёхуд у ёки бу ижтимоий тизимнинг «емирилиши» белгисидир. Ковалевский Франция ва Англия мисолида муқаррар равишда инқилобларга олиб келувчи ижтимоий қарама қаршиликларнинг кескинлашиб кетиши нақадар хавфли эканлигини кўрсатишга уринган. Кейинги социологик асарларида Ковалевский психологик ва биологик омилларга, тарихий жараёнда турли омилларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қоидага эътиборини қаратган.

**КОЛЛЕКТИВ** (лот. **collectivus** — йиғма) — умумий иш, умумий манфаатлар асосида бирлашган одамлар жамоаси.

**КОЛЛЕКТИВ ХУЛҚ-АТВОР** — инсонлар гуруҳининг ноаниқ ёки хатарли вазиятга ақс таъсир кўрсатувчи нисбатан стихияли ва тартибсиз ҳатти-ҳаракати.

**КОЛЛИЗИЯ** (лот. **collisio**) — қарама-қарши бўлган қарашлар, интилишлар, манфаатларнинг тўқнашуви.

**КОМИТЕТ** (фр. **comite** — топшириш) — давлат ёки

ижтимоий фаолиятнинг бирор бир соҳасини бошқарувчи коллегиял (биргаликдаги) орган.

**КОММУНИКАЦИЯ** (лот. **communicatio** — алоқа боғлайман, муомала қиламан) — 1) бирор жойнинг иккинчи жой билан алоқа йўли; 2) белгилар тизими ёрдамида хабарни бир одамдан иккинчисига узатиш.

**КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** (ингл. **computer** < **computare** — ҳисоблаш) — XX аср 70 йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда ижтимоий ҳаётга компьютер техникасини кенг жорий қилиш жараёни.

**КОНСЕНСУС** (лот. **consensus** — келишув) — ижтимоий бирликка аъзо бўлган индивидларнинг ушбу бирлик мақсадлари ва меъёрлари, шунингдек ундаги роллар ва муносабатлар юзасидан муросага келиши. Консенсус индивидларнинг у ёки бу қадриятлар, анъаналарга нисбатан бирдамлиги, жавобгарлик ҳиссини ифодалайди. Консенсус ҳар қандай ҳамжамиятда одамларнинг сезиларли кўпчилигининг ижтимоий тартибга нисбатан муҳим жиҳатлари юзасидан розилиги ва ундан келиб чиқадиган ҳатти-ҳаракатларида ифодаланган. Бундай фикрлар ва ҳаракатлардаги аҳдлашув ҳар қандай ижтимоий муомала учун зарурдир.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лот. **constitutio** — ўрнатиш) — давлатнинг олий юридик кучга эга бўлган асосий қонуни. Унда давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизими, давлат ҳокимияти, бошқарув, суд органларининг тузилиши ва фаолияти қондалари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларни ва бурчлари мустаҳкамланади.

**КОНТ** Огюст (1798—1857) — француз файласуфи, социологи, фан методологи ва тарғиботчиси, позитивизм мактаби асосчиси. Конт истеъмолга «социология» атамасини киритган. У анъанавий тарих фалсафаси, тарихий фактография ва сиёсий-ҳуқуқий фикрдан фарқли ўлароқ ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини илмий ўрганишни кўзда тутган. Контгача ҳеч ким ижтимоий физика ғояни тўлақонли, тизимли тарзда ва асосланган ҳолда ривожлантирган эмас. «Ижтимоий физика» ёки социология, Конт таъбирига кўра ижтимоий ҳодисаларни табиий ҳодисаларга тенглаштиришни назарда тутмайди. Социалликнинг (ижтимоийликнинг) ўзига хослигини у «позитив синтез» доирасида асослашга уринган. Илмий билимлар, барча мавжуд фанлар тизими, Конт фикрича иерархия — поғонадан иборат. У мантиқий шаклда — билимнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, умумийдан ўзига хосликка ривожланишининг

тарихий жараёнини ифода этади. Билимнинг ривожига ҳар бир кейинги даража олдингисини зарурий шарт-шароит деб билади. Асосий фанлар поғонаси «математика — астрономия — физика — химия — биология» социология» кўринишга эга. Умумий чизмадан кўринадикки, социология биология қонунларига асосланади, лекин ундан ташқари индивидларнинг бир-бирига ўзаро ҳаракатидан келиб чиқувчи ўзига хосликка эга. Бу ўзаро ҳаракат ҳар бир авлоднинг кейингисига таъсири натижасида янада мураккаблашади. Бу қоида «Позитив фалсафа курсида» асосланган, унинг биринчи жилди 1830 йилда чоп этилган эди. Масалани бу тарзда қўйиш новаторлик эди. Шунингдек социологияга мавҳум сабабларни излаш эмас, кузатса бўладиган ҳодисалар қонуниятларини ўрганиш, ўз хулосалари ҳаққонийлигини фалсафий изоҳлашда эмас, балки далиллар ва уларнинг алоқасини асослаш талабининг қўйилиши ҳам катта янгилик эди. Демак, ижтимоий ҳаётга социологик ёндошувнинг ўзига хослиги шундаки, у ижтимоий ҳодисалар қонунларини фалсафий мушоҳада ёрдамида эмас, умумилмий метод ёрдамида назарий тадқиқ этишдир. Конт фикрича, ҳодисалар биргаликда организм ташкил этади. Бу ғоя структурал-функционал таҳлил методологияси қоидаларини олдиндан белгилаб берди. Шахс муомаласини таҳлил қилар экан, у инсонда «эгоистик-шахсий» инстинкт билан бирга «ижтимоий» инстинкт ҳам мавжуд деб ҳисоблаган. Лекин индивидуум эмас, оила энг оддий бутунликни ташкил этадики, уларнинг йиғиндиси жамиятни келтириб чиқаради. Ижтимоий алоқа ташқи хусусиятга эга, чунки унинг келиб чиқишида саноат, савдо, армия ва б. институтларда мужассамлашган моддий зарурият ҳал қилувчи рол ўйнайди. Оилавий ва ижтимоий алоқани ажратиб кўрсатишда кейинги «жамоа» ва «жамият» (Теннис), «органик ва механик бирдамлик» (Дюркгейм) ва б. жуфтлиги белгилаб берилган. Ижтимоий алоқа табиати «ижтимоий статиканинг» асосий масаласидир. Ҳар қандай тарихий шароитларда сақланиб қоладиган ижтимоий организм элементларининг ўзаро муносабати эса «ижтимоий статиканинг» предмети ҳисобланади. Бу ҳолатда Конт ижодига социологияда ҳозиргача марказий муаммолардан бири бўлиб келаётган «система» (тизим) тушунчасини кўрса бўлади. Бу тушунча Контда эволюция ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки,

Конт «қўш эволюция назарий қонуни» очдим деб даъво қилган (ижтимоий ва ақлий эволюция). Бу ерда гап уч давр (стадия) қонуни тўғрисида кетяпти. Унга мувофиқ, барча инсоний фикрлар бир-бирини алмаштирувчи учта ҳолатни босиб ўтади. Аввало теологик ҳолат, бунда ихтиёрсиз вужудга келадиган хаёлий ифодалар ҳукмрон бўлади; кейинчалик метафизик ҳолат келади, бунда абстракциялар, яъни мавҳумликлар ва моҳиятлар устун бўлади; ва ниҳоят, позитив ҳолат, у ташқи мавжудликни аниқ баҳолашга асосланади. Бу учта ҳолатнинг ҳар бири бутун ижтимоий ташкилотнинг асосини ҳосил қилади ва ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олади. XIX аср 40 йилларида Конт қарашларида бурилиш юз берди. У социологияни «субъектив метод» ҳисобига «кенгайтиришга» ва уни жамиятни ўзгартирувчи «амалий фанга» айлантиришга қарор қилади. Конт фикрича, алоҳида олинган одам — бу «зоологик тур», унинг ҳақиқий табиати улкан организм бўлган инсониятдагина намоён бўлади. Конт жамиятни ижтимоий қайта ташкил қилишда маънавий устун бўлган иккинчи «теологик синтез» зарур, деб ҳисоблаган. Бу албатта, тасодиф эмас эди. Унинг иккинчи социологияси» ҳозирда гарбда оммавий бўлган экзистенциал—феноменологик хилдаги «гуманистик социологиянинг» олд кўриниши бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**КОНТЕНТ—ТАҲЛИЛ** — социологик ахборот мазмунини миқдорий ўрганиш услуби.

**КОНТИНГЕНТ** (лот. **contingens** — тегишли) — маълум жиҳатдан ягона гуруҳни ташкил этувчи одамлар бирлиги.

**КОНФЛИКТ** (лот. **conflictus** — тўқнашув) — қарама-қарши манфаатлар, қарашларнинг тўқнашуви, одатда ҳиссий туйғулар билан боғлиқ бўлган мураккаб низо.

**КОНФОРМИЗМ** (лот. **conformis** — мос келувчи) — мавжуд тартибни шундайлигича қабул қилиш, мослашни англатувчи ҳолат.

**КОНФРОНТАЦИЯ** (лот. **con** — қарши ва **frons** — манглай) — ижтимоий тизимлар, гаявий-сиёсий қондаларнинг қарама-қаршилиги, тўқнашуви.

**КООПЕРАЦИЯ** (лот. **cooperatio** — ҳамкорлик) — бир ёки бир неча ижтимоий гуруҳ вакиллари ягона мақсадга етишиши учун биргаликда ва ўзаро мувофиқликда ҳаракат қилиш жараёни. Ўзаро фойда кооперациянинг асоси ҳисобланади.

**КОРПОРАЦИЯ** (лот. **corporatio** — бирлашма) — умумий касбий ёки табақавий манфаатлар асосида бирлашган шахслар иттифоқи, гуруҳи.

**КОРРЕЛЯЦИЯ** (лот. **correlatio** — нисбат) — предметлар ёки тушунчаларнинг ўзаро нисбати, ўзаро алоқадорлиги, ўзаро боғлиқлиги. Корреляция (математик статистикада) — эҳтимолли ёки статистик боғлиқлик.

**КОРРЕЛЯЦИЯЛИ ТАҲЛИЛ** — ўрганилаётган объектлар белгилари орасидаги статистик алоқаларни ўрганишда қўлланиладиган математик тартиб-қоидалар.

**КОСМОПОЛИТИЗМ** (юнон. **kosmopolitis** — дунё фуқароси) — миллий урф-одатлар ва маданиятдан, ватангарварликдан воз кечишга чақирувчи, миллий мустақилликни инкор этувчи дунёқараш.

**КСЕНОФОБИЯ** (лот. **xenos** — бегона ва **phobos** — қўрқув) — ўз жамияти ёки гуруҳининг ҳаёт тарзига нисбатан бегона бўлган барча нарсаларга бўлган хавотир ва нафрат (масалан, миллий ёки диний экстремизм).

**КУЗАТУВ** — тадқиқотчининг ҳодиса ва шароитларни бевосита тўғридан-тўғри қайд этиши йўли билан бирламчи ижтимоий ахборот йиғиш услуги.

**КУЛИ** Чарльз Хортон (1864—1929) — америкалик социолог, психолог, «Айнан кўзгудаги мен» назарияси муаллифи, кичик гуруҳлар назарияси асосчиларидан бири. Кули социологик назарияси асослари «Инсон табиати ва ижтимоий тартиб» (1902) «Ижтимоий ташкилот» (1909), «Ижтимоий жараён» (1918) трилогиясида, шунингдек, «Социологик назария ва ижтимоий тадқиқот» (1930) китобида-баён қилинган. Унинг социологик назарияси асосида ижтимоий организм қондаси ва ижтимоий жараёнлар шаклланишида онг асосий аҳамиятга эга деган тушунча ётади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар ва индивид ягона тирик организм деб қаралади. Лекин Кули биологик детерминизм ва жамиятнинг организмга юзаки ўхшатишдан ҳоли. Шу билан бирга онгли ижтимоий нарса деб қараб, жамият ва онгни мужассамлаштиради, яъни ижтимоий муносабатларни руҳийлаштиради. Кули тадқиқ этган асосий муаммолар — кичик гуруҳлар ва шахснинг шаклланиши. У бирламчи гуруҳлар (ушбу атаманинг ўзини ҳам фанга Кули киритган) ва иккиламчи ижтимоий институтларни ажратиб кўрсатган. Бирламчи гуруҳлар (оила, болалар гуруҳлари, қўни-қўшнилар, маҳаллий жамоалар) асосий ижтимоий ҳужайралар ҳисобланади ва интим, шах-

сий, ношаклий алоқалар, бевосита муомала, турғунлик ва кичик ҳажм билан характерланади. Бу ерда шахс ижтимоийлашади ва шаклланади, ўзаро ҳаракат жараёнида асосий ижтимоий қадриятлар ва нормаларни, фаолият усулларини ўзлаштиради. Шу ўринда Кули шахсни инсонни ўраб турган одамлар фикрига нисбатан кўрсатадиган руҳий жавоблари (реакцияси) йиғиндиси, мажмуи деб баҳолайди («кўзгудаги Мен» назарияси). Иккиламчи ижтимоий институтлар (синфлар, миллатлар, партиялар) эса Кули фикрича, ижтимоий тузилмани ташкил этади. Бу ерда ношахсий муносабатлар ўрнатилади, шаклланган шахс муайян вазифани бажарувчи сифатида бу муносабатларга қисмангина жалб этилади. Кулининг социалагик таълимоти интеракцион концепциялар, ижтимоий-психологик назарияларга кучли таъсир кўрсатган.

**КЎЗГУДАГИ «МЕН» НАЗАРИЯСИ** — социологияда ва ижтимоий руҳшуносликдаги шахс ҳақидаги дастлабки концепциялардан бири. Инсоннинг ички хусусиятларини эмас, балки индивидлар ўзаро ҳаракатининг ҳал қилувчи ролини тан олувчи бу назария америкалик социолог ва руҳшунос Ж. Мид (1863—1931) томонидан асосланган. Инсоннинг «Ижтимоий Мени» уни атрофидагилар қандай қабул қилишларидан иборат. Шу асосда шахс ўзини гуруҳдан ажратади ва ўзининг «Мен»ини англайди. Бунинг учун у бошқалар билан муомала қилиши ва уларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини ўзлаштириши керак. Шунинг учун «Мен» туйғуси унга мос бўлган «Биз», «У» ёки «Улар» туйғуларисиз мавжуд бўла олмайди. Бошқа одамлар—инсоннинг «Мен» тимсолини шакллантирувчи кўзгулардир. Инсоннинг ўз «Мени»—кўзгудаги қабул қилинган тасвиридир.

**КЎППОҒОНАЛИ ТАНЛАШ**—эҳтимолли танлаш хили. Бунда танлаш бир неча босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда йирик бирликлар қисмларга ажратилади, кейинги босқичда бу бирликлар ичида ҳажмига кўра кичикроқлари ажратиб олинади. Кўппоғонали танлашнинг алоҳида хили—кўпфазали танлаш ҳисобланади.

## Л

**ЛАБИЛЛИК** (лот. *labilis* —нотурғун) — ижтимоий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги.

**ЛАЗАРСФЕЛЬД** Пол Феликс (1901—1976) — америкалик социолог, методология ва математик услубларни қўллаш соҳасида энг етук мутахассислардан бири. Лазарсфельд АҚШ да оммавий алоқа воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти таҳлили бўйича ўтказган энг йирик эмпирик тадқиқотлар қатнашчиси. Неопозитивизм қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Лазарсфельд социология ривожининг асосий йўли — табиий фанлар услубларини эгаллаб олиш деб ҳисоблаган. Бу йўлда у кўпинча мазмунли социологик назарияни шаклий методология билан алмаштиришга уринган. Илмий билим ҳаққонийлигининг асосий мезони, Лазарсфельд фикрича, верификация қоидасидир. Лазарсфельд сон билан ифодаланувчи услубларга ва уларнинг ижтимоий фанларда қўлланишига алоҳида эътибор берган, социологик тадқиқот услубиятига биринчи бўлиб бир қанча янги услублар, жумладан, пассив услуби, латентли таҳлилни киритган эди. Лазарсфельд, шунингдек социологияни мафкурадан халос этиш, уни қадриятлардан эркин бўлган «табиий фанга» айлантириш концепцияси тарафдори эди.

**ЛАССУЭЛЛ** Гарольд Дуайт (1902—1978) — америкалик сиёсатшунос, сиёсий фанга бихевиористик ёндашув вакили. Социологиядаги Чикаго мактаби таъсиридаги кўп йиллар давомида ягона интеграциялашган сиёсий фанни яратишга уринган. Шундан келиб чиқиб, Лассуэлл сиёсатга функционал ёндашув муоммоларини кўриб чиққан (масалан, у таклиф этган сиёсий қарорлар қабул қилишнинг таҳлилий чизмаси кенг тарқалган), сиёсий хатти-ҳаракатни ўрганишда ижтимоий руҳшунослик, рухий таҳлил ва психиатрия услубларини қўллаган, сиёсий ҳокимият рамзларини (символикасини) ташкил этиш, тарқатиш ва қайта ишлаб чиқишда оммавий коммуникацияларнинг аҳамиятини аниқлаган. Лассуэлл 1948 йилда оммавий коммуникация социологиясида классикага айланган изоҳни асослаб берган. Бунда «коммуникация акти» қуйидаги саволга жавоб бериш жараёнида аниқланади: «КИМ» — «НИМА» хабар қилади — «ҚАЙСИ» восита орқали «КИМГА» — қандай «НАТИЖА» билан?

**ЛАТЕНТЛИК** (лот. *latens* — яширин) — кўзга ташланмайдиган, яширин жараён (масалан, суд статистикасида ва амалиётида қайд қилинмаган яширин жиноятчилик).

**ЛАТЕНТЛИ—СТРУКТУРАЛИ ТАҲЛИЛ** — эмпирик

маълумотларни статистик таҳлил қилиш услуби. Бунда респондентларнинг кўпгина саволларга жавобларига қараб уларнинг баъзи яширин (латентли) белгиларга тақсимланишини аниқлаб олиш имкони туғилади.

**ЛЕБОН** Гюстав (1841—1931) — француз социологи, руҳшуноси ва публицисти. Гобино изидан бориб, ирқий детерминизм концепциясини ҳимоя қилган, ирқий бўлиниш поғонали хусусиятга эга ва цивилизация ривожда ирқий мансублик алоҳида аҳамиятлидир, деб таъкидлаган. Лебон ижтимоий жараёнларда ҳал қилувчи ролни ақл-идрок эмас, ҳис-туйғулар ўйнайди деб ҳисоблаган. Оқсуяклик (аристократизм) вазиятидан туриб у цивилизациянинг барча ютуқлари элита фаолиятининг маҳсули эканлигини исботлаш учун ижтимоий тенглик ва демократиянинг барча шаклига қарши чиққан. Лебон дастлабки оммавий жамият концепцияларининг муаллифларидан бири: омmani тўда билан тенглаштирган ҳолда у «омма эраси» ва унинг ортидан цивилизация инқирози келмоқда деб башорат қилмоқчи бўлган. Саноат инқилоби, шаҳарларнинг ва оммавий алоқа воситаларининг ўсиши натижасида замонавий ҳаёт, Лебон фикрича, тобора кўринмас, бузғинчи кучни ўзида мужассамлаштирган тўданинг хулқи билан белгиланмоқда. Тўдада индивидлар жавобгарлик ҳиссини йўқотишади ва онгсиз (ирриционал) ҳис-туйғулар, чидамсизлик, зўравонлик ҳукмига тушиб қолишади, чунки уларни «тўданинг маънавий бирлиги» қонуни бошқаради. Ижтимоий ривожланишда муҳим ролни етакчилар (лидерлар) томонидан оммага сингдириладиган ғоялар ўйнайди. Инқилобларни Лебон оммавий жазаванинг кўриниши деб ҳисоблаган.

**ЛЕГАЛЛИК** (лот. **legalis** — ҳуқуқий) — ижтимоий интизом, ҳукмронлик тартибини қонунийлаштириш услуби бўлиб, у ўзининг асосий қоидаларининг ҳуқуқий таъкидланган «тўғрилигига» ишончга асослангандир. Бу ақл-идрок талабларига мослиги билан кафолатланади (Вебер).

**ЛЕГИТИМЛАШТИРИШ** (лот. **legitimus** — қонуний) — бирор бир қонун, ваколатнинг қонунийлигини тан олиш ёки тасдиқлаш. Легитимлаштириш бирор бир ижтимоий муассасанинг қонуний кучга эга бўлишида ифодаланади.

**ЛЕГИТИМЛИК** — обрў-эътиборга эга бўлган ва мажбурий талаблар ва ҳатти-ҳаракат намуналарини ўрнатувчи ижтимоий тартиб.

ЛЕ ПЛЕ Фредерик Пьер Гийом (1806—1882)—француз социологи, сиёсий арбоби. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда Ле Пле бир томондан технологик ва жўррофий омилларнинг, иккинчи томондан—ахлоқий-диний омилларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини таъкидлаган. Шу билан бир қаторда ижтимоий ҳаётнинг асосий омили сифатида ота ҳокимиятига ва анъанавий диний ахлоққа асосланган оилани тушунган. Ле Пле оиланинг уч хилли ажратиб кўрсатади. Булар: патриархал оила, бунда болалар никоҳга кирганларидан сўнг ҳам ота-оналар бошчилигида яшайверадилар; нотурғун (замонавий нуклеар оила); илдизли оила — бунда уйланган ўғиллардан бири отанинг оиласида қолади, қолганлари эса меросдан ўз тегишларини олишади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Ле Пле қўллаган илдизли оила тушунчаси ҳозирги замон тарихий демография фанида ҳалигача ишлатилади. Ле Пле ижтимоий фактларни йиғишга, монографик услубга алоҳида аҳамият берган. Унинг асосий асари — «Европалик ишчилар» асарида (1879) баён этилган фактлар ҳозиргача ишчи аҳволини ўрганиш учун ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Ле Пле ижоди ҳозирги замон социологияси учун аҳамияти оила ва улар турмуш тарзининг эмпирик тадқиқотлари, ижтимоий фактларни ўрганиш услубларининг ишлаб чиқилиши, хусусан монграфик услубнинг асослаб берилишида кўринади.

ЛОНГИТЮД ТАДҚИҚОТ — такрорий тадқиқот тури. Бунда худди ўша шахслар ёки ижтимоий объектлар устидан узоқ вақт даврий кузатиш олиб борилади.

## М

МАДАНИЙ ДЕТЕРМИНИЗМ (лот. **determino** — белгилайман) — ғарб социологиясида маданиятни жамият ҳаётнинг бошқа соҳаларидан мустақил бўлган ва жамият ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ҳодиса деб қаровчи концепция.

МАДАНИЙ НАЪМУНА — маълум бир миқдордаги одамлар қабул қилган ва риоя этувчи маданий элемент ёки маданий мажмуа, меъёр ёки қадрият.

МАДАНИЙ РЕЛЯТИВИЗМ (лот. **relativus** — нисбий) — бошқа маданиятларга ёндошув. Бундай ёндошув натижасида бирор ижтимоий гуруҳ аъзолари бошқа гуруҳ аъзолари рағбатлари (мотивлари) ва қад-

рийларини ўз маданиятлари доирасида таҳлил қилсалар, тушунмасликлари мумкин.

**МАДАНИЙ ҲАВАС** — жамиятдаги маданий наъмуналар ва ҳукмрон маданиятда янги маданий элементлар ва мажмуаларнинг вужудга келиши жараёни.

**МАДАНИЯТ** (лот. **cultura** — қайта ишлаш) — инсон жамияти яратган ва жамият ривожининг маълум даражасини ифодаловчи моддий ва маънавий маҳсулотлар, қадриятлар мажмуи. Социологияда «маданият» тушунчасини математикадаги «сонлар», физикадаги «гравитация», химиядаги «модда» тушунчаларни каби муҳим аҳамиятга эга. Маданият—инсонларнинг фаолияти натижаларининг мажмуи ўлароқ ўзида икки ҳолатни, яъни маданий статикани (маданиятнинг исбатан турғун кўринишлари) ва маданий динамикани, яъни маданиятнинг ўзгарувчан жиҳатини мужассамлаштиради.

**МАДАНИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — «тушунувчан» («изоҳловчи») социология доирасида 70-йилларда Германия ва Францияда вужудга келган оқим. Маданият социологияси ижтимоий ҳаётнинг мураккаб шакллари — ақлий ва маънавий ҳаётни, яъни санъатни, дин соҳасини, фанни ва ҳ.к. таҳлил этишга қобилиятсиз бўлган позитивистик социологиянинг назарий-методологик чегараланганлигига акс таъсир сифатида вужудга келган.

**МАКРОСОЦИОЛОГИЯ** (юнон. **makros** — узун, катта+социология) — катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва ҳ.к.) таҳлил қилишда йирик ижтимоий жараёнларни, ҳаракатларни ва ҳодисаларни, шунингдек гуруҳларни ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналиши.

**МАНИПУЛЯЦИЯ** (фр. **manipulation** — сиқим) — одамларнинг тафаккури ва ҳатти-ҳаракатларини уларнинг манфаатларига зид равишда ўзгартириш мақсадида мафкуравий ва ижтимоий-руҳий таъсир кўрсатиш услублари тизими. Бу асосан тоталитар жамиятларга хос.

**МАННГЕЙМ** Карл (1893—1947) — немис файласуфи ва социологи, фан социологияси асосчиларидан бири. Маннгейм ижодининг «немис» даврида маданият фалсафаси доирасида билиш назарияси билан шуғулланган. Кейинчалик ўзининг фалсафий-социологик методологияси, билиш социологияси ёки тафаккур социологиясини ишлаб чиқди (1924). Шундан сўнг у ўзининг социологик методологиясини чуқурлаштиради, яъни

унинг тушунчалари мосламасини (аппаратини) муайян социал-тарихий асосда ривожлантирди. Германияда тафаккурнинг консерватив услубининг илдиэларини, маънавий соҳасидаги рақобат муаммоларини, мафкура ва утопик онг моҳиятини ўрганди. Ижодининг иккинчи, «инглиз» даврида асосан билиш социологиясини оммавийлаштириш билан шуғулланди. Маннгейм фикрича, «ижтимоий борлиқ» — бу тарихий ҳаётий жараён бўлиб, у турли «тизимлаштириш марказларини» — мавжуд ҳаётий доминантларини туғдирадики, улар нафақат иқтисодий, балки масалан, ўрта асрлардагидек диний ёки бошқа характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Шу тариқа улар даврнинг услубини белгилайди. Маълум бир давр доирасида турли хилдаги тарихан шаклланган ижтимоий синфий вазиятлар ва кучлар тақсими мавжуд бўлиши мумкин. Турли ижтимоий гуруҳларнинг қарашлари уларнинг иқтисодий манфаати ва худбинлиги мақсадларидан келиб чиқади. Ижтимоий фикр тарихини Маннгейм дунёни синфий-субъектив кузатишларининг тўқнашуви сифатида тасвирлаган. Уларнинг ҳар бири «мафкура бўлаги», яъни ижтимоий воқеликнинг атайин бузиб акс эттирилиши, барчаси биргаликда эса «тотал (умумий) мафкура» ҳисобланади. Ҳар қандай мафкура мавжуд тузумни сақлашда манфаатдор синф қарашларини оқлашдир. Уларга худди шундай объектив бўлмаган ва эҳтиросли утопия қарши туради. Маннгейм фикрича, айнан ижодий зиёлилар табақасигина ҳар қандай синфдан юқори туради ва жамиятни эҳтироссиз билишга қодир. Айнан зиёлилар «оммавий жамиятлар» даврида демократияни сақлаб қолиши мумкин, зеро биндай жамиятлар ижтимоий демокогия ва фашистик хилдаги тоталитар тартиб ўрнатиш хавфига мубтало бўлишлари мумкин. Маннгейм ғоялари ғарб социологик фикрига катта таъсир кўрсатди. Унинг социологик методологиясини сўзсиз қабул қилган издошлари бўлмасда, Маннгеймнинг муайян тарихий-социологик тадқиқотлари классикага хос деб ҳисобланади.

**МАРГИНАЛ ШАХС** — (фр. **marginal** — чекка, чегара) — ижтимоий жиҳатдан нормал ҳолатда бўлмаган шахс. Бундай шахс икки ва ундан кўп маданий тизимлар ўртасидаги чегарада оралиқ ҳолатини эгаллайди, қисман ҳар бирига сингган бўлади, аммо ҳеч бирига тўлиқ мансуб бўлмайди.

**МАРКЕТИНГ** (инг. **market** — бозор) — фирма маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида ўз ра-

қобатчилари, истеъмолчиларини ва бозорни ҳар томонлама ўрганиб ҳаракат қилиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш.

МАРКУЗЕ Герберт (1898—1979) — немис файласуфи ва социологи, франкфурт мактабининг асосчилари ва обрўли вакилларидан бири. 30-йилларда «танқидий назарияни» ишлаб чиқишда иштирок қилган. Замонавий буржуа жамиятини танқид қилган, унинг маданиятини мавжуд аҳволни шунчаки тасдиқловчи деб ҳисобланган. «Эрос ва цивилизация» (1955) асарида руҳий таҳлилга асосланадиган маданият назариясини яратмоқчи бўлган. Индивидуаллик ва ижтимоийлик нисбатининг зиддиятлилиги муаммосини ҳал этишда у инсонни «янги ҳаётийлик» асосида биопсихологик қайта қуриш ғоясига мурожаат қилди. Маркузе «танқидий назария» доирасида капиталистик ва социалистик тизимлар ўртасида ҳал қилувчи фарқ йўқ деб ҳисоблаган. Ҳар иккаласи индустриал жамиятнинг турланиши, холос. Индустриал жамият эса техник тараққиёт кучли ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга асосланган «ялпи» (тотал) тизимнинг яратилишига олиб келади. Бундай тизимнинг ичида зиддиятлар авжга чиқади. Лекин зиддиятларни инқилобий йўл билан ҳал қилиб бўлмайди, чунки улар улкан интеграцион (бирлаштирувчи) кучлар (ижтимоий институтлар, меҳнат унумдорлигининг ошиши ва б.) томонидан ютиб юборилади ёки индивид ва жамият, эркинлик ва экзистенция ўртасидаги зиддиятлар каби тақдири азалга, яъни фаталликка эга, ҳал бўлмасликка маҳкум. Маркузе ижтимоий инқирознинг инсон аҳволи, шахснинг ижтимоийлашуви, эркинлик ва гуманизмга боғлиқ бир қатор муҳим муаммоларини ҳам танқидий ёритган. Шунингдек, у ижтимоий ва мафкуравий хаспўшлаш (манипуляция) жараёнларини ва уларнинг оқибатларини, хусусан «бир ўлчамли» одамнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ қилган. «Бир ўлчамли» одам жамиятга нисбатан ижтимоий-танқидий муносабатни тўлиқ йўқотиш билан характерланади. Замонавий жамиятда шахснинг бу хили оммавий бўлиб қолди, натижада омма энди инқилобий ташаббус эгаси бўла олмай қолди. Маркузе фикрича, бундай вазиятда ташаббус «аутсайдерларга» — ишсизлар, талаба ёшларга, кичик миллий гуруҳларга ўтиб қолди. Бундай ғоялар 60-йиллар иккинчи ярмида «янги сўллар» орасида Маркузенинг обрўсини ошириб юборди. Маркузе бунинг устига ҳозирги жамият-

дан «Буюк воз кечиш» га чақирган эди. Лекин «янги сўл» экстремизмининг «сўнгкапиталистик жамиятга», унинг «репрессив» маданиятига» ва «авторитар шахси га» қарши «ялпи инқилобий уруш» очиш мақсадини ва амалий воситаларини (ахлоқсизлик, нигилизм, терроризм) тушуниб етгач, Маркузе ўз концепциясига маълум бир ўзгартишлар киритган («Аксилнқилоб ва қўзғолон», 1972).

МАСЛОУ Абрахам (1908—1970) — америкалик руҳшунос, гуманистик психологиянинг кўзга кўринган вакиллари-дан бири. Эҳтиёжларнинг иерархик назариясини яратиб шуҳрат қозонган. Эҳтиёжларни гуруҳларга ажратган. Уларни асосий эҳтиёжларга (озик-овқатга, хавфсизликка ва б. эҳтиёжлар) ва натижали ёки мета-метаэҳтиёжларга (адолатга, фароволикка, тартибга, ижтимоий ҳаёт яхлитлигига бўлган эҳтиёжлар) бўлган. Метаэҳтиёжлар қадрига кўра бир-бирига баробар ва шунинг учун поғонага эга эмас, ўзгариб туради. Асосий эҳтиёжлар доимий бўлиб, поғона қондасига асосан «қуйи моддийдан олий руҳийга» томон жойлашади. Булар: 1) физиологик ва жинсий эҳтиёжлар — авлод яратиш, овқат, жисмоний ҳаракат; кийим-кечак, уй-жой, дам олиш ва ҳ.к. бўлган эҳтиёжлар; 2) экзистенциал, яъни ўз ҳаёти хавфсизлиги, эртанги кунга ишонч, ҳаёт фаолиятлари шароитларининг хавфсизлиги, бахтсиз ҳодисалардан ҳимояланиш ва ҳ.к. бўлган эҳтиёжлар; 3) ижтимоий, яъни мойиллик, жамоага мансублик, муомалага, бошқалар тўғрисида ғамхўрлик ва ўзига эътиборни қаратиш, ўзаро меҳнат фаолиятида иштирок этишга эҳтиёж; 4) обрў эҳтиёжлари, яъни иззат-икромли кишилар томонидан ўзига нисбатан ҳурмат, хизмат лавозимларига кўтарилиш, статус, обрў, тан олинишга эҳтиёж; 5) маънавий, яъни ижод орқали ўзини ўзи ифодалашга бўлган эҳтиёжлар. Эҳтиёжларнинг дастлабки икки хилини Маслоу бирламчи (туғма, қолган уч хилини эса иккиламчи (ўзлаштирилган) эҳтиёжлар деб номлаган. Бирламчи эҳтиёжларнинг иккиламчи эҳтиёжлар билан алмашинуви эҳтиёжларнинг ошиб бориш жараёнини ташкил этади. Эҳтиёжларнинг интенсивлиги уларнинг умумий поғонасидаги ўрни билан белгиланади. Шунини таъкидлаш жоизки, Маслоу назариясининг эмпирик асосланганлигини текшириш учун юзлаб муайян тадқиқотлар ўтказилган, ammo улардан бирортаси ҳам ғояни тўғридан-тўғри исботламаган. Бу назария кейинчалик кенг кўламда танқидга дучор

бўлсада, кўпгина амалий моделлар ва лойиҳалар учун асос бўлган. Маслоу ғоялари ҳозирда ҳам саноатда бошқариш услубларини яхшилаш воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда.

**МАТБУОТ СЎРОВИ** — анкеталарни вақтли матбуотда (газеталар, журналлар) чоп этиш орқали бирламчи социологик ахборот йиғиш услуги.

**МАТРИЦА** (лот. **matrix** — бачадон) — социологияда: жадвал (матрица) кўринишидаги моделлар ёрдамида ижтимоий тузилмаларни қайд этиш.

**МАҚСАДЛИ ТАНЛАШ** — алоҳида хусусиятга эга бўлган ёки бошқача жиҳатдан аҳолини махсус ифодалайдиган вакиллар танлаб олинadиган ва уларга қараб бутун сиғим ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлган танлаш.

**МЕНЕЖЕРЛАР** (инг. **meneger** — бошқарувчи) — ижтимоий табақа, ёлланма бошқарувчилар.

**МЕНЕЖМЕНТ** (ингл. **managment** — бошқарув) — энг самарали ишлаб чиқариш фаолияти мақсадларида ақлий, молиявий, хом ашё, моддий заҳираларни бошқариш санъати.

**МЕНТАЛИТЕТ** (лот. **mens** — ақл, тафаккур) — индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг дунёни маълум бир тарзда тушуниш ва ҳаракат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

**МЕРЛО—ПОНТИ** Морис (1908—1961) — экзистенциал феноменологик йўналишдаги француз файласуфи, социологияда феноменологик оқим асосчиларидан бири. Мерло-Понтининг ижтимоий-фалсафий концепцияси Гуссерл феноменологиясини «реалистик» руҳда қайта ишлаш, «амалиёт фалсафаси» тилига ўгириш йўлида шаклланган. Ҳозирги замон феноменологик социология вакилларининг диққатини Мерло-Понти ижтимоий фалсафасининг қуйидаги томонлари тортмоқда: а) дунёни «ижтимоий қуриш» ғояси, у инсонлараро ўзаро ҳаракат жараёнида амалга оширилади; б) инсонни «аҳамиятли бирликлар» ишлаб чиқариб, улар билан «ўзининг дунёсини» бойитадиган ва шу асосда «ички дунё» тарзида ҳаракат қилувчи мавжудот деб тушуниш; в) инсон мавжудлигининг ҳам «ташқи» (эмпирик қайд этиладиган), ҳам «ички» (феноменологик ҳужжатланадиган) жиҳатларини ҳисобга олишга йўналтирилганлик. Мерло-Понти биринчилардан бўлиб танқидий ижтимоий фалсафа ва феноменологик социологиянинг қў-

шилиш истиқболини кўра билди, бу эса мантиқий зарурат билан социологик радикализмга олиб келди.

МЕРТОН Роберт Кинг (1910) — америкалик социолог. Академик социологиянинг бир қанча асосий соҳалари — структурали функционализм назарияси ва методологияси, фан социологияси, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, бюрократия ва б. асослаш ва шакллантиришга сезиларли ҳисса қўшган. Ғарб социологиясининг классик анъаналарини (Вебер, Дюркгейм) давом эттириб, ўз устозлари Сорокин ва Парсонсдан мустақил равишда ўша анъаналарни АҚШ да шаклланган эмпирик тадқиқот наъмуналари билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Мертоннинг шу йўсиндаги дастлабки ишлари фан социологиясига мансуб бўлиб, унинг мустақил тадқиқот соҳаси бўлиб шаклланишида муҳим рол ўйнаган. 40-йилларда Мертон оммавий муомала воситалари, шахслараро муносабатлар ва б. соҳаларда тадбиқий социологик тадқиқотлар билан фаол шуғулланди. Мертоннинг Колумбия университети тадқиқотлар бюроси ҳам директори (П. Лазарсфельд билан бирга) мансабидаги фаолияти эмпирик социология обрўсининг ошишига кўп жиҳатдан туртки бўлди. Бу фаолият америка социологияси доирасида «назария ва метод бирлигини» ўзида мужассамлаштирган эди. Мертоннинг «ўрта даражадаги назария яратиш» дастури унга катта шуҳрат келтирди. Бу дастурни у 1948 йилда Парсонснинг структурали функционализм «кўп жиҳатли назариясини» қуриш стратегиясига қарама-қарши илгари сурган эди. Бу даврда социолог яратган функционал «парадигмаси» структурали функционализм тушунчалари ва қоидалари тизимини ҳам ўзида мужассамлаштирган эди. Худди шу «парадигма» ўрта даражадаги назарияларни шакиллантиришга методологик асос бўлиб хизмат қилиши керак эди. Маълумки, Парсонс «ижтимоий тартибни» таъминловчи механизмларга асосий диққатини қаратган эди. Мертон бўлса ижтимоий тузилмада кескинлик ва зиддиятлар натижасида вужудга келувчи дисфункционал ҳодисаларни ўрганишга ҳаракат қилди. Бундай ёндошувга «Ижтимоий тузилма ва аномия» асари мисол бўла олади. Унда ижтимоий тузилманинг бузилишлари ва кескинликларига нисбатан ҳуқуқий акс таъсирининг турли хиллари («конформизм», инновация», «ритуализм», «ретретизм», «исён») таҳлил қилинган. 50—60-йилларда Мертоннинг раҳбарлиги остида ва бевосита иштирокида фан социология-

си, оммавий муомала воситалари, ижтимоий стратификация, бюрократия, медицина социологияси, ижтимоий муаммолар, назария ва методологиянинг турли жиҳатларини ўрганиш соҳасида қатор йирик тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди. Охирги йилларда Мертон Козер, Блау каби катта авлод вакиллари билан бирга структурализм методологиясини қайтадан тиклашга ва шу нуқтан-назардан туриб ғарб социологиясининг ҳозирги аҳволини таҳлил қилишга уринмоқда.

**МЕЪБЕРИЙ МАДАНИЯТ** — тўғри ҳатти-ҳаракат ва хулқ-атвор меъёрларини кўрсатувчи маълум бир ижтимоий ҳаракатларни рухсатловчи ёки таъқиқловчи маданий наъмуналар мажмуи.

**МЕҲНАТ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда индивидлар, ижтимоий гуруҳларнинг меҳнат жараёнига жалб этилиш соҳасини ўрганувчи соҳа.

**МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ** — жамиятнинг тарихий ривожи жараёнида меҳнат фаолияти турларининг табақалашuvi.

**МИГРАЦИЯ** (лот. *migratio* — кўчиб ўтиш) — индивидлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг доимий яшаш жойларини ўзгартириш жараёни бўлиб, у бошқа жўрофий ҳудуд ёки мамлакатга кўчиб ўтишда ифодаланади.

**МИД** Жорж Герберт (1863—1931) — америкалик файласуф, социолог ва руҳшунос, Жемс ва Дьюи прагматизми ва натурализмнинг кўзга кўринарли вакили. Мид онгни индивиднинг ташқи муҳитга мослашиш қуроли деб изоҳлаган. Одамларнинг гуруҳлардаги ўзаро ҳаракати сунъий объектлар дунёси — рамзларнинг вужудга келишига олиб келади. Ижтимоийлашув жараёнида индивидлар рамзларнинг аҳамиятини эгаллайдилар ва улар ёрдамида ўз ҳаракатларини онгли равишда йўналтиришга ўрганадилар. Шу тариқа улар ўз ҳаракатларини янада кенгроқ «ижтимоий ҳаракатга» олиб келиб қўшадилар. Шахснинг ривожланиши — бу ўз хулқи, хатти-ҳаракатини ҳамкори ҳаракатларига мослаштириш, гуруҳ ҳаётида унга ажратилган «ролни қабул қилишидир». Жамият эса индивидда ўзи тўғрисида маълум бир тасаввур шакллантира бориб ва унинг хатти-ҳаракатларини зарур томонга йўналтира бориб, гўёки «унга ичдан кириб боради». Индивидда ривожланган «Мен» вужудга келиши билан ташқи ижтимоий назорат ички томон йўналади, ўз-ўзини назоратга айланади. Инсон эса гуруҳнинг, жамиятнинг рамзий ўзаро ҳара-

кати тузилмасида ўз ролини бажара оладиган масъул шахсга айланади. Миднинг ижтимоий концепцияси ижтимоий психология ва социологиянинг (шахс, ижтимоийлашув, ижтимоий назорат муаммолари) кейинги ривожига кучли таъсир кўрсатди. Бу концепция рамзий интеракционизм (Г. Блумер, Т. Кун, И. Гофман, А. Стросс, Т. Шабутани ва б.) номи билан танилган йўналишга асос бўлди. Бир қатор тадқиқотчилар Миднинг ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини бир томондан ижтимоий феноменологияга яқин деб ҳисоблайдилар. Бу тўғри, чунки ижтимоий феноменология вакиллари, хусусан Шюц бу ғояларни янада ривожлантирган эди.

**МИКРОСОЦИОЛОГИЯ** (юнон. *micro* — кичкина ва социология) — социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирлаш билан чегараланадиган йўналиш.

**МИЛЛС** Чарлз Райт (1916—1963) — америкалик олим, сўл радикал йўналишдаги социолог. «Янги социологияни» тузишга даъвогар бўлган. Ижтимоий фанларни ғарб жамияти муаммоларини очиб ташлашга чақирган. Интеллигенциянинг мустақил кучига, унинг «ҳукмрон элита» — саноат ва ҳарбий бюрократик элиталар иттифоқи ҳукмронлигини ағдариб ташлай олиш қобилиятига ишонар эди. Миллснинг «ҳукмрон элита» концепциясига кўра, ҳозирги даврда жамиятни бошқариш воситаларининг марказлашуви ва ҳарбий ҳарajatларнинг мунтазам ошиб бориши шароитида ижтимоий ҳаётнинг марксизм таъкидлаган «иқтисодий детерминизм» тўғрисида эмас, балки «сиёсий детерминизм» ёки «ҳарбий детерминизм» тўғрисида сўз юртиш тўғрироқдир. Миллс америка социологиясидаги икки асосий йўналиш—Парсонс яратган «юқори назарияни» ва Лазарсфельд асарларида ифодаланган «мавҳум эмпиризмни» танқид қилган. Парсонс назарияси структурали зиддиятлар, қўзғолон, инқилоб ғоясини инкор этган ва манфаатлар уйғунлиги ҳар қандай жамиятнинг табиий хусусияти ҳисобланади деб ҳисоблайди. Шунинг учун у асоссиздир. «Мавҳум эмпиризм» ҳам мавжуд ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш қобилиятига эга эмас. Чунки у маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан овора бўлиб, объектни танлаб олиш-

га бeфapқ қарайди. Натижада, Миллс фикрича, методология билимнинг мазмунидан ажралиб қолади. Миллс ҳатто умуман методология керак эмас, чунки «ҳар ким ўзича методолог» деб уқдирмоқчи бўлган. Ҳозирги вақтда у ғарбда радикал социологиянинг бошловчиларидан, «янги сўллар» ҳаракатининг илҳомлантирувчиларидан бири деб ҳисобланади.

**МИХАЙЛОВСКИЙ** Николай Константинович (1842—1904) — рус публицисти, социологи, адабиёт танқидчиси. Социологияда Лавров билан бирга «идеални» эркин танлаб олиш ғоясини ишлаб чиққан. Унга мувофиқ ижтимоий ривожланишни илғор зиёли гуруҳ танлаган йўналишида ўзгартириш мумкин. Бу ғоя социологияда субъектив услуб деб аталган услубда ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Бу услуб алоҳида олинган шахсни тарихий тадқиқотнинг дастлабки нуқтаси ва ижтимоий тараққиётнинг олий меъёри деб эълон қилади. Россияда инқилобий ҳаракатга қарши акс ҳаракатлар кучайгандан сўнг, Михайловски ғоявий инқирозни бошдан кечирган. Бу унинг «қаҳрамонлар ва тўда» назариясида ўз аксини топди. Бу назарияда коллектив ҳаракат механизми инсоннинг тақлидга мойиллигидан келиб чиқиб тушунтирилган.

**МОДА** (фр. **mode**, лот. **modus** — меъёр) — жамиятнинг оқсуяклар, киборлар, умуман элита табақасига нисбатан қолган аҳолининг кийиниш, уй жихозлари, муסיқа ва бошқа соҳаларда тақлид қилишида ифодаланадиган ҳатти-ҳаракат ва хулқ-атвор. Бу ўзидан юқори ижтимоий мақомга эга бўлган шахсларга нисбатан ҳурмат-эътиборни намойиш этишда, улар билан ўзининг тенглигини кўрсатишга уринишда ўз ифодасини топади. Шу асосда мода вужудга келади.

**МОДА СОЦИОЛОГИЯСИ** — турли ижтимоий қатламлар ҳаётидаги мода масалаларининг ижтимоий жиҳатларини, шунингдек маркетинг, дизайн, реклама муаммоларини ўрганувчи амалий социология соҳаси.

**МОДАЛ ШАХС** (фр. **mode**, лот. **modus** — меъёр) — жамиятнинг кўпчилик аъзолари қабул қилган маданий наъмуналарга риоя этувчи инсон.

**МОДУС** (лот. **modus** — меъёр): 1) хил, меъёр, услуб; 2) предметнинг атрибути, яъни ажралмас хоссасидан фарқли ўлароқ, унинг баъзи ҳолатларига хос хоссасини ифодаловчи тушунча.

**МОНИТОРИНГ** (лот. **monitor** — назорат қилувчи, огоҳлантирувчи) — социологияда: махсус видеоназорат

асбоблари ёрдамида зарур даража ва шароитларда сақланиши зарур бўлган маълум бир ижтимоий параметрларни (масалан, жамоатчилик фикрини) доимий назорат қилиш. Социологик мониторинг ёрдамида жамоатчилик фикри кузатилади, баҳоланади ва унинг ҳолати башорат қилинади.

**МОНОГРАФИҚ ТАДҚИҚОТ** — эмпирик социологик тадқиқот тури: Бунда тадқиқот объекти сифатида бирор бир ҳодиса тоифасига кирувчи фақат битта бирлик олинади. Унинг вазифаси — ахборот йўқлиги туфайли кенг танлаш билан тадқиқот ўтказиш имкони бўлмаган ҳодисани бирма бир таҳлил қилишдир.

**МОНТЕСКЬЕ Шарль Луи де (1689—1755)** — француз маърифатчи файласуфи, сиёсий мутафаккири, социологи ва тарихчиси. «Эрон мактублари» (1721), «Римликларнинг улуғворликлари ва инқирозининг сабаблари ҳақида ўй-фикрлар» (1734), «Қонунларнинг руҳи тўғрисида» (1748) асарларида феодал муносабатлар кескин танқид қилинган бўлиб, буюк француз инқилоби даврида катта шуҳрат қозонган. Монтескье ишлаб чиққан ҳокимиятларни ўзаро тақсимлаш (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари) ва бошқарувнинг уч тури (демократия, аристократия, деспотия) қондалари кейинчалик буржуа-демократик давлатлар сиёсий тузумига асос бўлган эди. «Қонунларнинг руҳи тўғрисида» асарида (14-китоб) Монтескье социологияда биринчи бўлиб жўғрофий йўналишнинг асосий қондаларини ишлаб чиқади. Ижтимоий ва давлат тузумини, жамиятда ҳукм сурувчи хулқ-атвор ва одатларни белгиловчи омиллар орасида у жўғрофий муҳитга — иқлимга, тупроққа, устки сатҳга ва ҳ.к. алоҳида аҳамият берган. Шу билан бирга Монтескье ижтимоий муҳитнинг аҳамиятни ҳам таъкидлаб кўрсатган, бу муҳит сиёсий тузум ва қонунчилик билан мослашиб туради. Мутафаккирнинг таълимоти файласуфлар ва социологларнинг кейинги авлодларига катта таъсир кўрсатган.

**МОРЕНО Якоб Леви (1892—1974)** — америкалик руҳшунос, психиатр. Морено — социометрия асосчиси-дир. У руҳий таҳлилга таянган ҳолда кишиларнинг кичик гуруҳлардаги психологик ўзаро муносабатларини ўрганган. Жамиятнинг социология ўрганадиган макротизилмасидан ташқари индивидуал кечинмалар, ўзаро ёқтириш ва ёқтирмаслик ҳислари ташкил этадиган ички норасмий микротизилмалар ҳам мавжуд. Уни тадқиқ этиш учун Морено социометрик тестни таклиф этади.

Унинг натижалари график тарзда тасвирланади (социограмма) ва гуруҳдаги муносабатлар тўғрисида кўргазмали тасаввур туғдиради. Гуруҳнинг ташқи, расмий тузилмаси унинг ички тузилмасига мос келмаган ҳолларда, Морено фикрича, неврозлар ва низолар вужудга келади. Уларни аниқлаш ва даволаш учун Морено социодрама ва психодрамани таклиф этди. Бу усуллар кейинчалик ижтимоий психология ва психиатрияда кенг тарқалди. Шуниси диққатга сазоворки, социометрик услубларни қўллаш амалий натижаларда, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш, низоларни юмшатиш, неврозларни даволашда кўринади. Шу туфайли Морено кичик гуруҳлар социологиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Лекин у ўзининг назарий хулосаларида психологик муносабатлар ролини мутлақлаштиради ва катта бўлмаган, ижтимоий бир турли гуруҳларда олинган хулосаларни бутун бир жамиятга тадбиқ этмоқчи бўлади. Шунинг учун социометрик қонунлар асосида жамиятни адолатли қайта қуришга қилган даъволари утопик характерга эгадир.

МОСКА Гаэтано (1858—1941) — италиялик олим, тадқиқотчи, сиёсий фан асосчиларидан бири. Парето билан бир қаторда замонавий элита назариясининг асосчиларидан бири. Москанинг консерватив — либерал ғояларидан бири шу эдики, жамият ижтимоий-сиёсий тизимлар, турли ижтимоий гуруҳлар ва мафкурадан қатъий назар абадий икки синфга — ҳукмрон «сиёсий синф» ва бошқарилувчи синфга бўлинади. Сиёсий синф» ўз қўлига барча давлат вазифаларини тўплаб, шунга тегишли равишда имтиёزلардан фойдаланади. Мавжуд ҳокимият доимо «сиёсий синф» қўлида бўлади. Халқ вакиллик тизими ва суверинитети, эгалитаризм ва ҳ.к. тўғрисидаги хаёллар аслида «сиёсий синфнинг» фаолиятини ниқоблашга хизмат қилади. Москва «сиёсий синфнинг» қатъий мезонлари (келиб чиқиши ҳажми, таркиби) тавсифини келтирмаган. Унинг фикрича, халқ ҳокимияти, демократия ва социализм жамият қонунларига ва инсон табиатига мос тушмайдиган утопиядир. Ҳокимият халқ номидан бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон унинг ўзиники бўлмайди. Москва Парето каби жамиятнинг асоси бўлган ижтимоий турғунлик элитанинг янгилашиб туришисиз мумкин эмас деб ҳисоблаган. Ҳар қандай элита «яширин», меросга асосланган элитага айланишга мойил бўлгани учун тугаб боради. Шу билан бирга жамиятда ҳамиша эски ҳукмрон оз-

чиликнинг ўрнини эгаллашга тайёр турувчи кучлар топилади. Улар ўртасида доимо алмашилиб туриш ижтимоий организмнинг соғломлиги шартидир. «Сиёсий синф» динамикасининг учта йўли мавжуд: янгиланмасдан туриб «абдийлашув», янгиланиш билан «абдийлашув», соф янгиланиш. Бу йўлларнинг давлат бошқарувининг автократик ва либерал шакллари билан қўшилиши давлатнинг тўрт хилини (аристократик-автократик, аристократик-либерал, демократик-автократик ва демократик-либерал) келтириб чиқаради. Халққа сиёсий ҳуқуқларнинг берилиши «сиёсий синфларнинг» қулашига олиб келади. Шунинг учун Москва умумий сайлов ҳуқуқига ва парламентаризмга ҳадиксираб қараган, демократик институтларни танқид қилган.

**МОСЛАШУВЧАНЛИК** — гуруҳнинг тазйиқи воситасида назорат қилинадиган хулқ-атвор. Гуруҳ ўзи киритган хулқ-атвор меъёрлари ёрдамида индивидни гуруҳ аъзоларининг бирдамлигини қўллаб-қувватлаш учун уларга рия этишга мажбурлайди.

**МОТИВАЦИЯ** (фр. *motif* — ҳаракатлантираман) — инсоннинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга ҳаракатлантирувчи истаклар.

**МУСИҚА СОЦИОЛОГИЯСИ** — социология таркибида мусиқа ва жамиятнинг ўзаро таъсири ва ҳаракатини ўрганувчи йўналиш бўлиб, у асримизнинг 40—50 йилларида шаклланган. Мусиқанинг ижтимоий функциялари, унинг оммавий маданият, одамлар хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатининг руҳий наъмуналарига таъсири замонавий мусиқа социологиясининг йўналишлари ҳисобланади.

**МУҚОБИЛ СОЦИОЛОГИЯ** — XX асрнинг 60-йилларида ғарбда ёшлар ва талабалар ҳаракатининг кўтарилиши жараёнида сўлрадикал фикриёт доирасида шаклланган йўналиш. Асосий (академик) ва тадбиқий социологияга муқобил ҳисоблангани учун ҳам шундай номланган.

**МЭЙО** Элтон (1880—1949) — америкалик социолог, руҳшунос, америкача индустриал социология ва «инсоний муносабатлар» доктринаси асосчиларидан бири. Мэйонинг Чикаго яқинидаги Вестерн Электрик Компанияда ўтказган машҳур Хоторн тажрибалари бошқарув социологияси ва индустриал социология ривожига салмоқли улуш қўшди. Турли омилларнинг (меҳнат шартлари ва уни ташкил этиш, иш ҳақи, шахслараро муносабатлар ва бошқарув услуги) sanoat корхонаси-

да меҳнат унумдорлигини оширишга таъсирини ўрганиб, Мэйо инсон ва гуруҳ омилининг алоҳида ролини кўрсатиб берди. Эмпирик маълумотларни умумлаштириш уни менежментнинг ижтимоий фалсафасини яратишга олиб келди. Мэйо концепцияси асосида қуйндаги қондалар ётади: 1) инсон гуруҳий ҳатти-ҳаракат доирасига йўналтирилган ва киритилган «ижтимоий мавжудотдир»; 2) бўйсунитишнинг қатъий поғонаси ва бюрократик ташкилот маҳсулотга эмас, одамларга асосий эътиборни қаратмоғи керак. Бу жамиятнинг ижтимоий турғунлиги ва индивиднинг ўз ишидан қониқишини таъминлайди. «Инсоний муносабатлар» доктринаси индивидуал мукофотни — гуруҳий, иқтисодий мукофотни ижтимоий-психологик (қулай ахлоқий муҳит, раҳбарликнинг демократик услуги) мукофот билан алмаштириш қондасига асосланган эди.

## Н

**НАЗАРИЙ — АХБОРОТЛИ ТАҲЛИЛ** — маълумотларни қайта ишлаш услубларининг мажмуи. Назарий — ахборотли таҳлил ахборотнинг математик назарияси тушунчалари ва тасаввурларини қўллашга асосланган.

**НАРКОМАНИЯ** (юнон. нарке — карахтлик ва mania — эҳтирос) — наркотик моддаларни истеъмол қилиш натижасида шахснинг руҳий ва ижтимоий вояга етишишининг секинлашуви ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий муаммолар.

**НИКОҲ** — эркак ва аёлнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари тизимини тартибга солиб турувчи меъёрлар мажмуини ўзида ифодаловчи ижтимоий институт. Бундай нормалар оиланинг ҳаётини фаолиятида ва мавжудлигида муҳим рол ўйнайди.

**НИСБЕТ** Роберт (1913) — неоконсерватизм йўналишидаги америкалик социолог. Ғарб социологияси шаклланишининг «классик» даврини (XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари) таҳлил қилишга катта эътибор билан қараган. «Социологик анъана» асари социология классиклари ижодига бағишланган. Унда хусусан Дюркгейм, М. Вебер, Теннис, Зиммелнинг «аномия», «синфлар», «бегоналашув» каби тушунчалари аввало Ғарбий-Европа маданиятининг инқирозини англаб етишга қаратилган деган фикрни билдирган. Ғарб ма-

даниятининг инқирозини Нисбет ижтимоий бирдамликнинг заифлашуви, анъаналар аҳамиятининг сусайиши, шахснинг муносабатларида бегоналашувнинг кучайишида ўз ифодасини топган «ҳамжамиятнинг сўниши» деб баҳолаган. Социология капиталистик тузумнинг вужудга келишига нисбатан акс таъсирдир. Нисбет Дюркгейм ва Теннис каби буржуа жамиятидаги ижтимоий бирдамлик ва жипсликнинг ахлоқий асослари муаммоларини ўрганган, «ҳамжамиятнинг» илдизларини қидирган. «Авторитетнинг шарпалари» ва «Тараққиёт ғояси» асарларида Нисбет жаҳон цивилизацияси, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги даври тўғрисида Ф. Ницше, А. Шопенгауэр, Шпенглер ғоялари руҳида ишончсизлик кайфиятида фикр билдирган. Тараққиётнинг «боши берк» кўчага тушиб қолганлиги ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимиятининг обрўсизланиши, шахснинг ахлоқий бузилиши, асосий инсоний қадриятларнинг қадрсизланишида кўринади. Инқироздан чиқиш йўли, Нисбет фикрича, анъанавий буржуа қадриятларини тиклаш (шахсий эркинликни кучайтириш, маҳаллий жамоалар ҳуқуқларининг оширилиши ва ҳ.к.) билан боғлиқ. Социолог тенгликка қарши чиқиб, ҳусусий мулкни ҳимоя қилган эди.

**НОМИНАЛ-ГУРУҲ** — одамларнинг баъзи бир белгиларга кўра ажратилган мажмуаси бўлиб, бундай белгилар таҳлил мақсадлари учун маълум мазмунга эга бўлади.

**НОРАСМИЙ ГУРУҲ** — ўз аъзоларининг ўзаро яқинлигига, бевосита муомаласига, меъёрланмаган муносабатларига асосланган гуруҳ.

**НОРАСМИЙ ТАШКИЛОТ** — ўзаро мулоқот жараёнида меъёрланмаган ва маъмурий ёки ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайдиган шахслараро муносабатлар тизими.

## О

**ОИЛА** — ижтимоий институт ва кичик гуруҳ ҳусусиятларига эга бўлган ижтимоий тизим. Оила эр-хотин, ота-оналар, болалар ва бошқа яқин қариндошлар муносабатларини тартибловчи ижтимоий меъёрлар, таққиқлар ва хулқ-атвор наъмуналари мажмуи билан ифодаланади. Оила турмуш бирлиги, ўзаро ахлоқий маъсилият ва ўзаро ёрдам билан боғланиб кетган никоҳ ёки қон-қариндошликка асосланган кичик гуруҳ

сифатида ҳам қаралади. Оила ижтимоий муҳим эҳтиёжларни қондириши билан ажралиб туради.

**ОИЛА СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда оилани ижтимоий институт сифатида ўрганувчи йўналиш. Оиланинг ўз асосий функцияларини бажариши, турли хилдаги оилаларнинг турмуш тарзи ва б. муаммолар унинг баҳс мавзуини ташкил этади. Ҳозирда оила социологиясида қуйидаги ёндошувлар мавжуд: 1) интеракцион; 2) тизимли-функционал; 3) вазиятли; 4) институционал; 5) эволюцион. Оилани социологик тадқиқ этиш АҚШ да, Францияда, болтиқбўйи мамлакатларида тараққий этган. Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши билан бизда ҳам оила социологиясига қизиқиш кучаймоқда.

**ОЛОМОН** — одамларнинг тор табиий маконда манфаатлар умумийлиги асосида бирлашган вақтинчалик йиғини.

**ОМИЛЛИ (ФАКТОРЛИ) ТАҲЛИЛ** — ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар белгиларининг ўзгарувчанлигини кўпмеъёрли статистик таҳлил қилиш услубларидан бири. Бу услуб эҳтимолий, яширин, ташқаридан кўзга ташланмайдиган белгилар мажмуининг миқдорини аниқлаш имконини беради.

**ОММА** — кўпчиликнинг тасодифан бир жойда маълум бир вақт мобайнида тўпланиши бўлиб, унга ҳис-туйғулар таъсирининг катта кучга эгаллиги хосдир.

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ** — XX аср ўрталарида оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (оммавий эстрада мусиқаси, цирк ва ҳ.к.). Оммавий маданият одатда киборлар ёки халқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга ва у оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданий қадриятларни ишлаб чиқишни ифодалайди ҳамда у индустриал жамиятларга хосдир. Оммавий маданият барча одамларга қаратилган бўлиб, муттасил равишда кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади ва оммавий муомала воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади.

**ОММАВИЙ ОНГ** — ижтимоий бирликларнинг ўзига хос тури бўлган оммага тегишли ижтимоий онг хили.

**ОРТЕГА-И-ГАССЕТ** Хосе (1883—1955) — испан файласуфи, мутафаккири, жамоат арбоби. Ортега-И-Гассет ижодида неокантчилик, ҳаёт фалсафаси ва фе-

номенология мотивлари зиддиятли равишда ўз аксини топган. Социологияда унинг «Омма қўзғолони (1920 — 30) асари машҳурдир. Муаллифининг фикрича, Ғарбий Европа ижтимоий бир хиллаштириш («оммавийлаштириш») ва жонсиз ҳолатга тушиб қолди. Шунинг учун жамият тузилмасининг одатдаги синфий шакли ўрнини социомаданий тузилма эгаллаши керак. У жамиятнинг маданият асосидаги омма ва элитага бўлинишини кўзда тутди. Бу ўринда Ортега-И-Гассет маданиятни яратувчи маънавий «элитани» ва онгсиз равишда одатий тушунчалар ҳамда тасаввурлар билан қаноатланидиган одамлар «оммасини» қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, «элита» ва «омманинг» бундай ажралиб қолиши XX асрнинг асосий сиёсий ҳодисаси (феномени) ҳисобланади ва у умумий ижтимоий барқарорликка, «оммавий жамиятнинг» вужудга келишига олиб келади. Ортега-И-Гассет Европа социологиясига (асосан «оммавий жамият» ва «оммавий маданият» муаммоларини қўйишда) катта таъсир кўрсатди.

**ОГМА (ДЕВИАНТ) ХАТТИ-ҲАРАКАТ** — индивид ёки гуруҳнинг умумий қабул қилинган меъёрларга мос келмайдиган ва натижада улар томонидан ушбу меъёрларнинг бузилишига олиб келадиган ҳатти-ҳаракат. Жамиятда шаклланган меъёрларга (кўникмаларга, намуналарга) мос келмайдиган хулқ-атвор, фаолият ёки ижтимоий ҳодиса оғма ҳатти-ҳаракат асосида содир қилинади.

## П

**ПАНЕЛ ТАДҚИҚОТ** (нем. *panel*) — маълум бир вақт мобайнида юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш мақсадида ўтказиладиган такрорий тадқиқот.

**ПАРАДИГМА** (юнон. *paradeigma* — намуна) — 1) борлиқнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи тушунчалар тизимидан иборат қатъий илмий назария; 2) муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш модели (намунаси), бирор бир тарихий даврда илмий жамоатчиликда ҳукмрон бўлган тадқиқот услублари масаларини ечиш чизмаси.

**ПАРЕТО** Вильфредо (1848 — 1923) — италиялик социолог ва иқтисодчи. «Умумий социология трактати» асарида ўзининг назарий социологик концепциясини баён қилиб берган. Парето методологияси ўз моҳиятига кўра позитивистик хусусиятга эга бўлган. У социо-

логияни жамият тўғрисидаги эмпирик асосланган билим деб тушунган. Бундай билим далилларни изоҳлашга асосланади. Парето социологик назариясининг бошланғич нуқтаси номантикий ҳаракат концепцияси эди. У XVIII аср маърифат фалсафасининг рационализмидан воз кечди. Шу аснода Парето инсон ҳатти-ҳаракатининг иррационал ва мантиқсиз хусусиятини алоҳида таъкидлайди, бундай ҳатти-ҳаракат тарих жараёнида яққол намоён бўлади. Индивидларга туғма руҳий ётсираш хос, шунинг учун улар ўз хатти-ҳаракатларининг асл сабабларини ошкор қилмайдилар. Шунинг учун ҳар қандай мафкура ҳаракатни оқлаш, унга мантикий тус бериш, унинг ҳақиқий сабабларини яшириш мақсадига эга. Парето мафкуравий тузилмаларни инсон руҳиятининг онгсиз (иррационал) қатламларида илдизга эга бўлган ҳис-туйғулардан келиб чиқувчи «қолдиқлар» — ички биологик куч, яъни импульс деб билган ва улар инсоннинг ижтимоий ҳатти-ҳаракатини белгилайди. Парето «қолдиқлар» нинг олтига асосий синфини кўрсатган ва шу асосда инсон ҳатти-ҳаракатининг барча кўпсонли йўллари тушунтиришга уринган. Булар қуйидагилар: 1) барча ижтимоий ўзгаришлар асосида ётувчи руҳий комбинациялар инстинкти; 2) қачондир шаклланган алоқаларни сақлаб туришга қаратилган агрегатлар доимийлиги; 3) инсоннинг ижтимоий ҳаракатларда ўз ҳис-туйғуларини намойиш қилишга уриниши; 4) ижтимоийлик туйғуси; 5) мулк туйғуси; 6) жинсий майл. Паретонинг ижтимоий ҳаракат концепцияси асосида муайян инсон концепцияси ётади. Инсон табиати иррационал хусусиятга эга. Инсоний ўзига хослик ақл-идрокда эмас, ундан ғаразли мақсадларда фойдалана билиш қобилиятидадир. Ҳис-туйғулар ва ақл-идрок нисбати тўғрисида фикр юритиб, Парето ҳис-туйғуларни тарихнинг ҳаракатланувчи кучлари деб билган. Инсон руҳияти жабҳаларидан Парето мафкура, ижтимоий стратификация ва ҳукмрон элиталар назарияларини келтириб чиқарган. Мафкураларни илмий ҳақиқатга қарши қўйсада, уларнинг ижтимоий аҳамиятини, жамият ва алоҳида ҳаракат қилувчи шахслар учун қадрини инкор этмаган. Масалан, у мафкуранинг жамиятдаги фаол ролини, унинг сафарбарлик кучини таъкидлаган, оммавий онгни хаспўшлаш механизминини очиб берган. Фрейд асарлари билан таниш бўлмасада, Парето онгсизлик руҳиятининг баъзи ғояларини асослаган. Па-

рето жамиятни динамик (ўзгарувчан) мувозанат ҳолатидаги тизим деб қараган. Жамиятдаги элита ва элита бўлмаган қатламга бўлиниши индивидларнинг маълум бир биопсихологик сифатларидан келиб чиқади. Парето фикрига кўра, элита ва ноэлитата бўлиниш барча жамиятларнинг муҳим хоссасидир. Элиталарнинг «ал-машинуви», яъни уларнинг стабиллашуви ва кейинги инқирози — ижтимоий ривожланишни белгилайди. Айёрлик билан оммани хаспўшлагга мойил ёки зўрлик ишлатишга уринувчи элита ҳукмронликнинг икки хилини вужудга келтиради. Жамиятнинг ҳукмрон элитаси таркибини янгиланишидан ижтимоий инқилоб келиб чиқади. Элиталарнинг айланма ҳаракати чуқур ижтимоий жараёнлар, аввало ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга ўзгаришларни ифода этади. Ҳукмрон гуруҳлар ижтимоий ҳаётда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қила олмай, сиёсий ўйин қилганларида сиёсий ўзгаришлар юз беради. Парето Маркснинг илмий социализмини «иқтисодий материализм» деб баҳолаган ва ўз олдига иқтисодий эмас, психологик пойдеворга қурилган социологик концепция яратиш мақсадини қўйган эди. Паретонинг кўпгина ғоялари структурали функционализм вакиллари томонидан ўзлаштирилган. Унинг ҳокимият механизмларини тадқиқ қилишда маълум аҳамият касб этган таълимоти — мафкуралар ҳақидаги, шунингдек элита назарияси ҳам ғарб сиёсатшунослари орасида эътиборга эга.

ПАРК Роберт Эзра (1864 — 1944) — америкалик социолог, Чикаго мактаби асоҳчиларидан бири. Класик «ижтимоий-экологик» назария муаллифи. Социология коллектив ҳатти-ҳаракат наъмуналарини ўрганади деб ҳисоблаган. Бундай наъмуналар организм ва «чуқур биологик феномен» сифатидаги жамият эволюцияси жараёнида шаклланади. Шунинг учун жамият ижтимоий даражадан ташқари биотик даражага ҳам эга. Бу ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи рақобатдир. Рақобат жамиятнинг биотик даражадан ижтимоий даражага томон ҳаракати жараёнида турли сублимациялашган шаклларга — яшаш учун курашдан тортиб зиддият (конфликт) ва мослашув орқали ассимиляциягача эга бўлади. Социал эволюция тўрт даврни босиб ўтади ва ҳар бир ижтимоий организм шунга мос равишда тўртта тартибга эга бўлади: экологик (маконий, табиий ўзаро таъсир), иқтисодий, сиёсий ва маданий. Маданий тартибли ҳаракат мобайни-

да ижтимоий алоқалар кучайиб боради. Рақобат эркинлиги чегараланади, биотик стихия жиловланади ва жамият зарурий «келишувга» эришади. Бу ерда «жамият ўзаро таъсир сифатида» формуласи кучга киради. Натижада биосоциал табиатга ва рақобатбарорликка эга бўлган «ижтимоий атомлар» ўзаро ҳаракати келиб чиқади. «Ижтимоий атомларнинг» ижтимоийлашуви жамият ривожига «биотик» асос ва ижтимоий устқурмага бўлинишнинг асоси ҳисобланади. Биотик кучлар макро- даражада экологик тартибда, ижтимоий институтларнинг маконда ҳаракат қилишида намоён бўлса, микродаражадаги инсоннинг биотик табиати ҳаракат, миграцияда ўз ифодасини топади. Коллектив ҳатти-ҳаракат<sup>1</sup> ҳисобланмиш миграция жамиятнинг экологик тартибини ташкил этади. Унинг устига қурилган иқтисодий, сиёсий ва маданий тартиб эса биргаликда назоратни ташкил этади. Бундай «назорат» иқтисодий қонунлар, ҳуқуқ, феъл-атвор, урф-одатлар, хуллас келишув ёрдамида ташкил этилади. Шундай қилиб, Парк фикрига кўра жамият — бу «назорат ва келишувдир», ижтимоий ўзгариш эса даставвал ахлоқий нормалар, онг, индивидуал қадриятлар, умуман «инсон табиатининг» ўзгариши билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар тубдан биотик ўзгаришларга асосланади ва аввало табиий, маконий ва мобиллик билан боғлангандир. Паркнинг ижтимоий масофа назарияси ижтимоий силжишлар, ижтимоий-иқтисодий мақомнинг ўзгариши муаммоларини ўз ичига олади. Масалан, маданий мобилликни тадбиқ этиб, у маргинал шахс тушунчасини асослаган. Умуман Парк «классик» ижтимоий экология концепциясини ярата олган. Унинг асосида Чикаго шахрида локал ҳамжамиятларни ўрганиш бўйича тадқиқот дастури ишлаб чиқилган. Э. Бержесс шахар социологияси учун ўша дастурнинг тадбиқий варианты ни ишлаб чиққан бўлиб, у ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Паркнинг ижтимоий-экологик назарияси Чикаго мактабининг турли тадқиқотларида катта рол ўйнаган ва ижтимоий экологик назариясини Бержесс билан бирга ёзган «Социология фанига кириш» дарслигида баён этган.

**ПАРЛАМЕНТ** (фр. *parler* — гапирмоқ) — бутунлай ёки қисман сайлов асосларига қўйилган қонун чиқарувчи вакиллик олий орган.

**ПАРСОНС** Толкот (1902 — 1979) — америкалик назариётчи социолог. Социологияда ҳаракат назарияси

ва тизимли-функционал мактаб асосчиси. Парсонс инсоний борлиқнинг уни бутун бир ҳолича қамраб олувчи таҳлилий-назарий тизимини атрофлича ишлаб чиқишга уринган. Бу мақсадда дастлаб у М. Вебер, Дюркгейм, Маршалл, А. Парето асарларига, шунингдек ҳозирги замон кибернетик ва рамзий-семиотик тасаввурларга таянган. Инсоннинг жамиятдаги борлиғини позитивистик изоҳлаш ўрнига янгича назария яратишга уринган. Жисмоний ва биологик ҳаракат тизимидан фарқли ўлароқ, бу тизимнинг ўзига хос жиҳатлари қуйдагилар билан белгиланади: биринчидан, унинг рамзийлиги, яъни тартибга солишнинг тил, қадриятлар каби рамзий механизмларининг мавжудлиги; иккинчидан, меъёрийлигида, яъни индивидуал ҳаракатнинг умумий қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга (нормаларга) боғлиқлиги; учинчидан, унинг иррационаллигида ва муҳит шароитларида мустақиллиги ва шу вақтнинг ўзиде вазиятни субъектив аниқлашга боғлиқлигида. Бу ғоялар Шилз, Олпорт, Шелдон ва б. билан биргаликда ёзилган «ҳаракатнинг умумий назариясини яратишга доир» номли китобида батафсил асослаб берилди. Бу монографияда «фаол ҳаракат қилувчи», «вазият» ва «фаолнинг вазиятга йўналганлиги» тушунчалари асосий ҳисобланади. Ҳаракат субъекти (индивид ёки жамоа) атроф муҳитдан алоҳида объектларни уларни жойи, хоссалари ва ҳ.к. фарқлаган ва гуруҳларга бўлган ҳолда ажратиб олиш мумкин (билувчанлик ва когнитив йўналганлик). Шунингдек, у вазиятдан келиб чиқиб, ўз эҳтиёжларини қондириш нуқтаи-назаридан қараганда унинг учун ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлган объектларни фарқлайди (катектик йўналганлик). Субъект билувчанлик ва катектик баҳоланган объектлар орасида ўзининг у ёки бу эҳтиёжининг қондирилиш тартибига қараб кейинги танлов ва солиштирма баҳолашни амалга оширишга мажбур (баҳоловчи йўналганлик). Булардан ташқари, фаол ҳаракат қилувчининг вазият объектларига йўналганлиги вақт билан ўлчанади, яъни унинг ўз ҳаракати натижаси тўғрисидаги тасаввурни туғдиради. Бундай тасаввур фаолнинг ўз олдига мақсад қўя олиш ва унга эришишга интилиш қобилияти асосига қўйилгандир. Шундан сўнг Парсонс ва унинг муаллифдошлари ижтимоий субъектларнинг ўзаро ҳаракат вазиятини тадқиқ этганлар. Ижтимоий субъектлар бир-бири билан «ўзаро кутиш» тизими орқали боғ-

ланган, яъни уларнинг ҳаракати маслакдошнинг кутишига йўналтирилган. Бунинг натижасида фаолнинг мотивация тузилмасини ташкил қилувчи когнетив, катектик ва баҳоловчи йўналмаларига қадрий йўналганлик ҳам қўшилади. Қадрий йўналма — бу ҳар бир фаолга боғлиқ бўлмаган, битта маданий майдонга мансуб бўлган ҳамма фаолларнинг ҳаракат тарзини тартибга солувчи «ташқи рамзлар» соҳасидир. Парсонс эҳтиёжлар ва қадриятларни уларнинг ўзаро таъсирини инкор этмаган ҳолда аниқ таҳлилий тарзда фарқлаб кўрсатади. Бу эса ҳаракатнинг шахс ва маданият каби нисбатан алоҳида (автоном) тизимчаларини ажратиш ва чегаралаш, ҳам бутунлай мустақил стихияли шахс тўғрисидаги, ҳам қатъий маданий жиловлаб қўйилган индивидлар тўғрисидаги тасаввурларнинг ноўрин эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга Парсонс бир томондан шахснинг тўлақонли психологик тузилма сифатидаги, иккинчи томондан ижтимоий фаолнинг ушбу тўлақонли тузилмада таҳлилий ажратиб олинган роллар мавҳум комплекси (йиғиндиси) сифатидаги тушунчаларни ажратиб кўрсатган. Социолог шу асосда ижтимоий тизим тўғрисидаги тасаввурни шакллантирган. Бу ҳаракат тизимининг формаллаштирилган модели эди. Бу модел ўзаро айрибошлаш муносабатидаги маданий, ижтимоий (социал), шахсли ва органистик тизимчаларни ўз ичига олади. Масалани бундай изоҳлаш Парсонснинг энг муҳим назарий ютуқларидан бири эди. Ҳаракат назариясининг бошқа муҳим қисми қадрий конфигурациялар намуналарининг ўзгарувчанликларидир. Улар ёрдамида энг умумий кўринишда исталган ижтимоий ҳаракатнинг йўналиши тўлиқ тасвирланса бўлади. «Парсонснинг фикрича, фаолнинг («актернинг») вазиятини баҳолаш фақатгина унинг индивидуал эҳтиёжларига асосланмасдан, мавжуд маданиятнинг умумий наъмуналарига ҳам мос келади. Бу даврда, яъни 50-йилларда Парсонс назарияси биологиядан (Л. Гендерсон, У Кеннон) ўзлаштирилган тизимли тасаввурлар билан бойиган. Бу тасаввурлар доирасида Парсонс Р. Бейлз ва Шилз билан биргаликда функционал муаммоларнинг тўпламини шакллантирган. Булар: тизимнинг ташқи объектларига мослашиш муаммоси, мақсадга эришиш муаммоси (ташқи объектлардан инструментал жараёнлар ёрдамида қониқиш олиш), интеграция муаммоси (тизим элементлари орасида «гармоник» зиддиятсиз муносабатни қўл-

лаб-қувватлаш) ва тузилмани қайтадан тиклаш ҳамда кескинликни юмшатиш муаммоси (институционалланган меъёрий кўрсатмаларни сақлаш ва уларга риоя этишни таъминлаш). Бу йўналишлар орасида алоқа мавжуддир. Иккинчи томондан исталган даражанинг ҳаракати тизимини функционал тизимчилар атамалари ёрдамида таҳлил қилиш мумкин, чунки бу тизимчалар кўрсатилган муаммолардан бирини ҳал этишга ихтисослашган. Масалан, инсон ҳаракатининг энг умумий тизими даражасида шахс мақсадга эришиш вазифасини бажаришга ихтисослашади, ижтимоий тизим индивидлар ўзаро ҳаракатда қўллайдиган энг кўп умумий наъмуналар, мақсадлар, қадриятлар, эътиқодлар, билимлар, қоидалар, хуллас шу каби «маъноларни» таъминловчи рамзий воситаларни ўзида мужассамлаштиради, буларнинг барчаси ҳаракатга тартибли хусусият бахш этади, уни ички зиддиятлардан халос қилади. Ниҳоят, организм мослашув вазифасини бажарувчи тизим ҳисобланади, яъни ҳаракат тизимига муҳит билан ўзаро ҳаракат қилишда жисмоний ва энергетик заҳиралар (ресурслар) беради. Ижтимоий тизим даражасида мослашув функциясини иқтисодий тизимча таъминлайди, мақсадга эришиш функциясини — сиёсий тизимча, интеграция функциясини — ҳуқуқий институтлар ва урф-одатлар, тузилмани қайта тиклаш функциясини — эътиқодлар тизими, ахлоқ ва ижтимоийлашув агентлари (оила, тарбия, таълим институтлари) таъминлайди. Ҳар бир тизимча функциялардан бирини бажаришга ихтисослашган ва янада кенгроқ тизимнинг чегараларини сақлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳар бир тизимча фаолиятининг натижаларини янада кенгроқ тизимга кириш деб изоҳласа бўлади. Ўз навбатида ҳар бир тизимча қолган тизимчалар фаолиятининг натижаларига боғлиқки, бу фаолиятни мавжуд тизимчага кириш деб изоҳлаш мумкин. Мураккаб тизимларда ўзаро айрибошлаш бевосита эмас, балки билвосита, умумлаштирилган рамзий воситачилар ёрдамида амалга оширилади. Ҳаракат тизимининг энг умумий даражасида бундай воситачи—тил; организм ва шахс ўртасида ўзаро айрибошлашда—қониқиш; маданият ва ижтимоий тизим ўртасида кечинмалар; ижтимоий тизим даражасида—пул, ҳокимият, таъсир ўтказиш, қадрий тарафдорликдир. Парсонс 60-йиллардаги асарларида жамият эволюцияси муаммоларига мурожаат этади, бунда у ўзининг эволюцион доктринаси асосига диф-

ференциация ғоясини қўйган. Жамият функционал дифференциация ва ижтимоий ташкил этишнинг мураккаблашуви натижасида «умумлашган адаптив (моллашувчанлик) қобилиятнинг» ошиб бориши томон ривожланади. Прimitив даражада дифференциация бўлмайди. Ривожланиш эволюцион умумлашмаларнинг (универсалияларнинг) мунтазам кенгайиб бориш йўли билан амалга ошади. «Оралик» даврга ўтиш ёзувнинг, ижтимоий стратификациянинг ва маданий легитимизациянинг вужудга келиши билан белгиланади. «Замонавий» хилга ўтиш ҳуқуқий тизимнинг диний тизимдан ажралиб чиқиши, маъмурий бюрократиянинг, бозор иқтисодининг ва демократик сайлов тизимининг шаклланиши билан юз беради. Иқтисодий ва сиёсий тизимлар дифференциациясини билдирувчи «саноат инқилобидан» сўнг «демократик инқилоб» келади. Бу инқилоб «ижтимоий ҳамжамиятни» сиёсий тизимдан ажратиб олади. Сўнгра «маърифий инқилоб» (Парсонс фикрича, у ҳозир АҚШ да бошланган) келади ва у ижтимоий ҳамжамиятдан тузилманинг қайта тикловчи тизимчасини ажратиб олиш ва ижтимоий тизимни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоғи керак. Умуман, Парсонс кўп жиҳатдан социологияда назарий тафаккурни қайта тиклади. Ўз назарияларини яратиш чоғида у социология классиклари мумтоз меросига таянди ва гўёки Конт, Спенсер, Дюркгейм, Вебер, Парето ва бошқаларни янгидан кашф этди. Парсонснинг назарий ва методологик қондалари Америка ва Европа социологларининг янги авлоди асарларида қайта ишланмоқда ва танқид остига олинмоқда. Кескин фикрловчи ғарб социологлари Парсонс назариясининг консерватив ва мураккаб томонларини танқид қилмоқдалар.

**ПИЛОТАЖ ТАДҚИҚОТ** (фр. **pilotage** — самолётни бошқармоқ) — асосий тадқиқотга тайёргарлик сифатини текширишга мўлжалланган синама тадқиқот.

**ПОЧТА ОРҚАЛИ СЎРОВ** — анкета сўровининг бир тури. Почта сўровида анкеталар махсус танлаб олинган манзилларга почта жўнатмалари йўли билан тарқатилади.

**ПРАГМАТИЗМ** (лот. **pragma** — иш, ҳаракат) — субъектив — идеалистик фалсафий таълимот бўлиб, у борлиқни «тажриба» билан мутлақлаштиради. XIX асрнинг 70-йилларида АҚШ да вужудга келган ва деярли миллий фалсафага айланган.

**ПРАКСИОЛОГИЯ** (юнон. **praktikos** — фаол ва **lo-**

**gos** — таълимот) — сошиологик тадқиқотлар соҳаси бўлиб, у турли ҳаракатлар ва уларнинг йиғиндисининг самарадорлигини аниқлаш нуқтаи назаридан туриб ўрганиш услубиётини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**ПРОГНОЗЛАШ** — илмий башоратларни ишлаб чиқиш амалиёти.

**ПРОГНОСТИКА** (юнон. **prognosis** — башорат қилиш) — илмий башоратларни ишлаб чиқиш назарияси.

**ПРОПОРЦИОНАЛ (УЛУШЛИ) ТАҢЛАШ** — энг катта (генерал) сифим тузилмасини ўрганилаётган белгиларни тақсимлаш улушлари (пропорциялари) кўринишида акс эттирувчи танлаш.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ** (лот. **protectio** — бошпана) — таниш-билишлиқ, қариндош-уруғчилик, орбўғъэтиборли маъмурий шахсларнинг таъсир ўтказиши асосида давлат муассасаларига қабул қилиш, хизмат мансабларига кўтариш.

## Р

**РАНГЛАШТИРИШ** — ўзгарувчан кўрсаткичларни баҳолаш услуби. Бундай кўрсаткичлар аҳамиятига кўра тартибланган бўлади ва маълум катталиклар давомийлигида ўз ўрнига эга бўлади. Социологияда ранглаштириш миқдорий маълумотнинг асосий манбаи ҳисобланади, яъни табиий фанларда қўлланиладиган ўлчаш каби муҳим аҳамиятга эга.

**РАСМИЙ (ФОРМАЛ) ГУРУҲ** — юридик мақомга эга бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, бунда гуруҳга аъзолик, вазифалар, мақсад ва хулқ-атвор қоидалари меъёрий ҳужжатларда қайд этилган бўлади.

**РАЦИОНАЛИЗМ** (лот. **rationalis** — оқилона) — ақл — идрокни билишнинг ва кишилар фаолиятининг асоси деб билувчи фалсафий йўналиш (оқим).

**РАҚОБАТ** — бирор-бир соҳада энг яхши натижаларга эришиш учун рақиб томонлар ўртасидаги кураш.

**РЕЙТИНГ** (ингл. **rating**) — баҳолаш услуби; бирор бир даража, гуруҳга мансубликни аниқлаш; танилиш, машҳурлик даражаси.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК** (фр. **representatif** — вакиллик) — танлаш сифимининг ўрганилаётган (генерал) сифим хусусиятини акс эттириш хоссаси. Репрезентативликка танлаш сифимини, яъни бевосита таҳлил объектини шундай тузиш ёрдамида эришиладики, бундан тан-

лаш сиғими бош сиғим, яъни объектнинг тўлалигининг энг яхши (ишонarli) тарздаги вакили ҳисобланади. Шу тариқа у танлаш сиғимини таҳлил қилиш пайтида олинган илмий хулосаларни энг катта (генерал) сиғимга асосли равишда ўтказиш (тадбиқ қилиш) имкониятини беради.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК ХАТОСИ** — танлашнинг статистик тузилмасининг унга мос бўлган энг катта (генерал) сиғим тузилмасидан оғиши (фарқ қилиши) кўрсаткичи.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТАНЛАШ** — нисбий хусусиятлари энг катта (генерал) сиғимдаги каби тақсимотга эга бўлган танлаш.

**РЕСПОНДЕНТ** (лот. *respon dum* — жавоб) — эмпирик социологик тадқиқотда оғзаки ёки ёзма ахборот олиш манбаи сифатида иштирок этувчи шахс.

**РЕФЕРЕНТ ГУРУҲ** (лот. *referens* — жавоб берувчи) — ижтимоий таққослаш жараёнида индивид учун эталон (ўлчов, наъмуна) сифатида хизмат қилувчи реал мавжуд бўлмаган («лойиҳадаги») ижтимоий гуруҳ. Индивид ана шу эталонга нисбатан ўзининг ижтимоий аҳволи, ҳатти-ҳаракати ва интилишларини таққослай олади.

**РИМ КЛУБИ** — умумбашарий муаммоларни ўрганиш соҳасида асримизнинг 60-йиллари охиридан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган халқаро нодавлат ташкилот. Италиялик жамоат арбоби ва ишбилармон А. Печчеи (1908 — 1984) ташаббуси билан 1964 йилда ташкил бўлган. Дунёнинг турли мамлакатларидаги олимлар, сиёсий ва жамоат арбобларининг илғор ғояларига таянган ҳолда Рим клуби йиллик маърузалар тайёрлаб, муҳокамага қўяди, жаҳон ҳамжамияти диққатига ҳавола қилади, келажак учун лойиҳалар ишлаб чиқади.

**РИСМЕН** Давид (1909) — америкалик социолог, социологиядаги руҳий таҳлил йўналишининг либерал қаноти вакили. Фромм ва Райх каби «ижтимоий характерларни» ижтимоий жараёнларни тушунишда восита деб ҳисоблаган. Рисмен ижтимоий тузилманинг уч хилга мос келувчи уч асосий характерлар хилини таърифлаган: 1) — «анъанавий-йўналтирилган», консерватив характер, у анъаналар ва урф-одатларга, ҳатти-ҳаракатнинг турғунлашган наъмуналарига мойил, табақа, каста, уруғ-аймоққа нисбатан эса мослашувчан муносабатда бўлади (ижтимоий конформизм); 2) «ич-

дан-йўналтирилган» шахс, у индустриал жамият ривожланиши даврига мос келади. Бундай жамиятда анъаналар, гуруҳлар ичидаги интеграция, дастлабки гуруҳ томонидан назоратнинг сусайиши туфайли шахснинг ҳатти-ҳаракати динамик, мақсадли, уддабурон, ўзгаришларга нисбатан очиқ бўлиб боради. Шу билан бирга бундай жамиятда анъанавий меъёрлар ва қадриятларнинг аҳамияти ҳалиям анча сезиларлидир; 3) «ташқаридан йўналтирилган» шахс, у истеъмолга асосланган жамиятда шаклланади. Шахс ҳатти-ҳаракати энди анъаналар ва қоидалар билан эмас, балки «бошқа» омиллар — турли хил таъсирлар, алоқалар тизими, мода, авторитар бюрократия ва б. билан белгиланади. Бундай шахс космополит ва ахборотлар оқимининг «буюк» истеъмолчисига айланади, ўзининг мустақил «Менини» йўқотади. У ўзлигини йўқотади, «стандартлашади», хаспўшлаш объектига айланади, бегоналашув қурбони бўлади, ўзининг тушкунлигини, бефарқлигини ҳис этади. Шу билан бирга бундай шахс инсоний муносабатга, севишга ва севилишга талпинади, алдов ва зулм уни ғазаблантиради. Рисмен ўз типологиясида «автоном шахсга» алоҳида ўрин берган эди. Бундай шахс бошқалар тайзиқидан халос бўлган аниқ, оқилона мақсадларга эга. Рисмен фикрича, характерларнинг санаб ўтилган барча хиллари ҳозирги жамиятда ҳам биргаликда мавжуд бўлиб, ҳар бирининг салмоғи иқтисодий, ижтимоий ва демографик омилларга, урбанизация даражасига ва б. боғлиқ. Умуман, Рисменнинг ижтимоий танқидчилиги замонавий бюрократлаштирилган истеъмол жамиятига қарши қаратилган эди. Шунинг учун ҳам у баъзан «классик» капитализмни идеаллаштирган эди.

**РИТУАЛ** (лот. *ritualis* — маросимга оид) — муқаддас нарсаларга нисбатан ҳатти-ҳаракат наъмуналари.

**РОЛ** (фр. *role*) — бирор бир воқеа ёки жараёнда иштирок этиш даражаси, таъсир кўрсатиш меъёри, аҳамият кўрсаткичи; маълум бир мақомга эга бўлган шахсдан кутиладиган хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат.

**РОЛ КЕСКИНЛИГИ** — битта рол томонидан инсонга зиддиятли талаблар қўйиладиган вазият.

**РОЛЛАРНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ҚИЛИШ** — шахснинг вазиятни хавотир билан ҳис этишига қарши ҳимоянинг англамаган услубларидан бири. Бунда шахс ўзи учун ижтимоий ва шахсан мувофиқ бўлган тушунчаларга мурожаат қилади.

**РОЛЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ** — индивиднинг у ёки бу ролни бажариши оқибатлари учун шахсан жавобгарликдан озод бўлишига хизмат қиладиган англабланган расмий тартиб-қондалар.

**РОЛЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ** — шахс томонидан рол кескинлигини пасайтириш ичун онгсиз равишда қўлланиладиган услублардан бири. Бунда шахс ўз ҳаётидаги роллардан бирини олиб ташлаб, уни онгидан чиқариб юборади, лекин бу ролга хос бўлган рол талаблари тизимига акс таъсир кўрсатишни сақлаб қолади.

**РОЛ НИЗОСИ** — индивиднинг бир ёки бир неча ижтимоий ролларни бажариши билан боғлиқ бўлган ихтилоф. Бу роллар ўзида ўзаро мувофиқ бўлмаган, ихтилофли вазифалар ва талабларни бириктирган шароитда шундай низо келиб чиқади.

**РОЛ ТАЙЕРГАРЛИГИ** — ижтимоий ролларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллаш.

**РОЛ ТИЗИМИ** — у ёки бу мақомга мос келувчи роллар мажмуаси.

**РОЛ ҲАТТИ-ҲАРАКАТИ** — индивиднинг маълум ижтимоий рол ўйновчи амалдаги ҳатти-ҳаракати бўлиб, у кутиб турувчи хулқ-атвор ҳисобланадиган оддий рол ўйнашдан фарқ қилади.

**РОСТОУ Уолт Уитмен (1916)** — америкалик иқтисодчи, социолог ва сиёсий арбоб. Йел ва Оксфорд университетларида таҳсил олган. Ростоу -индустиал жамият назариясининг ҳозирги йўналишларидан бири муаллифидир. У социология тарихига «иқтисодий ўсиш босқичлари» концепциясининг муаллифи сифатида кирди. Ростоу жамият тарихини технологик ривожланганлик даражаси билан ифодаланадиган бешта босқичга бўлишни таклиф этган. Булар: 1) «Анъанавий жамият», яъни жўн қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, Ньютонгача бўлган фан ва техникага эга бўлган аграр жамият; 2) «оралиқ жамият», яъни «кескин силжиш» учун шароитларни яратиш даври (капитал қўйинининг кўпайиши, янги хилдаги ишбилармонларнинг майдонга чиқиши, «миллатчиликнинг» ўсиб бориши, марказлаштирилган давлатнинг вужудга келиши); 3) «кескин силжиш» босқичи, яъни «саноат инқилоби» даври, у капитал тўплашнинг ошувига, ишлаб чиқариш услубларининг кескин ўзгаришига олиб келади (бу босқичда 18 аср охирида Англия, 19 аср ўрталарида Франция ва АҚШ, 19 аср иккинчи ярмида Германия, 1890—

1914 йилларда Россия, 20 аср 50-йилларидан Ҳиндистон ва Хитой бўлган); 4) индустриал жамият, ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларининг вужудга келиши, капитал қўйиш даражасининг миллий даромадда 20 фоизгача кўтарилиши, фан ва техникани кенг кўламда жорий этиш, шаҳар аҳолисининг 60—90 фоизгача ўсиши, малакали меҳнат улушининг ўсиши, аҳоли бандлиги тузилмасининг ўзгариши билан белгиланади; 5) «юқори даражадаги оммавий истеъмол» даври, бунда жамиятнинг асосий муаммолари ишлаб чиқариш эмас, балки истеъмол бўлиб қолади, саноатнинг асосий тармоқларини анъанавий тармоқлар эмас, балки хизмат соҳаси ва оммавий истеъмол молларини ишлаб чиқариш ташкил этади. Ростонинг мақсадига кўра, иқтисодий ўсиш босқичлари концепцияси ҳозирги замон социологиясидан тарихий материализмни сиқиб чиқармоғи керак эди. Шу билан бирга Ростонинг қарашлари кейинчалик постиндустриал жамият назариясининг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

## С

**САЙЛОВЛАР** — ҳокимиятнинг вакилли органларини сайловчиларнинг овоз бериши йўли билан шакллантириш услуби.

**САМНЕР** Уильям Грэм (1840 — 1910) — америкалик социолог, иқтисодчи ва публицист, ижтимоий дарвинизм вакили. Унинг ғояларининг шаклланишида Спенсер асарлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Самнер иккита асосий қондани асослаган: 1) табиий танланишнинг умумийлиги, у табиий ижтимоий танланиш ва яшаш учун кураш ғояси деб қаралган; 2) ижтимоий эволюциянинг автоматик ва барқарор хусусиятга эгалиги. Шундан келиб чиқиб Самнер ижтимоий тенгсизликни цивилизация мавжудлигининг табиий ва зарур шарт деб қараган, ижтимоий ривожланишда тенглик душмани бўлган. Унинг қарашлари давлат — монополистик йўналишлари (тенденциялари) кучайиши шароитида эркин рақобат учун яхши шароитларни талаб қилган америка буржуазияси ўрта табақаларининг манфаатларини ифода этган эди. Катта этнографик манбалар таҳлилига асосланган «Халқ урф-одатлари» (1906) асарида Самнер кейинчалик ижтимоий фанларда кенг қўлланилган тушунчаларни ишлаб чиқди: «биз

гуруҳ», «улар гуруҳ» ва «этноцентризм». «Биз-гуруҳ» даги муносабатларни у бирдамлик, «биз гуруҳ» ва «улар гуруҳ» ўртасидаги муносабатларни душманлик деб баҳолаган. Этноцентризм эса инсоннинг ўзини ўраб турган дунёни ўз ижтимоий (этник) гуруҳи маданий тасаввурларидан келиб чиқиб баҳолашга мойиллиги билан боғлиқ. Самнернинг тилга олинган асари ижтимоий ва этник психология тарихига ижтимоий ҳаётнинг норматив жиҳатларини, урф-одатларнинг айрим-томонларини таҳлил қилганлиги билан кирди.

**САНКЦИЯ** (лот. *sanctio* — қатъий қарор); 1) таъсир кўрсатиш меъёри, ижтимоий назоратнинг муҳим воситаси; 2) белгиланган меъёр ва қоидаларни бузувчига нисбатан қўлланадиган давлат чораси; 3) ҳуқуқий меъёрнинг ажралмас қисми.

**САНОАТ (ИНДУСТРИАЛ) СОЦИОЛОГИЯ** — социологиядаги тадбиқий тармоқ, асосан АҚШ да ривожланган. Унинг вакиллари одамларнинг корхонадаги меҳнат муносабатларини ўрганадилар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқадиладар.

**САНОАТЛАШУВ (ИНДУСТРИАЛИЗАЦИЯ)** — аграр мамлакатларни йирик машина саноатини барпо этиш йўли билан саноатлашган мамлакатларга айлантиришнинг ижтимоий жараёни. Бунда саноатнинг тез суръатларда ўсиши, техника тараққиёти, аҳоли касбий тузилмасининг ўзгариши ва йирик саноат марказларининг вужудга келиши юз беради.

**СЕН — СИМОН** Клод де Рувруа (1760 — 1825) — француз социологи ва мутафаккири. Буржуа инқилобидан қониқмаган мутафаккир унинг натижаларини илмий социологик тизим ёрдамида «тузатишни» ният қилган. Бундай социологик тизим оқилона жамият тузишда восита бўлиши керак эди. Дастлаб Ньютоннинг тортишиш қонуни ижтимоий ҳодисаларда ҳам мавжуд деб билувчи ижтимоий физика ғояларини асослашга уринган. Кейинчалик эса ижтимоий физиология концепциясини асослаб, ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашда тарихийликка эътибор берган. Жамиятнинг ривожланиши охир-оқибат унда ҳукмрон бўлган фалсафий-диний ва илмий ғояларнинг алмашинувиға боғлиқ бўлсада, тарихда «индустрия» (иқтисодий фаолият) ва унга мос бўлган мулк шакллари ва синфлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳар бир ижтимоий тизим ўз ғояларини ва мулкчиликнинг ҳукмрон шаклларини

аста-секин ва охиригача ривожлантиради. Шундан сўнг яратувчи «органик» давр янада юқори ижтимоий тузимга олиб келувчи «танқидий» ва ўзгартирувчи даврга ўз ўрнини бўшатиб беради. Демак, Сен-Симон ўз концепциясида биринчи бўлиб ижтимоий ҳодисаларни қонуний ривожланадиган ягона организмнинг турли томонлари деб қараган. Инсоният қуйи ижтимоий шакллардан юқори томон диний, метафизик ва позитив-илмий тафаккур бўйлаб ривожланиб боради. Тараққиётни бундай тушуниш Сен-Симоннинг дунё тарихи тўғрисидаги ғояларидан келиб чиқар эди. Тараққиёт поғоналарининг алмашуви қонунийдир. Буюк француз инқилобини (1789 — 1794) у тараққиёт поғоналарининг алмашинуви тасдиқлайдиган ҳодиса деб қабул қилган. Мутафаккир мунтазам равишда «саноат тизими» сифатидаги ижтимоий ҳаётни қуришнинг илмий эмас, балки хаёлий режасини тузган. Янги жамиятни қуриш саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг равнақи, жамиятда паразитизмнинг ҳар қандай кўринишини тугатиш, ҳамма учун мажбурий меҳнатни жорий этиш, барчанинг ўз қобилиятларини қўллашлари учун тенг имкониятларни таъминлаш, «қобилиятларга яраша» қондасини киритиш, давлат ҳокимиятини ишлаб чиқаришни ташкил этиш қуролига айлантириш орқали бориши керак. Сен-Симон таълимоти илғор ижтимоий фикриётга ва кўпгина мамлакатларда социологик ғояларнинг ривожига катта таъсир кўрсатган.

**СИЁСИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВ** — шахснинг мавжуд жамиятга хос бўлган сиёсий ғоялар, билимлар, сиёсий муносабат ва ҳатти-ҳаракат меъёрларини ўзлаштириши.

**СИЁСИЙ ИШТИРОК** — ижтимоий-сиёсий бирлик аъзоларининг сиёсий муносабатлар ва ҳокимият тизимига жалб этилганлик кўрсаткичи (масалан, сайловда иштирок этиш.)

**СИЁСИЙ ПАРТИЯ** (лот. *parts* — қисм, гуруҳ) — умумий ижтимоий-синфий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа манфаатларга эга бўлган шахсларни бирлаштирувчи мустаҳкам сиёсий ташкилот.

**СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — сиёсат ва сиёсий муносабатларни тадқиқот этувчи социология соҳаси. Сиёсий ҳокимият, унинг давлатчилик асосида ташкил этилган жамиятда амал қилиши ва тақсимланиши шакллари ва услублари, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва

уларнинг ташкилотларининг амалдаги сиёсий онги, манфаатлари ва ҳатти-ҳаракатлари — буларнинг барчаси сиёсий социологиянинг бахс мавзуи ҳисобланади. Шу мавзулар атрофида сиёсий социология асримизининг 30 — 50 йилларида шакллана бошлаган бўлсада, унинг вужудга келишида тарихан Платон, Аристотел, Форобий, Қошғарий, Низомулмулк, Макиавелли, Гоббс, Монтеस्कье, Токвил, Локк, Вебер, Парето, Лассуэлл, Парсонс ва б. сиёсий қарашлари катта аҳамият касб этган.

**СИЁСИЙ ҚУРИЛМА (ТАРҚИБ)** — жамият ичидаги сиёсий фаолиятни шакллантирувчи институтлар мажмуаси.

**СИНЕРГЕТИКА** (лот. *synergetikos* — биргаликда ҳаракат қилувчи) — илмий тадқиқотлар соҳасида XX аср 70 йиллар бошларида вужудга келган фанлараро йўналиш. У турли табиатга эга тизимлар — табиий, кимёвий, биологик, техник, ижтимоий тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиши жараёнлари асосида ётувчи умумий қонуниятлар ва қондаларни ўрганишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

**СИНФ** — катта ижтимоий гуруҳ бўлиб, у бошқа гуруҳлардан ижтимоий бойликка (жамиятдаги ижтимоий неъматларни тақсимлаш тизимига), ҳокимиятга, ижтимоий обрў-эътиборга эгалик мезонларига муносабат бўйича фарқланади.

**СМИТ Адам** (1723—1790) — шотланд иқтисодчиси ва файласуфи, мумтоз сиёсий иқтисоднинг йирик вакили. Смит социологиянинг ривожига катта таъсир кўрсатган. У биринчилардан бўлиб жамоада яшайдиган инсон психологиясини чуқур таҳлил қилган. Инсоннинг ўзини ва бошқаларни баҳолашга уринишини ижтимоий омиллар билан тушунтирган. Инсонга икки истак-хоҳиш хосдир: 1) атрофдаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатини баҳолаш ва 2) уларнинг розилигини олиш истаги. Узаро ҳамкорлик қилаётган индивидлар ҳис-туйғуларининг бутун йиғиндисини Смит «бирга ҳис этиш» деб атаган. Ҳар бир инсон бир вақтнинг ўзида ҳам «ташқи», ҳам «ички» кузатувчидир. Бир томондан у бошқа одамларнинг ишларини кузатади ва баҳолайди, иккинчи томондан ўзига бошқаларнинг кўзи билан қарайди, шундан келиб чиқиб ўзининг ҳатти-ҳаракатини белгилайди. Барча инсоний кечинмалар ичида адолат туйғуси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Адолат туйғусини Смит бошқаларга ёмонлик қилишдан ўзини тийиш деб ҳисоб-

лаган. Айнан адолат зарарли интилишларни жиловлаб туради ва ўз ғайратини бошқаларга яхшилик қилишга сарфлаш имконини беради. Смитнинг улкан хизмати шуки, у капитализмни улкан иқтисодий тизим сифатида батафсил таҳлил қилди. Қарийб ўн йил давомида Смит асосий асари — «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» устида ишлаган. Муаллифнинг ҳаётлик чоғидаёқ китоб беш марта қайта чоп этилган. Кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган. Китоб беш қисмдан иборат. Биринчи қисмда қиймат ва даромад масалалари, иккинчи қисмда капитал ва уларнинг тўпланиши таҳлил қилинган. Шу қисмларда Смит ўз таълимотининг асосларини баён этган. Қолган қисмларида Европанинг феодализм ва капитализм вужудга келиш давридаги ривожланиши, иқтисодий фикриёт тарихини ва давлат молиясини кўриб чиққан. Смитнинг иқтисодий таълимоти бошқа ижтимоий фанлар қаторида социологиянинг ривожига улкан туртки берди. Бу таълимотда «капитал», «меҳнат», «қиймат», «фойда» ва бошқа тушунчаларнинг моҳияти аниқланади. Ижтимоий бойликнинг асосий манбаи фаровонликка индивидуал интилиш, шунингдек ҳар бир индивидга хос бўлган жамиятда юқорироқ даражага эришиш истаги эканлиги кўрсатиб берилади. Бундан ташқари давлатнинг гуллаб-яшнашининг асосий шароити деб қўйидагиларни ҳисоблаган: 1) хусусий мулкнинг ҳукмронлиги; 2) давлатнинг иқтисодга аралашмаслиги; 3) шахсий ташаббуснинг ривожланиши учун тўсиқларнинг бўлмаслиги. Иқтисодий ўсишда меҳнат тақсимоти, технологияни қўллаш, умумий таълимни жорий этиш восита ҳисобланади. Олий ижтимоий тузилма тўғрисида ҳам фикр билдирган. Унинг фикрича, жамият уч синфга — ёлланма ишчилар, капиталистлар ва йирик ер эгаларига бўлинади. Ҳозирги бозор иқтисоди шаклланаётган даврда А. Смит ғояларига ва асарларига қизиқиш кучаймоқда.

СМОЛЛ Албион Вудбери (1854—1926) — америкалик социолог. АҚШ да социологияга асос солувчилардан бири. Смоллнинг қарашлари ижтимоий дарвинизм ва Л. Уорд психологизми таъсирида шаклланган ва моҳиятан қовушмаган эди. Социологик таҳлилнинг асосий бирлиги — инсон манфаатларининг олти гуруҳининг ўзаро ҳаракати бўлиб, улар соғлиқ, фаровонлик, муомала, билиш, гўзаллик ва адолатга йўналтирилгандир. Социология ижтимоий институтларни такомиллашти-

ришга ёрдам бера билиши керак. Смоллнинг сиёсий ислоҳчилиги шу ғоя билан боғлиқ эди. Смолл Чикаго университетидаги жаҳонда биринчи социология факультетининг асосчиси ва раҳбари эди. Шунингдек, у социологик журналга (1895) ҳам асос солган. Америка социологик жамияти асосчиларидан бири бўлган, Ж. Винсент билан биргаликда социология бўйича биринчи америка қўлланмасини (1894) chop эттирган.

**СОРОКИН** Питирим Александрович (1889—1958) — келиб чиқиши рус бўлган америкалик социолог. Сорокин АҚШ социологиясида ҳукмрон бўлган эмпирик йўналишни танқид қилган ва «интеграл» социология тўғрисида таълимотни ривожлантирган. У кенг маънода тушунилган маданиятнинг барча социологик жиҳатларини қамраб олиши керак эди. Ижтимоий борлиқни Сорокин индивиддан юқори турувчи социомаданий мавжудликни эътироф этадиган ижтимоий реализм руҳида тушунган. Бундай социомаданий мавжудлик моддий мавжудликка тўғри келмайди ва белгилар тизими билан берилгандир. Чексиз турли-туманлик хусусиятига эга бўлган социомаданий реаллик ҳис-туйғулар ҳақиқатини, оқилона идрокли ва олий даражали оқилона сезгиларни (интуицияларни) қамраб олади. Билишнинг ушбу барча услубларидан социомаданий феноменларни тизимли ўрганишда фойдаланиш зарур. Лекин Сорокин билишнинг олий услуби деб юқори даражадаги қобилиятли шахснинг сезгисини (интуициясини) ҳисоблаган, унинг ёрдамида гўё барча буюк кашфиётлар қилинган. Сорокин социомаданий феноменлар тизимининг кўпгина даражаларини ажратиб кўрсатган. Энг юқорисини социомаданий тизимлар ташкил қилади, уларнинг ҳаракат соҳаси кўпгина жамиятларга мансуб (супертизимлар). Сорокин уларнинг қуйидагиларини кўрсатган: 1) «ҳиссий» супертизим (бунда борлиқ бевосита ҳис-туйғулар билан қабул қилинади); 2) «Ақлий» (реаллик интуиция ёрдамида билинади); 3) «Идеалистик» (ҳар иккаласининг қўшилмаси). Юқоридагиларга ҳақиқатнинг уч шакли мос келади — ҳиссий, руҳий (интуитив) ва оқилона (рационал). Тарихнинг турли давларида супертизимлар ўз ривожининг турли bosқичида бўладилар. Шу вақтнинг ўзида тарихнинг истаган даврида доимийликка интилувчи қуйи даражадаги бешта асосий маданий тизим биргаликда мавжуд бўлади: тил, ахлоқ, санъат, фан, дин. Инсоният маданиятининг бутунжаҳон-тарихий ривожланиш концепция-

сини яратар экан, Сорокин унинг фалсафий асоси сифатида билишнинг интуитив услубига асосланган тарихни идеалистик тушунишни ҳисоблаган. Унинг хизматларидан бири шуки, ғарб соцнологларини ижтимоий ўзгаришлар муаммоси қизиқтирмаган бир вақтда ўзига хос социомаданий динамика назариясини таклиф этди. У воқеликни қонуний ўзгариш жараёни деб қаради. Бу жараён социомаданий тизим ичида диалектик хусусиятга эга. Ҳукмрон дунёқараш ва у белгилаб берувчи воқеликни қабул қилувчи асосий қондалар аста-секин ўз имкониятларини сарфлайди ва бошқа икки муқобил дунёқарашидан бири билан алмашинади. Шунга мос равишда супертизимларнинг ялпи (тотал) хиллари алмашинади. Сорокин диалектика ёрдамида социомаданий ўзгаришларнинг ритмик давриилигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Супертизимнинг бир ҳукмрон дунёқарашдан бошқасига ўтиш жараёни ижтимоий институтлар ва меъёрий намуналарнинг кескин ўзгариши билан бирга кечади. Шундай намуналардан уч хилини (оилавий, шартномали ва мажбурий) Сорокин бирдамлик — антогонизм континуумига жойлаштирган эди. Интегротив асоснинг бузилиши ва муқобил маданий этоснинг (маънавий асоснинг) юксалиши ижтимоий ва маданий инқирозлар, урушлар ва бошқа офатларнинг узоқ даврлари билан бирга кечади. Сорокин наздида биринчи жаҳон уруши ва Октябрь инқилоби — ғарб жамиятининг социомаданий тизимида юз берган улкан тўнтаришлар натижасидир. Бу эса кейинги ижтимоий ва маданий силкинишларнинг олди эди. Ижтимоий силкинишларнинг шахс хулқига таъсирини ўрганиб, Сорокин «қутбланиш қондасини» илгари сурди. Унга мувофиқ ахлоқий бузилишлар ва масъулиятсиз хулққа йўналганлик ижтимоий инқирозлар кескинлашган даврларда кучаяди. Бунда кўпчилик ҳузур-ҳаловатга талпинади, озчилик эса бегараз фаолликка йўналган бўлади. Ижтимоий силкиниш ўтиб кетгандан сўнг хулқ аввалги, «нормал» ҳолатига қайтади. Лекин Сорокин ғарбнинг инқироздан чиқиб, гармоник халқаро ривожланиш даврига киришига ишонмаган эди. У ҳокимиятнинг масъулиятсиз шахслар қўлида тўпланиши, ахлоқий меъёрларнинг эгасизланиши каби ҳолатларни инқироз учун жавобгар деб билиб, кескин танқид қилган. Ғарбий Европа, унинг фикрича, ҳиссий маданиятни бойитиб, ўз ижодий ривожининг энг юқори нуқтасидан ошиб ўтди. Шундан келиб чиқиб, у муҳаббатнинг кейинги

хулқ услубларидаги аҳамиятига катта эътибор берган. Фарб социологиясида Сорокиннинг социомаданий динамика концепциясидан ташқари унинг ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификацияни ўрганиш соҳасида қилган эмпирик тадқиқотлари ҳам юксак қадрланади.

**СОЦИЕТАЛ** — социологияда ривожланган бошқарувга, ижтимоий тузилмага ва институтларга эга бўлган мураккаб ижтимоий тизимлардаги муносабатлар ва жараёнларни ифодалаш учун ишлатиладиган атама.

**СОЦИОБИОЛОГИЯ** (лот. **societas** — жамият ва биология) — замонавий биология фанининг тармоқларидан бири бўлиб, у одамзотнинг барча ижтимоий хулқатвори ва ҳатти-ҳаракатларининг биологик асосларини ўрганади.

**СОЦИОГЕНЕЗ** (лот. **societas** — жамият ва юнон, **genesis** — келиб чиқиш) — турли маданиятлар ва жамиятларда ижтимоийлашувнинг шарт-шароитлари билан воситаланган ижтимоий-руҳий муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёни.

**СОЦИОГЕОГРАФИЯ** (лот. **societas** — жамият ва жўрофия) — муайян гуруҳлар ижтимоий ҳаётининг жўрофий жиҳатларини, уларнинг ҳудудий фарқланишини, маконий тарқалнишини, инсонлар фаолиятининг табиатга таъсирини ўрганувчи социологик фан.

**СОЦИОГРАММА** (лот. **societas** — жамият ва **grapho** — чизаман) — шахслараро ва гуруҳлараро муносабатларни жадвалларда ва бошқа чизмаларда тасвирлаш услуги. Социограммада нуқталар орасидаги алоқалар тизими — чизмаси олиниб, ҳар бир нуқтага маълум индивид ёки ижтимоий гуруҳ мос келади.

**СОЦИОДРАМА ВА ПСИХОДРАМА** (лот. **societas** — жамият ва юнон, **drama** — ҳаракат ҳамда юнон, **psyche** — жон — гуруҳлар ўртасидаги низоларни гуруҳий ташхис (диагностика) қилиш усули. Бунда гуруҳ аъзолари муаммоли ҳолатларни моделлаштирилган ҳолда гоҳ актёр, гоҳ томошабин кўринишида шахсга боғлиқ жиҳатларни юзага чиқариб, салбий акс-таъсирлар ва ички руҳий ноқулайликларни бартараф этадилар.

**СОЦИОЛИНГВИСТИКА** — тилшунослик, социология, ижтимоий руҳшунослик ва этнография чегарасида ривожланувчи, тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий функциялари ҳамда ижтимоий омилларнинг тилга таъсирини ўрганувчи фан соҳаси.

**СОЦИОЛОГ** — социология соҳасидаги мутахассис.

**СОЦИОЛОГИЗМ** — XIX аср охирида шаклланган фалсафий-социологик концепция. Социологизм ижтимоий мавжудлик биринчи даражали ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Дюркгейм, Гумплович, Шпанн каби социологлар ижодида тадқиқ этилган социологизм икки жиҳатга эга: 1) онтологик жиҳат: бунда ижтимоий мавжудлик (борлик) бошқа хилдаги мавжудлик, айниқса биологик ва руҳий борликқа нисбатан мустақилликка эга деб ҳисобланади. Шунингдек жамият индивидуал мавжудликдан ташқаридаги мавжудлик деб фикр қилинади («ижтимоий реализм»); 2) методологик жиҳат; бунда социология нафақат бошқа фанлардан, хусусан биология ва психология фанларидан мустақил деб ҳисобланади, балки бошқа фанларни ҳам социологияга қориштириб юборишга уриниш кўзга ташланади.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТ БАНКИ** — ахборотни сақлаш, тўплаш ва фойдаланиш мақсадида махсус ташкил этилган кўрсатмалар, социологик тадқиқотлар ҳамда уларни услубий ва назарий таҳлил қилиш натижаларининг тўплами.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИ БИРЛАМЧИ ҚАЙТА ИШЛАШ** — маълумотларни дастлабки қайта ишлаш бўлиб, бунда тажрибавий жиҳатдан асосланган умумлашмалар чиқариш учун икки хил вазифани амалга ошириш кўзда тутилади: 1) ахборотни таҳрир қилиш ва кодлаштириш, яъни тадқиқот давомида олинган ахборот бир хилга келтирилади ва расмийлаштирилади; 2) ўзгарувчан кўрсаткичларни тартиблаш, яъни индикаторлар шаклидаги маълумотларни қулай шаклга ўтказиш.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИНГ ИҚКИЛАМЧИ ТАҲЛИЛИ** қўйилган тадқиқот вазифасини ҳал этиш учун эмпирик маълумотлардан фойдаланиш. Бунда бошқа бир вазифани ёки аввалги вазифани бошқа нуқтаи назардан туриб таҳлил этиш учун йиғилган ва статистик қайта ишланган маълумотлар қўлланилади.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ** — социологик тадқиқотларда олинган эмпирик маълумотларнинг умумий тавсифи. Ахборот икки ҳолатда ишончли ҳисобланади: 1) унда ҳисобга олинган хатолар бўлмаслиги керак; 2) ҳисобга олинган хатолар маълум бир меъёрдан ошмаслиги керак.

**СОЦИОЛОГИК АХБОРОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ** — социологик тадқиқот давомида олинган маълумотларни

тушунарли, ихчам, таҳлил ва изоҳлаш учун яроқли қилиш мақсадида тартибга келтириш.

**СОЦИОЛОГИК ИНДЕКС** (лот. *index* — рўйхат) — статистик кўрсаткич. У бирор-бир ижтимоий объект ёки жараённинг хусусиятларини бирламчи социологик ўлчаш пайтида олинган белгилар қўллашнинг ҳосиласи ҳисобланади.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ГИПОТЕЗАСИ (ТАХМИНИ)** — ўрганилаётган ижтимоий ҳодисанинг тузилиши (хоссаси) ёки унинг қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг хусусияти ҳақидаги илмий асосланган тахмин. Социологик тадқиқот гипотезаси мавжуд далиллар асосида қурилади. У тадқиқотнинг таянч нуқтаси бўлиб, синаб кўриш учун баъзан дастлабки (пилотаж) тадқиқот ўтказиб кўрилади. Умуман, социологик тадқиқот гипотезаси эмпирик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Тадқиқотчи гипотезани илгари сураб экан, эмпирик маълумотлар уни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор этиш учун хизмат қилади. Агарда аввал бошдан гипотеза илгари сурилмаган бўлса, социологик тадқиқотнинг илмий даражаси тушиб кетади.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ДАСТУРИ** — тадқиқотнинг мақсади, умумий концепцияси, дастлабки тахминлар, шунингдек уларни текшириш бўйича услубларнинг мантиқан яхлит баён қилиниши.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ МУАММОСИ** — илмий ўрганиш ва ҳал этиш учун зарур социологик услублар ва тартиб-қондаларни талаб этувчи муаммоли вазият, объект.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ** — тадқиқот натижалари сифатининг хусусияти, тадқиқотчи чиқарган хулосаларнинг ҳақиқатга мослиги, тадқиқотдан олинган билимнинг ўрганилаётган объектга мос келиши даражаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ** — ижтимоий мавжудликнинг илмий билиш жараёнига жалб этилган маълум соҳаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ** — ижтимоий мавжудликнинг тадқиқотчи томонидан мақсадли равишда ўрганиш учун ажратиб олинган хоссалари, томонлари, муносабатлари ва жараёнлари.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ТЕХНИКАСИ** — маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг ташкилий ва услубий воситалари мажмуаси.

**СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ҚУРОЛ-АСЛАҲАСИ** — махсус ҳужжатлар (анкеталар, сўров варақалари, кузатув карточкалари, социометрик карточкалар, эксперт хулосалари, жадваллар ва ҳ.к.) мажмуаси. Улар ёрдамида социологик тадқиқотнинг асосий услублари (кузатув, ҳужжатларни таҳлил қилиш, сўров) амалга оширилади ва ўрганилаётган объект тўғрисидаги эмпирик маълумотлар тўпланади.

**СОЦИОЛОГИЯ** (лот. **societas** — жамият ва юнон. **logos** — таълимот) — яхлит тизим сифатидаги жамият ва алоҳида ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан.

**СОЦИОЛОГИЯДА БИОЛОГИК ЙЎНАЛИШ** — Ч. Дарвиннинг биологик эволюция назарияси таъсирида XIX аср II яримида шаклланган йўналиш. Инглиз социологи Г Спенсер (1820—1903) унинг асосчиси ҳисобланади.

**СОЦИОЛОГИЯДА УСЛУБ** — социологик билимни тузиш ва асослаш услуби, ижтимоий борлиқни эмпирик ва назарий билиш усуллари, тартиб-қоидалари ва амалларининг мажмуаси.

**СОЦИОМЕТРИЯ** (лот. **societas** — жамият ва юнон. **metron** — меъёр) — ижтимоий руҳшунослик соҳаси бўлиб, у миқдорий услублар ёрдамида кичик гуруҳлардаги шахслараро муносабатларни гуруҳ ичидаги руҳий муносабатларга эътибор берган ҳолда ўрганади.

**СОЦИОМУҲАНДИС** — ижтимоий муҳандислик, ижтимоий лойиҳалаштириш, ижтимоий жараёнларни режалаштириш соҳаси мутахассиси.

**СОЦИУМ** (лот. **socium** — умумий, биргаликда) — йирик ва мустаҳкам ижтимоий бирлик.

**СПЕНСЕР** Герберт (1820—1903) — инглиз файласуфи ва социологи, позивитизм асосчиларидан бири. Спенсер Конт изидан бориб социология асосига эволюция ғоясини қўйган. Эволюциянинг моҳиятини у алоқадорликнинг ўсиб боришида деб билган. Унинг «Социология асослари» асарининг ўзагини биологик ва ижтимоий организмлар ўртасида ўхшашлик мавжуд деган қоида ташкил этади. Бу масалада Спенсер Платон ва Гоббс каби жамиятга «организмик» ёндашувчи мутафаккирлар билан баҳсга киришади. Унинг фикрича, индивидуал организм «конкретлилик», ижтимоий организм эса «дискрет» хусусиятга эга. Демакки, жамият алоҳида олинган шахсни «ютиб» юбора олмайди. Шахс

бутунлай ижтимоий бир бутунликка бўйсунган жамиятдан уни ташкил этувчи индивидларга «хизмат қилувчи» ҳолатга ўтишини Спенсер ижтимоий тараққиётнинг муҳим ўлчови деб билган. Қишиларнинг умумий мақсадларига эришишларидаги ҳамкорлиги ихтиёрий ёки мажбурий эканлиги ижтимоий тузилмаларнинг асосий фарқини белгилайди. Айнан шу нарса «ҳарбий» ва «саноат» хилидаги жамиятларнинг қарама-қаршилигини белгилайди. Спенсер қарашларида эволюцион — тарихий ёндошув структурали-функционал ва тизимли ёндошувлар билан бирлашиб кетган. Унинг фикрича, ижтимоий организм учта асосий «тизимдан» иборат: «регулятив», «ҳаёт учун воситалар ишлаб чиқувчи», «тақсимловчи». Синфий тафовутларнинг манбаини ғолибларнинг ҳукмрон синфга айланиши, мағлубларнинг қул ёки муте бўлиб қолиши ташкил этади. «Регулятив» тизимни таҳлил қилар экан. Спенсер эътиборни «ижтимоий назорат» механизмларига қаратади. Хусусан сиёсий бошқарувни у ижтимоий назоратнинг бир тури сифатидагина қараган. Бу институтлар ибтидоий жамиятдаёқ мавжуд бўлган шакллардан юзага келган ва аста-секин ривожланиб борган. Ҳар қандай ижтимоий институт «ижтимоий ҳаракатларнинг» мустаҳкам тузилмаси сифатида шаклланади. Одамларнинг кундалик хатти-ҳаракатлари устидан ижтимоий назорат «маросимий институтлар» томонидан амалга оширилди. «Маросимлар» муносабатларга киришаётган субъектларнинг «мақом» ва «миқёс»ларини рамзлаштирган ва «ўзаро бўйсунуш ҳиссини» расмийлаштирган ҳолда муомалани тартибга соладилар. Спенсер эволюцияни тарихий жараёнга тадбиқ этар экан, баъзи янги ҳодисаларни тушунтиришда мураккабликлар сезган. Масалан, капиталистик эркин рақобат даврининг тугаши ижтимоий-иқтисодий тараққиётни шахснинг ривожини истиқболлари билан узвий боғлаш имконини бермас эди. Аслида Спенсер шахснинг ривожини эволюциянинг олий мақсади ва тараққиётнинг асосий мезони деб билган. Шунинг учун у ҳарбийлаштирилган ва бюрократиялашиб бораётган жамиятнинг бағридаги ҳавфни тасвирлашга ҳаракат қилган. Спенсер социологик таълимотининг баъзи ғоялари (жамиятнинг органик концепцияси, ижтимоий дарвинизм элементлари, мувозанат назарияси ва б.) замонавий социология, хусусан Парсонснинг структурали функционал таҳлили, социобиология мактаблари томонидан пухта ўзлаштирилган.

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ** (лот. *standard* — наъмуна) — стандартларни аниқлаш ва қўллаш жараёни.

**СТАТИСТИК УСЛУБЛАР** — социологияда ахборотни миқдорий қайта ишлашда қўлланиладиган тадбиқий математик ва статистик услублар.

**СТРАТИФИКАЦИЯ** — жамиятнинг тузилмаси ва алоҳида қатламларини, ижтимоий табақаланиш белгилари тизимини, тенгсизликни ифодаловчи социологик тушунча.

**СУБЛИМАЦИЯ** (лот. *sublimo* — юқори даражага кўтараман) — аффектив, яъни ногоҳон юз берувчи кечинмаларнинг ижтимоий фаолият ва маданий ижод мақсадларига айланишининг руҳий жараёни. Ушбу тушунча 1900 йилда З. Фрейд томонидан киритилган.

**СУБМАДАНИЯТ** (лот. *sub* — атрофида, остида ва маданият) — ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва авлодга хос бўлган, жамиятдаги ҳукмрон маданиятдан фарқланувчи маданий олам (масалан, ёшлар субмаданияти, миллий гуруҳлар, қариялар, жинсий гуруҳлар субмаданиятлари ва ҳ.к.) Субмаданият ҳукмрон маданиятдан тили, кийиниш, одатлар ва б. жиҳатлари билан фарқланади. Ёлғиз одамлар, спорт билан шуғулланувчилар, тиланчилар, ўғрилар, кар-соқовлар ва б. ўз маданиятига эгадирлар. Турли ижтимоий табақа вакиллари фарзандлари ҳам ўзаро фарқланадилар — улар турли мактабга қатнайдилар, турли китоблар ўқишади ва ҳ.к.

**СУИЦИД** — инсон томонидан руҳий тушкунлик ҳолатида ўз жонига қасд қилиш ҳолати бўлиб, бунда инсон учун қадрият сифатидаги шахсий ҳаёти ўз маъносини йўқотади.

**СУҲБАТ** — социологик тадқиқотда қўлланиладиган услуб. Тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ турли шаклларга эга бўлиши мумкин.

**СУЛ РАДИКАЛ СОЦИОЛОГИЯ** — ғарб социологиясида ижтимоий дунёни тубдан ўзгартириш мумкин ва зарур деган нуқтаи назардан туриб изоҳлашга асосланган йўналиш.

**СУРОВ** — социологик, психологик, демографик ва бошқа тадқиқотларда қўлланиладиган бирламчи вербал (оғзаки) ахборот йиғиш услуги.

**СУРОВ ВАРАҒИ** — эмпирик социологик ахборот олиш учун респодентларнинг ёзма жавобларини тўплаш учун қўлланиладиган ҳамда ўз мазмуни ва шаклига кўра тартибга келтирилган саволлар тўплами.

**ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАНЛАШ** — энг катта (генерал) сифимдаги ичдан бир хил бўлган, лекин бир-бирига нисбатан турли хил бўлган хусусий сифимларга (қатламлар, табақалар) ажратилган танлаш.

**ТАБИИЙ ҲУҚУҚ** — социум табиатидан ёки инсон табиатидан келиб чиқувчи ва ижтимоий тартибга солувчи ўзгармас қоидалар ҳақидаги қадимий ҳуқуқий ғоялардан бири.

**ТАДБИҚИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — ижтимоий ҳаётга эришиш йўлида амалда қўллашга қаратилган назарий моделлар, методологик қоидалар, тадқиқот тартиб-қоидалари, муайян дастурлар ва таклифлар мажмуи. Буюртмачи (давлат ташкилоти, хусусий фирма ва ҳ.к.) учун бажарилган социологик иш бўлганлиги учун ҳам тадбиқий социология соф фанга йўналтирилган академик социологиядан фарқ қилинади. Амалий фойдани кўзлагани учун ҳам амалий социологиянинг аҳволи бозор талаби ва конъюктурасига мослашиб боради. Дастлаб Токвилл, Дюркгейм, Смолласарларида асосланган тадбиқий социология Чикаго мактаби ва айниқса П. Лазарфельд (1901—1976) томонидан тўллалигича шаклланди. Тадбиқий социология самарадорликка эришиш мақсадида амалий қўллашга йўналтирилган назарий андозалар, методологик қоидалар, услублар ва тадқиқот тартиб-қоидалари шунингдек ижтимоий технологиялар, муайян дастурлар ва таклифлар мажмуасида ҳам кўринади.

**ТАНЛАШ** — 1) социологик тадқиқотнинг бевосита ўрганилиши керак бўлган объекти элементларининг мажмуаси; 2) объект элементларини, оммавий социологик тадқиқотларда қўлланиладиган кузатув ва ўрганиш бирликларини саралаб олиш услублари, усуллари ва тартиб-қоидаларининг мажмуаси.

**ТАНЛАШ (ЖАРАЁН СИФАТИДА)** — тадқиқотнинг бутун бир объектини (мамлакатнинг бутун аҳолиси, барча оилалар, мактаблар) ташкил қилувчи кўпгина бирликлардан (одамлар, оилалар ва ҳ. к.) маълум бир бирликлар сонини танлаб олиш.

**ТАНЛАШ (УСЛУБ СИФАТИДА)** — 1) бевосита ўрганишга мансуб бўлган социологик тадқиқот объекти элементларининг мажмуи; 2) оммавий социологик тадқиқотлардаги услублар, объект элементларини са-

ралаб олиш тартиб-қоидалари, кузатув ва ўрганиш бирликларининг мажмуи.

**ТАНЛАШ (ҲАЖМ СИФАТИДА)** — танлаб олинган кўпгина бирликлар (одамлар гуруҳи, бир қанча оилалар ва ҳ. к.).

**ТАНЛАШ АСОСИ** — энг катта (генерал) сифим элементларининг йиғиндиси бўлиб, улар аниқлик, кенг-қамровлилик, мослик, қулайлик, кузатиш бирликларининг ортиқча такрорламаслик мақсадларига хизмат қилади.

**ТАНЛАШ БИРЛИГИ** — танлаб олиш жараёнининг маълум босқичида ажратиб олиш учун қаралаётган элемент ёки элементлар гуруҳи. Оддий бир даражали танлашда элементнинг ўзи танлаш бирлиги ҳисобланади. Кўп босқичли мураккаброқ танлашда турли даражадаги бирликлар ҳисобга олинади. Масалан, тадқиқотчи дастлаб кварталларни, сўнг танлаб олинган кварталлар ичидаги уйларни, сўнги босқичда эса, ўша уйларда яшовчи оилаларни танлаб олиши мумкин. Бу ҳолда танлаш бирликлари бўлиб кварталлар, уйлар ва оилалар ҳисобланади. Улар қайси босқичда танлаб олинганликларига қараб бирламчи, иккиламчи ва шу тарихқа якуний бирликларни фарқлаш мумкин.

**ТАНЛАШНИНГ ВАҚИЛЛИЛИГИ** — умумий ҳажмининг мос равишда тадқиқотчини қизиқтирадиган барча хусусиятларни аниқ акс эттира олиш қобилияти. Бунда умумий ҳажмдан келиб чиқиб танлаш амалга оширилади.

**ТАНЛАШНИНГ СИЛЖИШИ** — танлаш тузилмасининг энг катта (генерал) сифимнинг амалдаги тузилмасидан оғиши.

**ТАНЛАШНИНГ СТАНДАРТ ХАТОЛАРИ** — танлашнинг якуний ўлчашнинг энг катта (генерал) сифим параметрларидан (кўрсаткичларидан) оғиши, яъни фарқлашиши.

**ТАНЛАШНИНГ ТАРҚАЛИБ ҚЕТИШИ** — танлаш жараёнидаги кенг тарқалган хато бўлиб, бунда танлашнинг тақсимлашдаги стандарт оғиш юз беради.

**ТАНЛАШНИНГ ТАСОДИФИЙ ХАТОЛАРИ** — қ. РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИҚ ХАТОСИ.

**ТАНЛАШНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ** — маълум бир ҳажмдаги барча мумкин бўлган танлаш катталикларининг энг катта (генерал) сифимдан келиб чиқиб тақсимланиши.

**ТАНЛАШНИНГ ТИЗИМЛИ ХАТОЛАРИ** — танлашдаги энг умумий хатолар бўлиб, улар қуйидагилардан

келиб чиқади: 1) ишлаб чиқилган танлашнинг тадқиқот вазибаларига мос келмаслиги; 2) энг катта (генерал) сифимдаги тақсимотни билмаслик ёки бу тақсимотни нотўғри акс эттирувчи саралаш услубларини қўллаш; 3) тадқиқот учун қулай, аммо энг катта (генерал) сифимни тўла акс эттирмайдиган элементларни танлаш ва ҳ.к.

**ТАНЛАШ СИФИМИ** — умумий (генерал) сифим элементларининг махсус услублар ёрдамида саралаб олинган қисми.

**ТАНЛАШ СХЕМАСИ** — танлов бирликлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар. Уларнинг таркибига ажратиб олишни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлаш тартиб-қоидалари ҳам киради. Танлаш схемалари учун мисол тариқасида манзилгоҳлар рўйхати, тадқиқот ўтказиш жойлари кўрсатилган жўғрофий хариталарни келтириш мумкин.

**ТАНЛАШ ХАТОЛАРИ** — танлашнинг статистик тузилмасининг энг катта (генерал) сифим тузилмасидан оғиб кетиши.

**ТАНЛАШ ҲАЖМИ** — танлаш сифимига киритилган кузатув бирликларининг умумий сони (миқдори).

**ТАРД Габриэль** (1843—1904) — француз социологи, криминалист, ижтимоий психология асосчиларидан ҳамда социологияда психологик йўналишнинг асосий вакилларида бири. Социологияни биологизм ва органицизмдан халос этшга уринсада, Тарднинг социологик концепцияси психологизм билан йўғрилган. У жамиятни мияга ўхшатади, унинг ҳужайраси бўлиб алоҳида олинган одамнинг онги ҳисобланади. Шунинг учун жамиятнинг бошланғич нуқтаси индивид руҳиётидир. Жамият индивидуал онглارнинг ўзаро ҳаракати маҳсули. Шунинг учун индивидуал онгларнинг ўзаро ҳаракатини ўрганувчи ижтимоий психология жамият тўғрисидаги фан бўлмиш социологиянинг пойдевори вазибасини бажариши керак. Ижтимоий ҳаётдаги ҳал қилувчи жараёнлар эса тақлид, жанжаллар ва мослашувдир. Тақлид индивидларга хосдир ва уларнинг мослашувига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг бирдан бир манбаи кашфиётлар ва ихтиролар бўлиб, улар алоҳида шахсларнинг ноёблиги ва ташаббуси ҳамда мавжуд ғояларнинг янгича нисбати натижасида вужудга келади. Индивид тақлид жараёнида ҳам азалдан мавжуд меърлар ва қадриятларни, ҳам янги нарсаларни ўзлаштиради. Тарднинг бу ғоялари кейинчалик шахс

ижтимоийлашуви назарияларида ривожлантирилган эди. Тарднинг ижтимоий психология бўйича тадқиқотлари индивидуал психологиядан фарқланади. Унинг фикрича, алоҳида мустақил бўлган инсон омма ва айниқса оломон орасида анчагина ҳиссиётли, тез таъсирланувчан ва ақлан заифроқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Тард давлат ҳокимиятининг оммавий ташкилотларига қарши эди. Шу билан бирга у жамоатчилик фикри муаммоларини, социологик эмпирик тадқиқот услубларини тадқиқ этган. Унинг ғоялари америка социологиясига ҳам таъсир кўрсатган.

**ТАРИХИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — социологияда XX аср иккинчи ярмида шаклланган жамият ривожини, ижтимоий тизимлар, институтлар ва ҳодисаларнинг тарихий жараёнини, шунингдек тарихий ривожланиш, тарихий маълумотларни таҳлил этишнинг социологик услублари билан шуғулланувчи йўналиш.

**ТАСОДИФИЙ ТАНЛАШ** — энг катта (генерал) сифимдан танлашни вужудга келтириш услуги. Бунда энг катта (генерал) сифимнинг ҳар бир элементи учун танлашга тушиб қолиши учун кўзда тутилган эҳтимоллик мавжуд бўлади.

**ТАШКИЛОТ** — бирор-бир мақсадга эришиш учун меҳнат тақсимоти, ҳуқуқ, вазифа ва бурчлар ҳамда поғонали тузилма асосида бирлашган гуруҳлар, одамлар бирлиги: ижтимоий бирлашма, давлат муассасаси.

**ТАШКИЛОТНИНГ ТАШҚИ УРАМИ** — ташкилот фаолиятига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатувчи табиий, ижтимоий, ташкилий ва иқтисодий шароитлар мажмуи.

**ТАЪЛИМ СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда таълим тизимини ижтимоий институт сифатида; унинг жамият, хусусан ишлаб чиқариш, ижтимоий тузилма, сиёсат, ахлоқ ва ҳ. к. билан ўзаро таъсири ва ҳаракатини ўрганувчи тармоқ. Асримиз бошларида ижтимоий стратификация концепциялари (Уорд, Дюркгейм, Дьюн ва б.) билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

**ТАҚСИМОТ МУНОСАБАТЛАРИ** — ҳаётий неъматлар юзасидан ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги муносабатлар.

**ТЕЗҚОР СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ** — амалий социологик тадқиқот тури. Бундай тадқиқот бирор бир жараён ҳолати тезда таъсир ўтказишни талаб қилган ҳолатда кискя вақт ичида ишончли ахборот олиш мақсадида ўтказилади. Социологик тадқиқотнинг бошқа

хилларидан фарқли ўлароқ тезкор социологик тадқиқот муаммоли ҳолат очиқ-ойдин бўлиб, ўз ечимини кутаётган муаммо кескинлашган ҳолатда ўтказилади. Тезкор социологик тадқиқотнинг вазифаси — муайян ижтимоий механизмнинг нормал ҳолатда амал қилишига ҳалақит бераётган у ёки бу зиддиятнинг вужудга келиши сабабларини қидириб топишдир.

**ТЕННИС Фердинанд (1855—1936)** — немис социологи, Германияда социология фанига асос солувчилардан бири. Теннис ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий ўзгаришлар йўналишлари таҳлилин амалга оширадиган социологиянинг шаклан «соф» категориялар тизимини яратишда биринчилардан бўлиб тажриба тўплади. У социологияни «умумий» ва «махсус» қисмларга ажратди. Теннис фикрига кўра, «умумий» социология кишилар ўзаро ҳаётининг барча шаклларини, шу жумладан биоантропологик ва демографик жиҳатларини ўрганиши керак. «Махсус» социология ўз навбатида «соф» (назарий), «тадбиқий» ва «эмпирик» социологияга (социографияга) бўлинади ва хусусан ижтимоий ҳаётни ўрганеди. Хусусан ижтимоийлик (социаллик) кишиларнинг «ўзаро тан олиш» ҳолатида вужудга келади. Ижтимоий муносабатларни Теннис эрк муносабатлари деб қарайди. У ўзининг асосий асари «Жамоа ва жамият» (1887) китобида ўзаро тан олинган эрklar типологиясини ишлаб чиққан. Қайси эрк хили ифодаланганлигига қараб ижтимоий муносабатлар хилларга бўлинади: табиий инстинкт сифатидаги эрк одам хатти-ҳаракатини қандайдир орtdан бошқаради, фикрловчи эрк эса танлаш имконини беради ва ҳаракатнинг мақсадини онгли равишда қўйишни талаб этади. Биринчи хил эрkка мисол — оналик ҳисси (муҳаббат), иккинчисига мисол — савдо. Табиий эрк умумийликни (жамоани), фикрловчи эрк эса жамиятни вужудга келтиради. Жамоада инстинктлар, ҳис-туйғулар, органистик муносабатлар, жамиятда эса ҳисобли ақл-идрок, механик муносабатлар ҳукмрон бўлади. Тарих жараёнида биринчи хил муносабатлар тобора ўз ўрнини иккинчи хил муносабатларга бўшатиб беради. Шu тариқа Теннис одатлар, ҳуқук, оила, дин, давлат, сиёсат, жамоатчилик фикри ва бошқаларни таҳлил қила олди. Тенниснинг кўпгина эмпирик тадқиқотлари ҳам катта аҳамият касб этди. У йирик статистик ва социографик текширувлар ташкилотчисн бўлган. Теннис биринчи навбатда «Жамоа ва жамият» асарининг муаллифи

сифатида социология тарихида қолди, зеро бу асар нафақат немис, балки бутун ғарб социологиясига сезиларли таъсир кўрсатган.

**ТЕСТ** — индивиднинг ижтимоий-руҳий сифатларини ўлчаш ва баҳолаш услуби.

**ТЕХНИЦИЗМ** — техниканинг ривожини инсоният учун сўзсиз самарадорлик келтиради ва у тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучидир деб ҳисобловчи тафаккур тарзи.

**ТЕХНОЛОГИК ДЕТЕРМИНИЗМ** — техниканинг жамият ривожига белгиловчи рол ўйнаши ҳақидаги қарашлар мажмуи. Технологик детерминизмга мувофиқ техник цивилизация инсон ва жамиятдан мустақилдир. Шу тариқа техника сунъий равишда, ижтимоий муносабатлардан ажратиб олинади, табиат ҳодисалари каби ўз қонунларига эга ижтимоийликдан юқори турувчи ҳодиса деб талкин этилади.

**ТИЗИМЛИ ЭҲТИМОЛИЙ ТАНЛАШ** — турли алифбо рўйхатлари, ташкилотларнинг картотекалари, уй-жой бошқармаларидаги яшовчилар рўйхат китоблари асос қилиб олинувчи танлаш. Бунда бирликларни танлаб олиш дастлабки алифболи ёки номерлаштирилган рўйхатдан бир хил оралиқни ташлаб амалга оширилади.

**ТИҚ (ВЕРТИКАЛ) ҲАРАКАТЧАНЛИК** — ўзаро ҳаракатлар мажмуи бўлиб, индивид ёки ижтимоий объектнинг бир ижтимоий қатламдан бошқасига ўтишига воситачилик қилади.

**ТИРИКЪЯН** Эрик — америкалик социолог. Ўзини Мерло-Понти экзистенциал феноменологиясининг давомчиси деб ҳисоблаган. Аммо унинг инсон, жамият ва тарих табиатини очиб беришига қаратилган «ижтимоий мавжудликнинг умумий назарияси»си Дюркгейм, Кьеркегор, Вебер, Парсонс, Сорокин, Хайдеггер, Левин-Стросс каби мутафаккирлар ғояларини бирлаштиришдан вужудга келган. Ўз доктринасини яратар экан, Тирикьян экзистенциализмни «манتيқий-рационал тафаккур хилига» қарши қўйилган нарса деб уқтирган Мерло-Понти изидан бориб, у «экзистенцияни» ақлидрокдан устун деб ҳисоблаган. «Экзистенция» Тирикьян назарида ҳаёт каби бепоён ва ноаниқдир. Шу билан бирга Тирикьян «тафаккурнинг эмпирик стандартидан» ҳам воз кечган. Демак, унинг учун энг муҳими — дунёни тасаввур этишининг экзистенциал хили бўлган. Энг муҳими воқеа юз берадиган «даладир»: экзистенциализмда бундай дала бўлиб инсон, унинг онги хизмат

қилади. Аммо бу оддий «онг» эмас. Бу «экзистенцияни ўзида» топишга, ўзида «борлиқни» очиб беришга интенционал йўналтирилган, ўзининг доирасидан ташқариди бўлишга қаратилган онгдир. Ўз мавжудлигининг манбалаларини ўзидан «ортда» ва «ташқарида» излаш шунга олиб келадики, онгда инсонга нимадир намоён бўлади, лекин бу айнан онг эмас. «Экзистенциянинг» онгдаги «иштироки», ташқи дунё предметларига маъно берувчи, нарсалар «бошламалари» ва матрицалари ҳисобланмиш маъно яратувчи асоси сезилмасдир. Буларнинг ҳаммаси Тирикьянга экзистенциал тафаккурнинг қолипга тушмаслигини исботлаш учун керак. Мавжуд назарий чизмалар эса ижтимоий мавжудликни «эркин» тадқиқ этишга имкон беролмайдилар. Бундан кўриниб турибдики, Тирикьяннинг ёндошуви мушоҳаданинг шакланмантиқий аниқлигини инкор этади. Тирикьян экзистенциализмнинг муҳим жиҳатларидан бири деб инсоннинг мавжуд жамиятга кириб боришига норозилиги, индивид ва жамият муносабатлари инқирозини таҳлил қилишни ҳисоблаган. Буларнинг ўзига хос ифодаси «уч қардош қалб» — Достоевский, Маркс ва Ван Гогдир. Улар (айниқса Маркс) экзистенциализмдаги энг марказий тушунчалардан бири — бегоналашуви, ҳар тарафлама очиб бера олганлар. Шунини таъкидлаш керакки, Тирикьян ўз олдига икки фан — фалсафани ва социологияни бирлаштириш муаммосини қўйган. Шунинг учун Тирикьян концепциясининг иккинчи томони — Дюркгейм «социологизми» ва аввало ундаги «бирдамлик» ғоясига асосланган ахлоқий йўналганликдир. Тирикьян фикрига кўра, ҳам экзистенциализм, ҳам «социологизм» учун бир нарса, яъни замонавий дунё бошдан кечириётган ноуйғунликка нисбатан акс таъсир хосдир, улар ҳозирги замон инқирози табиатининг «турлича талқинлари», холос. Шундан келиб чиқиб фалсафа ва социологияни бир бутун қилиб бирлаштириш зарурияти келиб чиқади. Аммо бу масалада баъзи қийинчиликлар мавжууд эди. Маълумки, Дюркгейм назарида жамият — «индивидуумлар ассоциасини» туғдирган коллектив онгдир. Бу «коллектив онг» жаммоатчилик фикрида намоён бўлади. Экзистенциализмда эса аксинча, коллектив онг мавжуд эмас, «экзистенция» фақат шахсий онгагина намоён бўлади. Бундан ташқари, экзистенциал файласуфлар жамият индивид учун душман бўлган, уни «аср этувчи» бирикма деб ҳисоблаган. Дюркгейм фикрига кўра индивидлар фақат жамият

таркибидагина маданийлашадилар. Аммо юқорида кўрсатилган ихтилофларга Тирикьян атайлаб | кўз юмади, экзистенциализм ва Дюркгейм социологизмидаги ўхшашликларни бўрттириб кўрсатади. Маълумки, Дюркгейм доимо исталган одамнинг «дунёда-борлиқ» сифатидаги мавжуд бўлиши онтологик жиҳатдан «бошқалар-билан-бирдамликда-борлиқ» эканлигини таъкидлаган. Шу асосда Тирикьян «экзистенциализм» ва Дюркгейм социологияси бир-бирини тўлдирувчи икки қарашдир, бу эса «ижтимоий экзистенциализмга» олиб келади, деб хулоса чиқаради. Унинг фикрича, экзистенциализм қанчалик «антисоциал» (акселижтимоий) бўлса, Дюркгейм социологияси шунчалик «антиндивидуалистикдир». Бундан ташқари, Тирикьян экзистенциал фалсафа ва Дюркгейм концепциясидаги ахлоқий йўналганликдан келиб чиқиб, ўз доктринасининг марказига ахлоқни қўяди. Ахлоқий қоидалар исталган алоҳида олинган шахс учун ҳам, ҳар бир жамият учун ҳам умуман хосдир. Шу ўринда ахлоқ муаммоси Тирикьян ижодида социологик тадқиқотнинг асосий қоидалари ва вазифаларини асослашда катта ўрин тутганлигига тўхталиш жоиздир. Маълумки, Мерло-Понти тасаввурни феноменологик тадқиқ қила туриб, онгнинг интенционал оқими учламчи нарсадир, чунки у ҳиссийлик ва мушоҳадалилик билан бирга маънавий — баҳоловчи компонентни ҳам ўз ичига олади, деб уқтирган эди. Бундан хулоса шуки, ахлоқий жиҳат доимо, гарчи онгсиз равишда бизнинг онгимиз оқимида иштирок этади, шунинг учун ҳар бир феномен ахлоқан аҳамият-лидир. Бу ерда аввало жамиятни назарда тутиш керак ва шунинг учун Тирикьян Мерло-Понтининг юқоридаги фикрларини тез-тез такрорлаб турган. Тирикьян фикрича, онгнинг айнан ахлоқий таркибигина ижтимоий тузилмаларни тузиб чиқишда асосий ҳисобланади. Онгнинг феномени сифатидаги ижтимоий тузилма қандайдир «статик моҳият» бўлмай, доимий ривожланувчи имкониятлар «долзарблашувидир». Социология бу ўзгаришни назарда тутмоғи керак. Социология жамият экзистенциал тўлақонлигининг бир қисмидир ва у макрокосм ҳисобланувчи ҳозирги жамиятнинг микрокосми деб қаралиши мумкин. Шу билан бирга у тадқиқотлар натижасида — «ижтимоий мавжудлик» тўғрисида олинган билимдир. Ижтимоий мавжудлик фаол шахсларнинг ҳаракатидан иборат бўлгани учун социология ва социолог ҳеч қачон тарихий жамиятдан ало-

ҳида мавжуд бўла олмайдилар. Социолог ижтимоий атроф-муҳитни объектив таърифлаб ўз концепциясини ривожлантирар экан, жамиятнинг мавжудлигига кириб боради. Бу тадқиқот жараёнига кириб боришдан манфаатдор бўлган социологнинг жамият ҳаётининг динамикасидаги «экзистенциал иштирокидир». Тирикьян жамиятни ўрганишга ўзининг бу ёндошувини «субъектив реализм» деб атади ва у «ижтимоий экзистенцияни умумий назариясини яратиш имкониятини» бериши керак эди. Яна шуни таъкидлаш керакки, Тирикьян ижтимоий ўзаро ҳаракатни экзистенциал — феноменологик концепция доирасида олиб қараган. Жамият кўпгина тузилмалардан иборат. У ёки бу индивид қайси бир тузилмада турганлигига қараб, бошқа тузилмалар таъсири остида бўлган бошқа индивидлар билан ихтилофга киришиб ўзини у ёки бу тарзда тутди. Тирикьян жамиятни «глобал феномен» сифатида динамик кескинлик ҳолатида бўлган мавжудлик сифатидагина олиб қаралиши мумкин деб ҳисоблайди. Бундай кескинликни жамиятнинг расмий ёки институтчионал ва яширин, латент ҳолатида бўлган норасмий соҳаларининг қарама-қаршилиги келтириб чиқаради. Ижтимоий ўзгариш инетитутчионал ва ноинститутчионал феноменлар ўртасидаги муносабатнинг ўзгаришидир. Ноинститутчионал феномен шахснинг жамиятга нисбатан устиворлигини назарда тутди ва у индивидни жамиятга бўйсиндиришни назарда тутувчи расмий соҳага тобора кириб боради. Аммо бир шахснинг ўзи бир вақтнинг ўзида ҳар иккала тузилманинг таъсири остида қолиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, Тирикьянни инсон, аввало инсон ва фақат инсон қизиқтиради: жамият унинг доктринасида шахс ҳаётидаги қўшимча ва шакл бўлиб хизмат қилади, холос. Ижтимоий феноменни статикада эмас, динамикада, яъни жараён сифатида ўрганар экан, Тирикьян вақт, ижтимоий тарих, маданият муаммоларини ҳам четлаб ўта олмаган. Тирикьян фикрича, ижтимоий реалликнинг ўзи интерсубъективликнинг вақт асосидаги экзистенциал тажрибасидан жой олган. Бунда вақт «объектив» реаллик бўлмай, балки «экзистенциал вақтдан» келтириб чиқарилган. Алақачон ўтиб кетган ўтмиш ва ҳали мавжуд бўлмаган келажак ўзларининг «борлиқ эмасликларига» қарамасдан, «шу ерда ва ҳозир», яъни ҳозирги замонда жой олган «экзистенциянинг» — модуси сифатида намоён бўладилар. Яъни «экзистенция» ўтмиш ва келажакнинг

ҳозирда қўшилиб кетишидир. Бундан келиб чиқиб Тирикьян ижтимоий мавжудликни экзистенциалист сифатида мумкин бўлмаган нарса деб қараган. Инсон дунёга «ташлаб кетилган», жамият эса унга ёт бўлган бирикмадир. Шундан доимий ташвиш, қўрқув, «ҳеч нарса даҳшати» ҳолатини ҳис этиш келиб чиқади. Шахснинг камол топиши ҳар доим ижтимоий камолотдир. Буни Тирикьян социология тушунчасининг экзистенционал асоси деб билган. Тирикьян ижтимоий мавжудликни тан олган. Аммо экзистенциалист сифатида у ижтимоий муносабатлар реаллигини интерсубъективликни тасвирлаш муаммоси сифатида тасаввур этган.

ТОИНБИ Арнольд (1889—1975) — инглиз тарихчиси, файласуфи, жамоат арбоби ва социологи. Унинг 12 жилдлик «Тарих тадқиқи» (1934—1961) асари жуда катта ҳажмдаги маълумотларни гуруҳларга ажратиш ёрдамида тарихий жараённинг мазмунини аниқлашга қаратилган. Бунда дунё тарихи ўз қобилигига ўралган дискрет бирликлар («цивилизациялар») йиғиндисидан иборат деб тушунилган. Бу тасаввурлар Шпенглер таъсирида ҳосил бўлган. Аммо Тойнбининг фикрлари Шпенглер ғояларидан фарқ қилади. Биринчидан, Тойнби табиий зарурият билан бир қаторда инсоннинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши қобилиятини тан олган. Иккинчидан, Шпенглер тарихий жараённинг циклик (даврий) моделини таъкидлаган бўлса, Тойнби дунёвий динларнинг (буддизм, насронийлик, ислом) бирлаштирувчанлик аҳамиятини тан олган. Бу динлар тарихий жараённинг олий қадриятлари ва кўрсаткичлари ҳисобланадилар. Цивилизациянинг ўзгарувчанлиги (унинг вужудга келиши, ўсиши, «синиши», инқирози ва чирishi) «даъват ва жавоб» қонуни билан белгиланади. Олдинга қўйилган ҳар бир қадам тарихий вазият «даъватига» мос равишдаги «жавоб» билан боғлиқдир. «Жавоб» — «ижтимоий озчиликнинг» хизматидир. Бундай озчилик дастлаб ўз обрўсининг кучи билан ҳукмронлик қилади, сўнг эса, «ҳукмрон озчиликка», яъни элитага айланади. Энди у ижодий қобилиятларни йўқотиб, ҳокимият воситаларига, аввало қуроли кучига таяна бошлайди. Шунинг учун ижтимоий тизим адолатсиз эканлигини англаш кучаяди ва «руҳ парчаланishi» вужудга келади. «Хукмрон озчиликнинг» дарз кетиши, унинг вазиятни қўлга ололмаслиги «синишга», ундан кейин эса цивилизациянинг узил-кесил ҳалокати-га олиб келади. Умуман, Тойнби ўз концепциясида

позитивистик историография усулларини А. Бергоннинг «ижодий эволюция» ғоялари ва теологик рамзлар билан боғлай олган. Шу билан бирга у дунё тарихининг яхлитлиги ғоясини, жаҳон цивилизацияси тарихий жараённинг натижаси эканлигини тан олган.

**ТОКВИЛ** Алексис (1805—1859) — француз социологи, сиёсий мутафаккири, давлат раҳбари. Токвил тадқиқотларининг асосий мазмуни — демократиянинг тарихан келиб чиқиши, моҳияти ва истиқболларидир. Демократияни у феодал жамиятга қарама-қарши бўлган замонавий жамиятни ижтимоий ташкил этиш қондаси сифатида жуда кенг тушунган. Буржуа-демократик ўзгаришлар эҳтиёжини англаган Токвил буржуа жамиятида эркинлик ва тенглик нисбатини, сиёсий ҳокимият ва умуман жамият ўзаро таъсирини таҳлил қилди. Буржуа эгалитаризмининг салбий томонларини таъкидлаб, уни мустабидликнинг манбаи деб ҳисоблайди. Биринчидан, феодал имтиёзларга қарши курашда тенглик қуроли ҳисобланган сиёсий марказлаштириш сўзсиз маъмурий марказлаштириш ва бюрократиялаштириш билан қўшилиб кетади ҳамда давлат ҳокимиятини кескин кучайтириб юборади. Иккинчидан, тенглик индивидуализмни келтириб чиқаради, у эса кишиларни хусусий ҳаёт доирасига ўраб қўяди ва шу туфайли мустабид тузум учун қулай шароит яратади. Тенгликка бўлган «носоғлом мойиллик» барчани омма даражасига тушириб қўяди ва «қулликдаги тенгликка» мубтало этади. Бундай ҳолатларга баъзи бир институтлар, масалан, АҚШ даги давлатнинг федерал шакли, ҳудудий турли-туманлик, сиёсий ассоциацияларнинг эркин фаолияти қарши туриши мумкин. Токвилнинг либерал-консерватив ғоялари ғарб ижтимоий фикрига (Тэн, Теннис, Вебер) катта таъсир кўрсатган.

**ТОЛЕРАНТЛИК** (лот. *tolerantia* — чидам) — ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилик.

**ТОМАС** Уильям Айзек (1863—1947) — америкалик социолог ва ижтимоий психолог, социологияда психологизм вакили. Томас назариясининг ўзаги — ижтимоий вазият тушунчаси, у ўзаро боғланган уч унсурни ўз ичига олади: объектив шароитлар (ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар); индивид ва гуруҳнинг кўрсатмалари; ҳаракатдаги шахснинг вазиятини аниқлаш. Ф. Знанецкий билан бирга ёзилган «Польша деҳқони Европада

ва Америкада» (1—5 томлар, 1918—20) китобида асосий диққат кўрсатилган унсурлардан иккинчисига қаратилган: индивиднинг вазиятни белгилаши гуруҳий қадриятларга тўғри келмаган ҳолда зиддиятлар ва ижтимоий тарқоқлик келиб чиқади, бу эса жамиятнинг кўпгина муаммоларига сабаб бўлади. Ижтимоий ҳаёт ва инсоннинг шахсий кўрсатмалари асосини ташкил этувчи сабабларни текшириб, Томас руҳий таҳлил таъсири остида инсоннинг тўртта асосий истак-ҳоҳишлари тўғрисидаги таълимотни илгари суради. Булар — янги тажриба тўплаш, хавфсизлик, тан олиш, ҳукмронлик истакларидир. Истаклар мижоз (темперамент) билан белгиланади. Томас шунингдек Ф. Знанецкий билан бирга одамларнинг шахсларини уларнинг ижтимоий атроф-муҳитга мослашишлари табиатига кўра хилларга бўлиб чиқди: задагон (анъанавий кўрсатмаларга асосланади); богем (мослашишнинг юқори даражаси хос); ижодий. Ижтимоий ҳаёт ва маданият ривожини ихтиро ва янгиликларга қобилиятли ижодий шахслар билангина белгиланади. Томас томонидан шахсий ҳужжатлар — «биограммаларнинг» (хатлар, кундаликлар, таржимаи ҳолларнинг) фойдаланиш тажрибаси социологик тадқиқотлар техникасининг ривожига ҳисса қўшди. Умуман, унинг асарлари Америка социологиясининг эмпирик тадқиқотларга ўтганлигини ифодалаб, социология ва ижтимоий психологияга сезиларли таъсир кўрсатди.

**ТОТАЛИТАРИЗМ** (лот. *totalis* — барча, тўлиқ) — ҳокимият тузилмаси бир партиявийлик тизими ва ҳукмрон мафкуранинг иқтисодга, маданият соҳасига, ижтимоий ва шахсий ҳаётга тўла кириб боришига асосланган ижтимоий тартибларни ифодаловчи тушунча.

**ТОФФЛЕР** Элвин (1928) — америкалик социолог ва футуролог, «Постиндустриал» жамият (унинг тили билан «супериндустриал цивилизация») концепциясини яратувчиларидан бири. Тоффлернинг «Келажак қарахтлиги» асари (1970) унга жаҳоншумул шухрат келтирган. Ижтимоий ва технологик ўзгаришларнинг жадаллашуви мослашиш учун янада кўпроқ қийинчиликлар туғдиради, бу эса индивид ва жамиятни қарахт қилиб қўяди деган ғоя асарнинг мазмунини ташкил этади. Бу ғоя кейинчалик «Учинчи тўлқин» (1980) асарида ривожлантирилган. Жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг йўналиши барча ижтимоий институтларнинг емирилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш, муо-

мала тизими, оила, илмий фикриётнинг йўналиши марказлашувдан марказдан қочишга томон, поғоналик бирхилликдан жамоалар ҳаётидаги кўп хилликка томон боради. Ҳозирги жамиятнинг инқирозини Тоффлер янги «учинчи тўлқин» цивилизациясига (биринчиси — аграр, иккинчиси эса — индустриал цивилизациядир) ўтиш билан тушунтирган. Ҳозирги жамият муқаррар катаклизмлар шароитида яшаб қолишининг бирдан бир шарт ижтимоий ҳаётнинг янги шароитларига ўтишдир. Тоффлер янги цивилизациянинг аниқ таърифини келтирмаган. «Постиндустриал жамият», «информацион жамият», «космик эра» каби тушунчалар эса мақбул эмас, чунки улар юз бераётган ўзгаришларнинг ҳақиқий динамикаси, улар туғдираётган кескинликлар ва зиддиятлар тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди. Тоффлер ўз концепциясини хаёлий таълимотларга (утопияларга) нисбатан «практопия» деб атади. Унда «юмшоқ технология» талабини қўювчи экологизм ғоялари ҳам ифода этилган. Шунингдек, Тоффлер ўз чиқишларида тафаккур соҳасида инқилоб ясашга чақирмоқда.

**ТРИАДА** — уч кишидан иборат гуруҳ.

**ТУРМУШ СОЦИОЛОГИЯСИ** — ижтимоий субъектларнинг турмуш, моддий неъматлар ишлаб чиқармайдиган соҳадаги ўзаро муносабатларини ўрганувчи социология фани йўналиши.

**«ТУШУНУВЧАН СОЦИОЛОГИЯ»** — социологияда XIX аср охири — XX аср бошларида шаклланган назарий-методологик йўналиш. Ҳаёт фалсафаси ғоялари асосида шаклланган бу йўналиш ижтимоий ҳаётнинг мазмуний унсурларига асосий эътибор қаратади. Ҳозирча унга феноменология таъсири сезилмоқда.

**ТУШУНЧАЛАРНИ ИЗОҲЛАШ** — муайян социологик талқиқот асосини ташкил қилувчи тартиб-қоидалар.

**ТЎДА** — одамларнинг бевосита маконий яқинлик, қандайдир ташқи таъсир ва ҳиссий биргалигидан туғилган, ички мустаҳкам бўлмаган тўдаси (подаси).

## У

**УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ДАВЛАТИ** — америкалик иқтисодчи Ж. Гэлбрейтнинг капиталистик жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепцияси. Унга мувофиқ иқтисодий ўсиш, бошқарувни такомиллашти-

риш эвазига жамият ўзининг барча аъзоларининг нисбатан юқори турмуш даражасини таъминлаши мумкин. Умумий фаровонлик давлати концепциясига мувофиқ давлат жамиятнинг барча қатламларининг манфаатларини ифода этади, даромадларни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий адолатни ўрнатишга ҳаракат қилади. Иқтисодий соҳада давлат иқтисодга фаол таъсир кўрсатади, хусусий ва давлат сектори мувофиқлиги, аралаш иқтисод амал қилади.

**УНИФИКАЦИЯ** (лот. *unus* — битта ва *facio* — қиламан) — бир хил вазифани бажарувчи объектлар сонини оқилона қисқартириш.

**УОРД Лестер Франк (1841—1913)** — америкалик социолог. АҚШда психологик эволюционизм асосчиси. Уорд социологик қарашлари асосида Конт ва Спенсернинг эволюцион ғоялари ётади. Лекин у эволюционизмнинг ҳаддан ташқари табиийлиги, биологизми ва ортиқча детерминизмини қабул қилмаган ҳолда уни гуманистик маъно билан тўлдирди. Уорд фикрича, социология асосига биологиянинг эмас, балки психология қондалари қўйилиши зарур. Шунинг учун у асосий диққатини ижтимоий ҳаётнинг психологик механизмларини ўрганишга қаратди. Ижтимоий ҳаёт табиат жараёнларидан аввало мақсадлилиқ ва ижодий характери билан фарқ қилади. Табиатда табиий танланиш асосида юз берадиган стихияли эволюция, «генезис», жамиятда тараққиёта онгли равишда интилиш асосида шаклланадиган «телезис» билан алмашинади. Бирламчи ижтимоий кучлар сифатида Уорд табиий очлик, ташналиқ, жинсий эҳтиёжларни ажратиб кўрсатади. Улар асосида мураккаброқ ақлий, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар шаклланади, инсоннинг ижодий фаолиятида улаони амалга ошириш «индивидуал телезис» даражасида жамиятнинг ривожини таъминлайди. «Коллектив телезис»нинг асосий эгаси деб Уорд давлатни ҳисоблаган. Давлат синфлар, ҳуқуқ ва бошқа институтлар катори ирқлар курашидан келиб чиқади. Ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқармайдиганлар ўртасидаги фарқ энг муҳим ижтимоий бўлинишни келтириб чиқаради, деб ҳисоблаган ҳолда Уорд синфлар тенглигини ёқлаб чиққан. Аммо умумий тенгликка «давлат социализми» орқали эмас, ижтимоий ислохотлар йўли билан етишиш зарур. Уорд давлат ижтимоий ҳаётга кенг аралашини зарур деб ҳисоблаган ва давлат бошқарувини эркин рақобат тизими ва монополиялар ҳукумрон-

лигининг салбий томонларини жиловловчи қурол деб тушунган. Шу тариқа у хусусий монополияларни «онгли кооперация» билан алмаштиришга қаратилган ижтимоий реформизм сиёсати учун назарий асос яратишга уринган. Уорд социологияни оммавийлаштиришга уринган: инсоният тарақиқиётида социологлар амалга ошираётган илмий тадқиқотлар ва ижтимоий режалаштиришнинг аҳамиятини таъкидлаган. Ижтимоий фанлар ижтимоий ривожланиш қонунларини очиб бериб, ислоҳотларнинг назария асосини таъминлаш керак. Уорд социократия, яъни ижтимоий фанларга асосланган ҳокимият ғоялари билан чиқиб, жамиятнинг «коллектив ақл-идрокига» катта умид боғлаган, гўёки у ижтимоий фанлар ёрдамида ижтимоий ривожланиш йўлини бошқариши керак. Уорд ғоялари Гиддингс асарларида давом эттирилди, дастлабки америка социологик дарсликларида ўз ифодасини топди, лекин социологияга кучли таъсир кўрсатолмади.

**УРБАНИЗАЦИЯ** (лот. *urbanus* — шаҳар) — жамият ривожиди шаҳарлар мавқеи ва ролининг ошиб кетиш жараёни.

**УРФ-ОДАТ** — ҳуққ-атвор ва ҳатти-ҳаракатлар наъмуналарининг ишчан йиғиндиси бўлиб, у одамларнинг теварак-атроф ва бир-бири билан ўзаро энг яхши тарзда ҳаракат қилишига имконият яратади.

**УЯЛИ ТАНЛАШ** — статистик жиҳатдан ўзаро фарқланувчи бирликлар (масалан, оила, мактаб синфи; кичик ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжалиғи бўлимлари ва ҳ.к.) танлаб олиш бирлиги бўлиб хизмат қилувчи танлаш шакли.

## Ф

**ФАН СОЦИОЛОГИЯСИ** — социологияда фан динамикасини ва унинг жамият билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи йўналиш. Дастлаб асримизнинг 30 йилларида шакллана бошлаган бу йўналиш 60 йилларга келиб махсус социологик фанга айланди. Фан социологиясида Э. Дюрктейм, М. Вебер, К. Маннгейм, Ж. Мертон ижоди катта ўрин тутди.

**ФОРОБИЙ** Абв Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг Тархон (873—950) — Марказий Осиёлик улур файласуф, қомусий олим, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган мутафаккир. Форобий Ўрта асрлар ша-

роитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратган. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари — давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, эътиқод, уруш ва тинчлик ва бошқалар қамраб олинган. Шу билан бирга Форобий ижтимоий ҳаётга раионализмни тадбиқ этган. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганадиган фан деб у фикр (ҳуқуқ тўғрисидаги илм) ва каломни (теологияни) ҳисоблаган. Жумладан ўзининг шаҳар тўғрисидаги илмида (илм ал мадания) у кишиларнинг ҳатти-ҳаракати, хулқи, табиий майллари, уларнинг фаолиятлари, турмуш даражалари, усулларини кўрсатган. Ижтимоий-сиёсий фанларнинг муҳим вазифалари деб Форобий кишиларни бошқариш йўллари ва услубларини тушунган. Ижтимоий фанларнинг мақсади — кишиларнинг бахт-саодатга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдир. Ижтимоий сиёсий илмлар, унинг фикрича, давлатшунослик, таълим, сиёсий масалаларни бир бутун ҳолича қамраб олади. Форобий махсус «жамият» тушунчасини ишлатмаган, унинг ўрнида шаҳар — «мадина» тушунчасини ишлатган. Чунки у шаҳарни кишиларнинг маълум бирлашмасининг етук даражаси деб билган. Кейинчалик бу анъана ғарб мутафаккирлари ижодида давом эттирилган. Кишиларнинг жамоага уюшуви асосида нима ётади деган масалада Форобий ўз даврида мавжуд бўлган турли фикрларни танқид қилган. Форобий одамлар жамоаси асосида биологик омил ётади деган фикрларни ҳам, жуғрофий омилни бўрттириб кўрсатувчи қарашларни ҳам, шунингдек, бундай уюшмалар бир уруғдан ёки наслдан келиб чиққан деб ҳисобловчи ғояларни ҳам таҳлил қилган. Мутафаккир инсонлар жамоасининг келиб чиқишида табиий эҳтиёжлар ётади деган ғояни асослаган. Яшаш учун бўлган эҳтиёж кишиларни жамоа бўлиб бирлашишга ундайди. Чунки кишиларнинг ўзаро ҳаракатидагина бу эҳтиёжлар қондирилиши мумкин. Форобий инсон жамоасининг уч даражасини (асосан унга бирлашган кишилар сонига нисбатан) ажратиб кўрсатган: 1) буюк жамоа, яъни ер юзидаги барча жамоаларни бирлаштирган жамоа; 2) ўрта жамоа, яъни маълум халқни ўз ичига бирлаштирувчи жамоа; 3) кичик жамоа, яъни маълум шаҳар жамоаси. Бахт-саодат, ижтимоий камолотга шаҳар жамоаси орқалигина эришиш мумкин. Форобийнинг бу фикрида шаҳарнинг уйғониш даврида иқтисодий, маданий ва маъмурий марказ бўлганлиги

ифодаланган. Турли халқлар эса ер юзининг турли қисмида жойлашган бўлиб, бир-биридан урф-одатлари, хулқлари, хусусиятлари ва тиллари билан фарқланадилар. Форобий шу ўринда масалага табиий нуқтаи-назардан ёндошиб, халқларнинг ўзаро фарқлари, қандайдир азалий ва ташқи қудрат томонидан эмас балки жуғрофий муҳит — сув, ҳаво, ўсимлик кабиларнинг таъсирида шаклланади деб ҳисоблаган. Форобийнинг бу фикри кейинчалик социологияда жуғрофий йўналишнинг вакили бўлган Ибн Холдун қарашларига ўз таъсирини кўрсатган эди. Жуғрофий муҳитни Форобий умуман жамият шаклланишининг муҳим омили деб ҳисоблаган. Лекин шу билан бирга у одамлар руҳийётини осмон сатҳлари ва юлдузлар ҳаракати билан изоҳлаган. Шу юлдузлар олами инсон руҳийёти ва у орқали ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатувчи жуғрофий муҳитнинг муҳим қисми сифатида талқин этилган. Шунга қарамай Форобий жуғрофий муҳитни инсон ижтимоий ҳаётининг ҳал қилувчи омили деб билмаган. У шу омил билан бирга халқнинг маданий даражасига, илм-фан, касб ҳунарни эгаллаш каби масалалар, яъни маданий омилларга ҳам катта эътибор берган. Бу омилларни бирлаштиришда муҳим ижтимоий институт ҳисобланган, шаҳар жамоаси катта аҳамиятга эгаки, у маданий тараққиёт ва давлатни бирлаштириш вазибаларини ҳам амалга оширади. Шу ўринда Форобийнинг жамият тузилиши ва бошқариши ҳақидаги қарашлари диққатга сазовордир. Кишиларни мақсадларининг хусусиятларига кўра ўз атрофига уюштиришга қараб Форобий шаҳар давлатларини икки гуруҳга ажратган: фозил, олижаноб шаҳарлар ва жоҳил, ёмон шаҳар. Жоҳил шаҳарнинг ўзи ҳам бир неча турларга бўлинади. Улар ёмонлик ва ахлоқсизлик қондасига асосланганлигига қараб фарқланадилар: босқинчиликка асосланган шаҳар; зулм, эзишга асосланган шаҳар; кайф-сафо ва бойликни мақсад қилиб олган шаҳар; тартибни инкор этувчи шаҳар; жоҳил шаҳар. Форобий фозил шаҳар — давлатни эса кишининг соғлом организмга ўхшатган. Организмда бўлгани каби, фозил шаҳарда ҳам унинг аъзолари касб-ҳунарлари, фаолияти ва билимлари билан бир-бирларининг эҳтиёжини қондириб, ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Фозил шаҳар — давлатга фозил ва адолатли шахс раҳбарлик қилади у аҳолини бахт-саодатга олиб боришини ўз мақсади деб билади. Унинг ақли, билими, ахлоқий хислатлари

биринчи ўринда турмоғи керак. Сўнгра унинг бойлиги, насл-насаби эътиборга моликдир. Форобий фикрича, давлатни етук хислатларга (уларнинг сони Форобий фикрича ўн иккита) эга бўлган шахсгина бошқармоғи керак. Агарда унда бу хислатлар бўлмаса, давлат етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар томонидан бошқарилиши керак. Бунинг ҳам иложи булмаган тақдирда давлат сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқарилиши зарур. Форобийнинг бундай илғор фикрлари «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақидаги рисола»да ва «Фозил шаҳар одамлари» асарида баён этилган бўлиб, улар ҳозирги фан атамаси билан айтганда сиёсат социологиясига тегишлидир.

**ФЕНОМЕНОЛОГИК СОЦИОЛОГИЯ** — замонавий социологиядаги назарий-методологик йўналиш. Тушунувчан социология йўналишининг бир кўриниши. Феноменологик социология жамиятни индивидларнинг маънавий-руҳий ўзаро ҳаракатларида яратилган ва доимий қайта шаклланувчи ҳодиса деб талқин этади. Позитивизм йўналишини ижтимоий ҳодисаларни моддийлаштиришда айблаган ҳолда, феноменологик социология ижтимоий дунёни инсон борлигида англашга, уни амалда ҳаракат қилувчи ижтимоий индивидлар тасаввурлари, ғоялари, мақсад ва мойилликлари билан боғлашга уринади. Асосий вакиллари — Гуссерл, Шелер, Мерло—Понти, Шюц, Тирикян, Бергер ва б.

**ФРЕЙД** Зигмунд (1856—1939) — австриялик психолог, невропатолог ва психиатр, психоанализ (руҳий таҳлил) асосчиси. XIX аср 90 йиллари бошларида И. Брейер Ф. билан ҳамкорликда неврозлар терапиясининг «катарсик» деб аталган услубини ишлаб чиққан. Бу услуб руҳий жароҳат концепциясига асосланган эди. Бу концепцияга мувофиқ невроз психиканинг жароҳат етказувчи азобли ғояга нисбатан ҳимояловчи жавоб таъсиридир. Бундай ғоя онгдан қувиб чиқарилади («сиқиб чиқарилади»); аммо ўзининг эффе́ктив кучини сақлаб қолади («катексис»). Кейинроқ Фрейд сексуалликнинг (шаҳвоний туйғунинг) невроз этиологиясида ҳал қилувчи аҳамияти тўғрисидаги гипотезани илгари суради. Ундан сўнг Фрейд гипноздан воз кечиб, уни эркин ассоциациялар ва тушларни таъбирлаш билан алмаштирди, сўнг онгсизлик тўғрисидаги таълимотни илгари сурди. Фрейд ўз ижодининг дастлабки даврида руҳий невроз концепцияси ва психик аппарат тўғрисидаги таълимотни асослаган. Фрейд психик

аппаратни икки — топографик ва динамик — жиҳатдан текширган. Топографик ёндошувда психикада учта соҳа ажратиб кўрсатилган — онг, онгнинг олд қисми ва онгсизлик. Онгсизлик психиканинг онгсиз истаклар ва онгдан чиқарилган ғоялар тўпланган қисмидир. У иррационал хусусиятга эга. Онг ташқи дунёга қаратилган дераза бўлиб, ундан онгсизлик онгнинг олд қисми билан чегараланган. Онгнинг олд қисми — бу инсоннинг идрокли Мени, хотира, тафаккур. Онгни Фрейд асосан ташқи дунёни тасаввур қилиш билан боғлаб кўрсатган. Психик динамиканинг манбаини онгсизликнинг ҳаракат кўринишидаги енгиллашувига интилувчи истаклари ташкил этади. Лекин бунинг учун улар хатти-ҳаракат актларини амалга оширишни бошқарувчи онгга келиб тушишлари керак. Бу эса онгсизлик истаклари ва уларнинг вакили бўлган ғояларнинг назоратини амалга оширувчи онгнинг олди қисми воситачилигисиз мумкин эмас. Кейинчалик Фрейд онгсизликнинг психик фаолияти завқланиш қондасига, онглиликнинг психик фаолияти эса мавжудлик қондасига бўйсунди деб аниқлик киритган. Онг олди қисми ташқи дунё реаллиги билан зарур муносаатга киришиб, номақбул истаклар ва ғояларни (шаҳвоний, худбинлик, аксилижтимоий) қайтадан онгсизликка томон сиқиб чиқаради, уларнинг онгга кириб бориш учун қилган урнишларига қаршилик кўрсатади. Фаолликни сақлаб қолган қониқиш ҳосил қилмаган истаклар онгга кириб олишнинг «айланма йўллари» топадилар, бунда улар онгсизлик механизмлари ёрдамида ниқобланади ва «назоратни» алдайди. Бундай йўлларга тушлар (Фрейд уларни «онгсизликка қиролларча йўл» деб атаган), хаёллар, тасодифий хатти-ҳаракатлар, ҳазил-мутойибалар, шунингдек, психик патология ҳодисалари, неврознинг белгилари мансубдир. Бу феноменларнинг табиати бир хил: улар ҳам онгсизликнинг истакларини, ҳам онг олди қисмининг назоратли талабларини қондиришга хизмат қилувчи келишув (компромисс) сифатида мавжуд бўладилар. Фрейд либидо тўғрисидаги таълимотида психикага энергетик ёндошувни янада ривожлантирган. Психик энергияни энди у либидо энергияси деб изоҳлаган. Бу энергияни Фрейд сон жиҳатдан ўзгариб турувчи субстанция деб талқин қилиб, либидонинг бир нарсадан бошқа нарсага айланиш услубларини тасвирлаган. Инстинктив импульс

(туртки, йўналма) ё ҳаракатда қониқиш олиши; ёки қониқмаган ҳолда қайтадан онгсизликка сиқиб чиқарилиши, ёҳуд реактив бирикмалар (уят, ахлоқ) ва сублимация воситасида ўз энергиясидан маҳрум этилиши мумкин. Либи́до тўғрисидаги таълимот нуқтаи назаридан олганда инсоннинг психик ривожланиш жараёни ўз моҳиятига кўра унинг шаҳвоний майли (инстинкти) хоссаларининг биологик детерминантлаштирилган жараёнидир. Лекин инсоннинг бутун хулқини шаҳвонийлик кўринишларига йўйиб тушунтириш қийин бир нарса эканлиги туфайли Фрейд майллар (инстинктлар) структурасини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. У янги дуалистик (иккилама) схемани киритади. Унга мувофиқ психикада ҳаракат қилувчи инстинктив турткилар икки космик «дастлабки даъват» — ҳаёт ва ўлимнинг кўриниши деб изоҳланган. Фрейд «Мен» з «у» асарида психиканинг структураси концепциясини кўрсатиб берган бўлиб, бу концепция бутун психик динамикани учта инстанция (даража) — Мен, У, Олий — Менларнинг ўзаро ҳаракатидан келтириб чиқаради. Фрейд фикрича, онгсиз у — «инстинктларнинг қайнаётган дошқозони». Онгли — онг олди. Менинг вазифаси У импульсларини шундай қониқтириши керакки, бу ижтимоий реалликнинг талабларига зид келмаслиги лозим. Бу талабларнинг бажарилиши устидан Олий — Мен, яъни жамиятнинг, инсон психикасидаги ташқи идеал ва обрў (авторитет) вакили назорат қилади. Ушбу назарий қўшимчалар билан Фрейднинг биринчи психоаналитик тизими иккинчи психоаналитик тизимга айлантирилган. Шу жиҳатдан унинг таълимоти қатъий фалсафий хусусиятга эга бўлиб, қўшимча имконият касб этган. Шу ўринда Фрейднинг социологик концепциясини кўриб ўтамиз. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, руҳий таҳлил қондалари вақт ўтиши билан ижтимоий фалсафа, тарих диншунослик, маданиятшуносликка тадбиқ этилган эди. Руҳий таҳлилнинг ўсиб борувчи «социологизациялашуви» Фрейддан кейин ҳам давом этган. Шаҳвоний (сексуал) коллизияларни ҳал этиш муаммоси нафақат ҳар бир инсоннинг индивидуал ривожланишида, балки тарихий жараёнда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи-назардан у хусусан давлат, дин, ахлоқ, ижтимоий назорат, меъёрлар, санкциялар ва б. келиб чиқишини кўриб ўтган. Шаҳвоний энергиянинг сублимацияси инсон фаолиятининг социомаданий, бадий ва бошқа хилдаги фаолияти

асосида ўтади деб тушунилган. Фрейднинг жамият тузилмаси ва динамикаси тўғрисидаги тасаввурлари мунтазам бўлмаган. Ижтимоий тузилмани у патриоцентрик маънода тушунган, яъни фақат битта стратификацияли чизилма («доҳий — элита — омма») тўғрисида сўз юритган. Фрейд етакчиликнинг фақат авторитар шаклини назарда тутиб, омма ҳамиша доҳийни излайди ёки унга сажда қилади, мустақиллик ва жавобгарликдан воз кечишга жон-жаҳди билан тиришади деб ҳисоблаган. Доҳийни илоҳийлаштириш ва унга ўзини мужассамлаштириш Фрейд фикрига кўра, гуруҳ ичидаги бирдамлик ва ижтимоий ҳукмронликнинг асосий мурувватларидан бири. Ижтимоий ташкил этувчи омиллар орасида мажбурловчи омиллар биринчи даражали аҳамиятга эга. Узаро, хусусан меҳнат манфаатлари ҳам сезиларли аҳамиятга эга. «Ижтимоий туйғулар» — альтруистик (беғараз) севги, дўстлик — янада аҳамиятлироқдир, лекин улар Фрейд фикрича шахвоний импульсларнинг тескари, акс шакллариدير. Ижтимоий ҳукмронлик ва зўрлик механизмлари тўғрисида фикр юритиб, Фрейд улар орасидан ижтимоий тизим, миллий ва маданий анъаналардан маҳлиё бўлишни ноихтиёрый сингдиришни ажратиб кўрсатади. Инсон ва жамият ўртасидаги зиддият — Фрейд ҳал этмоқчи бўлган бош муаммодир. Фрейднинг ижтимоий назорат, меъёрлар, санкциялар ва ҳ.к.га муносабати аниқ эмас. Бир томондан юқоридагилар, унинг фикрича, инстинктларни жиловлашнинг зарур қуроли, иккинчи томондан — улар шахсни янада кўпроқ бузади, неврозлар кўпайишига олиб келади ва ҳ. к. Фрейд ижтимоий ўзгаришлар масаласида ҳам иккиланган. У гоҳо инсоннинг ўзгармас табиати сезиларли ижтимоий ўзгаришларга тўсиқлик қилади деган пессимистик фикр билдирган. Гоҳида эса психоаналитик терапия ва тўғри ижтимоийлашув воситасида инсоннинг ва жамиятнинг чуқур ўзгариши юз бериши мумкин деган оптимистик ғояга асосланган. Бу ҳолда омма элита даражасига кўтарилади, ақл ҳиссиётни бошқара бошлайди, шахвоний инстинктлар етарли даражада қондирилади ёки сублимизациялашади, кескин (агрессив) инстинктлар эса жамиятни бошқаришнинг тинч воситаларига айланади. Фрейднинг ижтимоий изланишлари XX аср ғарб фикрига сезиларли таъсир кўрсатган, социологияда руҳий таҳлил йўналишининг шаклланишига сабабчи бўлган.

ФРОММ Эрих (1900—1980) — келиб чиқиши немис

бўлган америкалик файласуф, социолог ва психолог. Франкфурт мактаби вакили, неофрейдизм асосчиларидан бири. Фроммнинг ижтимоий назарияси фрейдизмнинг анъанавий қоидаларини тафтиш қилиш ва уларни фалсафий антропология қоидалари билан уйғунлаштиришга асосланади. Фромм фикрича, тарих — бу инсоний моҳиятнинг унга душман бўлган ижтимоий тузилма шароитидаги ривожидир. Шундан келиб чиқиб у индивид психикаси ва жамиятнинг ижтимоий тизилмаси ўртасидаги алоқа шакли сифатидаги ижтимоий характерлар таълимотини ишлаб чиқди. Ижтимоий тузилма таъсири остида ривожланадиган инсоннинг ўз-ўзидан бегоналашуви ривожининг ҳар бир босқичига тегишли ижтимоий характер мос келади — бойлик тўпловчи, эксплуататор, рецептив (пассив), бозорга хос. Ҳозирги замон жамияти — илмий-техника инқилоби шароитида инсоний моҳиятни, инсонни «машинлаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» йўли билан бегоналаштириш даражасидир. Бу Фроммнинг техницизмга қарши фикрларининг ёрқин намоёни бўлишидир. Фромм капиталистик жамиятни шахсларнинг ўз-ўзидан бегоналашувини охириги даражасига етказувчи жамият деб қоралаган. Шунинг учун у «соғлом» жамият ижтимоий тизимининг идеал турини излаб, утопик «инсонпарвар коммунистар социализм» назариясини асосламоқчи бўлган.

**ФРУСТРАЦИЯ** (лот. *frustratio* — ёлғон, муваффақиятсизлик) — инсоннинг руҳий ҳолати бўлиб, у ўзига хос кечинмалар, хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатда ифодаланади, мақсадга эришиш йўлидаги ҳал этиб бўлмайдиган (ёки шахс субъектив равишда ҳал этилмайди деб талқин этувчи) қийинчиликлардан келиб чиқади.

**ФУТУРОЛОГ** — футурология фани билан шуғуланувчи мутахассис.

**ФУТУРОЛОГИЯ** (лот. *futurum* — келажак ва *logos* — таълимот) — кенг маънода: инсоният келажаги, умумбашарий муаммолар ҳақидаги тасаввурлар мажмуаси; тор маънода: ижтимоий жараёнлар ҳақидаги билимлар соҳаси. Футурология ижтимоий жараёнлар келажagini ўрганиш, башорат қилиш ва олдиндан айтиб беришни ифодаловчи билимлар соҳаси деб ҳам талқин этилади.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — жамиятнинг таркибий қисми, яъни унинг ҳокимият, давлат ва бошқарувдан ташқари соҳаси. Фуқаролик жамияти давлатнинг

вужудга келиши билан юзага келади ва шаклланади, мавқен эса унинг демократиклик даражасига мувофиқ бўлади. Шу билан бирга фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро алоқалари муқаррар равишда боғланиб кетгандир. Давлат ҳокимияти тизими ва фаолиятида демократик тамойиллар ва меъёрлар қанчалик тўла мужассам бўлса, фуқаролик жамиятининг ҳаётий фаолияти ҳам шунчалик кенг, унинг давлат билан муносабатлари турли-туман бўлади. Давлат ва фуқаролик жамияти манфаатлари ўртасидаги зиддият эса давлатнинг инқирозига сабабчи бўлиши мумкин.

## Х

ХАБЕРМАС Юрген (1929) — немис файласуфи ва социологи. Хоркхаймер ва Адорнонинг вориси, «Янги сўллар» идеологи бўлиб майдонга чиққан. Марксизмни ўз замонининг фалсафаси ва социологиясидаги йўналишлари (лингвистик фалсафа, герменевтика, феноменология ва ҳ. к.) билан яқинлаштиришга, унга либерал шакл беришга уринган. Ижтимоий фалсафанинг бирламчи мавзуси фаол жамоатчилик муаммосидир. Бу муаммо ғарбда XX аср ўрталарида кучайган эди. Мавҳум фалсафий изоҳ берилган ушбу муаммо Хабермас ижодида асосий ҳисобланган, унга боғлиқ равишда бошқа социомаданий муаммолар ҳам қўйилган эди. Замонавий ғарбий-Европа «жамоатчилигини» чуқур нқироздан олиб чиқиши мумкин бўлган йўллари ни қидириб, Хабермас инсонлараро ўзаро ҳаракат — «интеракция» (коммуникация) муаммосига мурожаат қилган. Одамлар ўртасида ҳақиқий муомалани таъминловчи «чин» коммуникациянинг «ёлғон» коммуникациядан фарқи масаласига у асосий эътиборини қаратди. Шу аснода Хабермас 60—70-йиллар оралиғида кенг кўламли ижтимоий-фалсафий концепцияни таклиф этди. Бу концепция инсон ҳаётини икки соҳага — меҳнат (одамларнинг табиат билан ўзаро ҳаракати) ва «интеракция» (инсонлараро ҳамкорлик) соҳаларига ажратишга асосланган эди. «Билиш ва манфаат» (1968) асарида бу муаммо асосан методологик жиҳатдан қараб чиқилган. Хабермас манфаатнинг уч турини ажратиб кўрсатган: табиатшунослик ва техника фанлари ифодаловчи «техникавий» билиш манфаати («ташқи табиати») эгаллашга қаратилган «илмий-техник рационал-

лик»); «амалий» манфаат, у фан ва техникани қўллаш ва ривожлантиришнинг энг умумий йўналишини белгиловчи идеаллар ва мақсадларни ишлаб чиқарувчи инсонлараро «интеракция» соҳасини қамраб олади; «озод этиш» («эмансипация») манфаати, у техник воситаларнинг инсоний муносабатлар («интеракция») соҳасига кўчиши оқибатида юзага келадиган «бегоналашув» ва зулмнинг барча шаклларида халос бўлишга қаратилган инсоний уринишни акс эттиради. «Техника ва фан — идеология сифатида» (1968), «Жамият назарияси ёки ижтимоий технология» (1973) асарларида Хабермас ўзининг «меҳнат» ва «коммуникация» ўртасидаги узилиш тўғрисидаги ғоясини фалсафий-тарихий, ижтимоий-фалсафий ва социомаданий изоҳлаган ва асослаган. Хабермас икки жилдлик «Коммуникатив ҳаракат назарияси» (1981) асарида ўзининг концепциясини ғарб назарий социологиясининг Вебер ва Дюркгеймдан тортиб то Парсонгача бўлган эволюция жараёнига «ўрнатишга» ҳаракат қилган. Бунда меҳнат ва интеракция чуқур таҳлил қилинган. Бегоналашмаган «ҳаётий дунё» ва инсонлараро коммуникациянинг бу ҳаётий асосини «босиб олувчи», «техник рационаллик» қондасини ўрнатувчи замонавий («кейинги») капитализмнинг бегоналаштирувчи «тизими» антиномияси тўғрисидаги фикрлар Хабермаснинг олдинги концепциясини ўзига сингдирган.

**ХАЛҚ МАДАНИЯТИ** — махсус тайёргарлиги бўлмаган шахслар томонидан бунёд бўлган маданият. Халқ ижодининг муаллифлари одатда номаълумдир. Жумладан, афсоналар, эртаклар, достонлар («Гўрўғли», «Алпомиш» ва ҳ.к.), халқ ўйинлари, куй-қўшиқлари (лапарлар) ва б. Ижросига кўра халқ маданияти элементлари якка (масалан, бахшилар), гуруҳий (қўшиқ ёки ўйин ижроси) ёки оммавий (масалан, сайиллар, халқ байрамлари) кўринишга эга бўлиши мумкин.

**ХАРИЗМА** (юнон *charisma* — илоҳий неъмат) — баъзи етакчиларнинг издошларига ўзининг фавқулудда кучли қобилиятларига эга эканлигига ишонтира олиш қобилияти.

**ХАРИЗМАТИК ҲОКИМИЯТ** — етакчига содиқликка асосланган ҳокимият бўлиб, бунда унга олий қобилиятлар хос деб ҳисобланади.

**ХИЛЛАРГА АЖРАТИШ (ХИЛЛАШТИРИШ)** — социологик тадқиқот услуб. Унинг асосини кўплаб ижтимоий объектларнинг ўхшашлиги ва фарқларини

аниқлаш, уларни айнанлаштиришнинг (идентификация-ташнинг) ишончли услубларини топиш ташкил этади. Шунингдек умумлаштирилган, мавҳумлаштирилган (идеаллаштирилган) наъмуналар (моделлар) ёрдамида ижтимоий ҳодисалар хоссаларининг мустаҳкам мувофиқлиги қидириб топилади.

ХОБХАУС Леонард Трелони (1864—1929) — инглиз файласуфи, социологи, жамоат арбоби. Хобхаус энциклопедик билимга эга бўлган ҳолда, ўша пайтда янги бўлган социология фани жонкуярларининг биринчи авлодига мансуб эди. Унинг социология ҳақидаги концепцияси ижтимоий дарвинизм ва фалсафий эмпиризм таъсирида шаклланган. Лекин позитивизмдан фарқли ўлароқ социологияни фалсафадан тўла ажратиб олишга қарши эди. Хобхаус социологиянинг фалсафий манбаларини тадқиқ этган. У кўрсатган манбалар ичида сиёсий, ахлоқий фалсафа, тарих фалсафаси бор эди. Социологиянинг вужудга келишини Хобхаус физика ва биологиянинг ривожига ҳамда 19 аср охири — 20 аср бошларида фанда юз берган ихтисослашувнинг умумий жараёни билан ҳам боғлаб кўрсатган. Шунга қарамай, у социологиянинг бирламчи тавсифи деб услублар ва умуман дунёқарашнинг эмпириклигини тушунган, гўёки шундагина жамиятни реалистик тасвирлаш мумкин. Бу ўринда Хобхаус Контнинг позитив услубини эмпирик услубга тенглаштиради. Аммо ижтимоий ҳодисаларни социологик изоҳлаб бериш маълумотларни эмпирик изоҳлаш дегани эмас. Бундай изоҳлаш мақсад ва қадриятлар категориялари (тушунчалари) орқали амалга оширилмоғи керак. Бу «гуманизациялаштирилган позитивизм» концепцияси эди. У ўзида иккита қондабаҳоловчи фикрлардан объектив эркинлик ва қадрий-норматив тушуниш қондаларини бирлаштирар эди. Хобхаус ижодининг хусусиятларидан бири шуки, унда ижтимоий ривожланишни тушунишга, унда ақл-идрок ва ахлоқнинг аҳамияти муаммоларига катта эътибор берилган. Хобхаус 19 аср охиридаги эволюцион этика анъаналарини давом эттиради. У ижтимоий эволюция асосан биологик омиллар асосида юз беради деган гояга қарши чиққан. Унинг фикрича, ижтимоий тараққиёт яшаш учун шафқатсиз кураш билан эмас, ақл-идрок ҳокимлигининг тарқалиши ва ахлоқий такомиллашув билан боғлиқ. Айнан шу нарсалар инсонлар ассоциацияларининг уйғунлашувида восита ҳисобланади. Ўз-ўзини назорат қилувчи инсонийлаштирилган оқило-

налик — бу ақл-идрок бўлиб, у ривожланишнинг ўзини маънавий ва қадриятлар нуқтаи-назаридан бошқаради.

ХОМАНС Жорж Каспар (1910) — америкалик социолог, психолог, ижтимоий айирбошлаш (алмашув) концепцияси муаллифларидан бири. Дастлабки асарларида Парето ғоялари, шунингдек структурали-функционал ёндошув тарафдори бўлган. «Инсон гуруҳи» асарида ижтимоий гуруҳни тизимли таҳлил қилишнинг қатор қондаларини ифодалаб берган. Хоманс «ташқи тизим» (гуруҳий фаолиятнинг ташқи шароитлари) ва «ички тизим» (унинг элементлари — «фаолият», «ҳис-туйғулар», «ўзаро ҳаракат», «меъёрлар») тушунчаларини киритган. 60-йиллардан бошлаб у структурали функционализмга қарши ижтимоий айрибошлаш концепциясини яратди. Хоманс шундай хулосага келдики, функционаллик концепцияси инсонни унутди, ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг энг оддий жараёнларини тан олмади. макросоциал тузилмалар ва институтлар ролини бўрттириб юборди. Аслида айнан субинституционал даражани ўрганиш, Хоманс фикрича, жамият меъёрий-қадрий тузилмасининг шаклланиши механизмларини очиб беради. Социологиянинг «рол», «мақом», «конформизм», «ҳокимият» ва бошқа тушунчалари функционализмда қабул қилинганидек, макросоциал тузилмалар (структуралар) ҳаракати билан эмас, балки улар туғдирадиган ижтимоий муносабатлар нуқтаи-назаридан тушунтириш зарур. Зеро, ижтимоий муносабатлар моҳияти, Хоманс фикрича, кишиларнинг мукофот ва фойда олишга ва уларни айирбошлашга интилишда кўринади. Хоманс социологик концепциясининг иккинчи муҳим нуқтаси — тушунтиришнинг ўзига хос моделидир. Хоманс кейинги мантиқий позитивизмда қабул қилинган меъёрлардан келиб чиқиб, мавжуд социологик назарияларни (структурали функционализм, марксистик назария ва б.) ноилмий деб билиб инкор этган, гўёки улардаги тушунчалар катъий келиб чиқарилган аниқликларга эга эмас, эмпирик тарзда асосланмаган. Бу ҳолдан чиқиш учун, Хоманс фикрича, психологиядан умумий тушунтирувчи қондаларни ўзлаштирамоқ зарур. Ижтимоий фанларнинг қондаларини психологик даражага тадбиқ қилиш мумкин бўлганлиги учун бихевиористик психология уларнинг пойдевори бўлмоғи керак. Бу билан Хоманс социологияни психологияга бириктириб бўлмаслиги тўғрисидаги Дюркгейм илгари сурган ва кўп йиллар ғарб социологиясининг тамал

тоши бўлган қондани инкор этди. Бихевиористик психология қондаларига ва микроэкономиканинг баъзи хулосаларига таяниб, Хоманс инсоннинг қадриятлари «мукофотлар» ва «жазоларга» боғлиқ бўлган ҳатти-ҳаракатнинг олти қонуниятини шакллантирган. Улардан ижтимоий ташкилотларнинг ва инсон ижтимоий ҳатти-ҳаракатининг турли хилларини дедуктив келтириб чиқариш ва изоҳлаш мумкин. Умуман, Хоманснинг социологик концепцияси академик социологиянинг ҳақиқий наъмунасидир, зеро унда асосий вазифа деб соф билиш муаммоси, яъни ҳақиқатни излаб топиш ва умумий (универсал) ижтимоий қонуниятларни очиш ҳисобланган.

**ХОРКХАЙМЕР** Макс (1895—1973) — немис файласуфи ва социологи, Франкфурт мактаби асосчиларидан бири. Э. Фромм илгари сурган «авторитар шахс» ғоясини ривожлантирган. Шу асосда оила ва авторитетга бағишланган тадқиқотларнинг кенг дастурини таклиф этган. Бу тадқиқотлар 1936 йилда бошланган бўлиб, урушдан сўнг давом эттирилган (аввал АҚШда, сўнгра Германияда). 1947 йилда Хоркхаймер Адорно билан бирга «Маърифат диалектикаси» асарини чоп этган, бу асар Франкфурт мактаби фалсафий — социологик ғояларининг дастуруламал ифодаси бўлиб қолди. Бу китобнинг асосини ғарбий-европача («буржуача») ақл-идрокнинг «ақлдан озганлиги» тўғрисидаги ғоя ташкил этади. Бунинг сабаби ҳокимиятга бўлган интилиш бўлиб, у инсондан ташқари ва унинг ўзидаги барча «табiiйликни» сўндиради. Китобда Ницше ва Шопенгауэр ғояларининг таъсири ҳам сезилади. Хоркхаймер «Идрокнинг заифлашуви» (1947) асарида ҳам ўз концепциясини ривожлантирган. Урушдан кейинги кўпгина асарларида у АҚШ ва Германияда ҳукмрон бўлган социологик методологияни танқид қилган. Хоркхаймер замонавий «сўнгкапиталистик» жамиятнинг шавқатсиз («шахсга қарши қаратилган») кўринишларини кескин танқид остига олган. Бундай танқид ижтимоий-иқтисодий соҳанигина эмас, балки маданий соҳани (айниқса «оммавий маданиятни») ҳам назарда тутмоғи лозим эди. Хоркхаймер бор ишончини «танқидий фикрловчи зиёлиларга» қаратган. Маълумки, Маннгейм ҳам бутун умидни интеллигенция билан боғлаган, уни жамиятда «эркин парвоз қилувчи», ҳақиқат табақаси» деб атаган эди. Хоркхаймер наздида эса зиёлилар (интеллигенция) бир вақтнинг ўзида

«сўнг буржуа» жамияти ижтимоий зиддиятларининг бутун бир «ялпилиги» билан боғланган ва озоддир. 60—70 йилларда Хоркхаймер сўл радикал социология ҳолатидан келиб чиқиб, ғарбий социологиясини «бошдан-оёқ буржуача» ва шунинг учун тузалмас позитивизм билан йўғрилган, у фақатгина фош этилишга лойиқ деб ҳисоблаган. Бундай қараш ғарбда ҳукмрон бўлган социологик методологияни феноменологик танқид қилишга ҳам таъсир кўрсатган эди. 70-йиллар охирида Хоркхаймернинг ва умуман франкфурт мактабининг ғоялари сусая бошлаган.

## Ц

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лот. *civilis* — давлатга хос) — жамият ривожига босқич; меҳнат тақсимоти билан боғлиқ ижтимоий ва маданий ривожланиш даражаси.

## Ч

ЧИКАГО МАКТАБИ—социология фанининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатган ва америка социологиясида 1915—1935 йиллар орасида ҳукмрон мавқега эга бўлган мактаб. Чикаго мактаби А. Смолл (1854—1926) бошқарган дунёда биринчи социология факультети (1892) асосида шакллана бошлаган. Дастлаб у А. Смолл, Ж. Винсент ва У. Томас фаолияти билан боғлиқ бўлди. Чикаго мактабининг оёққа туришида америка социологияси асосчилари — Л. Уорд, У. Самнер, Ф. Гиддингс, Ч. Кули, шунингдек Ж. Дьюи ҳам катта хизмат кўрсатдилар. Айнан шу даврда (1895) дунёда дастлабки социологик журнал («Америка социология журна-ли») ва Америка социология жамиятига (1905) асос солинди. Чикаго мактаби эмпирик тадқиқотларни назарий ҳулосалар билан мувофиқлаштира олганлиги, кенг назарий йўналганлиги, турли услублар ва ёндошувларни бирлаштира олганлиги билан ажралиб туради. 40-йиллардан бошлаб Чикаго мактаби ўз мавқеини йўқотиб, энди Гарвард ва Колумбия университетлари ташаббусни ўз қўлларига ола бошлаганлар.

**ШАХС** — одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол ҳатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди.

**ШАҲАР** — жамият мавжудлигининг тарихий-муайян, ижтимоий-мақоний шакли.

**ШАҲАР СОЦИОЛОГИЯСИ** — социология фанининг урбанизация, яъни жамият ҳаётида шаҳар ролининг ошиб бориши жараёнидаги ижтимоий жараёнларни ўрганувчи соҳаси. Шаҳар социологияси АҚШда Парк, Бержесс асослаб берган Чикаго иқтисодий мактаби (1918—1939) доирасида социологиянинг алоҳида соҳасига айланди. Шаҳар социологиясининг асосий услублари — статистик ахборот йиғиш, картография тузиш, интервью ва бевосита кузатув.

**ШЕЛЕР** Макс (1874—1928) — немис файласуфи ва социологи, билим социологияси асосчиларидан бири, социологияда антропологик йўналиш асосчиси. Шелер қарашлари неокантчилик, ҳаёт фалсафаси, Гуссерл феноменологияси таъсирида ривожланган. Шелер социологияси фалсафий-антропологик асосга эга. Унга мувофиқ ҳар бир «ҳақиқий инсоний ҳаракат» (акт) азалдан «иккиламчидир»: у бир вақтнинг ўзида руҳий ва инстинктлидир. Шунга мувофиқ бу акт маънавий мазмунга ёки «ҳаётий мазмунга», «виталликка» қаратилган бўлиши мумкин. Шунга мос равишда Шелер социологияни «реал социологияга» ва «маданият социологияси»га бўлган. «Реал социология» келиб чиқиши зарур бўлган бирламчи «муайян далил» — бу индивидлар танасининг ташкилоти ва табнатга муносабатларидир. Индивидларнинг тана ташкилоти деганда Шелер аввало инсоннинг инстинктуал, яъни туйғулар тузилмасини тушунган: очлик туйғуси, унингсиз хўжаликни тасаввур этиб бўлмайди; жинсий туйғу, усиз никоҳни тушуниш мумкин эмас; «ҳокимият туйғуси», усиз давлат ва унга ўхшаш «бирикмаларни» тушуниб бўлмайди. Шелер туйғуларни кишилараро муносабатларни бириктирувчи ижтимоий институтлар билан боғлиқ равишда қараб чиқиш кераклигини уқтирган. Уларни махсус таҳлил қилишни эса фалсафий антропология доирасида

амалга ошириш зарур. «Базис социологияси» ва «уст-қурма социологияси»ни бир-биридан фарқлар экан, Шелер амалий «ҳаёт» ва маънавий «маданият» соҳаларининг мустақиллигини кўрсатмоқчи бўлган. Агар витал-туйғули инсон фаолиятининг «мантиғи» — тақдир «мантиғи» (туғилиш ва ўлиш, ривожланиш ва қариш тартиби бўлса, маънавий маданият соҳасидаги ҳукмрон қонун — бу «маъно мантиғидир». Мана шу икки қутбга мувофиқ социологик ҳодисаларнинг «типологик тавсизлари» берилиши керак. Инсон ҳаётининг ҳар бир ҳодисаси туйғули-витал ва маданий-маънавий асосларнинг ажралмас бирлигидан иборат. Бу феноменлардан ҳар бири инсонлараро алоқалар ва муносабатлар майдонида вужудга келиши ва мавжуд бўлишига қараб гуруҳларга бўлинади. Социологиянинг предметини эса ҳам витал, ҳам маданий ҳодисаларнинг ижтимоий детерминациялари (сабабий алоқадорлиги) ташкил этади. Шунинг учун социология инсон мавжудлигининг турли (реал ва маънавий) жиҳатларини «биргаликда белгилайди». Шелер таълимоти XX аср ғарб социологиясига, шу жумладан унинг ўнг консерватив (Гелен, Шельски) ва сўл радикал (француз мактаби) кўринишидаги антропологик йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатган. Ғарбдаги «Вебер ренессанси» юз бераётган ҳозирги шароитда тадқиқотчилар, М. Веберга муқобилни айнан Шелер социологиясидан изламоқдалар.

**ШЕЛЬСКИ** Хелмут (1912—1984) — немис социологи, социологияда антропологик йўналиш вакили. Шельски асосан ижтимоий институтларни тадқиқ қилган. Ижтимоий институтлар дастлаб эҳтиёжларни «асосий», «витал» тарзда, уларни қондириш асосида эса маданий — қондириш учун вужудга келади. Институтлар нақд эҳтиёжларни бажаришда бир-бирига восита ҳисобланади. Субъективлик талаблари ва институтлар турғунлиги ўртасидаги мувозанатни янги ҳукмрон синф сифатида майдонга чиққан «рефлексия элитаси», «ақл эгалари» бузиши мумкин. Улар одамлар учун ҳаёт мазмунини ифодаловчи йўналиш беришлари мумкин, аммо ўзлари ҳукмронликка даъво қиладилар. Шу тариқа институтлар уйғунлиги бузилади, чунки кишиларнинг институционал қарамлиги ошади. Шунингдек, субъектив эркинликдан дарз кетади. Зеро, индивидлардан ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ўрнига кишилар янги «инқилобий» халос этишнинг йўлбошчилари эъти-

қодига мажбур қилинадилар. Шунинг учун субъектив эркинлик ва объектив зарурият туғдирган институционал мажбурлашни ўзаро боғлай оладиган бирдан-бир сиёсий механизм, бу—ҳуқуқдир. Шельскийнинг «ақл эгаларини» танқиди социологияни танқид билан боғлиқ. Шельски фикрича, социология индивидни ўз тақдирини ўзи белгиловчи субъект деб эмас, балки ижтимоий бир бутунликнинг зарчаси деб билади. Шельски социологиянинг тузилмаси ва асосларини қайта кўриб чиқишга уринган. Хусусан 50-йиллар охирларида қуйидаги хулосаларга келган: эмпирик тадқиқотларни категориялар тизимида бирлаштирувчи умумий социологик назария зарур; унинг устига эса социологик тафаккурни ижтимоий мавжудлик шароитлари билан алоқада олиб қаровчи «трансцендентал назария» яъни ижтимоийликнинг (социалликнинг) танқидий назарияси қурилади. Демак, «эмпирик тадқиқотлар» — умумий социологик назария — «трансцендентал назария» кўринишидаги чизма ҳосил бўлади. Шельски Германиядаги энг йирик социологик мактаблардан бирини яратди, ҳозирда катта обрўга эга бўлган бир қатор социологлар унинг шогирдлари ҳисобланадилар.

**ШЕФФЛЕ** Альберт Эберхард Фридрих (1831—1903) — австриялик иқтисодчи, социолог ва давлат арбоби. Социологияда органистик мактаб тарафдори бўлган ҳолда, Шеффле ўз концепциясида Конт ва Спенсер қарашларини немис классик идеализми (Гегель ва б.) ғоялари билан боғлаган. Жамиятнинг органик бирлигини ўзаро ҳаракатдаги субъектив интилишлар ва баҳоларнинг «жамоавий онг» га, «халқ руҳи» га айланиши натижаси деб билган. «Ижтимоий гавда» белгиси бўлиб, Шеффле фикрича, индивидларнинг рамзий ва техник ҳаракатларида моддийлашадиган идеал, маънавий-руҳий алоқалари ҳисобланади. Шеффле тобора биоорганик ўхшатмалардан кам фойдаланиб, идеалистик ғояларга кўпроқ аҳамият бера борган. Иқтисодий назарияда иқтисодий ҳаётнинг ахлоқий табиатини таъкидлаган, давлатнинг иқтисодга ҳар қандай аралашувини «социализм» деб атаган, пролетариат ва буржуазия ўртасида ҳамкорликка чақирган.

**ШҚАЛАЛАР** (лот. *scala* — зинапоя) — социологик сўров, кузатиш ёки ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида йиғиладиган ижтимоий ахборотни баҳолашдаги инструментнинг (воситанинг) ўлчанадиган қисми.

**ШПЕНГЛЕР** Освальд (1880—1936) — немис файла-

суфи ва тарихчиси, замонавий маданият фалсафаси асосчиларидан бири, «ҳаёт фалсафаси» вакили. Шпенглернинг тарих фалсафаси баён қилинган асосий асари—«Европа қўёшининг ботиши» (1918—1922) ҳисобланади. Бу асарда муаллиф ғарбий-Европа цивилизациясининг «муқаррар» ҳалокатини «башорат қилган». Умуман, Шпенгларнинг тарих фалсафаси маданиятнинг ўзига хос таърифлаш асосида қурилган. Бунда маданият биринчидан, ягона умуминсоният маданияти сифатида эмас, балки ҳар бири ўзининг хусусий «ҳаётни ҳис қилиш» услубига асосланган саккизта маданиятдир: Миср, Византия, Араб, Юнон—Рим, Бобил, Хитой, Ҳинд, Майя, «уйғонаётган» Рус—Сибир маданиятлари. Иккинчидан, унинг ички ривожланиши қатъий биологик ритмга (тугилиш ва болалик, ёшлик ва кучга тўлиш, кексалик ва сўлиш) бўйсунди. Ҳар бир маданиятнинг эволюциясида иккита босқич мавжуд бўлади: маданиятнинг асосий юксалиш босқичи (хусусан «маданият») ва унинг пасайиши босқичи («цивилизация»). Сўнгги маданият цивилизацияга асосланади. Инсон ҳаётининг барча соҳаларида — ижтимоий ва сиёсий, диний ва ахлоқий, бадий ва илмий соҳаларда юз берадиган «органистик» хилдаги эволюция «маданият»нинг хусусиятини белгилайди. «Цивилизация» эса маданият органистик ҳаётининг «қотиб қолиши» ва барбод бўлишидан иборат бўлган «механистик» хилдаги эволюция хусусиятига эгадир. Маданиятнинг ижодий асосларининг «қотиб қолиш» даври «оммавийлашув» жараёнлари билан бирга кечади. Бундай «оммавийлашув», Шпенглер фикрича, инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб боради. Бу эса ўз навбатида «цивилизация» одами ҳаётида макон қондасининг вақт қондасига ҳукмронлигини билдиради. Бу «цивилизация» мавжудлигининг олий мазмуни бўлган жаҳон урушларида ўз ифодасини топади. Бундай урушларнинг мақсади ғолиб давлатнинг дунё устидан ҳукмронлик қилишидир. Шунинг учун цивилизацияни «Цезар» ифода этади. «Цивилизация» босқичида барча маданиятларнинг ўз Цезари бўлади. Шпенглар фикрича, жаҳонга ҳукмронлик қилиш учун олиб борилган саноқсиз урушлар маданиятнинг ўз-ўзини инкор этиши ва ўлими шаклидир. Умуман, Шпенгларнинг концепцияси тақдир ғояси билан йўғрилган ва ўз вақтида Германияда «миллий-социалистик» деб аталувчи дунёқараш учун ақлий «иқлимни» тайёрлашда ўз ҳиссасига эга бўлган эди. Консерватив

— миллатчилик йўналишидаги ижтимоий файласуф бўлишига қарамай, Шпенглернинг таълимоти XX асрнинг кўпгина файласуф ва социологларига (жумладан, Хайдеггер, Ортега—И—Гассет) таъсир кўрсатган эди.

ШЮЦ Альфред (1899—1959) — австриялик файласуф ва социолог, Гуссерлнинг издоши, феноменологик социология асосчиларидан бири. Трансцендентал феноменологиянинг ўзига хос тахминини асослаган. У феноменологиянинг Хайдеггерча экзистенциалистик изоҳига яқин эди. М. Вебер, Ж. Мид, Бергсон, Жемснинг тасвирловчи феноменологик услубидан фойдаланиб, Шюц ўзининг тушунувчан социология гоясини илгари суради. Унда инсоннинг ижтимоий дунё тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиш жараёнлари кўриб чиқилган. Бу жараёнлар индивидуал субъектнинг кечинмали оқимида шаклланадиган алоҳида субъектив маънолардан тортиб юқори даражадаги интерсубъектив қурилмагача бўлган оралиқни ўз ичига олади. Шу тариқа Шюц Гуссерл томонидан қўйилган вазифа-мавҳум илмий тушунчаларни ҳаётий дунё, кундалик билим ва фаолият дунёси билан боғлаш вазифасини (ижтимоий билим соҳасига нисбатан) ечишга уринди. Амалда вазифа—индивидлар субъектив тажрибаси асосида вужудга келадиган ижтимоий ходисаларнинг (феноменларнинг) объективлик жараёнини тушунишдан иборат эди. Шюц шу тариқа индивидуал тажрибанинг муқаррар чегараланганлиги ва ўзига хослиги идеаллаштиришнинг кундалик ўзаро таъсири туфайли ҳал қилинишини кўрсатишга уринган. Идеаллаштиришнинг ўзаро таъсири натижасида кундалик ҳаётда объектларни, шахсларни, фаолият сабабларини қабул қилишнинг стандартлаштирилган (бирхиллаштирилган) типологик тузилмаси ҳосил бўлади («биринчи тартибдаги конструктлар»). Улар объектив илмий тушунчалар («иккинчи тартибдаги конструктлар») шаклланишининг асоси ҳисобланади. Шу тариқа фан кундалик ҳаёт билан боғланади; илмий тушунчалар кундалик билим ва фаолият пойдеворига эга бўлади. Шу вақтнинг ўзида фан ўзининг имтиёзли ҳолатини йўқотади, ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги ниҳоятда объектив ва ҳаққоний фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Фан кундалик ҳаёт доирасида шаклланадиган ва кундалик амалий фаолият эҳтиёжларини қондирадиган институтлардан бири холос. Шюц фикрига кўра, илмий билим соҳаси—кўпчилик «тажриба дунёларидан» бири. Бошқа шундай «дунёлар»—бадий афсунгар (фан-

тазия) дунёси, диний эътиқод дунёси, руҳий касаллик ва ҳ.к. Бу дунёлардан ҳар бири тажриба ва маълумотларнинг йиғиндисидир. Бу умумлашма «когнитив услуб» билан аниқланади ҳамда бу услубга нисбатан ягона ва зиддиятсиз бутунни ташкил этади. Когнитив услуб — мураккаб нарса бўлиб, ўзида объектлар ва ҳодисалар тажрибасидаги маълумотларнинг мавжудлик муаммоларини ўзига хос ҳал этишни, инсон фаоллиги намоён бўлишининг ўзига хослигини уйғунлаштиради. Шюц кўрсатишича, инсон субъективлиги энг тўлароқ ва мунтазам равишда кундалик ҳаёт дунёсида амалга оширилади. Кундалик ҳаёт-дунёни ҳис этиш ва тафаккур этишни билдирадиган тажриба соҳаларидан бири. Кундалик ҳаёт «олий мавжудлик» бўлиб, унинг асосидагина тажрибанинг бошқа дунёлари шаклланиши мумкин.

## Э

**ЭГАЛИТАРИЗМ** (фр. *egalité* — тенглик) — тарихан буржуа инқилоблари давридан бошлаб кенг тарқалган ялпи тенглик ҳақидаги концепция (таълимот). Эгалитаризм умумий тенглаштиришни ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг қондаси сифатида қарайди ва у ижтимоий утопиядир.

**ЭГОИЗМ** (лот. *ego* — мен) — ўзининг шахсий манфаатларини бошқалар манфаатларидан устун қўйиш, фақат ўзини кўзлаш.

**ЭКВИВАЛЕНТ** (юнон. *aequivalens* — тенг қимматга эга) — бошқа нарсаларга бирор-бир муносабатда тенг қимматга эга бўлган миқдор ёки муносабат.

**ЭКЗИСТЕНЦИЯ** (лот. *existentia* — мавжудлик) — объект ва субъектнинг бир-биридан ажралмаган яхлитлиги. Экзистенция—экзистенциализм таълимотининг марказий тушунчасидир.

**ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШИ УСЛУБИ** — сўров ўтказилаётган соҳа бўйича эксперт сўрови ўтказиш ва соҳа мутахассислари фикрини олиш йўли билан социологик ахборот олиш услуби.

**ЭКСТРЕМИЗМ** (лот. *extremus* — энг кескин) — кескин қарашларга, чораларга интилиш (сиёсатда).

**ЭЛИТА** (фр. *elite* — энг сара) — ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият, фанни ривож-

лантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Ницше қарашларида баён қилинган бўлиб, тизимли бир кўринишга XX аср бошларида В. Перето, Г. Моска, Михельс таълимотида эга бўлди. Ҳозирги ғарб социологиясида элита турли хил кўрсаткичларга кўра олиб қаралди. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жиҳатдан энг фаол одамлар (Моска), жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга одамлар (Х. Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи ижодий қисми (Тойнби), энг маълакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги олий хизматчилар (технологик детерминизм) каби изоҳланади. Ҳозирги замон социологияси элита назарияси Миллс, Рисмен, Белл қарашларида ўз ифодасини топган.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** (лот. **emancipatio** — озод бўлиш) — барча эскирган кўникмалар, қарашлар, тобелик ва жабр-зулмдан озод бўлиш.

**ЭМИГРАНТ** — ўз мамлакатидан бошқа бирор мамлакатга турли сабаларга кўра кўчиб ўтувчи шахс.

**ЭМИГРАЦИЯ** (лот. **emigrare** — кўчиб кетиш) — Бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиш.

**ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИЯ** — махсус услублар (сўровлар, анкета усули, интервью олиш, тажриба, математик ва статистик услублар ва ҳ.к.) ёрдамида ижтимоий ҳаётнинг муайян далилларини йиғиш ва таҳлил қилишга қаратилган социологик тадқиқотлар мажмуи. Дастлабки эмпирик тадқиқотлар (XIX аср) ижтимоий статистиканинг таркибий қисми сифатида амалга оширилган. Ҳозирги кўринишда у XX аср 20—30 йилларида АҚШда шаклланди, сўнг бошқа ғарб мамлакатларига тарқалди. Вебер, Дюркгейм, Теннис ижодида хусусий қизиқиш сифатидаги ривожланган эмпирик социология Лазарсфельд ва бошқа социологлар қарашларида умуман социология фанининг тимсолига айланиб қолди, у энди назарий социологиядан фарқли соҳага айланди, назарий хулосалар ўрнига математик услубларни кенг жорий этмоқда.

**ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ** — ўрганилаётган ижтимоий ҳодисалар, объектлар ва жараёнлар учун хос бўлган, лекин шу билан бирга юз берган воқеаларни бевосита ёки билвосита қайд этиш воситасида ижтимоий далилларни (фактларни) аниқлаш ва умумлаштириш.

**ЭНГ КАТТА (ГЕНЕРАЛ) СИГИМ** — социолог ўз

хулосаларини тадқиқ этишни мўлжаллаётган сифим, яъни тадқиқот элементларининг (одамлар, оилалар, автомобиллар ва ҳ.к.) чекли ёки чексиз гуруҳи. Бу гуруҳни ўрганиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

**ЭРКИН ТАНЛАШ** — эҳтимоллиги асосланмаган эмпирик танлаш. Бунда танлаш тасодиф асосида шаклланади ва бирор ҳодисани танлаш бошқасига таъсир қилмайди (масалан, «биринчи дуч келгани танлаш»).

**ЭСКАПИЗМ** (фр. *escapade* — лол қилувчи қилиқ) — ижтимоий воқеликдан, ижтимоий ҳаётда барча томонидан эътироф этилган меъёрлардан бош тортишга урinish.

**ЭТНИК ГУРУҲ** — асосий қисми бошқа ижтимоий организмда бўлган этнос (қабила, элат, миллат) қисми. Этник гуруҳлар яхлит ёки бўлак-бўлак (диаспора) ҳолатда бўлиши мумкин.

**ЭТНОМЕТОДОЛОГИЯ** (юнон. *ethnos* — халқ, *met hodos* — услуб ва *logos* — таълимот) — америка социологиясидаги назарий ва методологик йўналиш бўлиб, у этнография ва ижтимоий антропологияни ижтимоий фанларнинг умумий методологиясига айлантиришга асосланган.

**ЭТНОЦЕНТРИЗМ** (юнон. *ethnos* — халқ ва лот. *centrum* — доира маркази) — жамиятга нисбатан маълум бир гуруҳни (одатда ўз гуруҳини) марказий деб билиб, қолган барча гуруҳларни шунга мос равишда тушуниш.

**ЭҲТИЁЖЛАР** — инсон жисми, шахси, ижтимоий гуруҳ ва умуман жамиятнинг ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган нарсаларга нисбатан талаб.

**ЭҲТИМОЛЛИ ТАНЛАШ** — энг катта (генерал) сифмдаги тақсимланиш қонунини ўзида акс эттирувчи танлаш.

## Ю

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ** (тахминан 1019/1021 — вафот этган йили номаълум) — туркий халқларнинг буюк адиби, олим ва мутафаккир, «Қутадғу билиг» фалсафий-дидактик достонининг муаллифи. Бу достон учун у Қорохонийлар ҳукмдорларидан бўлган Тамоғочхондан Хос ҳожиб (эшик оғаси) мартабасини олган. Мутафаккир ўз замонасининг илм-фанини мукамал ўрганган. У туркий, арабий ва форсий шеъриятни ҳамда фольклорни

яхши билган, Шарқ ва юнон фалсафаси, илми нужум, хандаса, тиб сирлари, дунё тузилиши ва инсон психикасига онд чуқур билимларга эга бўлган. Юсуф Хос ҳожибни бутун оламга танитган асар — «Қутадғу билиг»-дир. «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») — туркий тилда битилган биринчи бадий асардир. У қорахонийлар салтанатига кирувчи ҳудудда яшаган қабилалар, элатлар учун тушунарли тилда яратилган бўлиб, ҳозирги туркий халқлар учун муштарак ёдгорликдир. «Қутадғу билиг» — давлатни идора қилиш усули, қонун-қоидалари, сиёсати ва мафкураси, турли ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг мавқеи ва муносабатлари, ахлоқ ва одобларини ифода этувчи ўзига хос низомномадир. Асар 13 минг мисра (муқаддимадан ташқари), 73 бобдан иборат. Достоннинг сюжети 4 рамзий қаҳрамон (Қун туғди, Ой тўлди, Уғдулмиш ва Узўрмиш) ўртасидаги баҳс ва мунозара асосига қурилган. «Қутадғу билиг»-нинг яратилишида Ибн Синонинг ахлоқий таълимоти ва Фирдавсий «Шоҳнома» сининг таъсири катта бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг социологик тасавурлари дostonда ўз ифодасини топган. Унда турли синфлар ва табақалар, уларнинг турмуш тарзи, манфаатлари баён этилади. Бундан ташқари асарда инсон фаолияти, ҳаттиҳаракати тўғрисида сўз юритилади. Мутафаккир ҳаётий масалаларда диний эътиқодларга асир бўлиб қолмасликка чақиради. Эзгу орзуларга фақат тоат-ибодат билан етишиб бўлмаслиги, бунинг учун кўп эзгу ишлар қилиш, фойдали фаолият кўрсатиш керак, деган фикрни илгари суради. Юсуф Хос Ҳожиб асарда ижтимоий тенгсизлик муаммосини таҳлил қилишга уринган. Барча имтиёзлардан маҳрум қашшоқ — камбағал табақалар аҳволи очиб берилган. Ҳоким табақа вакиллари камбағалларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсоф-адолатли, тоъбаёлар эса ҳокимларга садоқатли бўлиши зарурлиги, бирдамлик ўрнатилиши кераклиги уқтирилади. Шу йўлда баъзан ўтмишни идеаллаштириб, утопик фикрлар билдирган.

## У

ЎЗГАРУВЧАН БЕЛГИ — ўрганилаётган бирлик хусусиятлари (жинс, ёш, касб ва ҳ.к.).

ЎЛЧАГИЧЛАР — ижтимоий ҳодисаларни, жараёнларни, тизимларни, уларнинг хоссалари ва муносабат-

ларини миқдорий баҳолашлар ёрдамида ўрганиш услуби.

**УРТА ҚАТЛАМ (СИНФ)** — жамиятнинг асосий гуруҳлари ўртасидаги оралиқ ҳолатга эга бўлган ижтимоий гуруҳ.

## Қ

**ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚОТ** — социологик тадқиқот тури бўлиб, бунда турли йўл билан олинган ахборотни солиштириш асосий усул ҳисобланади. Бунда тарихий ривожланишнинг турли даврларида, турли ижтимоий тизимлардаги, турли муаллифлар ёки тадқиқотчи жамоалар тўплаган маълумотларни тўплаш ёки ўлчашнинг турли услублари ёрдамида ахборот олиш йўллари тан олинади.

**ҚИСМЛАШТИРИЛГАН ТАНЛАШ** — эҳтимолли танлаш тури бўлиб, бунда кузатиш бирликларини саралаб олишдан олдин энг катта (генерал) сизим бир хилдаги қисмларга ажратилади.

**ҚИШЛОҚ** — жамият мавжудлигининг тарихий-муайян, ижтимоий-маконий шакли.

**ҚИШЛОҚ СОЦИОЛОГИЯСИ** — жамият аъзоларининг ижтимоий-ҳудудий бирликларга бўлиниши, қишлоқ ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари — тарихий анъаналари, аҳолининг урф — одатлари, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари, меҳнат тақсими, турмуш, ўзаро муносабатлардаги ўзига хос қарашларни ўрганиш зарурати асосида XX аср 20—30 йилларида вужудга келган соҳа. Бу соҳада ғарб социологиясида П. Сорокин, К. Циммерман ва К. Гэлпинлар дастлабки тадқиқотларни олиб борганлар. Қишлоқ социологиясида ҳозирда аграр соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатининг динамикаси, қишлоқ инфратузилмаси ва қишлоқ аҳолиси таркибидаги табақалашув (дифференциация) жараёнлари, давлатнинг қишлоқдаги сиёсатининг амалга оширилиши муаммолари ўрганилмоқда. Мамлакатимизда 60 % аҳолининг қишлоқларда истиқомат қилиши қишлоқ социологиясининг ривожига эҳтиёжни ошириб юборди ва у социология фанимизнинг долзарб соҳасига айланмоқда.

**ҚЎЛГА ҚИРИТИЛУВЧИ МАҚОМ** — индивид томонидан унинг индивидуал танлаши, шахсий саъй-ҳаракатлари ва бошқа индивидлар билан рақобати туфайли эгалланадиган ва мустақкамланадиган ижтимоий ҳолат.

**ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАР АНИҚЛИГИ** — тадқиқот давомида олиган маълумотларнинг ўрганилаётган бутун аҳоли ҳақидаги маълумотларга мос келиши ва бу маълумотларнинг ишонарлилиги.

## Ҳ

**ҲАЁТ ДАРАЖАСИ** — ҳаёт сифатига нисбатан одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришнинг миқдор сифатини ифодаловчи тушунча.

**ҲАЁТ РАҒБАТИ (СТИМУЛИ)** — шахс ёки ижтимоий гуруҳ ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атворининг маълум хили бўлиб, у мустаҳкам ва қатъий равишда қайта шаклландиган хусусиятлар, одатлар, таъб, дидни қайд этади, ифодалайди.

**ҲАЁТ СИФАТИ** — ҳаёт даражаси ва стандарти (наъмунаси) билан солиштириганда одамларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг сифат жиҳатини ифодаловчи тушунча.

**ҲАЁТ ТАРЗИ** — одамларнинг маълум ижтимоий, иқтисодий, маданий шароитларда шаклланган ҳаётий фаолият услуби бўлиб, уларнинг муомаласи, хулқ-атвори ва тафаккур тарзида намоён бўлади.

**ҲАРАКАТЧАНЛИҚ ИНТЕНСИВЛИГИ** (лот. *intensio* — муттасиллик, кучайиш) — ижтимоий ҳаракатчанликнинг хусусиятларидан бири бўлиб, у тик (вертикал) ва ёнлама (горизонтал) йўналишда маълум вақт оралиғида ижтимоий ҳолатини ўзгартирувчи индивидлар сонини англатади.

**ҲАРАКАТЧАНЛИҚ ТЕЗЛИГИ** — ижтимоий ҳаракатчанлик хусусиятларидан бири. У индивид маълум вақт оралиғида ўз ҳаракатида юқорига ёки қуйига ўтадиган тик (вертикал) ижтимоий оралиқ ёки қтисодий, касбий ва сиёсий қатламлар (стратлар) сонини, миқдорини ифодалайди.

**ҲАРБИЙ СОЦИОЛОГИЯ** — социологияда армияни, ҳарбий институтларни ижтимоий ташкилот сифатида, уларнинг бошқа ижтимоий институтлар, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганувчи соҳа.

**ҲОКИМНИЯТ** — алоҳида шахс, бир гуруҳ одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иро-

дасини ўтказиши ва уларнинг ҳаракатларини бошқариш. Ҳокимият тушунчаси сиёсий социологиянинг асосий категорияларидан бир бўлиб, у сиёсий институтлар, сиёсат ва давлатнинг моҳиятини англаш учун йўл очади. Ҳокимиятнинг сиёсий тизимлардаги аҳамиятини пулнинг иқтисодий тизимлардаги ўрнига қиёслаш мумкин (Парсонс). Ҳокимиятни шунингдек одамлар ва ижтимоий гуруҳлар фаолияти ва ҳатти-ҳаракати хусусиятига ва йўналишига таъсир кўрсата олиш қобилиятини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар шакли дейиш ҳам мумкин. Бунда таъсир ўтказиш иқтисодий, мафкуравий ва ташкилий-ҳуқуқий воситалар, шунингдек обрў-эътибор (авторитет), анъаналар ёки куч ишлатиш ёрдамида амалга оширилади. Ҳокимият назорат ва раҳбарлик функцияларига эга бўлиб, ташкилий ва институционал асосларсиз мавжуд бўла олмайди. Шунингдек унинг сиёсий ҳаракатлар, институтлар ва ижтимоий тузилмада амал қилишини ҳам эътиборга олмоқ керак.

**ҲУДУД** — вилоят, мамлакатнинг бошқа жойларидан табиий ва тарихан шаклланган иқтисодий, ижтимоий, маданий ўзига хосликлари билан ажралиб турадиган қисми.

**ҲУЖЖАТ** — ахборотни сақлаш ва узатиш мақсадида инсон томонидан яратилган предмет. Босма ҳолда ёки киноплёнкада, фото — ёки киноплёнкада, кассеталарда қайд қилинган ҳар қандай ахборот ҳужжат ҳисобланади. Ҳужжатни ўрганишда асосий эмпирик объектлар бўлиб матнлар, аниқроғи уларнинг оммавий сизими хизмат қилади.

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** — социологик тадқиқотда маълумотлар йиғишнинг асосий услубларидан бири. Бу услуб қўлёзма ёки босма матнлардаги, магнит тасмасидаги, киноплёнкалардаги ва ҳ.к. қайд қилинган ахборотни қўллашни кўзда тутди.

**ҲУҚМРОНЛИҚ** — сиёсий социологияда ҳокимиятни амалга оширишни ифодаловчи тушунча. Ҳуқмронлик институционал кўринишга эгаллиги, жамиятнинг ҳуқмронлик қилувчи ва бўйсунувчи гуруҳларга бўлиниши, шунингдек алоҳида бошқарув аппаратининг ажралиб туришини назарда тутиши билан ифодаланади. Ҳокимият ва ҳуқмронликни фарқламоқ керак. Ҳокимият ҳуқмронликдан олдин келади, унга замин яратади, лекин ҳамма ҳолатларда ҳам ҳуқмронликнинг хусусиятларига эга бўлавермайди. Бунинг учун ҳуқмронлик бўйсунувчиларда

ҳокимиятнинг қонунийлигига ишонч билан мустаҳкам-  
ланиши керак.

**ҲУҚМРОН МАДАНИЯТ** — жамиятнинг барча аъзо-  
лари қабул қиладиган маданий наъмуналар мажмуи.

**ҲУҚУҚ** — мажбурий жорий этилган юриш-туриш,  
ҳатти-ҳаракат қоидалари. Ҳуқуқнинг мажбурийлиги дав-  
лат томонидан ўрнатилади ва бажарилиши таъминлана-  
ди. Конституциявий ҳуқуқлар конституциявий меъёрлар  
билан, оддий ҳуқуқлар оддий қонунлар билан тартибга  
солинади. Ҳуқуқ ўз навбатида тармоқларга бўлинади:  
конституцион ҳуқуқ, хўжалик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ  
ва б.

**ҲУҚУҚ СОЦИОЛОГИЯСИ** — ҳуқуқ институтининг  
бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳамкорликда  
амал қилишини, шунингдек ҳуқуқий меъёрларнинг кел-  
иб чиқиши, динамикаси, тузилмасини, уларнинг жами-  
ятдаги ўрни ва ролини ўрганувчи социология соҳаси.

1000

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Американская социология. — М.: 1972.
3. Американская социология сегодня. Перспективы. Проблемы. Методы. — М.: 1972.
4. Бегматов А. Социологияга кириш.—Андижон, 1995.
5. Бекмуродов М. Социология асослари. — Т.: Фан, 1994.
6. Бекмуродов М. Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. — Т.: Фан, 1995.
7. Громов И. А., Мащевич А. Ю.: Семенов В. А. Западная социология. — М.: Центр, 1997.
8. Давлат ва ҳуқуқ асослари / Тузувчилар — О. Хусанов, Х. Азизов, Масъул муҳаррир — А. А. Азизхўжаев. — Т.: Уқитувчи, 1995.
9. Давыдов Ю. Н. История теоретической социологии. Введение. Социол. исслед. 1993., № 5.
10. История буржуазной социологии первой половины XX в.— М.: 1982.
11. Кон И. С. Позитивизм в социологии.—М.: 1964.
12. Кравченко А. И. Введение в социологию: Учебное пособие. М.: Новая школа, 1995.
13. Краткий политический словарь.—М.: Политиздат, 1987.
14. Краткий словарь по социологии. — М.: Политиздат, 1988.
15. Научно-технический прогресс: Словарь — М.: Политиздат, 1987
16. Покровский Н. Е. Классики современной теоретической социологии. Социол. исслед. 1993, № 6.
17. Радугин А. А., Радугин К. А. Социология: курс лекций, 2-е издание, переработанное и дополненное. — М.: Центр, 1997.
18. Селигмен Б. Основные течения современной экономической мысли. — М.: Прогресс, 1968.
19. Советский энциклопедический словарь. — М.: 1983.
20. Современная западная социология: Словарь. М. Политиздат, 1990.
21. Современная западная философия: Словарь. М. Политиздат, 1991.
22. Современные Соединенные Штаты Америки. Энцикл. справочник. — М.: Политиздат, 1988.
23. Социологический энциклопедический словарь. На русском, английском, немецком, французском и чешском языках. Редактор-координатор — академик РАН Г. В. Осипов. — М.: Издательская группа ИНФРА. М — НОРМА, 1998.
24. Философия дугати. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
25. Холбеков А. Ж. Шарқ ва гарб мутафаккирларининг социология таълимоти. — Т.: Университет, 1996.
26. Юнусов К. Социология. Ўқув қўлланмаси. — Андижон, 1997.
27. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. Таҳрир ҳайъати М. Амминов (масъул муҳаррир) ва бошқ. — Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
28. Ўзбек совет энциклопедияси. — Т.: 1-12—Т.: 1972—79.

# АЛФАВИТ КЎРСАТГИЧИ

## А

Абу Али ибн Сино  
Абу Райҳон Беруний  
Авлод  
Авторитаризм  
Авторитарлик  
Авторитет  
Агломерация  
Адабиёт социологияси  
Адаптация  
Адорно Т.  
Азалий мақом  
Академик социология  
Аккультурация  
Акселерация  
Аксил маданият  
Алишер Навоий  
Алоҳида ҳаракат  
Анкета  
Анкета саволлари  
Анкета сўрови  
Анкета юритувчи  
Аномия  
Анъанавий ҳокимият  
Анъаналар  
Арон Р. К. Ф.  
Асосий мақом  
Асоциал хулқ  
Ассоциация  
Астрология  
Атрибуция  
Лутгуруҳ  
Ахборотни кодлаштириш  
Ахлоқий-маънавий меъёр  
Ахлоқ социологияси  
Аҳамиятли ҳаракат  
Аҳоли бандлиги хизмати  
Аҳоли миграцияси

## Б

Бандлик  
Башорат  
Бегоналашув

11—155

Бедил мирзо  
Беккер Г. П.  
Белгиланган мақом  
Белл Д.  
Бернард Л. Л.  
Биографик услуб  
Бирламчи гуруҳ  
Бихевиоризм  
Блау П. М.  
Блумер Г.  
Боттомор Т.  
Булон Р.  
Бошқарув  
Бошқарув социологияси  
Бюрократия  
Бўш вақт  
Бўш вақт социологияси

## В

Валентлик  
Валидлик  
Ван Дер Бергс П. Л.  
Вебер М.  
Веблен Т.  
Вербаллаштириш  
Вербал ҳужжатлар таҳлили  
Верификация  
Визе Л. Ф.  
Вирт Л.  
Волюнтаризм

## Г

Гальтон Ф.  
Гарфинкель Г.  
Гиддингс Ф. Г.  
Гобино Ж. А.  
Гольдман Л.  
Гоулднер А.  
График ҳужжатларни таҳлил қилиш  
Гумплович Л.  
Гурвич Г. Д.  
1 уруҳ

161

Гуруҳ динамикаси  
Гуруҳий бирдамлик  
Гуруҳий мутаюсиблик  
Гуруҳий силжувчанлик  
Гуруҳлараро муносабатлар  
Гуруҳлаштириш  
Гуруҳ меъёрлари  
Гуруҳ тузилмаси  
Гуссерл Э.

## Д

Давлат  
Дала тадқиқоти  
Дарендорф Р.  
Девиант хулқ-атвор  
Девиация  
Делинквент  
Демократия  
Детерминация  
Днада  
Диалектик социология  
Дильтей В.  
Дин социологияси  
Диспозиция  
Диспропорционал (тенг  
улушли бўлмаган) танлаш  
Дисфункционаллик  
Дифференциация  
Диффузия  
Дюркгейм Э.

## Е

Етакчи  
Етакчилик

## Ё

Ёнлама (горизонтал) ҳаракат-  
чанлик  
Ёшлар  
Ёш социологияси  
Ёшлар социологияси  
Ёш мақоми

## Ж

Жамият  
Жамоа  
Жамоатчилик фикри  
Жамоатчилик фикри социоло-  
гияси  
Жиноят социологияси

## З

Зиммел Г.  
Знанецкий

## И

Иби Холдун  
Иерархия  
«Ижтимоий» (атама)  
Ижтимоий агрегация  
Ижтимоий адолат  
Ижтимоий ажралиб қолиш  
(изоляция)  
Ижтимоий алмашишиш  
Ижтимоий алоқа ✓  
Ижтимоий антропология  
Ижтимоий ахборот  
Ижтимоий аҳвол  
Ижтимоий башорат  
Ижтимоий бирдамлик  
Ижтимоий бошқарув  
Ижтимоий боғлиқлик  
Ижтимоий бузилиш (деграда-  
ция)  
Ижтимоий вазифа (функция)  
Ижтимоий вақт  
Ижтимоий гигиена (санита-  
рия)  
Ижтимоий гуруҳ  
Ижтимоий давра  
Ижтимоий далил (факт)  
Ижтимоий дарвинизм  
Ижтимоий динамика  
Ижтимоий дифференциация  
Ижтимоий доира  
Ижтимоий жараён  
Ижтимоий заҳиралар  
Ижтимоий имтиёзлар  
Ижтимоий интеракция  
Ижтимоий институтлар  
Ижтимоий институтлар дис-  
функцияси  
Ижтимоий интеграция  
Ижтимоий инфантилизм  
Ижтимоий инфраструктура  
Ижтимоий-иқтисодий харита-  
лар  
Ижтимоий касалликлар  
Ижтимоий категория  
Ижтимоий кафолатлар  
Ижтимоий коммуникация  
Ижтимоий конформизм  
Ижтимоий кўникиш  
Ижтимоий кўрсаткичлар  
Ижтимоий кўчишлар  
Ижтимоийлашув

Ижтимоийлашув агентлари  
 Ижтимоий мақом  
 Ижтимоий масофа  
 Ижтимоий мақом (статус)  
 Ижтимоий меъёр  
 Ижтимоий меъёрлар  
 Ижтимоий мослама (ўрпатма)  
 Ижтимоий мослашув (адаптация)  
 Ижтимоий муаммо  
 Ижтимоий мувозанат  
 Ижтимоий муносабат  
 Ижтимоий муносабатлар ✓  
 Ижтимоий муомала (контакт)  
 Ижтимоий муҳандислик  
 Ижтимоий муҳит  
 Ижтимоий назорат  
 Ижтимоий низо  
 Ижтимоий поссоғломлик  
 Ижтимоий оралқ  
 Ижтимоий парчаланиш  
 Ижтимоий перцепция  
 Ижтимоий режалаштириш  
 Ижтимоий рол  
 Ижтимоий рол низолари  
 Ижтимоий руҳий диагностика  
 Ижтимоий руҳшувослик (психология)  
 Ижтимоий санкциялар  
 Ижтимоий сиёсат  
 Ижтимоий статика  
 Ижтимоий стереотип  
 Ижтимоий стратификация  
 Ижтимоий субъект  
 Ижтимоий субъектлик  
 Ижтимоий суғурта  
 Ижтимоий таваккалчилик  
 Ижтимоий тартиб  
 Ижтимоий технология  
 Ижтимоий тизим  
 Ижтимоий тузилма  
 Ижтимоий фалсафа  
 Ижтимоий фаоллик  
 Ижтимоий фатализм  
 Ижтимоий феъл-атвор  
 Ижтимоий фикр ✓  
 Ижтимоий хизмат  
 Ижтимоий экология  
 Ижтимоий ўзаро ҳаракат  
 Ижтимоий ўзгариш  
 Ижтимоий ўрин  
 Ижтимоий қайта тиклаш  
 Ижтимоий қайта тиклавиш  
 Ижтимоий қадриятлар  
 Ижтимоий қонун  
 Ижтимоий қўллаб-қувватлаш

Ижтимоий ҳамкорлик  
 Ижтимоий ҳаракат  
 Ижтимоий ҳаракатчилик (мобиллик)  
 Ижтимоий ҳатти-ҳаракат  
 Ижтимоий ҳимоя  
 Ижтимоий ҳолат  
 Иккиламчи гуруҳ  
 Имиж  
 Ингуруҳ  
 Индетерминизм  
 Индивид  
 Индивидуаллик  
 Индивидуал сплжувчанлик  
 Индикатор  
 Инновация  
 Институционаллашув  
 Институционал социология  
 Интеграция  
 Интенция  
 Интервью  
 Интервью олувчи  
 Интерсубъективлик  
 Инфилтрация  
 Ислоҳот  
 Иқтилоб  
 Иқтисодий социология

## К

Катаклизмлар  
 Катта гуруҳ  
 Квазигуруҳ  
 Кетле Л. А. Ж.  
 Киборлар (элита) маданияти  
 Кичик гуруҳ  
 Клан  
 Клика  
 Клуб  
 Коалиция  
 Ковалевский Л. Г.  
 Коллектив  
 Коллектив хулқ-атвор  
 Коллизия  
 Комитет  
 Коммуникация  
 Компьютерлаштириш  
 Консенсус  
 Конституция  
 Конт О.  
 Контент — таҳлил  
 Контигент  
 Конфликт  
 Конформизм  
 Конфронтация  
 Кооперация

Корпорация  
Корреляция  
Корреляцияли таҳлил  
Космополитизм  
Ксенофобия  
Кузатув  
Кули ч. х.  
Кўзгудаги «мен» назарияси  
Кўппоғонали танлаш

## Л

Лабиллик  
Лазарсфельд П. Ф.  
Лассуэл Г. Д.  
Латентлик  
Латентли — структурали таҳлил  
Лебон Г.  
Легаллик  
Легитимлаштириш  
Легитимлик  
Ле Пле Ф. П. Г.  
Лонгитюд тадқиқот

## М

Маданий детерминизм  
Маданий наъмуна  
Маданий релятивизм  
Маданий ўзгариш  
Маданият  
Маданият социологияси  
Макросоциология  
Манипуляция  
Манейм Қ.  
Маргинал шахс  
Маркетинг  
Маркузе Г.  
Маслоу А.  
Матбуот сўрови  
Матрица  
Мақсадли танлаш  
Менежерлар  
Менжмент  
Менталитет  
Мерло-Понти М.  
Мертон Р. К.  
Меъёрий маданият  
Меҳнат социологияси  
Меҳнат тақсими  
Миграция  
Мид Ж. Г.  
Микросоциология  
Миллс Ч. Р.  
Михайловский Н. К.

Мола  
Мола социологияси  
Модал шахс  
Модус  
Мониторинг  
Монографик тадқиқот  
Монтескье Ш. Л.  
Морено Я. Л.  
Москва Г.  
Мослашувчанлик  
Мотивация  
Мушиқа социологияси  
Муқобил социология  
Мэйно Э.

## Н

Назарий — ахборотли таҳлил  
Наркомания  
Никоҳ  
Нисбет Р.  
Номинал гуруҳ  
Норасмий гуруҳ  
Норасмий ташкилот

## О

Оила  
Оила социологияси  
Оломон  
Омилли (факторли) таҳлил  
Омма  
Оммавий маданият  
Оммавий оинг  
Ортега-и-гассет Х.  
Огма (девиант) ҳатти-ҳаракат

## П

Панел тадқиқот  
Парадигма  
Парето В.  
Парк Р. Э.  
Парламент  
Парсонс Т.  
Пилотаж тадқиқот  
Почта орқали сўров  
Прагматизм  
Праксиология  
Прогнозлаш  
Прогностика  
Пропорционал (улушли) танлаш  
Протекционизм

## Р

Ранглаштириш  
Расмий (формал) гуруҳ  
Рационализм  
Рақобат  
Рейтинг  
Репрезентативлик  
Репрезентативлик хатоси  
Репрезентатив танлаш  
Респондент  
Референт гуруҳ  
Рим клуби  
Рисмен Д.  
Ритуал  
Рол  
Рол кескинлиги  
Ролларни оқилона танкил қилиш  
Ролларни тартибга солиш  
Ролларни тақсимлаш  
Рол низоси  
Рол тайёргарлиги  
Рол тизими  
Рол ҳатти-ҳаракати  
Ростоу У. У.

## С

Сайловлар  
Самнер У. Т.  
Санкция  
Саноат (индустриал) социология  
Саноатлашув (индустриализация)  
Сен-Симон К. Р.  
Сиёсий ижтимоийлашув  
Сиёсий иштироқ  
Сиёсий партия  
Сиёсий социология  
Сиёсий қурилма (таркиб)  
Синергетика  
Синф  
Смит А.  
Смолл А. В.  
Сорокин П. А.  
Социетал  
Социобиология  
Социогенез  
Социогеография  
Социограмма  
Социодрамма ва психодрамма  
Социлингвистика  
Социолог

Социологизм  
Социологик ахборот банки  
Социологик ахборотни бирламчи қайта ишлаш  
Социологик ахборотнинг иккиламчи таҳлили  
Социологик ахборотнинг ишончлилиги  
Социологик ахборотни қайта ишлаш  
Социологик индекс  
Социологик тадқиқот гипотезаси (тахмини)  
Социологик тадқиқот дастури  
Социологик тадқиқот муаммоси  
Социологик тадқиқот натижаларининг ишончлилиги  
Социологик тадқиқот объекти  
Социологик тадқиқот предмети  
Социологик тадқиқот техникаси  
Социологик тадқиқот қурол-аслаҳаси  
Социология  
Социологияда биологик йўналиш  
Социологияда услуб  
Социометрия  
Социомуҳандис  
Социум  
Спенсер Г.  
Стандарташтириш  
Статистик услублар  
Стратификация  
Сублимация  
Субмаданият  
Суицид  
Суҳбат  
Сўл радикал социология  
Сўров  
Сўров варағи

## Т

Табақалаштирилган танлаш  
Табий ҳуқуқ  
Тадбиқий социология  
Танлаш  
Танлаш (жараён сифатида)  
Танлаш (услуг сифатида)  
Танлаш (ҳажми сифатида)  
Танлаш асоси  
Танлаш бирлиги  
Танлашнинг вакиллилиги  
Танлашнинг силжиши

Танлашнинг стандарт хатолари  
 Танлашнинг тарқалиб кетиши  
 Танлашнинг тасодифий хатолари  
 Танлашнинг тақсимланши  
 Танлашнинг тизимли хатолар  
 Танлаш сизими  
 Танлаш схемаси  
 Танлаш хатолари  
 Танлаш ҳажми  
 Тард Г.  
 Тарихий социология  
 Тасодифий танлаш  
 Ташкилот  
 Ташкилотнинг ташқи ўрами  
 Таълим социологияси  
 Тақсимот муносабатлари  
 Тезкор социологик тадқиқот  
 Теннис Ф.  
 Тест  
 Техницизм  
 Технологик детерминизм  
 Тизимли эҳтимолий танлаш  
 Тик (вертикал) ҳаракатчанлик  
 Тирикян Э.  
 Тойнби А.  
 Токвил А.  
 Толерантлик  
 Томас У  
 Тоталитаризм  
 Тоффлер Э.  
 Триада  
 Турмуш социологияси  
 «Тушунувчан» социология  
 Тушуничаларни изоҳлаш  
 Тўда

## У

Умумий фаровонлик давлати  
 Унификация  
 Уорд Л. Ф.  
 Урбанизация  
 Урф-одат  
 Уяли танлаш

## Ф

Фан социологияси  
 Форобий  
 Феноменологик социология  
 Фрейд Э.  
 Фромм Э.  
 Фрустрация  
 Футуролог

Футурология  
 Фуқаролик жамияти  
 Х

Хабермас  
 Халқ маданияти  
 Харизма  
 Харизматик ҳошимият  
 Хилларга ажратиш  
 (хиллаштириш)  
 Хобхаус Л. Т.  
 Хоманс Я. К.  
 Хоркхаймер М.

## Ц

Цивилизация

## Ч

Чикаго мактаби

## Ш

Шахс  
 Шаҳар  
 Шаҳар социологияси  
 Шеллер М.  
 Шельски Х.  
 Шеффле А. Э. Ф.  
 Шкалалар  
 Шпенглер О.  
 Шюц А.

## Э

Эгалитаризм  
 Эквивалент  
 Эгоизм  
 Экзистенция  
 Эксперт баҳолаш услуги  
 Экстремизм  
 Элита  
 Эмассинация  
 Эмигрант  
 Эмиграция  
 Эмпирик социология  
 Эмпирик тадқиқот  
 Энг катта (генерал) сизим  
 Эркин танлаш  
 Эскапизм  
 Этник гуруҳ  
 Этнометодология  
 Этноцентризм  
 Эҳтисолат  
 Эҳтимолий танлаш

**Ю**

Юсуф хос Хожиб

**У**

Узгарунчан белги

Улчагичлар

Ўрта қатлам (синф)

**Қ**

Қлёсий тадқиқот

Қисмлаштирилган танлаш

Қишлоқ

Қишлоқ социологияси

Қўлга киритилувчи мақом

Қўлга киритилган натижалар  
аниқлиги

**Ҳ**

Ҳаёт даражаси

Ҳаёт рағбати (стимули)

Ҳаёт сифати

Ҳаёт тарзи

Ҳаракатчанлик интенсиявлиги

Ҳаракатчанлик тезлиги

Ҳарбий социология

Ҳокимият

Ҳудуд

Ҳужжат

Ҳужжатларни таҳлил қилиш

Ҳукмронлик

Ҳукмрон маданият

Ҳуқуқ

Ҳуқуқ социологияси

## МУНДАРИЖА

<i>А. Х. Саидов. СОЦИОЛОГИЯ ОЛАМИГА МАРҲАМАТ</i> (сўз боши ўрнида)	3
Лугат-маълумотномадан фойдаланиш	9
Лавҳалар ва изоҳлар: А-Ҳ .	10
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	160
Алфавит кўрсаткичи	162



АБДУҒАНИ ХОЛБЕКОВ,  
УЛУҒБЕК ИДИРОВ

### СОЦИОЛОГИЯ

Тошкент, 700129, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, Навоий кўчаси, 30.

Муҳаррир *С. Аҳмедова*  
Техник муҳаррир *В. Мешерякова*  
Бадий муҳаррир *О. Возняк*  
Мусахҳиҳ *Г. Широкова*

Н/К

Босмаҳонага 07.10.98 да берилди. Босишга 02.12.98. да руҳсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Газета қоғози. Юқори босма. Адабий гарнитурга. Шартли босма табоқ 8,82. Шартли бўёқ-оттиски 9,03. Нашр босма табоқ 10,0. 65—98 рақамли шартнома. Жами 5000 нуска. 155 рақамли буюртма Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.